




АБДУЖАЛОЛ
ТАИПАТОВ



ЎҒИЛ

84(59)6
Т-17



АБДУЖАЛОЛ
ТАЙПАТОВ

Ҳикоялар
Қисса
Публицистика

ЎҒИЛ

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ - 2020

QDPI ARM-1
№ 348853

УЎК: 821.512.133-3(081)

КБК: 84(5Ў)6

Т – 17

Т – 17 Тайпатов, Абдужалол.

Ўғил. Ҳикоялар, қисса, публицистика – Т.
«Sharq». 2020. – 224 б.

Китобда журналист, ёзувчи Абдужалол Тайпатовнинг турли йилларда ёзилган насрий ва публицистик асарлари жамланган. Муаллифнинг юртга меҳр-муҳаббат, эътиқод ва садоқат, оқибат, виждон ва орият, инсон умри мазмуни ҳақидаги қарашлари, ўй-фикрлари сизни ҳам бефарқ қолдирмайди.


Умид қиламизки, “Ўғил” китоби жавонингиздан муносиб ўрин олади.

ISBN 978-9943-59-94-9-9

УЎК:821.512.133-3(081)

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-59-94-9-9



ҲИКОЯЛАР

УЛҒАЙИШ

Машина орқага юриб, очиқ турган дарвозадан ичкари кирди. Секинлаб борди-да ҳовли тўрида одам бўйи келадиган, тирқишларига латта-путта тиқиб қўйилган ёғоч эшикка тақалиб тўхтади. Кабинадан шапкали, фуфайка кийган йўғон киши тушди. У эҳтиёткорлик билан дарвоза табақаларини бирлаштирди-да темир дастакни илдирди. Бир пас қўшни ҳовлиларга кулоқ тутди. Сокинлик. Осмоннинг бир четидан хира нур сочиб тепага кўтарилаётган қошдеккина ойни ҳисобга олмаганда тун сукунатини бузишга гўё ҳеч ким журъат этолмаётгандек.

Ўнг томондаги томи шифер билан ёпилган баланд уйнинг айвонида чироқ ёнди. Ичкаридан кичик жуссали, муштдеккина бир аёл чиқди.

– Ғаллахонанинг калитини обчиқ!

Аёл ичкарига қайтиб кирди. Даҳлиз деворидаги михга осиб турган шода калитлардан бирини олди-да, эшигининг тирқишидан ёруғ тушиб турган тўрғи хонага ўтди. Хонада рангсизгина, оқиш юзли бола кўкрагини ёстиққа босганча китоб ўқирди. У шарпани сезиб, бошини кўтарди.

– Ҳалиям ётмадингми?

– Ҳозир, озгина қолди... – Бола яна китобга юзланди.

– Отанг келди. Кийиниб чиқақол, юки борга ўхшайди.

Бола китоб варағини буклаб, ёпди. Астаридан пахтаси чиқиб қолган эски чопонини елкасига ташлаганча ташқарига йўналди. Отаси машинанинг орқа томонини тушириб, қўлида курак билан кутиб турарди. Бола индамай отасининг қўлидан куракни олдида кузовга чиқди. Чиқаётганда курак кузовга тегиб “даранг”лаб кетди.

– Секинроқ, – деди ота. – Кўзингга қара! Шошмасдан, товуш чиқармасдан тушир! – унинг овози нимагадир қалтираб чиқди.

Бола юкни тушира бошлади. У ҳар курак сурганида қуюқ чанг тумани осмонга кўтариларди. Аксиға олиб шамол ҳам қарши томондан эсмоқда. Бир пас ишламасдан терлаб, толиқа бошлади. Қулоқ-бурни, юзи чангга беланди. Томоғи қуриб, оғзида лой таъмини сизди. Машина устида чанг булути пайдо бўлди. Бола чангдан қочиб кузовнинг четига ўтди ва пастга, онасиға қаради.

– Эна, оғизни боғлагани рўмол-пумол беринг, ичим чангга тўлиб кетди.

Аёл уй томон юрди. Ота ўғлиға ўшқирди:

– Тезроқ қимирласанг-чи, биратўла ювинасан! – Барибир сабри чидамади. Йўғон гавдасига ярашмаган чаққонлик билан машинаға чиқди. Бироз ишлади. Кейин куракни ўғлиға тутқазиб, белини ушлаганча пастга тушиб кетди.

Бола яна ишға шўнғиди. Ўйлай бошлади. “Нима керак экан шу ишни қилиб? Ҳамма нарсамиз бор бўлса. Ё шундай қилмаса, кунимиз ўтмасмикин?! Нега?! Ҳамманики ўтаяпти-ку?! Мана Акбарларни олайлик. Мендан яхши кийинади. Уйларининг ичиём бизникидан чиройли. Отаси домилла. Ҳамма нарсаға тушунади. Қани, менинг отам ҳам шундай бўлса!”.

Шу пайт кўчада мотор овози эшитилди.

– Ёт-т!

Бола энгашди. Мотоцикл экан. Қўшни кўчаға бурилиб, товуши узоқлашди. Отаси дарвозадан чиқиб қараб келди. Бола ҳамон ўз ўйлари билан овора эди. “Ҳозир мелиса кеп қолса-я. Отасини қамайдими? Унда бизга ким нон топиб беради? Мендан сўраса-чи? Сен комсомолсан, тўғрисини айт, нима иш қилаётгандинг, деса, нима дейман? Тўғрисини айтади. Шундай-шундай бўлди, дейди. Йўғ-е, унда отасини қамаб қўядилар-ку!

Мениям қўшиб қамаса керак-а? Чунки буғдойни мен тушираяпман-ку! Буни Гулсара эшитса нима дейди? Домиллаларчи? Ошналарим-чи?!".

– Нима бало, ухлаб-пухлаб қолдингми?

– Ҳозир. Томоғим лойга тўлиб кетди. – Бола куракни кузовга суяб, пастга тушди. – Бир сув ичиб олай. Бурнини қоққан эди, бир парча лой тушди. "Жонга тегди, нима керак шундай яшаш?"

Ота ўғлининг чарчаганлигини сизди. Бола бечорага ям жавр бўляпти. Бултур том суваётганда нарвондан йиқилиб, бели қаттиқ лат еган эди. Шундан бери катта-кичик юмушнинг ҳаммаси шу ўғлига қолган. Каттаси армияда. Шу тиромага келади. Шунчалик қилмасаям бўлмайди. Бир қозондан ўн уч жон овқат ейди. Эшикли уй – биров келади, биров кетади. Ҳали олдида маъракаси бор. Икки қўлини бурнига тикиб ўтирган билан биров келиб берармиди?! Ойлик тирикчиликдан ортмаса.

Эр ёнида турган хотинига ўғирилди.

– Чиқ, ёрдамлаш!

Аёл машинага тирмашди...

* * *

Мусурмонқул кечга яқин уйга қайтмоқчи бўлиб моторни ўт олдираётган эди, бошлиқ четга имлаб қолди.

– Қоронғи тушиб, одам-одамни танимайдиган бўлгач, иккинчи бўлим ангарига бориб Маматқул комбайчига учрашинг. Бир бункер тўкиб беради. Уйни биласиз.

Мусурмонқул бошлиқнинг айтганини қилди. У ҳеч маҳал бошлиқларга гап қайтариб ўрганмаган. Шунинг учун ҳам "катта бува" ҳар мавсумда уни бош инженердан сўраб олади.

Энди юкни туширмоқчи бўлиб турганларида бошлиқнинг отаси Ҳайдар гажир чиқиб қолди. Ўлгидай ўжар, бир сўзли бу одамни қишлоқда шундай аташади. У ҳақда қизиқ бир гап юради.

“Ҳайдар гажир бир кун калиш олмоқчи бўлиб бозорга тушибди. Бир жуфт калишга харидор бўлибди. Энди савдолашиб турган экан бир чол (айтишларича, уям гажир экан) келиб мол эгаси айтган пулни тўлабди. Калишларни Ҳайдар гажирнинг қўлидан юлқиб олиб, хуржинига сола бошлабди. Ҳайдар гажирнинг орқаси тутибди. “Бунни мен олмоқчийдим-ку” деган экан, калиш эгаси “Мол пулини тўлаганники”дебди. Ҳайдар гажир шу заҳотиёқ у айтган пулни тўлабди-да, калишларга ушлашибди. Икки гажир талашиб-тортишиб, уришиб қолишибди. Алқисса, иккови икки пойни қўлтиққа қисиб жўнабди. Олибсотар бўлса бир жуфт калишни икки калишнинг баҳосига пуллаганига хурсанд қолаверибди. Миш-мишларга қараганда, ўша бир пой калиш Ҳайдар гажирникида ҳалиям турганмиш”...

Чол қоронғиликда яхши кўрмаса-да ҳассасини тўқиллатиб, машинанинг ёнига келди. – Нима бу? – деб сўради. Кейин бирдан жавабаси тутиб қолди.

– Ол машинангни! – бақирди Мусурмонқулга қараб. – Ҳозир меласага хабар қиламан! Нонтепкилар!

Мусурмонқул бошлиққа қаради. Бошлиқ отасига яқинлашиб, унинг қулоғига нимадир деб шивирлади.

– Ни-м-м-а-а! – чол бақиришда давом этди. – Кунжара еб катта бўлганигни унутдингми? Ҳали кўзим очиқ экан сенларга бу номаъқулни едирмайман. Ўлганимдан кейин эса билганларингни қилинглар. Ҳайда машинангни! – чол ҳассаси билан кабинага ниқтади. Мусурмонқул “Нима қилай?” деган маънода бошлиғига бурилди.

– Бўпти, сиз бораверинг! – бошлиқ жаҳл билан қўл силтади.

– Бунни-чи? – Мусурмонқул кузовга ишора қилди. – Бунни нима қилай?

– Билганингизни қилинг!..

Ғаллани киритиб олишди. Бола қаттиқ чарчади. Томоғи ачиша бошлади. Ювиниб бўлгач, отасининг ёнига – супага чиқиб ўтирди. Она ўғлига чой қуйиб узатди.

– Ич, чарчоғингни босади.

– Йигит ҳам чарчайдимми? Буларнинг ёшида бизлар, эҳ-ҳе, мардикор ишлардик, – ота гапга аралашди. Бир ухласанг, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан.

Бола тараддудланди. “Айтсамми? Уришиб берса-я. Уришса уришар”.

– Ота-а... – Товуш жуда синиқ чиқди.

– Ҳа, нима дейсан? – эр бўш пиёлани аёлига узатди.

– Шу-шу... ишни қилмасангиз-чи? – боланинг кўнглидаги гап беихтиёр оғзидан чиқиб кетди.

– Ни-и-ма-а? – ота ўрнидан туриб ўтирди. Ўғлини биринчи марта кўраётгандай тикилиб қолди. Ойнинг хира нурида унинг юз ифодасини кўриб бўлмасди. Аёл эрига ҳадик билан боқди.

– Ақл ўргатаяпсанми менга?! Ким қўйибди шу пайтдан отага гап ўргатишни?! Яхши. Зўр тарбия бераяпти экан домлаларинг! – Э-э, – ҳавога кўтарилган қўлини ҳафсаласизлик билан силтади-да, яна ёстиққа ёнбошлади. Сен ҳали ниманиям тушунардинг...

Орага оғир жимлик чўкди. Бола пиёлада совиб қолган чойни ҳўплади. Ота аста ҳеч кимга билдирмай хўрсиниб қўйди. Сўнгра вазмин оҳангда гўё ўз-ўзига сўзлаётгандай гап бошлади.

– Азондан қора кечгача тинмайман. Кимгадир ака дейман, кимгадир ука. Бари ким учун? Мен билан энангга нияям керак. Бир халта ун бўлса, бир ой майда чайнаб еймиз. Шулар бировдан кам бўлмасин, шулар бирор нарсага дарқаб¹ қолмасин, бировнинг қўлига қарамасин, деб елиб-югураман. Ҳали тушунмайсан. Кейинроқ, ота бўлганингда

¹ Даркаб – зорикиб

биласан. Эрта-индин аканг армиядан қайтади. Унинг уйини тушириб беришимиз керак. Сен ҳам мактабингни битирай деб қолдинг. Яна ўқирман дерсан. Бунинг ҳаммасига пул керак, ўғлим. Менинг ёшимга етганингда, отам бечора тўғри айтган экан, дейсан. Мен сизларнинг ўқимишли, обрўли одам бўлишларинг тарафдориман. Мен тортган азобларнинг мингдан бирини ҳам кўрманглар, дейман. Ўзинг эсли йигитсан-ку, ўғлим!..

У отасининг бунчалик куйиниб, дард билан гапиришини, отам шунча гапни билади, деб сира ўйламаганди. “Демак, ҳали бу дунёда унинг ақли етмайдиган кўп нарсалар бор”. Бола аста ўрнидан туриб, уй ичкарисига юрди. Ота ўғлининг орқасидан қараб қолди: “Ғалати бўлиб ўсяяпти. Мен бошқачароқ эдим”.

Ўғли билиб-билмай унинг қалб торларини чертиб кетди. Отанинг хаёли қочди. “Бу ёшлар ниманиям тушунарди. Азоб кўрмай ўсяяпти. Отам ўтганида ўн учдан энди ўн тўртга ўтган эдим. Эҳ-ҳе, кимларнинг хизматини қилмадим. Бир ҳовуч буғдой ёки бир бўлак қора зоғора учун нима ишлар қилишга мажбур бўлдим. Мен тенгиларнинг битта ғами бор эди: уям бўлса қорин. Одам бўлиб кун кўраётганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ. Ўқийолмадим. Бунга вақт ҳам, имкон ҳам бўлмади. Оддий рабобчи одамман. Бировга гапим ўтмайди. Баъзан хўрлигим келади. “Кўли текканнинг оғзи ҳам тегади” деган гап бор. Гайи-гайида¹ тўғри кеп қолганда бир қопми, ярим қопми оламан. Ҳарнада. Беш-олтита мол бор. Ахир, ҳамма қилаяпти-ку?! Директор “бува”нинг ўзиям шу мошинни беришда умидвор бўлган. Бўлмаса қандай зўр, тушунган одам. Москвада ўқиб келди. Нима етмайди у кишига. Ҳамма одамда томоқ бор. Бизлар энди иложсизликдан қиламиз. Тўрт ўғил, олти қиз. Уларни кийинтириш, боқиш осонми? Ҳар бирини уйлаш, чиқариш-чи? Кечалари баъзан уйқум қочиб кетади... Э нодон бола-я?”.

¹ Гайи-гайида – гоҳи-гоҳида

Бола ўз хонасига кирди. Ерда ётган китобини дераза рахига олиб қўйди. Ечинмасдан ўрнига чўзилди. “Нимага бундай? Китобларда бошқачароқ ёзилади-ку?! Наҳот, тўппа-тўғри, ҳалол яшаб бўлмаса? Кимга ишониш керак? Домлаларнинг ҳамма гапи тўғрими? Ана Сувон домлани олинг. Уларга географиядан дарс ўтган. Синфда папирос чекиб ўтирарди. Бир куни қизиқ бўлди. Сувон домла дарс ўтаётувди, тўғрироғи, китобдан ўқиб бераётган эди. Нима бўлди-ю, у ташқарига чиқди. Шунда биринчи партада ўтирадиган Карим калта китобнинг бошқа бетини очиб қўйди. Сувон домла қайтиб кирди-да, ўша жойдан ўқишга тушди. Болалар кулиб юборди. У ҳаммани уришди. Карим калта шапалоқ еди...

Ўша Сувон домла ҳозир совхознинг омборида катта. Одамларнинг айтишича, бир халта пули бормиш. Ўғли Собир сариқ бўғинлаб ўқишниям билмаса-да, домлалар унга “беш” қўяди. Нега бундай қилади, тушунмайман. Собир сариқнинг мақтанишича, ўнинчини битирса отаси машина олиб берармиш. Кейин қизларни миндириб каттайса қилармиш. Очил маллим бўлса худди ёш боладай ҳалиям валасапид миниб юради. Тунов куни Собир сариқ уни “энангди...” деб сўқди. Ҳеч ким унга индамади. Директоримиз эшитсаям ҳеч нарса демади. Мен шундай қилганимда эртагаёқ мактабдан ҳайдашарди.

Қаттиқ чарчаган бўлишига қарамасдан унинг сира уйқуси келмасди. Ҳадеб у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилар, чалқанча ётганча ўй сурарди. Ёпирилиб келаётган охири йўқ саволларга жавоб тополмай мурғак қалби озорланар, қийналарди. “Отамнинг гаплари тўғрими? Пул бўлмаса кун ўтмайдами? Нега унда Тайлоқ кўр билан Ислон чўлоқ очдан ўлиб қолмайди?”

Тўлишиб тобора ёрқинроқ шуъла таратаётган кемтик ой эса деразадан ўғринча мўраларди. Тонг оқариб келарди...

1979 й.

ЖИЯН

Шаҳарнинг энг катта магазинларидан бири. Тоға-жиян иккинчи қаватни айланиб юришибди.

– Манави зўр экан, сизга тўғри кеп қолар? – тоға жиянига жигар ранг камзул-шимни кўрсатди. – Ўзиям импортнийга ўхшайди.

Абдимурод камзулнинг у ёқ-бу ёғини ағдариб кўрди. Асл матодан тикилган, чет элники. Шунақасини анчадан бери тополмай юрувди. Размери ҳам жуда мос.

– Оламизми? – Ҳамдамхон чўнтагини кавлаштира бошлади йигитнинг тараддудланганлигини рози бўлдига йўйиб.

Абдимурод уст-бошига назар солди. Ювила-вериб ранги унниқиб кетган, талабаликдан қолган кўкиш камзули кўзига кўримсиз кўриниб кетди. "Жониворни беш йилдан бери тиндирмай кияди-да, ахир. Аксига олиб ёнида пули ҳам йўқ".

– Йўқ, ёқмади. Юқорига чиқайлик-чи?

Ҳамдамхон ғижинди. "Мунча ғурурли бўлмаса бу етимча. Озиб-тўзиб тамом бўлибди-ю, яна ноз қиладилар. Умрингда шунақасини кийганмисан, ўзи?"

Магазиннинг сўнгги қаватига – "Аёллар бўлими"га кўтарилишди. Тоғанинг калласига "Хотинига бирор матоҳ олдирмоқчи" деган фикр келди. Тайёр кийимлар тартиб билан териб қўйилган қаторга бурилди. Қундуз ёқали пальто унга маъкул тушди.

– Манавини кўринг жиян, келинпошшага жуда кетади-да. – Йигитни ўзи томон имлади у.

Ҳамдамхон танлаган пальто чиройли эди. Эсига хотини тушди. "Турмуш қурганларига ўн йилдан ошаяптики, бечорага тузукроқ нарса совға қилганини эслолмайди. Ҳалиям бахтига Гулсара ақлли аёл чиқди. Уним кам, буним етишмайди деявермайди. Борига шукр қилади. Абдимурод баъзан "Сен бечораям менга тегиб рўшнолик

кўрмадинг, одамдай яшамадинг” деб қолса, “Қўйсангиз-чи, ўзингиз мен учун катта бойликсиз” дейди ёқимли жилмайиб. Бундай пайтларда хотинини ниҳоятда яхши кўриб кетади. Мана бу пальтони оборса борми, қанчалик суюнади. Қани эди!” У пальтонинг астарига нархига кўз югуртирди. “Вой-бу, жуда қиммат-ку! Бунча пулни қаердан олдингиз, деб сўраб қолса, нима дейман? Тоғам ўғлини ўқишга киритмоқчи бўлганим учун совға қилди, дейманми? Қайси тил билан айтади. Жондан азиз кўрган кишисига ҳаром пулга совға? Яна умрида биринчи марта-я. Асло! Ундан кўра...”

– Келингизнинг пальтолари кўп. Яқинда худди шунақасидан олиб берганман. Ҳеч нарсга олмасангиз пастга тушамиз.

Ҳамдамхон жиянидаги бу кескин ўзгаришдан анграйиб қолди. Унинг кетидан оғир судралиб пастга тушди.

Кечқурун поездга чиқиш олдидан роса ялинди:

– Жон жиян, бу яхшилигингизни ўла-ўлгунча унутмайман! Биздан қайтмаса, болалардан қайтар. Қариндошчилигимиз, марҳум отангиз ҳурмати бир марта ҳўп денг. Тобуткашмиз, ахир...

Кап-катта, савлатидан от ҳуркадиган, қишлоқда каттаю-кичик “эшонбува” деб ҳурматига қўл қовуштириб, доим тўрдан жой кўрсатадиган бу одамнинг марҳум отасининг номини ўртага қўйиб ёлвориши йигитнинг кўнглини сал юмшатди.

– Ҳўп, майли, ёзнинг бошларида йигитчанинг ўзи бир келсин. Танишайлик-чи, – деди хайрлашаркан.

...Абдимурод кечқурун ишдан келса уйда тоғаси ўтирибди. Басавлат, шоп мўйлов бу одамни ўқувчилик пайтларида кўча-кўйда учратиб қолар, рўбарў келганларида “яхшимисан, жиян” деб ўтарди. Аста-секин Абдимурод ҳам уни “тоға” дейдиган бўлди. Ҳамдамхонни у отасининг жанозасида учратганидан бери қайтиб кўрмаган, эсидан ҳам чиқай деб қолганди. Ўша тоғаси бугун Тошкентдай

шаҳри азимдан сўраб-суриштириб, уйини топиб келибди. Улар кучоқлашиб кўришдилар. Узоқ сўрашдилар.

Абдимурод катта бир институтда ўқитувчи. Тўғрироғи, кафедра мудири, илмий иш олиб борапти. Қишлоқдошларининг таъбири билан айтганда: “Хоҳласа икки-уч болани жойлаштириб қўя оладиган катта домилла”.

– Яшанг жиян! Асли ўзимизга тортгансизда. Шундай катта шаҳарда ишлашнинг ўзи бўладими? – тоға ҳар гапида жиянини мақтарди. Қишлоқдаги ўзгаришлардан гаплашдилар. Янги бошлиқлар, полвонлар, марҳумлар ва тириклар, ҳуллас, ўша куни қишлоқда қулоғи шанғилламаган одам қолмади ҳисоб. Охири тоға муддаога ўтди.

– Жиян, – деди салмоқлаб, – энди бир хизматингизни аямайсиз. Сизни қора тортиб келдик.

– Хўш-ш, қандай хизмат экан, – сергакланди Абдимурод. – Агар қўлимдан келса...

– Катта ўғлимиз бу йил мактабни битирапти.

Абдимурод масалага тушунди. Ўйланиб қолди. Бироз тараддудланиб, юмшоқлик билан тушунтиришга уринди.

– Тоға, мен бунақа ишни ҳеч қилмаганман. Қолаверса, ўз кучи билан киргани маъқул. Илмининг қадрига етади.

– Қанақа иш? Мен сизга ўғирлик қилинг деяпманми? Ё одам ўлдиринг деяётган бўлмасам. Қўлингиздан келадиган ишни сўраяпман. Майли, тортинмай айтаверинг. Қанча харажати бўлса, розиман. Пул қўлнинг кири. Мирвалихон одам бўлса бўлгани.

– Тушунсангиз-чи, бунақа ишларга ҳечам аралашмаганман. Бундан кейин ҳам. – Энсаси қотди Абдимуроднинг.

Жиянининг гапини тоға ўзича тушунди. “Устозинг дурустга ўхшайди-ку!” Ёнидан бир даста пул чиқариб хонтахта устига ташлади.

– Домла-помлангларга чой-пой обераарсан... – Тўсатдан сенсиради у.

Абдимуроднинг ранги бўздай оқарди. – Олиинг! – деди паст, лекин қатъий оҳангда. Овози титраб чиқди.

Ҳамдамхон пулни йигит томон суриб қўйди. – Ҳали бу хамир учидан... – У гапини тугатолмади.

– Ол! Олинг деяпман!!! – бақириб юборди Абдимурод.

Ўша куни тоға билан жиян бошқа гаплашмадилар. Абдимурод тун бўйи ухлолмай чиқди. Хаёли ўтмишга, ўзининг абитуриентлик даврига олиб қочди.

... Адабиётдан оғзаки имтиҳон борарди. Кетмакет икки йил “йиқилган” Абдимурод жуда пухта тайёргарлик кўрган бўлиб, ҳар қандай саволга фақат “беш”га жавоб бераман, деб ўйларди. Паст бўйли, ўрта ёшлардаги домла Абдимуроднинг жавобларини бепарволик билан эшитди-да, лабини чўччайтириб “уч” дея синов варақасига қўл узатди. Йигит ўзи билмаган ҳолда “Нега?” деб юборди. Тўғрироғи, оғзидан чиқиб кетди. “Икки” деди домла ғолибона тиржайиб.

– Тўхтанг-чи, Аъзам Акрамович, – боядан бери Абдимуродни диққат билан тинглаётган нозиккина, сочларига оқ оралаган аёл – иккинчи ўқитувчи унга мурожаат қилди.

Абдимурод аёлга нажот билан боқди. Аёл Аъзам Акрамовичнинг қўлидан йигитнинг синов варақасини оларкан, эътироз билдирди:

– Йигитнинг жавоблари анча дадил-ку, домла?! – Сўнгра Абдимуродга юзланди.

– Укажон, – деди мулойимлик билан, – сиз билет саволларига тўғри жавоб бердингиз. Хўп десангиз, яна иккита савол бераман.

Аёлнинг овозидаги майинлик йигитни дадиллантирди. Боши билан “розиман” ишорасини билдирди. Аёл домла ҳар бир саволга берилаётган

жавобларни тингларкан, боши ва кўзи билан “маъкул” ишорасини билдирарди. Ниҳоят тўлиқ қаноатланди, шекилли, овозини чиқариб “Яхши, жуда яхши!” деди.

Аъзам Акрамович орага суқилди:

– Майли, “уч” қўяқолинг, Раънохон. Иккинчи марта маҳмаданагарчилик қилмайди.

– Нега энди? – аёл унга қаттиқ тикилди. Юзида қатъият ифодаси пайдо бўлди. Қорачиқлари кенгайиб, қошлари чимирилди. – Бу баҳо билан у конкурсдан ўтолмайди. Бола бечорага жабр бўлади. Бугун имтиҳон топширганлар ичида энг тўлиқ жавобни шу йигитдан эшитдим. Комиссия чақирамиз!

Комиссия аъзолари унинг билимини “аъло”-га баҳолашди. Қувончдан энтикиб эшикка йўналаётганда аёл уни тўхтатди.

– Адабиёт муаллимингизга менинг номимдан раҳмат айтиб қўйинг, ука. – Унинг кўзларида нур порлар эди...

Ҳали-ҳали ҳаётда бирон мушкулотга дуч келса, эсига шу воқеа тушади. Қалбида эзгуликнинг, адолатнинг тимсоли сифатида яшаб келаётган ўша устоз-муаллиманинг нурли сиймоси, меҳр билан боқувчи кўзлари, қатъий чехраси кўз олдида жонланаверади.

Абдимурод тоғасини поездга кузатиб қайтаркан, ўйланиб қолди. Энди бир умиди тоғасининг ўғли Мирвалидан. Агар у ҳам ота тарбиясини олган бўлса, унда тоға-жиянчилик барҳам топди деяверинг.

1981 й.

ХҲРОЗҚАНД

Раҳим йўл-йўлакай бозорга кирди. Ахир байрамда болаларнинг олдига қуруқ бориб бўлмас. Ҳар гал уйга кириши билан ўғли сумкасини очиб кўради. Айниқса, кичкинаси: «Да-да, та-а-та-а?» – дейди чучук тил билан. Қолаверса, бугун байрам.

Бозор ичкариси ва олдидаги дўконларнинг ҳаммаси бекик экан. Бир дўкон эшигини ичкаридан маҳкамлаётган сотувчи қиздан бирров кириб чиқишни сўраган эди, чақиб олди: «Праздникдаям тинч қўясиларми, йўқми?! Обедгача ишладик, раҳмат деларинг». Раҳим қош-киприклари сурмадеккина бу чиройли қизнинг пирпираб учаётган юпқа лаблари тинишини бир зум кутиб турди-да, бироқ унга бирор сўз дейишни лозим топмади.

Бозор расталарини оралай бошлади. Одамлар тўда бўлаётган томон юрди. Жинси шим кийган, қизил кўйлакли бир ўсмир йигитча қўлбола хўрозқанд сотарди.

– Бунинг қанчадан? – сўради одамлар орасидан ичкарироқ суқилиб.

– Ўн тийиндан, – деди лаби-лабига тегмай сотувчи йигит.

«Боллага хўрозқанддан ҳам зиёда совға бўладими?» ўйлади у ва сотувчига юзланди: – Бизга ҳам яхши-яхшисидан ўнта бергин.

Йигитча галстук таққан, шляпали бу одамга хавотирланиб қараб қўйди ва ўнта эмас, ўн иккитани қоғозга ўраб узатди.

– Кўп бўлди-ку?!

– Майли, байрамга совғаси билан бўлди.

Раҳим ўз зарарига янглишаётган бу йигитчага ажабланиб қаради. Раҳмат айтиб, хўрозқандларни

сумкасига солди. Паспортининг орасидан битта бешталикни олди-да, унга тутди. Йигит чаққонлик билан қайтим қайтарди. Раҳим санаб кўрди: бешта бир сўмлик. Бирдан йигитга қаради. У ўзи билан ўзи овора, навбатдагиларга хўрозқанд ўраб узатар, бировдан пул олар, кимгадир қайтим қайтарарди.

Раҳим бир муддат иккиланиб қолди. Бир қарорга келгунча бўлмай қўллари пулни ғижимлаганча чолворининг чўнтагига солди. Оёқлари эгасига бўйсунмасдан юриб кетди. Сал узоқлашгач, орқасига қаради. Йигит бутунлай уни унутган, олди-сотти билан машғул эди.

«Нега бундай қилдим? Шу бир сўм билан бойиб кетармидим. Яна у менга сахийлик қилиб, иккита ортиқча хўрозқанд берди. Менинг бу қилиғим унинг мурувватига жавобми? Алданганни алдайвер экан-да? Йўғ-е, унчалик эмасдир. Бир савдогар-да. Бир сўм кам фойда кўрса нима қипти. Кўзларидан билиниб турибди чайқовчилиги. Йўқ-са, санаб берсин-да қайтимни. Мен ундан тортиб олганим йўқ. Ё киссасига тушдимми? Кимлардир ўғрилиқ қилиб яшаяпти-ку? Йўғ-е, ўйлаб, бош қотириб ўтиришга арзимаиди. Бир сўм фойда қилсам қилибман-да. Яна кимдан, одамларни куппа-кундуз куни алдаётган савдогардан. Шунга шунча бош оғриқми, қўй-е!».

Шу орада у автобус бекатигача қандай бориб қолганини сезмади. Автобусга ўтириб жўнади. Ўйлар эса уни ўз ҳолига қўймасди. Кўз олдига бояги йигитнинг кулиб «Байрамга совғаси билан бўлди» деяётган ҳолати келаверди.

«У-ку мурувват қилди. Бугун байрамлигини эслатди. Мен-чи? Наҳот, бир сўм учун шунчалик паст кетсам. Ўша пайт янглишибсиз укам, мана ҳақингиз десам, қанчалик хурсанд бўларди. Ҳар ҳолда ким бўлмасин кечқурун ҳамтовоқларига мактанарди: «Дунёда инсофли одамлар ҳам бор экан. Бугун биттасига адашиб ортиқча бериб юборсам, қайтариб берди-я». Ё бўлмаса, устидан кулиб қўя қоларди: «Тешиб чиқармиди,

аҳмоқ». Нима бўлгандаям, қайтариб берганда маъкул бўларди. Бунчалик ўйлаб бошини ҳам қотирмасди. Кўнгил тинчлигига нима етсин». У киссасига солган бояги пулни олиб, санаб кўрди: бешта, бирининг чети сал йиртилибди, шумикан унинг ҳақи. Қоғозга ўроғлиқ хўрозқандларни ҳам эринмасдан санаб чиқди. Тўппа-тўғри: ўн иккита. Кўз олдига сумка титаётган ўғли, «та-та, та-та» дея талпинаётган қизчаси, уларга хўрозқанд улашаётган ўзининг шодон қиёфаси келди. Хотини, албатта, буни қанчадан олдингиз, деб сўрайди. Нима дейди, текинга тушди, дейдими. Қолаверса, қайси кўнгил билан текинга тушган хўрозқандни ўғли ҳам қизчасига совға қилади. У ҳеч қачон уйига бунақа нарса олиб борганмас.

Автобус тўхтади. У мажолсиз, руҳсиз, хаёлан ўзи билан ўзи олишиб, судралганча ўрнидан турди.

– Йигитча, дипломат сизданмасми? – ёнида келаётган семиз жувон Раҳимни чақирди.

– Ҳа-я, – у қайтиб бориб сумкасини олди. – Раҳмат.

Шу он чипта олмагани ёдига тушди. Ҳамма ўзини ўрта ва орқа эшикка ураётган бир пайтда у урилиб, сурилиб олдинга юрди. Ҳайдовчига пул тўлаб тушди.

“Одам ҳар бир қилган гуноҳи учун, албатта, жазо олади”. Бу гапни у қайси китобдадир ўқиган ва ҳаётда шу ақидага қаттиқ амал қилиб яшарди. Бу фикр ҳозир ҳам унинг хаёлидан ўтаркан пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Юролмай, чеккароқдаги ўтирғичлардан бирига оғир чўкди. Мияси ишламай қолди. Нима қилиш керак? Лаънати хўрозқанд! Қаерданам олдим. Ҳар галгидек бу сафар ҳам совғасиз борса, ҳеч бало бўлмасди. У бошини ўриндиқнинг суянчиғига қўйиб, кўзларини юмди. “Байрамга совғаси билан бўлди” деяётган йигитчанинг мулойим чехраси, олазарақ кўзлари. Кейин бешта бир сўмлик, Бирининг чети сал йиртиқ. У яна бир пас шундай турса, бўлиб ўтган воқеалар бирин-кетин яна

хаёлида жонланаверишини сезиб, кўзини очди. Чукур “уф” тортди. Шартта чўнтагидан чети йиртиқ бир сўмликни олди, ғижимлаб қисди. «Улоқтириб юборсам-чи? Йўқ. Яхшиси анави чеккада ўтирган тиланчига бераман. Бу ҳам савоб-ку! “Йўқ” дерди бошқа бир сас. “Бу билан гуноҳдан қочиб қутулолмайсан. Ахир у бировнинг ҳақи-ку!”

У соатига қаради. Иккидан ўтаяпти. Қишлоққа автобус учда жўнайди. Унгача нимадир қилиши, ўзини чалғитиши керак. Яхшиси овқатланади. Эрталабдан бери туз тотгани йўқ. Ўрнидан туриб ошхона томон юрди. Тушлик тугагани учунми у ерда одам сийрак экан. Бир коса овқат олиб чеккароққа ўтди. Негадир ҳеч нарса егиси келмасди. Шундай бўлса-да, ўзини мажбурлаб овқатланди. Чой олиб ичди. Ўзини анча бардам сезиб ошхонадан чиқди. Патта сотиладиган туйнук томон юрди. Боратуриб қорнида енгил оғриқ сезди. “Э-э, нима бўляпти ўзи? Умрида ошқозони оғримаган. “Текин нарса тешиб чиқади” дейишгани рост бўлса-я! Чамамда, бояги гуноҳим учун жазо бериш бошланди-ёв”.

У кассага бормади. Таққа тўхтади. Оғриқ сал туриб тарқаб кетди. Кейин қорни секин ғўлдираб қўйди. “Хайрият-ей! Бу менимча, огоҳлантириш. Жазо тайин. Балки мен чиққан автобус авария бўлар”. Юрагини ваҳима босди.

– Ҳа, Раҳимбой, бундайгина ўйланиб турибсан, – унинг хаёлини йўғон, дўрилдоқ овоз бузди. Қараса, қўлида оғир сумка кўтарган ҳамқишлоғи Эломон бува. Кўришишди.

– Ўзим. Шундай. Ишдан қайтаётгандим.

– Байрамдаям ишлайсилар-да. Силар энди давлатнинг одами.

– Ҳа, парадга қатнашдик.

– Тезроқ бормасангиз билет тугайди. Аптовиз бир пасда жўнармиш. – Эломон бува ўриндиқлар томон юрди.

“Эломон бувага мазза. Ҳеч нарсани ўйламайди,

азобланмайди ҳам". Раҳим кассага яқинлашди. Одам тирбанд. Шу пайт кўзи олдида турган талабанамо қизнинг сумкасига суқилаётган ингичка бармоқларга тушди. Қўл эгасини ахтариб орқасига бурилди. Сочлари тўзғиган, уст-боши, юзлари кир-чир, ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги бола Раҳимга аянчли тиржайиб, худди шеригига имлаётгандай кўз қисди. Раҳим унинг нозик билакларидан маҳкам ушлади.

– Нима қиялпсан, тирранча?! – уни четга судради. – Ҳозир милисага топшираман.

Боланинг юзидага ифода бирдан ўзгарди. Ялиниб-ёлвора бошлади:

– Акажон, жон ака, қўйворинг! – унинг дум-думалоқ, қоп-қора кўзларига ёш тўлди.

Раҳим қўлларини бўшатди. Ўйлади. "Ўзинг-чи? У-ку, ёш бола, Адашгандир. Кимдир алдагандир. Сен-чи? Кўра-била бир кишининг ҳақини уриб келаялпсан-ку!"

У ортиқ тоқат қилолмади. Шошиб ташқарига чиқди. Бўш турган такси ҳайдовчисига илтимос қилди.

– Бозоргача бориб келайлик.

Машинадан тушди-ю, чопганича хўрозқанд олган жойига борди. Йигитча йўқ. Хўрозқандлар ҳам. Ўрнида бўш қоғоз қути. Атрофда қоғоз парчалари. Писта сотиб ўтирган чолдан сўради.

– Билмадим, ҳозиргина сотиб бўлувди, узоққа кетмагандир.

Раҳим атрофга олазарак боқиб, бутун вужуди кўзга айланиб, одамлар орасидан хўрозқанд сотувчи болани ахтара бошлади...

1982 й.

қилади. Самад момоси буюрган юмушларни чала-чулпа, ярим-ёрти бажаради-да, кўчага қочади. Болалар билан “ошиқ”, “парин”, “трақ-трақ” ёки “чиллак” ўйнаб номозгарда кириб келади. Кейин иккови кампир тайёрлаган кесган ошми, гуруч ошми, пиявами ё кулча тайлоқними маза қилиб ейди. Момоси овқатни бирам ширин қиладики, ичиб тўймайсан. Эрталаб Самад мактабга жўнайди. Кампир яна ҳовлида ғимирлай бошлайди. Аҳён-аҳёнда унинг ҳовлидан кимнидир, ниманидир қарғаган овози эшитилиб қолади.

Самаднинг отаси шаҳарда ишлайди. Ҳар шанба куни қишлоққа келиб туради. Унинг сумкасида, албатта, Самадга бирон совға бўлади. Самад отасини яхши кўради. Баланд бўйли, елкадор, қопқора мўйлови ўзига ярашган салобатли ва кўркем отаси баъзан уни шаҳарга олиб тушади. Баланд-баланд уйларни, магазинларни, ҳайвонот боғини томоша қилдиради. Отасининг айтишича, Самад мактабни битиргач, шаҳарга борармиш, ўқирмиш, “катта” одам бўлармиш. Момоси бўлса отасини нуқул ёмонлагани ёмонлаган. У одам бўлмади, дейди. Отаси ҳар келганида йиғи-сиғи қилади.

– Шунча одамга топилган ризқ-насиба, сенга топилмай қоладими, қишлоққа кел, сен ҳам одамларга қўшил, эл қатори яша, – дейди.

Отаси индамайди. Кетар чоғи Самадга тайинлайди: – Момонг қариб қолди. Бечора кўп азоб чекапти. Уни хафа қилма...

Самад бу йил бешинчида ўқияпти. У зехнли, зийрак бола. Мактабда ҳамма уни мактайди, ҳавас қилади. Унинг ҳамма нарсаси бор. Кийимлари кўп. Чиройли ручкалари, велосипеди бор. Сумкасида доим бирор қизиқ китоб олиб юради. Отасининг пули кўп. Хоҳлаган нарсасини олиб беради. Отаси “зўр” одам. Фақат баъзан ўйлаб қолади. Нега унинг энаси йўқ. Энаси қаердайкин? Момосидан сўраса: “Сени мен тувғанман, мен сенинг энанг бўламан” деб бақириб беради. Момосининг гапларига ишон-

майди. Момоси ёлғон айтади. Ахир, қанақасига унинг энаси бўлсин?! У отасининг энаси-ку!

Самад мактабда Бахтиёр билан ошна. Синфдошлари ичида шу бола унга ёқади. Уларнинг уйи бозоржойда, мактабнинг йўлида. Самад баъзан кун бўйи уларникида бўлади. Баъзан кечаси ётиб ҳам қолади. Бахтиёрнинг отаси Сотволди ака бўлса, Самад билан худди катта одамлардай гаплашади. Отасини, момосининг ҳол-аҳволини обдан суриштиради. Бугун ҳам томорқада ер ағдараётган экан. Самадни чақириб қолди. Ундан-бундан сўради, гаплашди. Кейин қўлидаги кетмонни дарахтга суяб, Самаднинг елкасига қўлини қўйди-да:

– Ўғлим, – деди босиқлик билан. – Энди сен катта йигит бўп қолдинг. Кўп нарсага тушунасан. Хўп десанг, энангникига олиб бораман.

– Энам... энам... борми? Қаерда? – Самад ҳайратланди, кўзлари жовдиради.

– Узоқда, борасанми?

– Бораман-н-н!

Сотволди ака Самадни эшиккача кузатиб чиқаркан: – Бу гапни отангга айтмай қўя қол, – деди.

Самад йўл бўйи ўйлаб келди. “Менинг энам бор!” Ҳозир унинг бақиргиси, ҳамма эшитадиган қилиб қичқиргиси келарди: “Менинг энам бор!” Севинди. Кўзларига ёш тўлди. Бир марта Салим сариқ билан уришиб қолган. Шунда Салим сариқ “сағир” деб сўқди. Ўшанда у Салим сариқни қўли толгунча урди. Уриб бўлиб, ўзи ҳам аламидан йиғлаб юборди. Мана энди унинг энаси бор. Салим сариққа энди кўрсатиб қўяди. Сотболди ака “отангга айтмагин” дедими, нега? Отам билан энам уришиб қолган бўлсалар керакда. Нега унда мени сўраб келмайди? Энам қанақайкин? Бахтиёрнинг энасига ўхшармикин?

Ўша куни кечаси туш кўрди. Тушида чиройли, сочлари қоп-қора, юзлари, қўллари оппоқ, мулойим бир аёл уни қучоқлаб йиғлаётганмиш. Отаси эса узоқдан қараб турган эмиш. Юраман деб юролмасмиш. Ҳадеб чақирармиш:

– Са-а-м-а-а-д-д!

У чўчиб уйғониб кетди. Тонг отиб қолибди. Апил-тапил ўрнидан турди. Момосининг ўрни аллақачон йиғиштирилган. У момосининг қачон туриб, қачон ётишини ҳеч маҳал кўрмаган. Ташқаридан овози эшитилаяпти: “Бошт, ҳай, эганг ўлгур”.

Самад отаси ҳафта бурун шаҳардан олиб келган, ҳали байрамда кияман деб асраб қўйган яп-янги камзул-чолворини кийди. Ойнага қараб сочини таради. Тепасидаги бир тутам сочи тиккайиб гаранг қилди. У сочини хўллаб, қалпоғи билан бостириб қўйди.

– Ота-а, Самад келди-и! – эшикка чиққан Бахтиёр ичкарига қараб чақирди.

– Кел ўғлим, келгин, – деди чакка сочлари оқариб кетган, йўл-йўл малларанг уй кийимидаги Сотволди ака оёғига калиш иларкан. – Бахтиёр, ошнангни уйга киритиб чой ичиб турунглар. Мен ҳозир...

Сотволди ака кийиниб чиқди. Бахтиёр ҳам уларга эргашди. Сотволди ака машинани эҳтиётлик билан бошқариб бораркан, секин гап отиб қўярди.

– Оббо Самадвой-е, катта йигит бўп қолдим, дегин. Мактабни битириб ким бўлмоқчисилар?.. Ҳали бир одам бўлингларки!..

Унинг кулиб туриб берган саволларига, ҳазил-чин гапларига Самад елка қисиб қўяди. “Билмасам” дейди, қизаринқираб ерга қарайди. Улар анча юрдилар. Катта асфальт йўлдан ўнгга бурилиб, тупроқ йўлга тушишди. Атроф қирлар. Ҳар бир қир устида икки ёки уч уй. Оралари олис-олис. Сойларда қўй-эчки, сигир-бузоқлар ўтлаб юрибди. Молларнинг ортида уч-тўрт бола. Улар чиллак ўйнашяпти. Баҳор эмасми, қип-қизил лолақизғалдоқлар кўзни қамаштиради. Ўт тиззага уради. Осмон яқин. Қўл узатсанг етгудай туюлади. Машина ўт-ўлан, чўл гулларини босиб-

янчиб, ёлғизоёқ йўлдан ўрмалайди. Сотволди ака бир қирга чиқиб, машинани ўчирди. Рўпарада томи қизил тунука билан ёпилган оддий пахса уй. Уй олдида ўчоқ, тандир. Ўчоқдаги қозондан буғ кўтарилаяпти. Соё тарафда тўриқ от, тойчасиям бор. От боғлоғлиқ, тойча бўш. Бўйни оппоқ, ҳирсдай кучук чопиб кела бошлади. Уйдан бир аёл чиқиб, ўчоқ томон юрди. Машинага кўзи тушди, шекилли, дарров орқасига қайтди. Ялангбош, ялангоёқ тўқ-қиз-ўн ёшлардаги бола машина томон кела бошлади. Болани кўриб, ҳураётган ит жимиб қолди. Думини ликиллашиб унинг оёқларига суйкалди.

Сотволди ака машинадан тушди.

– Са-амалай! – бола салом берди.

– Ваалайкум ассалом!

У ҳамма билан қўл бериб кўришди.

– Қани, йигит, чопқиллаб юрибсанми? Катта йигит бўп қолдингми?

Бола индамай оёғи билан ер чиза бошлади.

– Мамат бова уйдаими?

– Йўқ. Молга кетган. Тушга келади.

– Сендан бошқа тағин ким бор?

– Энам.

– Энангни бу ёққа чақир. Самад акам кепти, де.

Бола орқасига қайтиб улгурмасидан эшик олдида уларга қизиқсиниб қараб турган бояги аёл ҳалпиллаб, ҳарсиллаб чопиб кела бошлади. У машинанинг олдига келиб, бир зум тараддудланди. Олдин Бахтиёрга, сўнгра Самадга қаради. Ва бирдан, она қалби алдамади – ўзини ўғлига отди.

– Болам! – Самаднинг юз-кўзидан чапиллатиб ўпа бошлади. – Вой, энагинанг ўргилсин. Мени сўраб келган оёқларингдан ўзим айланай... – У кулиб туриб йиғларди. Юзида, кўзида табассум қотиб қолган эди.

Самад бу аёлни кўргандаёқ танасига титроқ кирганди. Аёл уни бағрига босиб, суйиб ўпаркан ҳаприқтирувчи бир туйғудан бутун вужуди қизиб кетди. Юраги “гуп”иллаб, тез-тез ура бошлади. Димоғига ниманингдир ҳиди, сут исимией, урилди.

Бу исни у жуда ёш пайтларида момосининг кучоғида туярди. Боши айланиб, кўзи тинди. “Шу аёл энасими? Болам, деяпти-ку” Унда менга ўхшаса керак-а?” У бошини кўтариб, энасидан ўзига ўхшашлик ахтарди. Самад отасига тортганди. Аммо унинг сал қисқроқ кўзлари, қоп-қора сочлари-ю, пачоқ бурни энасиники эди.

Аёл Самадни кучоғидан бўшатиб, Бахтиёрнинг пешонасидан ўпди, ўргилиб айланди:

– Вой ўғилгинамнинг ошнасидан-ей, вой силардан ўзим ўргилай. Вой, омон бўлгирлар-ей...

Унинг кўзи Сотволди акага тушди. Янги узилган нондек бўрсилдоқ юзига сал-пал қизиллик югурди.

– Яхшимисиз, – деди ийманибгина. Рўмолини тузатган киши бўлди. Бир зумда тортинчоқ қишлоқ аёлига айланди-қолди. – Бола-чақа, уй ичларингиз тинчми? Марҳамат дугонам эсон-омонми?

– Шукр. Ўзларинг яхши ўтирибсизларми?

– Худога шукр, – у бир қўли билан Самадни яна бағрига тортиб, унинг сочларини тартибсиз сийпалай бошлади. – Ичкарига кирингизлар!

Деворларига гилам, кашталар тутилган кенггина уйга кирдилар. Тўрда гулдор сандиқлар устига ҳар хил гиламлар, кўрпа-ёстиқлар тахлаб қўйилган. Бурчакда печка ўрни. Аёл тахмондан шойи, бахмал, беқасам кўрпачаларни олиб, қалин қилиб тўшади. Хонага бир-бирига қўйиб қўйгандай ўхшайдиган паст-баланд икки бола чопқиллаб кириб, аёлнинг пинжига тиқилди. Аёл уларни бағрига олиб суярган, деди:

– Ана, Самад аканг кепти. Қани кўришинглар. Салом, денглар-чи?!

Каттароғи бирин-кетин қўл узатиб чиқди. Укаси онаси қанча қистамасин, ўрнидан қўзғалмади. У онасининг орқасига пусиб, меҳмонларга бегонасираб қараб кўярди.

– Эсли йигит эканда бу. Малодец! – Сотволди ака боланинг қўлини силтаб кўришди.

Самад нима бўлаётганини, қаерда ўтирганини идрок қилолмасди. Қимтиниб, тортиниб ўтирарди. “Шу аёл энашими? Бу болалар ким? Аканг, дедими? Мен уларга қанақасига ака бўлай? Уларни танимасам... Бу уй кимники? Энам нега бу ерда?”.

Дастурхон ёзилди, қанд-қурс, ёнғоқ-майиз, ҳолва... Дастурхон тўлиб кетди. Юмшоқ, бўрсилдоқ нонлар синдирилди. Сал ўтмай аёл косаларда иссиқ шўрва, сопол лалида устихонли гўшт келтирди.

Даҳлизда узун бўйли, қотмадан келган, қорача чўзинчоқ юз, қўнғир соқолли киши кўринди.

– Келинг, Мамат бова, – Сотволди ака ўрнидан туриб, қўшқўллаб кўришди. – Бардаммисиз, моллар чарчатмаяптими?

Мамат бува чордона қуриб ўтирди. Фотиҳага қўл қовуштирди. Лаблари секин пичирлади-да, товушини чиқариб:

– Овмин, – дея қўл кўтарди. – Омонлиқ бўлсин! – ҳамма билан алоҳида-алоҳида сўрашди.

– Э, нимасини айтасиз, домилла, – деди сўнгра Сотволди акага ўгирилиб, – Бир кал эчкимиз уч кундан бери йўқ эди. Дарагини тополмай юрувдим. Оқтўнлилик Мирҳайдар чўпоннинг сурувига қўшилган экан. Отангга раҳмат, дуруст йигит-да. Дуч кеп қовди. “Бир эчки бор, сизданмасми?” деса бўладими? Бирон имонсизга тушганда борми...

– Ҳа, инсофли одамлар кўп. – Сотволди ака Мамат буванинг гапини маъқулларкан, патирни синдириб шўрвага тўғрай бошлади.

Аёл эрига шўрва сузиб келди. Мамат бува косани оларкан хотинига гап қотди:

– Ўғлинг келган бўлса, мол-пол сўймадингми?

– Сиз келдингиз, энди-да.

– Ташвишнинг кераги йўқ. Биз дарров қайтамиз, – гапга Сотволди ака қўшилди.

– Аллағайтиб бир келибсизлар, бугун-эрта қирларни айланиб, меҳмон бўлиб... кетасиларда ўша уй бўлса...

– Иш кўп, бова. Самаджон борган экан, савобда

деб... Ҳали меҳмондорчиликка алоҳида келамиз, насиб этса...

– Яхши иш қилибсиз, иним. – Мамат бува Самад-га бир қараб қўйди.

– Танишганлари маъқулда.

Мамат бува билан Сотволди ака ундан-бундан гаплашиб ўтирдилар. Мол-ҳол, нарх-наво, тўйлар ҳақида. Йил оғир келди, таъзиялар кўп бўлаяпти, дейишди.

Она эса ўғлидан кўз узолмас, ҳадеб уни дастурхонга ундарди.

– Ол, е, Самаджон, олгин, олинглар!

У пиёласидаги совиб қолган чойда сузиб юрган шамага тикилиб ўйларди: “Анча улғайиб қопти. Ёқимтой, ширин бола бўпти. Қўғирчоқдай ясатиб қўйибти-я, куйдирги. У мен ҳақимда айтганмикин? Нималар деганикин? Қол, десам, қолармикин? У ўлгандаям менга бермайди. Фақат айб мендами. Аслида ким айбдор?”.

Самад атрофида содир бўлаётган воқеаларни ажабсиниб кузатарди. “Бу бова ким бўлди? Энасининг эрими? Нега энаси бу одамга тегди? Отаси ёмонми? Энаси-чи? Уни шу аёл туққан, эмизган, кечалари бошида алла айтганми? Нега унда уйларига бормайди? Нега Самад унинг анови қорақўз бола бош қўйиб ётган тиззаларига бош қўёлмайди? Нега? Боя кучоқлаб эркалаган пайтда бир боши айланиб кетдики... Ҳозир ҳеч ким бўлмаса, у энаси билан тўйиб-тўйиб узоқ гаплашса. Энасига ҳаммасини тушунтирса. Энасини уйларига олиб кетса...”

– Дастурхонга дуо айтсангиз...

Самаднинг хаёллари тўзғиб кетди.

– Энди биз борайлик. – Бу Сотволди аканинг овози эди.

– “Меҳмон атои худо” дейдилар. Омин сиздан домилла.

– Сизнинг ёшингиз улуг.

– Барибир биз уй эгаси.

– Сиздан ўтолмаймиз, бова.

Мамат бува кўллари жуптлаштирди:

– Эсон-омонлик бўлсин. Тўйларда кўришайлик.
Йигитлар ўсиб унаверсин. Омин!

Ҳамма унга қўшилиб кўл кўтарди.

– Самаджон қолар... – аёл бир эрига, бир ўғлига, бир Сотволди акага илтижо билан боқди. Кўз косасига қалққан ёшни енги билан сидирди: “Қолақол, ўғлим?”

– Самад, қоласанми? – сўради Сотволди ака ўрнидан кўзғаларкан.

– Бугун дадам келадилар, сўрамаганман.

Орага оғир, юракни сиқадиган сукунат чўмди. Бу жимликни яна Сотволди ака бузди.

– Мана, танишиб олдинглар. Самаджон энди кеп туради.

Ташқарига чиқдилар. Самад орқароқда қолди. Онаси уни қайта-қайта қучоқлаб ўпар, кўзларини арта-арта такрорларди:

– Кел, келиб тур, жон болам, келасан-а?

Самаднинг кўнгли эзилди, йиғлагиси келди. – Юринг, кетамиз эна! – у бу сўзни эсини таниганидан бери биринчи марта айтди. Она ортиқ тоқат қилолмади. Ўпкаси тўлиб, кўзидан оққан ёш жолалари юзини ювди.

– Эна, деган тилларингдан ўзим ўргилай. Бораман, болам, бораман!

Улар бир-бирига суйкалиб машина томон юришди. Аёлнинг кичкина болалари йиғлашиб онасининг этагига тармашдилар...

Самад уйга келганида отаси одатдагидай унга гап қотди:

– Қара, сенга нима олиб келдим, ўғлим?

Самад отасига қарамади. Тумшайиб ўтираверди.

– Ҳа, нима бўлди. Сени ким хафа қилди? Қаерда эдинг?

– Энамникига борувдим...

– Нима-а-а?

– Энамни кўриб келдим.

Отанинг қўлидан совға тушиб кетди. Лаблари хиёл титради. Ранги оқаринқиради. У Самадни шу пайтгача кичкина бола деб юрарди. Унга тикилди. Ўғлининг кўзларидаги ўй, мунгни илғаб, кўзини олиб қочди. Кўкрагида илкис оғриқ турди...

1983 й.

ИСТЕЪФОДАГИ ПОЛКОВНИК

Бу йигит бизнинг даврамизга кейинги бир-икки йил ичида қўшилди. Юртдошлик туйғусими ёки бир вақтлари туман газетасида ишлаганини ҳисобга олибми, кимдир уни даврамизга етаклаб келди. Бунгача мен уни бир-икки бор шаҳарда шахсий “Волга”сида юрганини кўрганман ва ошналарнинг биридан “Волга”ни ким олиб берган?” дея сўраганимда, “Ўзи Афғонистондан олиб келган” дейишувди. Кейин у машинасини юзта қўйга алмаштирди. Туманда ишлари юришмади, шекилли, вилоят марказига келиб, қанақадир фирма очди. Хуллас, бизнинг ола-қуроқ даврамиз яна бир даштликка кўпайди. Гурунгларда у гоҳо Афғонистон ҳақида сўзлаб қолар, шунда мен унинг қўшни давлатдаги гуруҳларни, у ердаги вазиятни яхши билишидан ҳайратланардим. Бироқ у бу мавзуда гапни калта қилар, савол берсангизгина жавоб қайтарарди.

Бир куни ишдан қайтаётсам Мурод (янги танишимнинг исми шундай экан) дуч келиб қолди ва биттадан пиво ичишга таклиф қилди. Пиво ичарканмиз, у мендан бир масалада ёрдам беришимни сўради. Ёнидан гувоҳномасини чиқариб кўрсатди: у совет армиясининг собиқ зобити, иккинчи гуруҳ ногирони экан. Ажабландим.

– Соппа-соғ одамга ўхшайсиз-ку? – дедим кулимсираб.

– Тўрт жойимдан ўқ еганман. Асабим чатоқ.

– Нима ёрдам керак?

– Нафақамни беришмаяпти.

– Ким?

– Ижтимоий таъминот бўлимнинг бошлиғи. У ҳам сизга ўхшаб шубҳаланаяпти.

– Бўпти. Агар сиз ҳақ бўлсангиз, нега бермас экан?– дедим.

Масала пойтахтга боғлиқ бўлиб қолган экан, бирга боришга келишдик. Орадан ҳафта-ўн кун ўтгач, биргаликда йўлга отландик.

Мен аралашмасимданоқ нафақани берадиган бўлишди. Кайфият чоғ. Бир-икки ҳамқишлоғу ҳам-касбларни зиёрат қилиб, кечки поездга билет олиб кўйдик. Ўзимнинг юмушларимни ҳам битказдим.

Кечқурун газетада ишлайдиган бир шоир дўстимизни етаклаб, бироз дам олиш ниятида шаҳарнинг қоқ марказидаги пивохомага кирдик. Сигарета тутуни, тузланган балиқ исини симириб, чеккароқдаги столлардан бирига ўрнашдик. Шовқин-сурон, ҳамма ўзи билан ўзи овора, ит эгасини танимайди. Булар камдек магнитафондан баланд овозда кўшиқ янграяпти. Худди хориж фильмларидаги ўхшаш манзара: лаб-лунжини ола-чалпоқ қилиб бўяб олган қилтириққина хизматчи ўрис жувон пиво, шўрданак ва яна ул-бул келтирди. Гуё чўлдан чанқаб келган одамдай яхтайгина пиводан симирдик. Бир зумда бадан яйраб, мия қизий бошлади. Мен суҳбатдошларимни бир-бирига таништирдим: ҳали машҳур бўлиб кетадиган шоир, талантли журналист ва асли қаламкаш, собиқ афғончи зобит, “Эркин” фирмасининг директори...

Адабиёт, шеър, сиёсат ҳақида гап борди. Шоир шеър ёзолмай қолганини айтди.

– Йиллар давомида мустақиллик ҳақида, эрка чорловчи шеърлар битдик, – деди у. – Қарангки, бугун юртимиз мустақил бўлганида калламга бирон сатр келмайди. Гуё барча орзуимиз ушалгандай. Менимча, шоир аҳли мустақиллик шабадаларидан эсанкираб қолдиёв!

– Келинглар, ўзимизнинг гаплардан гаплашайлик, – дедим ён-теваракка бир назар ташлаб. Атрофимиздагилар эса бировни тинглайдиган ҳолда эмасди. Ёнимиздаги столда тўрт нафар мўйловли, қора кўйлак кийган йигит ажнабий тилда боядан бери бир-бирига гал бермай чуғурлашарди.

– Афғон офицерлари, – деди менга қараб боядан бери уларнинг сўзларини тинглаб ўтирган Мурод.

– Тушунасизми? – ажабланиб сўради шоир.

– Э, буларнинг ҳамма лаҳжасини биламан. Уч йил шуларнинг орасида умрим ўтди-ку!

Шу пайт барда у ёқдан бу ёққа мақсадсиз кезиб юрган қизни “афғон”лардан бири имлаб чақирди. Ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги гунг қиз, ҳар кеч кунда-шундалардан, шекилли, кулимсираб йигитларнинг олдига келди. Йигит қизга ўнг бетини тутиб, ўпишга ишора қилди. Қиз ўпди. Йигит унга мукофот тариқасида пул берди ва энди лабини чўччайтириб “ўп” дея имлади. Қиз энди йигитнинг лабларидан ўпди. Шунда йигит қизнинг белидан қўлини ўтказиб, ўзига тортди. Бу манзарани бутун бар кўриб турар, кимдир ғижинар, аммо ҳеч ким забардаст зобит йигитларнинг кайфиятини бузгиси келмас, аниқроғи, журъат қилолмасди.

Шунда мен Муроднинг асаблари бузилаётганини сездим ва унга қараб бошим билан “ҳа” ишорасини қилдим. У кружкадаги пивони охирига қадар симириб юборди-да, ўрнидан турди. Мен бирон кор-қол бўлмасин, дея изидан эргашдим.

Барнинг тўридаги столлардан бирида бўйинбоғ таққан басавлат жаноблар ўтиришарди. Мурод уларнинг олдига яқин бориб, салом берди. Афғончалаб “Мен полковник Муродман” деди. Савлатидан от хуркадиган жаноблар шошиб қад ростлаб, солдатдек тик қотдилар.

– Ана у ерда офицерларингиз ичиб олишиб, майнавозчилик қилаяпти!

Улар афғончада бир-бирларига нимадир дейишди-да, бир зумда бизнинг ёнимиздаги қора кўйлаклилар зални тарк этишди. Мурод худди ўзини полковникдай тутарди. Хизматчи аёлдан бар каттасини чақиртирди. Тезда бояги сатанг қиз ҳам кўздан йўқолди.

Унинг бу қилиғи мени тамоман ҳайратлантирди. Ошнамга ихлосим ошди. Барибир, эҳтиёт шарт, ўрнига келиб ўтиргач: “Шартмиди шу, билганини қилмайдими, бир сатанг бўлса...” дедим.

Мурод графиндан пиво кўйиб симирди-да бизларга қарата қўлларини силкитиб бақирди:

– Сизларда миллат туйғуси ўлган, сизлар кўрқоқсизлар. Гунгми, ...ми, ўша қиз ўзбек, бу ер Тошкент! Чет элдан келган бўлса, меҳмон бўлса ... жим юрсин. Сизлар фақат чиройли гапирасизлар...

У ғирт маст эди. Мен уни сал босиш учун: “Бу ер катта шаҳар бўлса, қай бирига эгалик қиласиз, бу киши, – шоирга ишора қилдим, – ҳозир уйига кетади, мен билан сиз вокзалга чиқиб қишлоққа қайтишимиз керак. Ташқарида кутиб турган бўлиб, йўлимизни тўсса нима дейсиз? Сиз маст бўлсангиз” дедим.

– Э, оғайни, – у қўлларини янада баландроқ силкита бошлади. – Пешонада бори бўлади. Сиз ўлмаيمان, деб ўйлайсизми? Мен сизга айтсам, ҳеч қачон кўрқманг. Мени, саҳройи бир ўзбекни ашаддий советларнинг душманлари ичига самолётда ташлаб кетишган. Уч йил бегоналар орасида юрганман. Ҳар минутда ўлиб кетишим мумкин эди. Битта қуролим тилини билардим. Ҳатто афсонавий ўзбек генерали билан ҳам учрашганман. Менинг лақабим “полковник ...” эди. Менга қарашли элликдан зиёд одам бўлиб, хоҳлаганимни истаган пайтда отиб ташлаш ҳуқуқи берилганди. Сиз бўлсангиз Тошкентнинг қоқ марказида ўтириб қалтирайсиз...

– Бу тўғри айтади, – деди шоир. – Қаранг, атрофимиздагиларнинг тўрттадан учтаси ўзбек.

Аммо ҳеч ким ўрнидан жилмади. Бизнинг этимиз ўлган, жаноб полковник! Яхшиси, пиводан ичинг!

Ўша куни биз поезддан қолиб кетдик. Муродни меҳмонхонага олиб боргунча анча овора бўлдим. У меҳмонхонанинг тор хонасида қиблага қараб, қўлларини осмонга чўзганича, афғончада бир нарсалар деб илтижо қила-қила, охири полда ухлаб қолди.

Пиво ўткир эканми ё Муроднинг гаплари таъсир қилдими тонгга қадар кўзимга уйқу келмади...

1992 й.

ЙЎЛДА

Бу воқеага анча бўлди. Дам олиш кунларининг бирида «Дамас» машинамизда болаларни олиб, қишлоққа йўл олдик. Ерда қор бор эди.

Қишлоқда яшайдиган кекса ота-онамизни зиёрат қилдик. Набираларини кўриб улар ғоятда хурсанд бўлишди. Эндигина туққан сигирнинг сут-қатиғидан мазза қилиб ичдик. Кейин қудамизникига ўтиб, меҳмон бўлдик.

Қудамиз улфат одам. Гапимиз тўғри келади. Хуллас, қиш кунлари бир тутам эмасми, кун ботиб қолди.

– Эрталаб кетсаларинг бўларди, қоронғу тушиб қолди, – деди қудамиз.

– Эртага болалар ўқишга, хотин ва мен ишга боришимиз керак. Насиб бўлса, бир пасда уйга етамиз. Хавотирланманг, – дедим мен.

Вилоят маркази – Қарши шаҳрига енгил машинада нари-бери бир соатлик йўл. Машинамиз янги бўлмаса-да, ҳали панд бермаганди.

Қариндошлар билан дийдорлашувдан мамнун ҳолда йўлга тушдик. Машина ичи иссиқ, кайфиятимиз чоғ эди. Йўлнинг ярмидан кўпини босиб

ўтганимизда тўсатдан машинамизнинг мотори ўчди-қолди. Ўғлим машинани йўл четига олиб тўхтатди.

Кимсасиз чўл. Узоқ-узоқлардан қишлоқ уйлари-нинг милтиллаган чироқлари кўзга ташланади, холос. Дам олиш куни бўлгани учунми, йўлдан ахён-ахёндагина машиналар ўтарди. Қанча уринмайлик, машинамиз ўт олмади. Салон бир зумда музлаб қолди. Ташқарига чиқдик. Ўғлим ўтаётган йўловчи машиналарга ёрдам сўраб, қўл кўтара бошлади.

Кундузи қуёш чиққан бўлса-да, кечқурун аёз қисиб, ҳаво совиганди. Бирон соатдан сўнг, биз совуқдан қалтирай бошладик. Бир-икки кун меҳмон бўлиб келасиз, дея кекса онамни ҳам олиб қайтгандим. 3-4 ёшлардаги набирам онасининг пинжига тиқилиб, йиғлай бошлади. Ҳали шаҳарга қадар йигирма километрча масофа бор. Зим-зиё тунда, яйдоқ чўлда нима қилишимизни билмай қарахт бўлиб қолдик. Моторни ёқишга уриниб, калитни кўп бурайверганимиздан, аккумулятор ўтириб, машина чироқлари ҳам ёнмай қолди. Ҳеч қандай нажот кўринмасди.

Шунда кутилмаганда бир «Жигули» машинаси биздан бироз ўтиб тўхтади. Ундан тўрт нафар забардаст йигит тушди. Тун, атроф кимсасиз эди. Бундай пайтда ҳар нарсани кутиш мумкин.

Йигитлар дадил қадамлар ташлаб биз томон келишди.

– Ҳа, нима бўлди, амаки? – деди улардан бири.

– Машинамиз ўт олмай қолди.

– Қани очинг-чи, бир кўрайин. – Шундай дея улардан бири қўлидаги фонарини ёқиб, моторни кўздан кечирди. Кейин бошини қимирлатди:

– «Касали» анча жиддийга ўхшайди. Рулга ўтиринг, машинани сурамиз.

Тўрт забардаст йигит, машинани орқасидан итариб, ўт олдиришди.

– Энди, – деди моторни кўрган йигит, – газни босиб ҳайдайсиз. Яна ўчиб қолиши мумкин. Қўрқманг, биз ортингиздан шаҳаргача кузатиб борамиз.

Шаҳарга кираверишда машинамиз яна ўчиб қолди. Йигитлар машинани яна суриб ўт олдиришди ва ортига қайтишди.

Уларга миннатдорчилик билдирарканман, «Қаердансизлар, йигитлар?» деб сўрадим.

– Ҳов анави тоғнинг ортидаги қишлоқданмиз. – Улар Қўнғиртоғни кўрсатишди.

Эсон-омон уйга етиб бордик.

Ҳар сафар қишлоққа борарканман, йўловчи сифатида узоқ-яқинга сафарга чиққанимда, йўл четида бузилиб ёки ёнилғиси тугаб, ёрдам сўраб турган машина ҳайдовчисини кўрганимда қишнинг совуқ тунидаги ўша воқеа эсимга тушаверади.

2010 й.

ПОЛВОН

Қаршидан Тошкентга қатнайдиган енгил машиналар бекатига келишимиз биланоқ бизни такси ҳайдовчилари ўраб олишди: “Тошкентгами?”, “Келинг, бензинли машина!”, “Бир киши керак, ҳозироқ жўнаймиз!”, “Айтган манзилингизга элтиб қўяман”, “Ўтиришингиз билан юрамиз. Нархини келиштирамиз!”.

– Ҳой, биродарлар! – дедим қўлимни кўтариб, – бизнинг ўз таниш ҳайдовчимиз бор. Ўша билан кетмоқчимиз.

Шундан сўнггина ҳайдовчилар бирин-кетин тарқалишиб, биздан нари кетишди. Ёнимда тўнғич ўғлим бор эди. Пойтахтга малака оширишга чақиршибди. Энди қўлимиздаги сумкаларни бирон жойга қўйиб, нафас ростламоқчи бўлиб турган эдик, сал нарироқдаги дарахтлар соясида турган оқдан кўра сариққа мойилроқ юзли, баланд бўйли, тўла гавдали, олтмиш ёшларни қоралаб қолган одам лапанглаб биз томонга кела бошлади. У бир оёғини сал судраб босарди. Кулранг спорт кийими

унга ярашганди. Юриши таниш кўринди. Эътибор бериб қарадим. “Полвон-ку! Қамоқдан чиқибди-да!”.

Полвон бизга яқинлашиб, салом берди.

– Э, Тиловберди ака, қандайсиз? – Илиқ сўрашдим. – Яхши келдингизми?

– Чикдим, – деди у бир ерга қараб олиб. – Қани, ўзингиз? Тошкентгами?

– Ҳа, бир-икки йилдан буён ишим ўша ёқда. Болалардан, набиралардан хабар олиб кетаяпман. Ўзингиз бундай?

– Гўшт бизнеси билан шуғулланаяпман. Бозордан мол олиб, Тошкентга жўнатаман. Ўша ёқда сўйдириб, қассобларга, чойхона-ю ошхоналарга кўтарасига топшираман. Бугун ҳам бир юк машина мол жўнатдим. Энди ўзим ҳам изидан бораман. Шунга бўш кетгандан кўра, бир-икки одам олсамми, дедим. Ҳарна, бензиннинг пули чиқади. Кетсангиз, олиб кетаман.

Машинага жойлашарканмиз, ўғлим менга ёвқараш қилди. Бунинг маъносини тушундим: “Такси тиқилиб ётган бўлса-ю, нархини суриштирмай, келишмасдан бир кекса одамнинг машинасига ўтириб олганини қаранг. Бу одам машинани қандай ҳайдайди, қачон етиб боради. Кеч тишиб қолган бўлса...”

– Бу киши катта полвон. Қишлоғимизнинг зўр полвони бўлган. Бу одамга йўқ, деб бўлмайди, – дедим ўғлимга паст овозда нигоҳидаги саволларга жавоб берган бўлиб. Ичимда эса ўйладим: “Сен шаҳарда ўсган бўлсанг, полвонни қаердан биласан. Қишлоғимиздан Тиловбердидай полвон ҳали-бери чиқмаган. У зўр эди!”.

Тиловберди полвон билан бир мактабда ўқиганмиз. У биздан беш-олти ёш катта эди.

Болалик пайтимизда қишлоғимизнинг тўйлари кўпкари ва курашсиз ўтмасди. Курби етган одам, албатта, бу томошаларсиз тўй қилмаган. Кураш ва кўпкари бўлмаган тўйларни “қизил тўй” деб аташарди.

Қишлоқ тўйларининг кўпқари ва кураш томошалари ниҳоятда завқли бўларди. Биз болалар мактабда дарслар тугар-туғамасдан бу томошаларга ошиқардик. Айниқса, кураш бизнинг жону дилимиз эди. Синфимиздаги аксарият ўғил болалар кураш тушишарди. Одатда тўйлардаги курашни болалар бошлаб беришарди. Баковуллар дастлаб олти-етти ёшли болаларни даврага таклиф қилишар, секин-аста курашга тушадиганларнинг ёши каттариб бораверарди. Давлатманд одамларнинг тўйларига қўшни туманлардан, Қарши шаҳридан, Сурхондарёдан, Самарқанду Бухородан, ҳатто Туркманистондан ҳам таниқли полвонлар таклиф қилинардик. Ҳар бир қишлоқнинг, туманнинг ўз таниқли полвонлари, зўрлари бўларди. Тиловберди қишлоғимизнинг зўри эди. Етмишинчи йилларда қишлоғимизда бўладиган тўйларда биринчи товоқ яъни совринни ҳеч кимга бермаган. У ниҳоятда моҳирлик билан олишар, чаққон ва ҳаракатлари тез эди. Тиловбердининг кураш усулини кўрмаган бегона полвон бўлса, албатта, биринчи ё иккинчи қўл ушлашишда уни елкасидан ошириб ташларди. Ўн йил десам, балки лоф бўлар, аммо аниқ беш йил Термиздан Самарқандгача, Китобдан Бухорогача бўлган ҳудудда Тиловбердига тенг келадиган полвон топилмади. У даврага тушиб айланганида, рақибини бир силтаб, елкасидан ошириб отганида давралар қарахт бўлиб қолганини, олқишдан еру осмон зириллаганини кўп бор кўрганман ва қишлоғимизнинг ҳар бир ўсмир боласи сингари кўнглимда бир дунё ғурур туйганман. Бу полвоннинг бир қўлини олиб кўришиш, саломлашиш, суҳбатида бўлиш биз ўсмир йигитчалар учун катта орзу эди.

Ҳа, Тиловберди қишлоғимизнинг фаҳри эди. Ҳар бир элнинг шундай бир полвони бўлсин экан. Бу полвоннинг бир курашини ўз кўзим

билан кўрганман ва ҳозир ҳам бу воқеани ҳар эслаганимда баданимга титроқ ҳаяжон киради.

Адашмасам, мактабни битираётган йилимиз эди. Қир-адирлар кўм-кўк, қизғалдоқлар очилган, айни кўклам кунлари эди. Хўжалик раиси тўй қилаётганди. Чорвачилик фермасининг ёнидаги адирликда олдин кўпкари берилди. Кейин эса кўкаламзорда катта кураш бўлди. Одам кўп. Давранинг чет-четида тўрт-беш қур бўлиб, полвонлар жойлашган. Қаршидан, Яккабоғу Чироқчидан, Сурхондарёдан ва бошқа жойлардан полвонлар бор.

Кураш қизигандан қизиди. Айниқса, қаршилиқ Жаббор полвон бошлаб келган чеченми, осетинми, бир сап-сарик полвон ўнга яқин йигитни йиқитди. Зўрман, деганнинг ҳаммаси писиб қолди. Бу нотаниш сарик полвон ҳамма зўрни йиқитгани камдек, совринлар қўйилгач, бориб биринчи товоқни, яъни совринни ҳам олди. Давра жимиб қолди. Минг-икки минг одам жам бўлган даврада сукунат. Баланд бўйли сарик полвон ўзбекча яқтак кийганича даврани айланади. Талабгор йўқ. Шунда ёмон бўларкан, биродар?! Бир вақтлари кураш тушган, умри полвонлик билан ўтган чоллару ёш полвонлар, қишлоқнинг ориятли инсонлари ерга кириб кетай дейди. Аммо талабгор йўқ. Зўрга тараф йўқ. Россия томонлардан келган нотаниш сарик полвон эса даврани тўлдириб айланади, айланаверади... Қани энди, шу пайт ер ёрилсаю ютса... Лекин ер ютмайди. Полвонлар юрти Кўкдала аҳлининг шарманда-ю хор бўлганини, ҳатто Куёш ҳам самодан кулиб томоша қилаётир.

– Қани энди, ҳозир Тиловберди бўлганида эди!– деди тўй курашининг баковулларидан бири. – Афсус, қадимгиларнинг йигитга ўлим йўқ, у ўзини ўтга, чўкқа уради, деганлари рост экан.

Тиловберди олдин Қарши шаҳрида техникумда ўқиди. Кейин танилиб, номдор полвонга айлан-

гач, уни Жисмоний тарбия институти раҳбарлари Тошкентга чақириб, ўзлари ўқишга қабул қилишди. Аммо ўқишни битираётган йили талабаларнинг бир жанжалига аралашиб, қамалиб қолди, институтдан ҳайдалди.

– Тиловберди уйида, – деди унинг тенгқурларидан бири баковулга. – Аммо озиб-тўзиб кетган. Бировнинг ёқасини ушлайдиган ҳоли йўқ. Аҳволидан уялиб, тўйга келмади.

Баковулга жон кирди: – Мен кўшимча товоқзотлар қўйиб, даврани ушлаб тураман. Илтимос, уни обкелинглар. Майли, олишмасаям, бир келсин.

Тиловбердининг ҳақиқатан ҳам ранги бир алпозда эди.

– Мен кураш тушадиган ҳолатда эмасман, – деди у. – Энди хафа бўлмайсизлар, оғайнилар!

Баковул ақлли одам эди. Ўзи ҳам ёшлигида кураш тушган, полвонларнинг руҳини, қитиқпатини яхши биларди.

– Ўғлим, – деди у Тиловбердининг елкасига қўлини қўйиб, – аввало, кўнглингни чўктирма, йигитчиликда ҳаммаси бўлади. Ҳали кўрмагандай бўлиб кетасан. Энди менинг гапимга қулоқ сол: сен қамалиб қолгач, бу элда полвон қолмади ҳисоб. Сенинг йўқлигингни билиб, анави Жаббор ғирром манави сариқ полвонни обкелган. Чунки унинг алами бор: бу ердан неча бор қуруқ кетган. Қара, ўғлим, одамларга, болаларга қара. Ҳамманинг боши хам. Бу кунларни кўргунча ўлиб кетсам бўлмасмиди?! Лекин сен чиқмасанг, мен ўзим ечиниб чиқаман шу сариққа. Ўлсам, майдонда ўлай. Ўзим ўргилай сендан, чиқ, икки қўл тутсанг, чидаб берсанг бўлди, “овмин” айтиб, даврани тарқатиб юбораман. Бундан кейин баковуллик қилмайман. – У осмонга қаради. – Э, худо, бу элнинг аёллари кўпроқ полвон туғса бўлмасмиди?

Тиловбердининг юзларига қон гупурди. Дув қизариб, дадил ўрнидан турди.

– Майли, оқсоқол, курашганим бўлсин. Фақат, илтимос, даврани ушлаб туринг. Мен уни йиқитаман! Бу элдан ҳали кўп полвонлар чиқади. Сира кўнгилни чўктирманг. – Полвон оқсоқолни бағрига босди.

Шунда бир нарсанинг гувоҳи бўлдим. Боя кичрайиб, афтодаҳолда ўтирган Тиловберди полвон яктак кийиб, белбоғ боғлаб даврага тушганида йириклашиб, шишиб кетган, билак-мускуллари ўйнар, алпомишкелбат паҳлавонга айланганди.

Давра совиб қолган, ишқибозларнинг руҳи синиқ эди. Баковул даврада курашаётган кичикроқ икки полвонга зотни бўлиб бериб, уларни ажратиб қўйди.

– Энди, ҳурматли халойиқ, мен даврага яна бир бор биринчи товоқни кўтарган Россиядан келган полвонни таклиф қиламан. – Баковулнинг овози энди бошқача гулдирарди.

Сариқ полвон бу майдонда ўзига талабгор йўқлигига қаттиқ ишонган шекилли, кийимларини ҳам алмаштириб олган экан. У ечинмасдан даврани айланди.

Баковул унга танбех берди: – Кийимларингизни ечиб, кураш формасида олдимга келинг. Сизга талабгор бор, – деди қатъий.

Майдон яна сув сепгандек жим бўлди. Оломон нигоҳини бир нуқтага қаратди ва даврага тушган Тиловберди полвонни кўриб, халойиқ гувиллади, бир силкинди.

Сариқ полвон томошабинларнинг қийқириғини эшитиб, чўчиб қолди. Қаршисида бўйи сал ўзидан пастроғу, лекин ўзига ўхшаган оқ-сариқ, аммо бақувват рақибини кўриб, довдиради.

Тиловберди биринчи қўлда сариқ полвоннинг яктагидан ушлаб, уни ўнгга ва чапга силкитиб, кучини, имкониятини синаб кўрди. Иккинчи қўлда кўпчилик нима бўлганини англамай қолди. Менинг кўрганим: сариқ полвонни Тиловберди

елкасидан ошириб отди. Шундай гавдали одам икки оёғи ҳавода чархпалак бўлиб, қоқ елкаси билан ерга тушди. Зарбадан ер титраб кетди гўё. Сарик полвон дзюдо курашининг устаси эмасми, дарров сакраб ўрнидан турди ва нима бўлганини тушунмай атрофга аланглади. Шундай моҳир дзюдо устаси ҳам Тиловбердининг “елка” усулига, унинг тез ҳаракатига чап беролмади.

Баковул ўнг қўлини осмонга баланд кўтарди ва овозининг борича бақирди:

– Ҳалол! Тиловберди полвонники ҳалол!

Сўнгра келиб полвонни бағрига босди: “Отангга раҳмат, ўғлим!” Майдон ҳайқириқдан гувиллади. Давра ўрнидан қўзғалди.

Бутун эл Тиловберди полвонни – элнинг ория-тини сақлаб қолган ўз полвонини олқишларди.

Мен ўшандан буён ҳам ҳаётимда кўп бор катта томошаларни, зўр олқишларни кўрдим. Аммо қишлоғимиздаги ўша тўйда кўрганим ҳолат-ни – ғолиб полвонни олқишлаётган ҳамқишлоқ-ларимнинг шодон чеҳрасини ҳар гал ҳаёлдан ўтказсам, беихтиёр ёш боладай кўнглим тўлиб, кўзимга ёш келади. Элим, қани энди, ҳар бир фарзандинг Тиловберди полвондай бир оғир кунингга сенга мададкор бўлиб, кунингга яраса, орингни кўтарса!

Ўз ҳаёлларим билан бўлиб, Самарқандга келганимизни пайқамай қолибман.

– Нон бозорига тўхтаймизми? – Тиловберди полвон бизга мурожаат қилди.

– Албатта-да. Енгилроқ тамадди қилиб олсак яхши бўларди, – дедим.

Полвон бозордан ўнта нон кўтариб чиққанини кўриб, ажабландим.

– Бунча нонни нима қиласиз, полвон?

– Э, нимагадир бошқа ернинг нонларига қор-ним тўймайди. Қоғоздай, бир сиқим. Гўшт сотил-гунга қадар икки-уч кун тураман, шунда ейман-да, – кулади полвон.

Зимдан Тиловберди полвонга разм соламан. Олтмишга кираётган бўлса-да ҳали бақувват, этини олдирмаган. Фақат ҳаракатлари бир оз оғирроқ, олдингидек чаққон эмас.

Полвонни гапга соламан. Нега қамалганини сўрайман.

– Одамлар полвон халқининг эси камроқ бўлади, дейишса, тўғриси, жаҳлим чиқарди, – дейди у маҳзун. – Ёшим бир жойга борганида ортга қарасам, кўп ножўя ишлар қилибмиз. Энди кеч. Камчилигим: ноҳақлик, инсофсизликни кўрсам, ғазабимни босолмайман. – У бир оз тин олиб, кейин давом этди.

– Биринчи қамалишим, ўқишдан ҳайдалишимга бир қиз сабабчи бўлган. Кучим кўп, зарбим зўр эди. Ёшликда бўлганда, ука. Кейингисини ҳам эшитгансиз, элда гап ётмайди. Хўжаликда тўрт-беш йил бўлим бошлиғи бўлдим. Бир куни қишлоғимизнинг қизлари, келин-жувонларини ҳашарга чиқариб, даламизда пахта тердираётган эдим. Туман раҳбарларидан бири – вакил тушликда келиб қолди. Машинадан тушар-тушмас бақира кетди:

– Нега ўтирибсанлар, бу қанжиқларинг нега пахта термаяпти? Сен қаёққа қараяпсан, хўкиз!

Вакилга яқинлашиб, салом бериб, қўлимни узатгандим, олмади. Қарасам, оғзидан ароқ ҳиди келяпти.

Ғазабим қўзиди. Мен бир элнинг катта полвони бўлсам. Бу энағар ким ўзи? Мана бу маҳалладош қиз-жувонлар, келинлар олдида ким деган одам бўлдим? Ўзимни тутолмай қолдим. Вакилнинг ёқасидан ушлаб, ўзимга тортдим-у бир мушт урдим. Сомон тўлдирилган қопдай пўкак одам экан. Икки оёғи кўкрагим баробар кўтарилиб, ариққа елкаси билан қулади. Ҳайдовчиси зўрға ўзига келтириб, олиб кетди...

Гурунг-гурунг билан вақтнинг ўтгани сезилмади. Гўё манзилга бир зумда етиб келдик. Машинадан тушиб, хайрлашарканмиз полвон:

– Шундай қилиб, жанжалу курашларда умр ўтди, ука. Балки, ҳозиргидек шароит, имкониятлар бўлганида бизни ҳам дунё танирмиди?! Насиб бўлса, набираларимдан жаҳон чемпионлари чиқар... – деди.

Унинг овозида бироз ўкинч, бироз умид ҳам шукр бор эди.

2013 й.

АЛАМ

Ғулом Қодирович анча кеч уйғонди. Боши лўқиллаб оғрир, томоғи қуруқшаб қотиб қолганди. У оғзида аччиқ таъмни сизди. Ўрнидан турмоқчи бўлган эди, боши айланиб кетди ва гарданини яна ёстиққа қўйишга мажбур бўлди. Томоғи, кўкракларида сим-сим оғриқ бор эди. Ютинди, шунда ичи куйиб, кучли чанқоқ ҳиссини туйди. Бир оз муддатдан сўнг гавдасини зўрға кўтариб, ёғоч кароватга оёғини осилтириб ўтираркан, кўзи тиниб кетди. Танаси худди онадан янги туғилган қўзичоқникидай “дир-дир” титрарди. Унинг кўзи ўриндиғи тагида – пойгакда турган катта тоғорага тушди. “Демак, тунда қайт қилибман-да” дея ўйлади. Тумба устида эса минерал сув, совитилган кўк чой турарди. У қўллари қалтираб, сувни олди ва охирига қадар сипқорди. Танасига ҳузурбахш бир ором югурди...

Ғулом Қодирович одатда деярли ароқ ичмасди. Жуда “нозик” давраларда обрўли одамларнинг юзидан ўтолмай бир-икки қўл ичган киши бўлиб, хўплаб қўярди, холос. Аммо кеча ниҳоятда хурсанд бўлганидан... Уйга қандай келганини эслолмади у.

Хонага кенг кўйлақлари ҳалпиллаб, ўзи ҳарсиллаб хотини кирди. Ёшлигида қандай сарвқомат қиз эди у. Не-не йигитлар изидан юрарди. Бироқ Ғулом чаққонлик қилди. Бир кечада уни алдаб-авраб, поездда шаҳарга олиб қочди.

– Вой, дадаси, тузукмисиз? Кеча ҳаммани кўр-
қитдингиз-ку?

– Нима бўлди? – қовоғини уйиб, тўнғиллади
Ғулом Қодирович.

– Кўп ичибсиз. Укангиз ва шофёрингиз зўрға
қўлтиғингиздан кўтариб, уйга олиб киришди.
Кейин роса хўнграб йиғладингиз. Қайт қилгандан
сўнггина ухлаб қолдингиз. Шундай қаттиқ хуррак
отдингизки, биз ҳаммамиз кўрқиб, бошингизда
ўтириб чиқдик. Укангизнинг айтишича, анави
қишлоқдаги синфдош ошнангиз Эшмат шолойим
бор-ку, ўша ичирибди сизни.

– Кўп вайсайверма! – хотинини жеркиди Ғулом
Қодирович. – Шундоғам бошим ёрилиб кетай
деяпти. Нима, Эшмат менинг оғзимдан қуйиб-
дими?...

Кеча Ғулом Қодирович катта ўғлини уйлан-
тирди. Тўй азим шаҳарнинг манаман деган ресто-
ранларидан бирида бўлиб ўтди.

Бу кунни Ғулом Қодирович қанча йиллар
орзиқиб кутганди. Тушларига кириб чиқарди
бу тўй. Қийналганларида, иши юришмай қолган
пайтлари ўзига сабр-тоқат, қаноат, ирода тилар
ва шу тўй хаёли маёқ каби уни олдинга чорлар,
мақсад сари собитлик билан олға интиларди.
Бугун унинг ҳамма нарсаси бор: мансаби, мол-
дунёси, иззат-ҳурмати.

Тўйга айтиладиганларни ўзи рўйхат қилиб
чиқди. Туғилиб ўсган қишлоғидан ҳам анча
одам келди. Дастурхон мўл-кўл бўлди. Эл суйган
ҳофизлару қўшиқчилар хизматда туришди. Ҳам-
маси чиройли, бадастир, кўнгилдагидай, меҳмон-
ларнинг ҳам, мезбонларнинг ҳам димоғи чоғ. Базм
охирлаб қолган эди. Нозик меҳмонларга хизмат
қилиб турган тўйбошилардан бири – болаликдан
қалин синфдош ошнаси Эшмат ёнига келди.

– Ғулом, – деди у болаликдагидай бемуло-
замат. – Асосий меҳмонлар кетиб бўлди. Келин-
куёвнинг жўралари ва бир-икки қариндошлар

қолишди, холос. Шу муסיқа тугагач, келин-куёвларга ҳам рухсат берамиз. Мен эрталабдан буён туз тотганим йўқ. Сиз ҳам, қараб турибман, ўтирмадингиз. Юринг, чеккароққа ўтиб, тамадди қилайлик.

– Айни муддао, – деди Ғулом Қодирович дўстининг елкасига қўлини ташларкан ва ҳақиқатда очиққанлигини, оёқда туравериш толиққанини ҳис қилди.

Икки оғайни меҳмонлардан бўшаган столлардан бирига бориб ўрнашишди. Эшмат хизматчи қиз келтириб қўйган қадахчаларни четга суриб қўйди-да, стол устида турган иккита чой пиёлани олиб, уларни ароқ билан чайқаб, тозаллаган бўлди. Кейин пиёлаларни тўлдириб ароқ қуйди. Бирини Ғулом Қодировичга узатиб, иккинчисини ўзи қўлига олди.

– Энди мен бир сўз айтсам, ошна, – деди Эшмат салмоқлаб. У тумандаги ташкилотлардан бирида раҳбар эди. Мажлисларда гапиравериш пишиб кетганидан ҳар бир гапи маърузага ўхшарди. – Биз сиз билан фахрланамиз. Биз, деганим, ҳамқишлоқларингиз, тумандошларингиз, синфдошларингиз. Келинг, ҳақиқатнинг кўзига тик қарайлик. Сиз оддий одамнинг фарзандисиз. Отангиз, бечора, камолингизни кўролмай, эрта қазо қилиб кетди. Онангиз сизни ёлғиз ўзи гилам тўқиб сотиб, мол боқиб ўқитди. Қийналиб ўқидингиз. Талабалик даврингизни битта камзул-шимда ўтказганингизни биламан. Лекин сиз сабр-тоқат, чидам билан барча қийинчиликларни енгиб ўтдингиз. Катта шаҳарда қолиб, катта одам бўлдингиз. Биз ўқиган мактабдан, қишлоғимиздан чиққан сиздай нуфузли, катта ҳурмат-эътиборга эга одамлар бармоқ билан санарли.

Бугун тўнғич фарзандингизнинг бошини иккита қилдингиз. Ажойиб тўй бўлди. Тўйнинг таърифи эрта-индин эл оғзида дoston бўлади.

Келинни ҳам шу ердан танлабсиз. Мен бунинг замирида ҳам сизнинг узоқни кўзлаётганингизни, донолигингизни кўраяпман. Илоҳим, ёшлар бахтли бўлишсин. Бу келин-куёвлардан дунёга келадиган набираларингиз сиздан-да ўтадиган обрўли одамлар бўлишсин. Мартабангиз ҳамиша зиёда бўлиб, биз сизга суяниб юрайлик. Ёшимиз тўқсонга етганида ҳам мана шундай тўйларда тилак билдириб туриш насиб этсин. Чин юракдан сизни, оилангизни табриклайман. Келин муборак бўлсин!

Эшмат пиёлани уриштирди-да, бир зарб билан охиригача сипқорди. Сўнгра: – Мендай ичинг. Бахтингиз доимо мана шу пиёладаги оқ шаробдай тўлиқ ва бутун бўлсин! – дея қўшиб қўйди.

Ғулом Қодирович ошнаси қадаҳ сўзи айтмасида, ичмоқчи эди. Чунки бугун ниҳоятда хурсанд бўлди, бир оз ҳаяжонда эди. У ҳам тик турганча пиёлани бир кўтаришда тўнкарди.

Эшмат аҳён-аҳёнда қишлоққа борганида сира ароқ ичмайдиган, тегманозик ошнасининг лим пиёлани охирига қадар ютганини кўриб, ҳайратланди ва шумлиги тутиб, пиёлаларни яна тўлдирди.

– Энди буниси мажбурий эмас, – қувлик билан кулди Эшмат. – Ҳар ким ҳолига қараб ичсин.

– Нега энди? – деди Ғулом Қодирович кескин. – Мен бугун ичмоқчиман. Сиз ҳам ичасиз!

Иккинчи қадаҳ ҳам худди олдингисидай жуда мулойим ва осон кетди.

– Энди мен сизга ўттиз йиллик бир сиримни, алаимни айтаман, жўра. Сиз менинг қиёматли дўстимсиз, биродаримсиз. Агар бу сирни бугун очмасам, ёрилиб кетаман. Нега мен бу азим шаҳарда қолдим?

Ғулом Қодировичнинг тили ғўлдираб деганлари, гарчи ичимлик таъсир қилиб, бошини қиздираётган бўлса-да, Эшматни хушёр торттирди ва у дўстини тинглай бошлади.

...Дорилфунун бекатидан қорача юзини сепкил босган, узун бўйли, озғин, қора шим, оқ кўйлак кийган ёш йигит автобусга чиқди. Йигитнинг оёқлари жуссасига номутаносиб, узунроқ эди. Унинг кайфияти чоғ, худди ўқишга киргандек хурсанд. Бунинг боиси, у бир неча кун навбат кутишлардан сўнг, ниҳоят, бугун дорилфунун қабул комиссиясига ҳужжатларини топширганди.

Автобус тирбанд. Навбатдаги бекатдан уч-тўрт спорт кийимидаги ўсмир йигитчалар орқа эшикдан чиқишди. Улар одамларни суриб, сурилиб, тикилинчда олдинга қараб ўта бошлашди ва бирдан бояги дароз йигитнинг ёнида туриб қолишди. Автобус навбатдаги бекатда тўхтади ва салон бир оз бўшади. Йигитчалар ҳам бир-бирини туртишиб, автобусдан шошиб тушишди.

Дароз йигит автобусдаги тирбандлик бир оз камайгач, тепадаги тутқичдан қўлларини олиб, шимининг чўнтақларини пайпаслаб кўрди ва орқа чўнтаги бўм-бўш эканини сизди. Бирдан ранглари оқарди ва ҳали бекатдан жилмаган автобусдан шошиб тушди. Шу топда шаҳарга жўнатаётганида онаси айтган гапни эслади: “Болам, катта шаҳарда ҳар хил одамлар бор. Ҳужжатларингга эҳтиёт бўл. Пулингни йўқотсанг, майли, аммо ҳужжатларингни йўқотма. Уларни йўқотиб қўйсанг, кейин сени ўқишга қабул қилишмайди”.

Йигит автобусдан тушасолиб, жон ҳолатда атрофга олазарак қаради ва сал нарида ўзаро чақчақлашиб кетаётган бояги болаларга кўзи тушди. Боя дорилфунун қабул комиссияси ҳужжатларини қабул қилгач, паспортини ва ҳарбийга чақирув қоғозини қайтариб берган, у бу ҳужжатларни қоғозга ўраб, шимининг орқа чўнтагига солиб қўйганди.

– Ҳой болалар, тўхтанглар! – ҳаллослаб югурди йигит. – Илтимос, паспортимни беринглар!

Спорт кийимидаги йигитчалар орқага ўгирилиб, бир-бирига имо-ишора қилиб тўхташди.

– Илтимос, ҳужжатларимни қайтариб беринглар! – йигит ҳансирарди.

– Қанақа ҳужжат? Э, нима деяпсан?

– Паспортим, военкоматнинг қоғози... Силар олдиларинг. Орқа чўнтагимда турувди.

– Сан нима, бизни ўғри деяпсанми? Тошингни тер...

Дароз йигит узун ва озғин қўллари билан ўзига яқинроқ турган йигитчалардан бирининг ёқасидан тутди.

– Паспортимни берларинг!..

– Э, қўйвор ёқамни! Нега қараб турибсанлар?! – Дарознинг қўлидан ёқасини чиқаролмай типирчилаётган бола шерикларига кўз қисиб, имо қилди.

Шу пайт йигитнинг чап қовоғи ва кўзи аралаш бир мушт тушди. Иккинчи мушт бурнига тегди. Бир зумда йигит муштлар ва тепкилар “ёмғири” остида қолди.

– Ҳой, нима қилаяпсанлар? Тўхтанглар. Ҳозир милиса чақираман!

Йўлдан ўтаётган оқ-сарик юзли, тўладан келган, сочларига оқ оралаган зиёлинамо одамни кўриб, болалар бирдан ҳар тарафга қараб қочишди.

Нотаниш одам йигитни ўрнидан турғазиб, устбошини қоқди. Боя муштлашув пайти кимдир отиб юборган ва сал нарида йўлак четида сочилиб ётган ҳужжатларни олиб, унинг қўлига тутқазди.

– Шулар сеникими? Ўқишга келдингми? Хафа бўлма, ўғлим. Ҳали бир катта одам бўлиб кетганингда эслаб, кулиб юрасан. Ҳаммамиз шундай бошлаганмиз. Дадилроқ бўл. Анави ерда водопровод бор. Юз-қўлингни ювиб, бурнингни артиб ол. Бўшашма. Яхши одамларнинг фарзандига ўхшайсан. Бу ердан қандай кетишни биласанми? Пулинг борми?...

Шу топда йигитнинг калласига бирон гап кирмас, бутун танаси оғриқ ва аламдан ловиллаб ёнарди. Бир оз ўзига келгач, у йўл четидаги ошхона ҳовлисига кириб, юз-қўлини ювди,

бурнининг қонини тозалади. Беихтиёр бутун умри бири икки бўлмасдан азоб-уқубатда ўтган марҳум отасини эслади: "Ўғлим, бу ҳаётда бўри бўлиб яшашинг керак. Бўлмаса, бошқалар сени еб қўйишади" дея кўп такрорларди, раҳматли. Ўзини ожиз ва нотавон сезиб хўрлиги келди. Ичидан келаётган ўкириқни тўхтатолмасдан, эзилиб йиғларкан, ўзича қасам ичди: "Агар ўлмасам, ўқишни битириб, шу шаҳарда қоламан ва "катта одам" бўлиб, бу зўравон шаҳарни оёғим остида тиз чўктираман!".

Ғулом Қодирович бутун умри давомида ёшлигида содир бўлган шу воқеадан сабоқ олиб, хулоса чиқариб яшади. Ўша кунни ҳар эслаганида орияти қўзир, алами келарди. Шу алам, уят ҳисси уни улғайтирди. Шу туфайли жон-жаҳди билан ўқиб, изланиб, умр йўлларида дуч келган барча қийинчиликларни қадам-бақадам, чидам билан енгиб ўтди. Яхши мутахассис, ажойиб инсон бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топди. Эл билмасдан айтмайди: "Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи".

Ғулом Қодировичнинг хаёлларини яна хотинининг овози бузди:

- Туринг, дадаси. Ювиниб, кийиниб олинг. Ҳадемай, "Келин салом" бошланади. Сизнинг ҳам келинингизга атаганингиз бордир. Қудаларнинг олдида одамни шарманда қилманг, тағин.

Ғулом Қодирович дадил, шитоб билан ўрнидан турди: "Нима деяпсан, хотин. Биз ҳали бу қадим кентни забт этамиз. Уларга кўрсатиб қўямиз кимлигимизни!" У кўнглидан ўтган бу гапларни аёлига очиқ айтмаган бўлса-да, ўттиз йиллик алами бир оз босилгандай бўлди.

2013 й.

ЧОЙХОНАДА

Гоҳи-гоҳида дам олиш кунлари зерикканда “дом”имиз ёнидаги чойхонага чиқиб тураман. Катта йўл ёқасидаги ариқ бўйида, баланд чинорлар тагида жойлашган бу “оромгоҳ” ҳамиша гавжум бўлади. Айниқса, ҳаво иссиқ ва дим кунлари шарқираб оқаётган ариқдаги сув тафтингни олиб, чой танангни яйратади.

Чойхоначига бир чойнак кўк чой буюрдим-да, чеккароқдаги курсилардан бирига секин ўрнашдим. Бугун негадир бу ерда одам сийракроқ экан.

Чойдан энди бир ҳўплаган эдим ҳамки:

– Ёнингизга ўтирсам бўладими? – деган овоздан бошимни кўтардим. Қаршимда баланд бўйли, қадди бир оз эгилган, қовоқлари салқиган, аммо чехраси очик, аниқроғи, ҳали кексаликни тан олишни истамаётган бир одам турарди.

– Келинг, бемалол, – дедим бир оз ёқинқирамай. Чунки, атрофда бўш жойлар кўп эди.

– Айбга буюрмайсиз, ука! – у менинг ёқтирмаганимни сездим. – Ёлғиз ўтиришни кўп хушламайман. Қарасам, биз томонларнинг одамларига ўхшадингиз. Истарангиз иссиқ экан.

Яхши гап яхши-да. Янги танишимнинг бир оғиз мулозамати кўнглимдаги чигилликни ёзди ва ўрнимдан туриб, хизматчига яна битта пиёла келтиришни айтдим-да, ҳамроҳимга зимдан назар солдим. Унинг бодомқовоқ юзларида кексалик аломатлари сезилса-да, негадир ранги қизил, сочлари ва қошлари қоп-қора, биронта оқи йўқ эди. Бўядимикин? Ялтираб турибди-ку! Умри маишатда ўтган собиқ амалдорлардан бўлса керак-да, дея ўйладим.

Чойдан пиёлага қуйиб узатарканман, ҳамроҳимга юзландим:

– Бизнинг томонлар деганингиз қайси тарафлар?

– Энди, – у бир оз тараддудланди. – Шу... Самар-қанддан кейинги қишлоқлар-да.

Танишиб олдик. У бизга қўшни қишлоқдан экан. Бир-икки ўзим билган одамларни сўраган эдим, танимади.

– Мени айбламайсиз, – деди у хижолатдан чиқиш учун. – Қишлоғимдан чиқиб кетганимга эллик йилдан ошди-ёв. Дастлабки йиллари тез-тез бориб турардим. Кейин ишга ўралашиб қолдим. Бола-чақа, турмуш ташвишлари дегандай. Ота-онам ўтиб кетгандан буён эса мутлақо бормай қўйдим.

У киришимли, улфат одам экан. Бизнинг маҳалламизга яқинда кўчиб келибди. Олдин шаҳарнинг Жарариқ мавзесида тураркан.

Ёши элликдан ошган одамлар учрашиб қолса, албатта, бир-биридан болалари ҳақида сўрашади. Мен ҳам янги танишимдан фарзандлари ҳақида сўрадим, унинг авзои ўзгарди, кайфияти бузилди.

У пиёладаги чойни охиригача сипқорди-да, менга қаттиқ тикилди. Унинг кўзлари қизарган эди.

– Ярамга туз сепдингиз, ука. Ҳа, майли, ўзимиздан экансиз, дардимни айтсам, балки енгиллашарман.

Унинг ҳикояси анча мунгли эди.

– Мактабнинг олди ўқувчиси эдим. Отам мени катта шаҳарга жўнатар экан, айтган гапи шу бўлди: “Ўғлим, қобилиятинг бор. Мен оддий қора ишчиман. Бировга гапим ўтмайди, дастим калта. Билсанг, дунёда камбағалликдан, ночорликдан оғир азоб йўқ. Мен сенинг қўли истаган ерга етадиган катта одам бўлишингни, сенга ҳамма ҳавас қилишини хоҳлайман. Сен билан фахрлангим келади, болам”.

Биринчи йили дорилфунуннинг мандатидан қайтдим. Кейинги йили қаттиқ ва жиддий тайёрландим. Кечани кеча, кундузни кундуз демасдан, ётсам-да, турсам-да тиним билмай ўқидим ва ниятимга етдим. Талабалик йилларим ҳам осон кечмади. Отам менга доим ҳам пул жўнатишга

қурби етмасди. Якшанба кунлари мардикорликка чиқардим.

Ўқишни битираётган йилим омад кулиб боқди. Бир бой хонадоннинг эркатой қизи менга кўнгил қўйди. Ўзиям баланд бўйли, кўркем йигит эдимда ўша пайтлари. Ота-онам бошида рози бўлишмади-ю, кейин менинг келажагимни ўйлаб, “хўп” дейишди. Буёғи силлиқ кетди. Шаҳар пропискаси, уй-жой, иш осонгина ҳал бўлди. Беш йилдан сўнг шаҳардаги катта банклардан бирига ўринбосар бўлдим, яна бир йилдан кейин эса бошлиқ. Бой қайнотам қўллаб турган бўлса-да, мен ўзим ҳам иқтидорли эдим. Мудом отамнинг ўғитларини ёдимда тутдим. Мақсадга эришиш учун ҳамма воситалардан фойдаландим. Хуллас, ёшим ўттизга етмасдан, кимсан Тошпўлат Аҳмедовичга айландим.

Хотиним дипломни сандиққа ташлаб, ўзини савдога урди. Хориж унга бир қадам бўлиб қолди. Биласиз, қишлоқ мактабларида чет тиллари яхши ўқитилмайди. Шу боис ўзим ҳам ҳалигача тил масаласида қийналаман. Шунини ҳисобга олиб, болаларимни рус тилли боғча, мактабларга бердим. Шунинг учунми, улар анча эркин, миллий қадриятларимиздан йироқроқ бўлиб ўсишди. Биз уларнинг кундаликларидаги баҳоларига маҳлиё бўлиб юраверибмиз.

Хотиним пултопарман, чиройли, ноз-карашмаси зўр эди. Аммо менинг қариндошларимни хушламасди. Биласиз, биз томонларда ўзларидан чиққан кадрларни ғоят иззат-ҳурмат қилишади. Бунини мен тўй-маъракаларга борганда кўп кўрганман. Меҳмондорчиликлар, совға-саломлар мўл бўлади. Ўзлари баёт-шаёт яшамаса-да, шаҳарга тўлиб-тошиб келишади. Нимамиш, пойтахтда яшаш осон эмас эмиш. Бизникига ҳам улар сира қуруқ қўл билан келмаган – бирови бир қоп олма ё анор, узум ёки бир гавда гўштми, бир бидон асалми-ей, ишқилиб бирон тансиқроқ неъматлардан кўтариб келишарди.

Бизнинг хотин эса уларни ёқтирмасди. Нарсаларини олардию, ўзларини алдаб жўнатворарди. "Тошпўлат акангиз чет элга командировкага кетган", "У киши бу ҳафта бўлмайдилар" ёки шунга ўхшаш бошқа бирон гап айтарди. Мен буларни билардим, албатта. Қишлоқдошларимга ёрдам берсам бўларди. Кимгадир даволаниш, кимгадир иш, ўқиш ёки банкдан кредит олиш масалаларида кўмак беришга имкониятим бор, бир кўнғироғимга муштоқ раҳбарлар кўп эди. Бироқ мен уларга ёрдам беришни истамасдим. Чунки, хотиним тинмай жаврайверганидан кейин менинг миямга ҳам қишлоқдошларимга нисбатан нописандлик, менсимаслик кайфияти сингиб улгурганди. Мен ўзимни яхши кўрардим. Тинчим, оромимни бузадиган ҳар бир нарса менинг кайфиятимга таъсир қиларди.

Пулим кўп эди. Ҳовли, дача, машина, дўконлар. Ҳаммаси бор эди.

Катта ўғлим мактабни тугатгач, ўқишни истамди. Дада, мен чет элга кетмоқчиман, деди. Нима қиласан четда, дедим. Мустақил яшамоқчиман, деди. Мана, ўн йилдан буён қорасини кўрсатмайди, энағарнинг боласи. Эшитишимча, Америкада юрганмиш. Уйланганмиш. Бир телефон қилиб қўяй ҳам демайди. Иккинчиси машина билан бир ёш болани уриб кетди. Танишларимни ишга солиб, "бости-бости" қилдим. Бир йил ўтмай "қора дори" савдосига аралашиб, қамалди. Хотиним эса Туркияга қатнаб, мол олиб келиб юрарди. Ҳозир Анталияда. Бир турк билан яшаяпти. Севиб қолганмиш. Қизим эса, билмадим, нима жин урди: тиббиёт институтида ўқиётганди. Ишдан келсам, меҳмонхонамизнинг залидаги катта қандилга ўзини осибди. Қизим акаларига ўхшамасди. У бошқача эди... Шундан сўнг мен адои тамом бўлдим.

Икки йил бурун ишдан олиб ташлашди. Бор мулкимни сотдим у шу маҳалладан квартира олиб, кўчиб келдим. Негаки, олдин яшаган маҳалламда

бош кўтариб юролмай қолдим. Болаларимга пул берибман-у инсонийлик сабоқларини ўргатмабман.

Энди ўйласам, улар ота-оналарининг турмуш тарзи, худбинлигидан ибрат олган бўлсалар керак-да.

Икки марта инфаркт ўтказганман. Ёлғиз одам учун туннинг ўтиши қийин экан. Тонг отмайди, биродар. Ўлиб қолсам, эгасиз қолиб кетмай, деб эшикни қулфламай ётаман...

Энг ёмони, қишлоққа боролмайман. Икки йил олдин отам қазо қилганида боргандим. Отам элнинг хизматини кўп қилган экан. Маъракаси-га гурас-гурас одам келди денг. Ишонсангиз, келганларнинг кўпини танимадим. Аммо улар мени танишаркан. Улар учун мен "Аҳмад буванинг Тошкентда ишлайдиган, аммо қишлоққа деярли келмай қўйган банкир ўғли"ман, холос. Қабристонга борганимизда мулла мендан "Отангизни гўрга кимлар қўяди?" деб сўради. Мен каловланиб қолдим. Чунки, қариндошларимни танимасдим. Шунда ёнимда турган чопон кийган уч-тўрт ёш йигит "Рухсат берсангиз, биз қўямиз, Тошпўлат ака!" дейишди. Шунда кўзларимга ёш келди. Уларнинг бири жияним, бири амакимнинг ўғли экан. Отамни ерга қўйгач, бир фотиҳа қилайин, деб онамнинг қабрларини излаб юрсам, ўша чопон кийган йигитлардан бири секин имлаб кўрсатди.

Ёлғиз қолганимдан буён бир савол мени қийнайди: мен қаерда, қачон, қандай хатога йўл қўйдим? Нимани нотўғри қилдим? Нега менинг умрим бу тарзда аянчли хотима топиши керак?

Ўйлаб-ўйлаб бу саволга жавоб топгандай бўлдим. Мен, мени дунёга келтирган азиз тупроқни, она қишлоғимни, энг яқин қадрдонларимни унутибман. Уларнинг олдидаги қарзимни, фарзандлик бурчимни эсимдан чиқарибман. Энди хатоимни тўғрилаб, билиб-билмай қилган гуноҳларимни ювишга менда имкон йўқ. Умр ўтиб бўлди...

Тошпўлат ака чуқур ҳўрсинди. Уни диққат

билан тинглаётганимга ишонч ҳосил қилгач, секин давом этди.

– Биласизми, ука, кейинги пайтларда тушларимга нуқул қишлоғимиз киради. Биз бола пайтларимизда ҳовли деворлари бўлмасди. Ёз оқшомлари уйимиз олдидаги лой супада ака-укалар осмондаги юлдузларни санай-санай, адоғига етмасдан ухлаб қолардик. Уйлар бир-бирига яқин қилиб қурилгани, деворлар бўлмагани сабабли ота-онамиз кўшникилар билан супада ўтириб бемалол суҳбатлаша оларди. Узоқ қиш тунларида иссиқ сандал атрофини ўраб, керосин чироқ ёруғида “Алпомиш”, “Ѓўрўғли”, “Юсуф ва Зулайҳо” каби халқ достонларини ўқир, бувабувиларимизнинг эртақ-маталларини мириқиб тинглардик. Тупроқ кўчаларни чангитиб чопгандаримиз, кўм-кўк қир-адирларда кўйларни ҳайдаб юрганларимиз-чи? Энди ўйласам, энг самимий, беғубор даврларим ўша олис болаликда қолиб кетган экан. Қани эди, ўша кунлар бир кунгина қайтсаю, мен болага айланиб ота-онамнинг бағрида ўшандай супаларда бир кеча ором олсам, тупроқ кўчаларни чангитиб ҳолдан тойгунча югурсам. Ўша пайтлари қишлоғимизга ҳали электр бормаган, газлашмаган ҳам эди. Бироқ мен бирон марта шамоллаганимни эслай олмайман. Қор ёғса, биз болаларнинг қувончи, завқи ҳаддан ошарди. Уйимизнинг томини кимўзарга курардик. Мактаб йўлидаги тепаликдан пастга сирпанавериб, кирза этикларимизнинг таги ейилиб кетарди. Эҳ-ҳе, ажойиб дамлар экан-да, энди билсам. Одамларни айтмайсизми, одамларни. Чехраларидан соддалик ва самимийлик уфуриб турган бу тўпори ҳамқишлоқларимни, рост, жуда соғиндим...

Болалик ҳақидаги хотираларини сўзларкан, ҳамроҳим ҳаяжонланиб, кўзлари порлаб кетди... Атрофда биздан бошқа ҳеч ким қолмаган. Чойхона хизматчилари стол-стулларни йиғиштирарди.

2013 й.

ЧОЛЛАР

Алишер хонасига киргач, деразанинг туйнугини очиб юборди. Туни билан димиққан хонага тонг шабадаси ёпирилди. Компьютерни ёқиб, интернетга кирди. Сайтларга бирров кўз югуртириб, дунё ахборотлари билан танишди.

Бирон соатдан сўнг йўлакда ҳамкасбларининг қадам товушлари эшитилиб, ходимлар ишга кела бошлади.

Ички телефон жиринглади. Пастда, бинога кираверишда ўтирадиган, келувчиларга “пропуск” берадиган қиз экан.

– Ассалому алайкум, Алишер ака! – гўшакдан кўнғироқдек овози жаранглади қизнинг. – Шикоят билан келишибди. Кирамиз, дейишаяпти.

– Ким, қаердан, қандай масалада экан? – энсаси қотди Алишернинг. Кейин қўшиб қўйди: – Шулар ҳам жонга тегиб кетишди.

– Ота-бола. Ер масаласида. Олдингизга чиқараяпман.

Нимагадир кейинги пайтларда кечаси ёмон туш кўрсаям, эр-хотин урушсаям, турли идораларга ариза кўтариб чопадиганлар кўпайиб қолди, ўйлади Алишер. Кўшниси Толмас полвоннинг гапи ёдига тушди: “Бу демократия деганлари бизга тўғри кemasкан. Хотинни уриб ҳам, сўкиб ҳам бўмай қолди. Овозингни кўтарсанг, порталга ёзаман, дейди”.

Сал ўтмай қабулхонада ёши саксонларни қоралаган, оқ-сарикдан келган басавлат одам ёнида полвонкелбат бир йигит билан пайдо бўлди.

Алишер “меҳмон”ларни тавозе билан кутиб олиб, стулларга таклиф қилди. Ҳол-аҳвол сўрашгач:

– Хўш, хизмат, отахон? Қаерлардан сўраймиз? – деди.

– Биз Каттатоғдан. Ҳақиқат излаб юрибмиз... Бу йигит ўғлим. Ташқарида машинада келин, набиралар ҳам бор, – гап бошлади отахон.

– Бир йўла пойтахтни ҳам томоша қилиб келайлик, дебсизлар-да, – кулди Алишер.

– Ҳа энди, бу гапингизда ҳам жон бор. – Гап тагидаги кесатикни англамади отахон. – Тошкентда бир қизим, ўғлим яшайди. Шуларникида меҳмон бўлиб юрибмиз-да. Кеча соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари қабулида бўлдим. Бир кўзим хиралашган. Қўли остидагиларга топшириқ берди. Индинга навбатсиз операция қилишаркан. Ҳали қизимнинг ўқиши масаласида Халқ таълими вазирлигига, ўғлимнинг иши бўйича Марказий банкка боришим керак. Лекин, асосийси, сизга боғлиқ. Шу биз яшаб турган ҳовлимизнинг ёнида озгина қаровсиз ер бор эди...

Чолнинг овозидаги кибр ва виқор Алишерга ёқмади. Отахоннинг айтишича, шу ерга кўшниси, у ҳам бегона эмас, ўғлининг тоғаси эгалик қилиб олибди. Шу масалада икки йилдан бери бормаган идораси, учрашмаган раҳбари қолмабди. Судлар ҳам “рақиб” томонга ён босаётганмиш.

Алишер отахон қўлига тутган ҳужжатлар тўпламини варақларкан, боши айланиб кетди, асаблари бузилди. Ўзини зўрға босиб, отахонга юзланди.

– Каттатоғ дегани кенг жой, ер мўл бўлса, тортишаётган одамингиз хотинингизнинг укаси, ўғлингизнинг тоғаси экан... Бу ўтқинчи дунёда жигарларни бири-биридан узоқлаштириб нима қиласиз?

– Тўғри айтасиз, ўғлим. Бизнинг еримиз кўп. Ҳар бир боламда ҳовли, ҳамма нарсамиз бор. Аммо орият-чи? Фалончи домла ёзавериб, барибир ютқазибди-да, деган гаплар-чи? Шунинг учун бизга ёрдам берасиз энди...

Алишер “меҳмон”ларни яхши гаплар билан бир амаллаб тинчлантириб, лифтгача кузатиб қўяркан, боши қизиб кетди – қон босими кўтарилди. Кабинетига қайтаркан, котибага аччиқ кўк чой буюрди.

... Ўтган шанбада қишлоққа кекса отаси ва онасини кўргани борганди. Умр бўйи хўжаликда оддий ишчи бўлган отасининг гурунглари унга ёқади. Афсуски, иш сабаб доимо ҳам олдида бўлолмаганидан хижолат чекади.

– Шунча йил давлатга ишлаб, бирон марта санаторий-курортларда дам ҳам олмабсиз-а? – дейди отасини гапиртириш учун.

– Феълим ёмон, ўғлим, уч кундан зиёд бегона жойда туролмайман. Раҳматли бобонг шунақа одам эди-да. Отадан қочиб, қаёққа ҳам борамиз.

– Пенсияларингиз етиб турибдими? – яна ўсмоқчилайди у.

– Энанг икковимиз бир ярим миллион оламиз. Еганга тугамайди. Ҳамма нарса ҳовлимизда бор. Биз нияям ердик. Нон-сув, сут-қатик, мева-чева дегандай... Қишлоқда ҳар куни тўй-маърака бўлса...

Отасининг гапи тугамайди. – Мана, ён қўш-нимиз Хосият момони олайлик. Эри ўлганига қирқ йилдан ошаяпти. Бир этак бола билан қолувди, бечора. Шуларнинг ҳаммасини жойлаштирди – қизларни узатди, ўғилларни уйлантирди. Ҳар йили бир тўй қилади, барака топгур. Худо ўзи бераркан. Шунинг учун пулга ҳам қаттиқ қизиқманг. Кўп пул ташвиш келтиради.

– Сиздай бўлолмадик, ота! Сиз доим хотиржам-сиз.

– Бировни алдамадим. Ҳеч кимдан қарз эмасман. Худога шукр, тан-жоним соғ. Сиз амалдор-сиз, амалдорларнинг эса муаммолари кўп бўлади. Чунки, қўл остингиздагилар учун ҳам жавобгарсиз. Бу ҳам тақдир, ўғлим. Ортингиздан ғурурланиб юраман. Менга қишлоқда “Тошкентда ишлаётган Фалончининг отаси” деб қарашади. Пенсиямни биринчи беришади, тўй-маъракаларда тўрға ўтқазишади...

Алишер кўк чойдан босиб-босиб хўпларкан, хотиржам тортиб, мийиғида жилмайиб қўйди.

2018 й.

БОЗОРДА

Ҳайит байрами арафасида Анвар тўлиб-тошиб бозорлик қилди. Сара мева-чевалардан, гўшт ва сабзавотлардан мўл-мўл олди. Негаки, бу йилги Ҳайит байрами янги ўқув йили бошланишига тўғри келгани учун яна беш-ўн кунда бозорга чиқиб юраманми, деб ўйлади.

Олган нарсаларини машинасининг юкхонасига шошмасдан жойлаштирар экан, шундоқ бозорга кирадиган дарвоза четида кўзига ёш олиб, хомуш турган, одмигина эски кўйлакдаги ўсмир қизга кўзи тушди.

– Ҳа, нега йиғлаяпсан, қизим? – деди у овозини баландлатиб, ўзидан беш-олти метр чамаси масофада турган қизга.

– Ойим пулини йўқотиб қўйди. Менга мактабга кўйлақ олмоқчи эдик, – ҳўнграб юборди қизча.

Машина юкхонасини ёпиб, қўлини шимининг чўнтагига тикди ва бозор-ўчардан ортиб қолган пулини санамасдан қизга узатди.

– Ма, ол, балки кўйлақ бериб қолар...

– Йўқ, ололмаيمان, ойим уришадилар.

Шу пайт осмондан тушдими, ердан чиқдими, шу қизга қўйиб қўйгандай ўхшайдиган ўрта ёшлардаги аёл пайдо бўлди. Унинг кўйлаги ҳам қизнинг кўйлаги билан бир хил эди.

– Э, амаки, нима қилаяпсиз? – деди шанғиллаб.

– Қизингиз йиғлаб турган экан, боланинг кўз ёшига тоқат қилолмаيمان. Шу пулни олинг, бирон нарса олиб берарсиз. – Энди аёлга ўгирилди Анвар.

Бегона одамнинг самимий, беғараз гапидан аёл мулойим тортди. Бошини экканча оёғи билан ер чиза бошлади.

– Пулимиз бор эди. Уч-тўрт кундан буён мактаб учун янги кўйлақ оберинг, деявериб жонимга теккандан сўнг, қўшнидан ойликкача қарз сўраб, олиб чиқувдим. Биз чиққан автобус ниҳоятда

тиқилинч эди. Биров олдами, тушиб қолдами, билолмай, карахт бўлиб қолдик.

– Олаверинг, келин, балки кўйлакка етиб қолар... – Пулни аёлнинг кўлига тутди у.

– Раҳмат, амаки, биздан қайтмаса, Худодан қайтсин. – Энди аёлнинг кўзлари ҳам намланди: – Куйдирги отаси ҳам пул жўнатмай кўйди...

Анвар машинасига ўтираркан, она-боланинг унга меҳр билан қараб қолганини сезиб, кўнглида алланечук хузур, қилган ишидан мамнунлик ҳиссини туйди. Бундан анча йиллар олдин ҳаётида бўлган бир воқеа, ночор аҳволда қолгани эсига тушди.

...Анвар болалари кўпайиб, “дом”га сиғишмай қолгач, хотинининг қийин-қистови билан қариндош-уруғларидан қарз олиб, квартирасини шаҳарнинг чеккароғидаги эскироқ бир ҳовлига алмаштирди. Чунки, болалари вояга етиб қолган, икки-уч йилдан сўнг уларни уйлантириш, узатиш ташвишлари бошланиб кетарди.

Бир куни ишдан келса, хотини хафа, бу йил мактабни битирадиган катта қизининг қовоқлари шишган. Бунинг боисини сўради.

– Ўлсин, – деди хотини. – Биринчи кўнғироққа ҳамма дугоналари янги кўйлак кийиб борармиш. Отанг бир ўзи ишлаяпти, қарзларимиз бор, мен ишга чиқай, олиб бераман, ҳозирча эскисини кийиб тур, десам ҳам ҳеч кўнмаяпти. Икки-уч кундан буён пиқиллагани-пиқиллаган.

Анвар ўйланиб қолди. Кўнгли хижил бўлди. «Ота бўлиб, болаларимга истаган нарсасини олиб беролмасам, кийимини обертсам, озиқ-овқатига, ейиш-ичишидан кам бўлмасин деса, уст-бошига етмайди». Шуларни ўйлаб, тунда кўзига уйқу келмади.

Буни сезган хотини секин гап қўшди.

– Биламан, бир ўзингизга қийин бўлаяпти. Тандирга нон ёпиб, сотсам-чи?

– Қизимизга қандай қилиб кўйлак обериш тўғрисида ўйлаётгандим, – деди Анвар тўшақда

хотини тарафга ағдариларкан. – Бу ҳозир шунақа ёшда, таъсирчан. Ўзини бирон нарса қилиб қўйишдан ҳам тоймайди. Қарз сўрайдиган ода-мимиз ҳам қолмади.

– Онам келинлигимда сепимга қўшиб берган иккита гиламимиз бор. Шунинг бирини бозорга олиб чиқсак-чи? Ана сандиқнинг устида турибди.– Уйнинг тўрига ишора қилди аёли.

– Бу гиламларинг урфдан қолган. Ҳозир сунъийлари чиқиб кетди. Улар арзон-гаров ва ўлмас-етмас. – Кейин яна қўшиб қўйди. – Харидор чиқар-микин?

Хотинининг таклифи Анварга ҳам маъқул тушди. “Шундоғам чанг босиб ётибди-да”.

Эр-хотин тонг-саҳарданоқ гиламни кўтариб шаҳарнинг нариги чеккасидаги гилам бозорига боришди. Анвар бозорнинг бир четига хотинини ўтказиб қўйиб, ўзи бозорни бир айланиб чиқди. Ўзлариникига ўхшаган гиламларнинг нархлари билан қизиқди. Агар гиламфурушлар айтган баҳода сота олса, нарх унча ёмон эмаскан.

У хотинига гиламнинг нархини айтиб, ўзи чеккароққа ўтиб турди. Кўпчилик бир-бирини танийдиган кичик шаҳарда танишлари кўриб қолишидан уяларди.

Бир зумда олибсотарлар хотинининг атрофини ўраб олишди. Анвар ҳам яқинлашиб, худди гилам олувчига ўхшаб томоша қилиб турди. Қўй жунидан тўкилган гилам анча йил турган бўлса-да, оҳори тўкилмаган, бозорда сотилаётган гиламлардан кўра сифатлироқ эди. Аммо олибсотарлар бозор нархининг тўртдан бирини сўрарди. У аралаш-масдан чидаб туrolмади.

– Инсоф борми, силарда ўзи? – деди хотинининг ёнига ўтиб. – Бу хил гиламларни қишлоғимизнинг қиз-жувонлари бир ой тўқийди. Сизлар сўраётган пул улар пешона терисининг ўндан бирининг ҳам ҳақи эмас-ку?!

Тепа сочи тушиб, пешонаси ялтираб кетган бир

кексароқ гиламфуруш Анварга синовчан тикилиб “Сиз кимсиз ўзи?” дея сўради.

– Мен мана шу хотиннинг эриман! – деди Анвар деярли бақириб.

– Тўғри, гилам табиий жундан тўқилган. Меҳнатининг оғирлигини ҳам биламиз. Лекин бозор кўтармайди, ука. Ёшлар сунъий гиламларни маъқул кўришаяпти. Тозалаш, ювиш осон. Булар энди модадан қолди.

– Ҳеч бўлмаса, материали, бўёғининг пулини беринглар? – ялингандай сўради Анвар. – Шундай гиламларни фалон пул деб турибсизлар-ку!

– Сиз зиёли кишига ўхшайсиз. Ўзингиз тушунасиз, биз энди бир-икки сўм фойда қиламан, деб ўтирган одамлармиз. – Олибсотар дангалига кўчди. – Қарасам, сизларга пул зарурга ўхшайди. Хўп, десанглар фалон пул берай? Барибир, ўзларинг сотолмайсизлар... – Кўзлари ўйнади тепакал чайқовчининг.

Хотини Анварга қаради. Анварнинг хаёлига қишлоғидаги аёлларнинг гилам тўқиш жараёни келди. У таклиф этаётган пул ночор одамнинг устидан кулиш, камбағални хўрлаш эди.

– Йўқ, – деди қатъий. – Бу нархга сотгандан кўра, қайтариб кетганимиз яхшироқ.

– Унда ўтираверинглар, – деди ялтираган бош. – Бирон киши мен айтган нархдан бирон сўм кўп сўраса, марҳамат, сотаверинглар!

Ҳамма тарқалди. Суппайиб эр-хотин қолишди. Бир соат, икки соат туришди. Аммо ҳеч ким келмади, ақалли бирон кимса нархини ҳам сўрамади. Хотини йиғламоқдан бери бўлиб:

– Хўжайин, кўр бўлсин, эй садқаи сар, бояги одам сўраган пулга берақолайлик. Бир кўйлакка етса, бўлди-да, – деди. – Агар, хўп десангиз, ўзим бориб сўраб келаман. Ана гилам сотиб ўтирибди.

Анварнинг хўрлиги келди. Одам бўлиб бунчалик хор ва зор ҳис қилмаганди ўзини.

Бу орада хотини бориб олибсотардан сўраб келди. “Боя билмай нархни қимматроқ айтиб-

ман, – дебди у. – Айтганимнинг ярим баҳосига берсанглар оламан”.

Анвар хотинига гиламни йиғиштиришни, бу пулга сотмасликларини айтди. Эрининг авзои бузилганини сезган жувон тезгина гиламни қатлаб, олиб келган матосига ўради.

Бозор эшигидан чиқишаётганида бояги одам орқаларидан етиб келиб “Ташлаб кетинглар гиламни, майли яна озроқ қўшаман, пулга муҳтож одамга ўхшамасизлар” деди Анварга айёрона қараб. Аёл эрига умидвор нигоҳ ташлади: “Хўп, дейқолинг, хўжайин?”

– Йўқ, – деди Анвар қатъий. – Бу бозорга кирганимиз шул бўлсин. Энди гилам сотилмайди!

2018 й.

ИМТИҲОН

Тушлиқдан қайтиши биланоқ котиба бош муҳаррир сўраётганини айтди. Нарзулла Ботирович оёғидаги шиппакни туфлига алмаштирди-да, ойнага бир қараб олиб, қабулхонага шошилди.

– Янги университетнинг ректори телефон қилди, – деди бош муҳаррир оппоқ сочларини қўллари билан силаб қўяркан. – Сиз энди ишхонамизнинг оқсоқолларидан бирисиз. Уч-тўртта тажрибали ҳамкасблардан олиб, эртага тонгдан университетга борасиз. Тажриба тариқасида ижодий имтиҳонга амалиётчиларни таклиф қилишибди.

– Имтиҳон тартиби, саволлари, баҳолаш меъёрлари қандай бўларкин? – дабдурустдан берилган таклифни эшитиб, ажабланди Нарзулла Ботирович.

– Ўзлари ҳаммасини тушунтиришади. – Гапни чўзмади раҳбар.

Нарзулла Ботирович кечкурун уйга қайтгач, ётиш олдидан хотинига тайинлади: “Мени эртароқ уйғот, янги костюм-шимим, оқ кўйлакни дазмоллаб қўйгин, эртага имтиҳон оларканмиз”.

Амалиётчи мутахассислар бир залга йиғилгач, янги ректор шундай деди:

– Ҳурматли ҳамкасблар, сизларни таклиф қилишимиздан мақсад абитуриентлар ижодига баҳо беришда холислик ва шаффофликни таъминлашдир. Ҳамма жойга камералар ўрнатилган. Йирик экранларда жараёни ота-оналар кузатиб туришади. Синовга жиддий ва виждонан ёндашишингизни илтимос қиламан.

Мутахассислар гуруҳларга бўлинишиб, синовни бошлаб юборишди. Абитуриентларнинг ижодий ишларини кўздан кечириб, ҳаёти ва ижодига оид саволлар бериб, баҳолашга киришдилар.

Имтиҳонга келганлар ичида бир қизнинг жавоблари анча дадил эди. Унинг жавоблари Нарзулла Ботировични қаноатлантирди. Аммо боя йиғилишда ректор энг юқори балл қўйишдан олдин маслаҳатлашилса, яхши бўларди, деган мужмалроқ гап айтди. Буни биров англади, биров англамай қолди.

Қаршисида ўтирган кўзлари чақноқ, юзлари офтобда қорайган, шаколад ранг қиз эса ундан савол кутарди.

– Қизим, нега бу касбни, йўналишни танладингиз?

Қизнинг кўзлари йилтиллади. Бир пастга қараб олди ва "Мен дадамнинг ишларини давом эттирмоқчиман" деди бошини кўтариб.

– Дадангиз... – Нарзулла Ботирович чайналди. "Дадангиз ким, у кишига нима бўлган?" дейолмади.

– Мен таниқли журналист Пўлат Хидировнинг қизиман. Дадам ўтган йили қазо қилдилар...

Нарзулла Ботировични хаёллар чўлғаб олди. "Айтдим-а, бунча дадил бу қиз деб. Дадасининг ўзи". У Пўлат Хидировни яхши танирди. Университетда олдинма-кетин ўқишган. Ёшлик эканда, бир қизни яхши кўришган. Кейин Нарзулла пойтахтда қолди. Пўлат кекса ота-онасини ўйлаб, вилоятга қайтди. Туманда, вилоятда катта обрў-иззат билан ишлади. "Ўтганини эшитмабманда".

...Нарзулла мактабни битирган йили институт қабул комиссияси тузган абитуриентларнинг “К” гуруҳидан битта ўзи ўқишга кирган. Ўттиз ўғил-қиздан бир талаба. Демак, ўша йиллари ҳам ўқишга кириш осон бўлмаган.

Иншодан етти абитуриент “омон” қолди, йигирма учтаси “қулади”. Она тили ва адабиётидан бўлган оғзаки имтиҳонда унинг жавобларини тинглаган ўқитувчилардан бири – сочларини турмаклаган, баланд бўйли, юзида қатъият ифодаси зоҳир, кўркам аёл ёнидаги кескароқ домлага дадил туриб айтди: “Кун давомида имтиҳон топширганлар ичида шу боланинг жавоблари мени қаноатлантирди. Унга “тўрт” баҳо қўйсак, конкурсдан ўтолмайди. Комиссия чақирамиз!”

Комиссия аъзолари – икки кафедра мудири унга “аъло” баҳо қўйишди. Талабалик даврида ўша одил аёл қўлида ўқиди. Кўрдик, ҳақиқатдан ҳам Раъно опа (ўқитувчининг исми шундай экан) институтнинг энг адолатли, ҳақиқатпарвар домлаларидан бири экан. Ўзи ўқитадиган фанни билган болани бошига кўтарар, билмаган ундан қочиб қутулолмас, ота-онасини таклиф қилиб, фарзандингиздан ўқитувчи чиқмайди, бошқа касбни танласин, деб очиқ айтарди. Она тилини ўзлаштиролмайдиган талабанинг институтдан кетишига “кўмаклашарди”.

– Бу қизимиз кутиб қолди,– деди ёнидаги ҳамкасби Нарзулла Ботировичнинг хаёлларини бўлиб.

Нарзулла Ботирович ҳамкасбига ўғирилди:

– Унга энг юқори балл қўйинг!

Ҳамкасби ҳайратланиб «Бунга ваколатимиз йўқ-ку?!» деган маънода қаради.

– Сиз қўяверинг, ректорга ўзим айтаман, – деди ва қизга юзланди:

– Энди онангизни асранглар. Дадангиз раҳматли яхши одам эди...

2018 й.

*Нуриддин Зайниев
хотирасига бағишланади.*

ҲОКИМ

(Воқеий ҳикоя)

Вилоят ҳокимлигининг мажлислар зали. Вақт тунги соат ўн икки. Залга йиғилган вилоят миқёсидаги ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари ҳукумат вакилини кутаяпти. Уларнинг чехрасида ҳорғинлик ифодаси сезилади.

Бир ойдирки, вилоятда ҳамма пахта йиғим-теримига жалб қилинган. Ташкилотлар раҳбарлари ҳам туманлар ва хўжаликларга вакил сифатида биркитилган. Чарчоқнинг боиси ҳам шундан. Уззукун пахта даласида бўладиган раҳбарларни ишдан чалғитмаслик учун мажлислар тунги вақтга кўчирилган.

Воҳада пахта йиғим-терими билан бир қаторда “Мамлакат умидлари” ёшлар спартакиадасига қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Бугунги йиғилиш шу масалага бағишланади.

Ниҳоят ўн беш-йигирма дақиқалик кутишдан сўнг залнинг саҳна томонидаги эшик очилиб, ҳоким ва вакил кириб келишди. Залдаги ғалағовур тинчиди. Ҳамма қўлига дафтар, ручкасини олиб, ёзмоққа шайланди.

Бир ойдан буён шу аҳвол. Ҳар куни тунги иккига қадар мажлисбозлик, бақир-чақир. Пойтахтдан келган ҳукумат вакили ниҳоятда инжиқ одам экан. Республика миқёсида ўтказиладиган йирик тадбирга тайёргарлик жараёнининг энг

майда деталларигача эътибор қаратиб, ҳаммани эзиб юборади. Раҳбарларнинг бу “разбори”дан безиб, кимдир касалхонага ётиб олган. Бошқа бирови эса бирон нарсани баҳона қилиб, мажлисга келмасликка ҳаракат қилади.

Ҳоким ва вакил саҳнага қўйилган узун столнинг ўртасига келиб ўрнашгач, вакил стол устидаги микрофони ўзи томон тортиб, салом-аликсиз йиғилишни бошлади.

– Бугун биз ишчи гуруҳимиз билан Муҳандислик-иқтисодиёт институти ётоқхоналарини кўриб чиқдик. Қани, институт ректори шу ердами?

Ёши пенсияга яқинлашиб қолган, воҳада катта обрўга эга, сочлари оппоқ профессор ўрнидан турди.

– Сизни тополмадик... Қаерларда юрибсиз? Ё чарчадингизми, домла?

Залда жимликнинг даражаси пашша учса билинадиган ҳолга келди. Чунки бу ҳурматли домлага ҳеч ким, ҳатто ҳоким ҳам бу оҳангда гапирмасди. Вакилнинг дабдурустдан берган саволи, гап оҳангидан профессор шошиб қолди.

– Пахта тераётган талабаларимизнинг ҳолидан хабар олгани далага чиқувдим...

– Нима, “Мамлакат умидлари”, сизнингча, иккинчи даражали масалами? Ҳукумат миқёсидаги тадбир-а?! Сизнинг ётоқхоналарингизда бутун мамлакатдан келаётган ўқувчиларнинг катта қисми жойлашишини биласизми? Ётоқхонангиз меҳмонларни кутишга тайёрни ўзи? Қачон боргансиз?

– Вакил баланд овозда гапирар, овози тобора баландлаб борарди.

– Кеча кечқурун айланган эдим, – дея олди ректор нафаси ичига тушиб.

– Борган бўлсангиз, ётоқхонада сув йўқлигини, тўшакларнинг афтига қараб бўлмаслигини кўрдингизми?

– Қаршида сув режим билан, суткасига уч маҳал

бир соатдан берилади. – Беихтиёр шу гап оғзидан чиқиб кетди домланинг.

– Нима?! Уч соат? Қаердан чиққан закон бу! Йигирма тўрт соат берасиз. Билмайман, пақир билан ташиб бўлсаям, сув топиб берасиз. Қани, шаҳар ҳоками? Тадбир ўтгунча ҳар куни 24 соат сув берасиз. Менга ҳукумат ваколат берган. Кимки топшириқни бажармаса ёки бажаришни истамаса, ишдан бўшатаман. Нима, вилоятда бошқа ректор бўладиган одам йўқми?

Бу гапдан сўнг ректор каловланиб қолди. Худди ҳозир ишдан бўшаб кетадигандай, оғзига келганини гапира бошлади.

– Эрталабгача сиз айтган ҳамма камчиликларни тўғрилаб, ахборот берамиз. Сув ҳам бўлади, тўшакларни ҳам янгилаймиз.

– Борган бўлсангиз, 2-ётоқхонангиз комендантининг исми нима? – вакил яна саволга тутди.

– Исмини сўрамаган эканман, – хижолати ортди ректорнинг.

– Билмайсиз. Чунки бормагансиз. Проректорларингиздан бири ёки бошқа бирон югурдагингизни юборгансиз. Мен эса комендант аёлнинг исмини биламан. – У аёлнинг отини, гўё Американи қайта кашф қилгандек, ғурур билан айтди. – Зеро, деярли ҳар куни бораман. Хуллас, ишингиз ноль. Биз сиз билан ишлаш масаласини ўйлаб кўрамыз.

Шу тарздаги савол-жавоб, "разбор" билан соат тунги иккига яқинлашиб қолди. Ҳамма чарчади, асаблар таранглашди.

Ҳоким одатда бу одам ўтказадиган йиғилишларга келмасди. Вакил ҳар сафар вилоят ҳокимининг ўринбосарларига "Нега ҳокимингиз йиғилишларга келмайди" дея жаврарди. Бугун ҳоким ҳаммани ажаблантириб мажлисга келди ва негадир жим ўтирарди.

Вакил эса кутургандан-кутурарди. Чунки бу залда унга гап қайтарадиган, нотўғри гапираяпсиз, дейдиган одам йўқ. Бир-иккита бебошроқлар ҳам ҳокимнинг ҳурмати учун ўзини босиб турарди.

– Асосий тадбирга уч кун вақт қолди. – Вакил овозини янада баландлатди. Икки кундан кейин бош вакил келиб, объектларни кўздан кечиради. Агар бир эътироз бўлса, мен сизларга ваъда бераман: шу залдаги бирон киши ишламайди. Мен бугун аэропортдан келадиган йўлларни, бош вакил борадиган объектларни яна бир бор кўздан кечирдим. Кўча чироқлари ёнмаяпти. Йўл четидаги дарахтлар буталмаган. Мени кечирасизлару, бу шаҳар бугун Нукусдан ҳам, Термиздан ҳам баттар. Биз Нукусда, Термизда тадбирлар ўтказдик, бу шаҳарлар бугун сизларнинг шаҳрингиздан кўра ёруғроқ, кўркавроқ, ободроқ.

Пичоқ суякка бориб тақалди. Залда бесаранжомлик, шивир-шивир бошланди. Нималарнидир ёзиб, гўё мажлисдаги гапларни эшитмагандай бўлиб ўтирган ҳоким ўрнидан қимирлаб, томоқ қириб қўйди. Вакил эса ҳамон сайрашда давом этарди:

– Қарши чўл, сахро бу. Ҳаммаёқ қовжираб, қуриб ётибди. Кўчаларда гуллар йўқ. Бир ойдан буён бақираман-чақираман. Аммо ҳеч ким қимирламайди. Энди барча ишларни уч кунда қиламиз. Ҳеч ким ухламайди. Йигирма тўрт соат ишлаймиз!

Ҳоким қоғоздан бошини кўтариб, вакилнинг олдида турган микрофонни ўзи томонга тортди.

– Хўш, оғайнилар, бу гапларга нима деймиз? – ҳоким залга хотиржам назар солди. Унинг овози негадир қалтираб чиқди. Замирида бир оз пичинг ҳам зоҳир эди.

Ҳамма ҳокимга тикилди. Вакил ҳам олдидан микрофон олингач жимиб, ёнидаги ҳокимга ажабсиниб қаради.

– Хўш-ш! – ҳоким олдинги қаторда ўтирган раҳбарларга бирин-кетин кўз югуртирди. – Ким нима дейди?! – унинг нигоҳлари иккинчи қаторда ўтирган «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими раисига қадалди. Раис ҳокимни тушунди: «Бу маҳмадананинг гапини тўхтатадиган одам борми, бу залда?»

Неча-неча ҳокимлар билан бирга ишлаган, раҳбарнинг кўз қарашидан нима демоқчи эканини уқадиган, воҳанинг тажрибали оқсоқолларидан бири, ёши улуғ раис ўрнидан турди.

– Ҳурматли вакил, мени кечирасиз-ку, бу гапларингизга биз қўшилолмаймиз. Биз деганим, бу ерда, – у залга бир қараб олди, – Йўлбошчимиз билан бирга ишлаган, у кишининг тажриба мактабидан сабоқ олган одамлар ўтирибди...

Вакил оқсоқолнинг гапини бўлди:

– Гапни сиёсийлаштирманг! Мен иш ҳақида гапираяпман...

Ҳоким энди микрофонни қўлига олиб, ўрнидан турди. Унинг чинданам жаҳли чиққанини залдагилар сизди.

– Муҳтарам вакил! Биз сизни ҳурмат қиламиз. Лекин мен «Нуроний»нинг раиси, ҳурматли оқсоқолимиз айтган гапларни қўллаб-қувватлайман. «Мамлакат умидлари» бир спорт тадбири экан-ку, биз қанча халқаро миқёсдаги анжуманларни ҳам намунали ўтказиб, мамлакат раҳбариятидан миннатдорчилик эшитганмиз. Насиб бўлса, эртаиндин бўладиган бу навбатдаги тадбир ҳам мамлакатимиз раҳбарияти истаганидек, талаб қилганидек ўтади ва бунга барчамиз гувоҳ бўламиз.

Ҳоким ҳар бир сўзни чертиб-чертиб, доно-доно қилиб гапида давом этди. – Энди бу шаҳарнинг қайси шаҳарлардан паст ёки юқори экани ҳақидаги гапларга келсак, Қарши мана шу залда ўтирганлар аксариятининг киндик қони томган

маскан. Улар бу бағри иссиқ ва кенг кентни жондилидан яхши кўради. Бу шаҳарга улуғ бобомиз Амир Темурнинг назари тушган. Биз Амир Темурнинг авлодларимиз. Соҳибқирон бобомиз руҳи бизни доимо қўллаб-қувватлаб туради.

Вакил ҳокимнинг гапларини эшитаркан, бир қизарар, бир оқарарди. Зал эса бутун вужуди қулоққа айланиб, ҳокимни тингларди.

Ҳоким бир зум тин олди. Кейин ҳаяжонини босиб, залга қаради:

– Хўш, тадбирга тайёргарлик масаласида кимда қандай муаммолар бор? Ташкилий гуруҳ аъзоларидан ким нима дейди?

Ўрта қаторнинг чеккароғида ўтирган матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи ўрнидан турди.

– Нурислом ака, матбуот гуруҳида бир муаммо пайдо бўлаяпти. Пойтахтдаги аксарият оммавий ахборот воситаларининг бош муҳаррирлари бу катта спорт байрамида қатнашиш истагини билдиришмоқда. Аммо ҳукумат тузган рўйхатда уларнинг исми-фамилиялари йўқ. Бундай мурожаатларга нима деб жавоб қилишни билмаяпмиз.

– Бу мутлақо мумкин эмас, рад жавобини беринг. Тадбирга фақат ҳукумат комиссияси рухсат берганлар қатнашиши мумкин, – бирдан гапга қўшилди вакил.

Ҳоким тадбирга масъул ўринбосарига юзланди. Биринчи қаторда ўтирган ўринбосар ўрнидан турди. У ҳукумат вакилини маъқуллаб гапирди:

– Вакил акамиз тўғри айтаяпти. Тадбир бошланадиган куни ярим тундан бошлаб шаҳар тўлиқ хавфсизлик хизмати назоратига ўтади. Рўйхатда йўқ меҳмонларни аэропортдан қайтариб юборишлари ҳам мумкин.

– Йўқ, – деди ҳоким қатъий. – Бундай ёндашув тўғри бўлмайди. Тушунинглар, бу ҳам бир тўй. Тўйга келган одамга кечирасиз, сизга жойимиз

йўқ, дейолмайсиз-ку?! Шунинг учун, – ҳоким бошқарма бошлиғига қаради, – ким келмоқчи бўлса, марҳамат, келаверсин! – кейин ўринбосарига бурилди. – Сиз ҳозироқ йиғилишдан сўнг бу кишидан келадиганлар рўйхатини олинг. Беш-ўнта қўшимчаси билан бўлсин. Кейин хавфсизлик хизмати бошлиғига менинг номимдан илтимос қилинг. Меҳмонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, кутиб олинглар. Меҳмонхона, барча шарт-шароитни қилинглар. Бу ҳақда эрталаб соат ўнга қадар менга ахборот берасиз. Ҳеч ким биздан, вилоятдан норози бўлиб кетмасин. Гапларим тушунарлими?

Ҳоким ўринбосарига қаттиқ тикилди. Кейин овозини бир оз қўтариб, қўшиб қўйди. – Бу масалада каллангиз билан жавоб берасиз!

Ўринбосар аскардек қақдини ростлади:

– Хўп бўлади. Бажарамиз!

Ҳоким мажлис тугаганини эълон қилди. Имози билан ёнига югуриб келган ўринбосарига вакилга ишора қилиб «Меҳмонни кузатиб қўйинг» деди секин.

Икки кундан сўнг яна шу жойда йиғилдилар. Залда бесаранжомлик янада кучайган. Чунки бугун бош вакил келиб, тадбир ўтадиган объектларни кўздан кечирган. У кишининг таассуротлари қандай? Ўша кунги гап-сўзлар қулоғига етиб борган бўлса, энди нима бўлади?! Ҳамма ҳаяжонда эди.

Мажлис белгиланган вақтда залга ҳоким, бош вакил, вакил кириб келди. Ҳамма ўрнидан турди. Бош вакил стол устида турган микрофонни қўлига олди-ю, аммо ўтирмади.

– Ассалому алайкум, ҳурматли қашқадарёликлар! Ишлар билан чарчамаёписизларми?

Бош вакилнинг кайфияти яхши эди. Вакилнинг эса қовоғи уйилган. Ҳоким жиддий қиёфада.

Бош вакил зални ўтиришга таклиф қилиб, гапини давом эттирди:

– Мен бугун эртага мамлакат миқёсида катта спорт байрами ўтадиган барча объектларда бўлдим. Ёш спортчиларимизга яратилган шарт-шароитлар билан танишдим. Очиқ айтаман, тайёргарлик ишларидан кўнглим тўлди. Қарши, Қашқадарё катта спорт байрамига тайёр. Бу сизларнинг туну кун қилган меҳнатларингиз самарасидир. Сизларга мингдан-минг раҳмат, биродарлар!

Яна бир нарсани сизларга айтмоқчиман, – бош вакил залнинг эътиборини ўзига қаратди. – Мен мамлакатимиздаги бир неча вилоятларда биринчи раҳбар бўлиб ишлаганман. Шу кечаю кундузда Қарши диёримиздаги энг гўзал шаҳар. Ҳатто Самарқанду Бухороданда кўркем ва ободроқдир.

Шу пайт «Нуроний» жамғармасининг раиси ўрнидан турди ва қарсак чалиб юборди. Бош вакилнинг гапларидан таъсирланган залдагилар ўрнидан туриб бу қарсакка қўшилдилар. Гулдурос қарсаклар мажлислар залининг шифтларида аксадо берди.

Ҳоким мийиғида кулиб қўйди. Ҳамманинг нигоҳи вакилга қадалди. Вакил эса, қорамтир одам эмасми, худди кесарткидай кўкариб кетганди...

2018 й.

Ҳаётий ҳангомалар

МУДДАТ БЕРИНГ...

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари эди. Қарши шаҳридаги мажлислар залида катта йиғилиш бўлаётганди. Тошкентдан бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар ташриф буюришган бўлиб, вилоятдаги адабий муҳит, ёш ижодкорларга кенг йўл очиш, адабиётни ривожлантириш ҳақида гап бораётган эди. Адашмасам, минбарга атоқли ёзувчимиз Саид Аҳмад чиқиб, қашқадарёлик ижодкорлар олдига вазифалар қўйди.

“Мана, ён қўшниларингиз сурхондарёликлардан ўрнак олинглар. Қатор таниқли, талантли шоир-ёзувчилари бор. Айниқса, кейинги йилларда бири биридан зўр ёшлар отилиб чиқди. Усмон Азим, Тоғай Мурод, Эркин Аъзам, Сирожиддин Саййид... Сизларда ҳам катта шоирлар бору, аммо орада узилиш бўлиб қолаяпти. Чиқаётган ёшлар ичида алоҳида ажралиб турадиганлари кам” деган маънода гап айтилди.

Шу пайт йиғилишни олиб бораётган вилоят раҳбарларидан бири, мафкура котиби ёзувчининг гапини бўлди:

– Саид Аҳмад ака, илтимос сиздан, бизга вақт беринг, имкон беринг. Олти ойда бу соҳада Сурхондарёни қувиб ўтиб, сизга ахборот берамиз!

Сўнг раҳбар залда ўтирганларга қаради: – А-а, нима дейсизлар, қашқадарёлик ёшлар?

Залда гулдурос қарсақлар чалинди. Бу чапаклар атоқли ёзувчининг сўзларигами ёки мафкура котибини қўллаб-қувватлабми, билиб бўлмасди.

“ПУФ-Ф, ПУФ-Ф, ИШЛАМАЯПТИ!”

Бу воқеа ҳам саксонинчи йилларда бўлган. Институтни битиргач, икки-уч йил Қарши чўлида янги ташкил этилган туманлардан бирида газетада ишладим.

Бош муҳарриримиз ташаббускор, ташкилотчи, ишнинг кўзини биладиган ва бир оз шумликлари ҳам бор одам эди.

Деярли ҳар куни туман партия қўмитаси мафкура котиби бош муҳарриримизга телефон қилар, топшириқлар берар ва, албатта, бирон юмуш буюрарди.

Бир куни газета макетини кўтариб (тахририятда масъул котиб эдим) бош муҳаррир хонасига кирсам, у киши телефонда мафкура котиби билан гаплашаётган экан. Саломлашиб, ҳолаҳвол сўрашиб бўлгач, телефон аппарати гўшагига лабини босиб, “пуф-ф, пуф-ф, негадир ишламаяпти?” деди-ю гўшакни қўйиб қўйди. Телефон қайта жиринглади. Бош муҳарриримиз яна гўшакка “пуф-пуф”лаб, аппаратни жойига қўйди. Бу ҳол бир неча марта такрорлангач, ажабланиб сўрадим.

– Нариги томондаги овоз жаранглаб эшитилиб турибди-ку! Нега сиз гапирмаяпсиз?

У кўрсаткич бармоғини лабларига босиб, “жим” ишорасини қилди ва аппаратни қўйгач: “Бу хотинларнинг ҳамма гапига хўп деяверсанг, ишлаб бўладими? Куни бўйи унинг ишини қилишинг керак”, деди асабийлашиб.

Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, Раҳбар опа бош муҳарриримизнинг шумлигини сезди, шекилли, бир куни кутилмаганда келиб, бош муҳаррир хонасидаги телефон аппаратини кўтариб кўрди ва жаҳл билан деди:

– Телефон бип-бинойидек ишлаб турибди-ку, ўртоқ редактор? Аммо сиз ўзингиз ишламаяпсиз. Биз масалангизни бюрода кўриб чиқамиз!

Бош муҳарриримиз дув қизарди, кейин оқарди. Бироқ дарров ўзини тутиб олди.

– Саломат Ботировна, мени кечиринг... Сизнинг қўлингиз тегиши билан носоз аппарат ҳам ишлаб кетди-я! Гўзал, хосиятли аёлсиз-да. Умуман, мен сизга айтсам, бизда алоқа расво. Биз буни, агар рухсат берсангиз, газетамизда бир танқид қилмоқчимиз.

Хушомад мўлжалга тегди ва мафкура котибининг қовоғи очилди. Бу ярашув битими, дегани эди.

2013 й.

ТУҒИЛГАН КУН

Ғулом Темиров ишлайдиган фирма унчалик катта эмас. Бор-йўғи ўн чоғли одам бор, холос. У бу идорага келгунча кўп жойларда ишлаган. Озгина муддат бир корхонага директор ўринбосари ҳам бўлган. Бироқ негадир, инжиқ феъли туфайлими, уни раҳбарлар кўпам хушлайвермайди. Охирги иш жойидан ҳам раҳбар устидан имзосиз хатлар уюштиргани фош бўлгач, лавозими “қисқартилди”.

Ҳозирги фирма раҳбари билан бир вақтлари мактабда, кейин институтда олдинма-кетин ўқишган. Маълум муддат бирга ишлашган. Фирма директори Мирзо Аҳмедович ёшликдаги дўстининг анча пайтдан бери бекор юрганига раҳми келдими ёки оғайнисининг меҳнатсеварлигини ҳисобга олди, дап-дурустдан уни ишга таклиф қилиб қолди.

Ғулом Темиров бундан ажабланди. Чунки у доимо бу омадли мактабдошига бироз ҳасад билан қарарди. Ундан ўзини ҳар жиҳатдан устун чоғлар, аслида бундай ташкилот раҳбарлигига ўзини муносиброқ деб биларди. Аммо таклифга розилик билдирди. Зеро, олти ойдан бери иш қидириб, кирмаган идораси қолмаганди.

Янги ишхонада Ғулом Темировга хуш келмайдиган бир одат бор экан. Бу ерда ҳамма туғилган кунини нишонларкан. Кимдир тушликка ош қилиб келади, кимдир яна бир таом тайёрлатади. Бошқа биров жамоани фирма ёнидаги кафега олиб киради. Ишқилиб, олти эркагу тўрт хотиндан иборат кичик жамоанинг тушлиги унинг бўйнида.

Ғулом Темиров туғилган куни яқинлашган сари ташвишга тушарди. Нишонламайин деса, ҳамманинг таомини еган, туғилган кунларига қатнашган. Нишонлайин деса, бу ўн одамни тўйғазиш осонми? Икки-уч донадан сомса олиб берганда ҳам фалон пул бўлади? Қўшимчасига салат, сув, кола, ширинлик дегандай. Ҳар куни хотини ўлчаб берадиган “паёк”дан қисиб йиққани бу харажатларнинг ярмига ҳам етмайди. Ахийри у фирма ҳисобчиси, ишхонадаги ягона улфати, ёш бўлса-да кўп нарсага ақли етадиган думбоқ Мўминдан маслаҳат сўради.

Қип-қизил юзлари ёғи кўплигидан доимо ялтираб юрадиган Мўмин шартта гапини кесди:

– Ҳар бир кишига икки донадан сомса?! Йўқ, бўлмайди! Бу сизнинг обрўйингизга тўғри келмайди, ака! Ҳеч бўлмаганда, мана, раҳбаримиздан ўрнак олинг. Қанча камтар (аслида хасис демоқчи эдию тилини тийди) бўлсалар-да, уч кило товук (бир кило қўшиб айтди у) келтирди. Ҳамма мазза қилиб ўтирди. Сизнинг бўлимингиз фирмамизда энг каттаси. Ҳисоботларингизни ҳамиша мақташади.

– Гапларингиз тўғрику-я, ука, – ерга маҳзун тикилди Ғулом Темиров. – Аммо чўнтак куруқда. Янгангизнинг феълини биласиз, ҳар куни йўлкира ва тушлик учун пул беради, холос. Ҳалиям шундан “эконом” қилиб, озроқ пул йиққандим...

Мўмин кўпни кўрган йигит эди. Ғулом “ака”-сининг аҳволи унга маълум. Бир-икки ичиб маст бўп қолганда уйига элтиб қўйган. Кеннойи тўғри қилади, бунга пул берса, ҳаммасини ичиб қўяди.

– Кўп сиқилаверманг, ака! – деди Мўмин сирли жилмайиб. – Бир иложини қилармиз!

Ғулом Темировнинг туғилган кунига бир кун қолганида Мўмин “ака”сининг уйига телефон қилди.

– Кеннойи, бу мен Мўминжонман, Ғулом “акам”-нинг ишхонасидан...

– Ҳа, акангиз яна мастми? – савол берди Ғулом Темировнинг хотини.

– Йўқ, акам яхшилар. Ишлаб ўтирибдилар. Сизга бир масалада маслаҳат сўраб телефон қилаётгандим. Аммо зинҳор у кишига айтманг. Биласиз, эртага “акам”нинг туғилган кунлари!

Янга масалага тушунгандай бўлди. “Уйга келинлар!” деди.

– Раҳмат, кеннойи! Шу бизнинг ишхонада туғилган кунда тушликда ҳамкасбларга “ҳақ” бериш анъанаси бор. “Акам” бўлса, икки донадан сомса обераман, дейдими-ей. Энди сизга тўғриси айтсам, бу киши сал кўпроқ ичсалар-да, ишхонамизда обрўйи баланд. Ўринбосаримиз яқинда “кўтарилиб” кетяпти. У кишининг ўрнига “акам”ни мўлжаллаб турибмиз. Кейин дўст бор, душман бор, дегандай.

– Бошқалар, масалан, директорларингиз туғилган кунда (икки оғайнининг ўртасидаги муносабатни янга биларди, Ғулом Темиров ичиб борганида неча марта оғзидан “гуллаган”) нималар ташкил қилди? – ўсмоқчилади Ғулом Темировнинг хотини.

– Энди раҳбаримиз, биласиз, камтарроқ одам. – Мўмин гапи нишонга текканидан димоғи чоғ сайраб кетди. – Уч кило товук гўшти, торт, “анави” шишалардан ҳам бор эди...

– Сизни тушундим, ука. Директорингизникидан зиёдроқ бўлса бўладики, кам бўлмайди. Эртага соат ўн иккида ўғлим ҳамма нарсани олиб боради. Кўнглингиз тўқ бўлаверсин, гап битта! – гапни эркакча якунлади янга.

Эртасига тушликда ҳамма ҳайратда қолди. Мўмин ҳисобчининг жонбозлигида “Маънавият” хонасига ўн кишилик дастурхон тузалди. Дастурхон тўкин-сочин эди. Айниқса, Мўминнинг кайфи чоғ, озгина “уриб” олганга ўхшайди.

Туғилган кун соҳибини табриклаш учун ҳамма йиғилган, аммо негадир Ғулом Темировнинг ўзи кўринмасди.

– “Қани, анави “нон емас?” демоқчи бўлган директор дастурхонга қараб тилини тийди. Овози мулойимлашиб, “Юбилярнинг ўзи кўринмай-дими?” дея ўринбосарига қаради.


Ўринбосар елкасини қисди. Шунда янги ишга келган котиба қиз тортинибгина деди:

– Идорамиз ёнидаги сомсахонага кетувди. Ходимлар тушликка чиқмай турсин, деб тайинлади.

Ҳамма бир-бирига қаради. Мўмин ҳисобчи шарақлаб кулиб юборди.

2013 й.





ҚИССА

Тазарру

(Қисса)

Ўқдек учиб бораётган мотоцикл йўл четидаги дарахтнинг йўғон танасига зарб билан урилди. «Тақ-қ» этган қаттиқ товуш тун оромини бузди. Мотор овози ўчди.

Катта йўлнинг сўл томонидаги шийпон айво-нида қурбақаларнинг қуриллашига жўр бў-либ хуррак отаётган кекса қоровул бир сес-каниб, бошини кўтарди. Сўнг бир қўлида зўрға липпиллаётган фонус, бир қўлида узун калтакни маҳкам ушлаганича овоз келган томонга қараб юрди. Ариқ бўйидаги чинор ёнида нимадир дўппайиб кўринди. Фонусни баландроқ кўтариб, қорага яқинлашди. Мотоцикл экан, ёнбош ағда-рилганча орқа ғилдираги айланиб ётибди. «Эҳ, бечора, эгаси қаердайкин?!» Чол хаёлига келган фикрдан ваҳимага тушиб, атрофни пайпаслай бошлади. Бирдан нимагадир суриниб кетди. Оёғи юмшоқ нарсага тегди. Энгашди. «Одам». Қалтирай бошлади. Ўзини сал босиб олгач, унинг кўкрагига қўлини қўйди. «Нафас оляпти!» Фонусни юзига тутди. Ёш йигит... Сочлари манглайини қоплаган. Бошини ушлаганди, қўли шилимшиқ, ёпишқоқ нарсадан ҳўл бўлди: «Қон». Чол сесканди. Чинор ёнидаги ариқчадан қўлига ҳовучлаб сув олиб йигитнинг пешонасига сепди. У секин ингради. «Хайрият. Бечора кимнинг ули экан. Энди буни нима қилдим?». Машина овози қулоғига чалингандай бўлди. Атрофга нажот излаб олазарак боқди. Узоқдан қўш чироқ кўринди. У фонусни боши узра баланд кўтариб, йўлнинг ўртасига туриб олди. Машина чолнинг олдига келиб тўхтади. Ҳайдовчи чироқларни ўчирмай кабинадан бошини чиқарди:

– Ҳа-а, Ҳасан бува-а, бемаҳалда бундай...

Чол овоз эгасини таниди. «Бўлимнинг шопирига ўхшайди. Тўйчи кўсанинг кичиги. Бўлимни уйига ташлаб қайтапти, чоғи».

– Улим, бу ёққа туш, палакат... – чолнинг товуши ҳирқираб чиқди.

* * *

Ёз туни. Бутун борлиқни сукунат ютиб юборгудек. Қишлоқ уйқуда. Лойсувоқ супада юлдузларга тикилиб ётган Ойсулуvgина уйғоқ, бир қўли билан ёнидаги бешиқни оҳиста ирғаяпти. Супанинг у четидаги ўрин эса бўш. Жувон эрини кутяпти. Ўн йилдирки, мана шу ҳол. Эри уйда пайтларда ҳеч маҳал уни кутмасдан ухлаб қолмаган. У киши бугун эрталаб Тошкентдан келди. Бир пиёла чой ичар-ичмас, ошна-оғайнилари бирин-кетин сўраб кела бошлашди. Бир пасда уй тўлиб кетди. Барибир, улар келишмаса-да, Муҳаммаднинг ўзи чиқиб борарди. Атиги икки-уч кунга қишлоққа келса-да, ошналаридан бўшамайди. Ҳали униси меҳмонга айтиб чиқади, ҳали буниси чойга таклиф қилади. Эри меҳмондорчиликлару гурунглاردан тун ярмида ҳориб қайтиб, кўрпага кирганида Ойсулуvgоҳо гина қилиб қўяди: «Сиз Тошкентдан ошналарингизни соғиниб келсангиз керак-да». Муҳаммад кулади: «Қўявер, хотин, Тошкентда ҳам оғайниларим кўп, лекин булар бошқача... Уларнинг орасида ўзимни эркин ҳис қиламан, бутун чарчоқларим, илмий иш деб сиқилганларим тарқаб кетади».

Бугун ҳам кун бўйи одам қадами узилмади. Кечга яқин қаергадир тўйга кетишди. Ойсулуvgэри келгандан буён тингани йўқ. Нон ёпди, овқат пиширди, меҳмонларга қаради. Кечқурун эри тўйга жўнаш арафасида бир зум холи қолишганда «Эртароқ қайтинг, кўп ичманг» деб тайинлай

олди, холос. Эри «хўп» деди жилмайиб. Ойсулув шунга ҳам хурсанд бўлди. Чунки барибир ўзининг билганидан қолмайди.

Ойсулув болаларини овқатлантириб, ювинтириб ухлатди. Қайнона, қайинука, қайинсингилларига овқат сузиб берди. Идиш-товоқларни йиғиштиргач, кундузи нонни узганда тандирга қўйган бир сатил сувни ичкарига олиб ўтиб, ювинди. Тер ва сут иси уннаб қолган устини ечиб, майин ички кўйлагини кийди.

Ана осмонда юлдуз учди. Жувоннинг кўнглига хавотирлик урмалади. Қишлоқнинг нариги четида бўлаётган тўй ғала-ғовурининг тинганига ҳам анча бўлди. Боягина совхоз ерларини шудгорлашда қатнашаётган тракторчи қайнотаси тунги ишдан қайтди. Ҳозир ҳовлининг нариги буржидаги симкаравотдан унинг таниш хурраги эшитилапти.

Ойсулув Муҳаммад билан кечирган севгидан маст, телба лаҳзаларини бир ширин туш каби хотирлайди. Ғалати дамлар экан-да. Бир гал Муҳаммад таътилга келганида сомонхонада учрашишган. Кейин икки-уч кун ҳар сочини тараганида сомон қилтиқлари тушиб юрди. Муҳаммадни кучуклар қувгани-чи? Эҳ-ҳе, у кунларнинг ҳар лаҳзаси бир ҳикоя. Ҳеч нарсани ўйламасдан унинг кучоғига ўзини отарди. Ёшлик экан-да. Ойсулув турмушидан рози. Фақат унга алам қиладиган томони – Муҳаммадни турмушга чиққанидан буён кутади. Олдин ўқишда деб кутди. Институтни битиргач, мактабда ишлашни хушламай, чўлга жўнади. Дам олиш кунларигина уйга келар, унда ҳам тўю маърака, ошна-оғайниларидан бўшамасди. Мана, икки йилдан буён Тошкентда, энди ўттизга кирганида олим бўлармиш. Ойсулув ҳамиша эрининг уйга меҳмондай келиб-кетишига кўниккани учунми, бирон ножўя гап билан дилига озор етказгиси келмайди, доим кўнглига қарайди, иззатини

жойига кўяди. Шунинг учун ҳам ҳали эр-хотин ўртасида бирон маротаба гап қочмаган. Муҳаммад ҳамон ўзини ёш куёвдай, Ойсулув эса эндигина уйи тушган келинчақдай тутати. Гоҳо Ойсулув ўйланиб қолади. Охири нима бўларкин? Катта ўғли Жаҳонгир бу йил мактабга боради. Ҳали уни суннат қилишгани йўқ. Тенгкурлари данғиллама уйлар қуриб, элга тўй беришаяпти, машина миниб юришибди. Улар бўлса қайнотаси қуриб берган бир том, бир даҳлизли уйда ўтиришибди. Қайси кун дўконга чиқса, синфдоши Бахти мирқуруқ тилла тишларини ялтиратиб, киноя қилаяпти: «олим» илмий ишларини қачон тамом қиладилар?». Булар ҳақида у эрига айтмайди. Илмий иш қилаётган одамнинг бошини беҳуда гаплар билан қотирмайин, дейди. Гоҳо тўлиб кетган пайтлари секин гап очади: «Қишлоққа қайтсангиз, мактабдан дарс олардингиз, мен ишлардим, мол-ҳол қилардик, бир кунимиз ўтарди-да». Шундай дамларда эри бир оз ўйчан тортиб қолади, кейин хотинини бағрига босиб, ўпади: «Ўкинма, жоним, – дейди, – биздай бўлган бор, бўлмаган бор... Худога минг қатла шукр қил, тўрт мучамиз соғ. Кутилмаган фалокатдан ўзи асрасин. Пешонага нима ёзилган бўлса, кўраверамиз-да. Яқинда бир китобда ўқидим: «Эй одам, мансабга, бойликка кўп интилма, ҳар кимки, қанча уринмасин, ўз насибасидан бир тишлам ҳам зиёд нон ейолмайди», дейилибди. Эрининг айтганлари бир ҳисобдан тўғри. Бултур қўшни қишлоқлик бир ёш йигит машинаси авария бўлиб, жувонмарг кетди. Бечоранинг гулдай хотини, икки боласи зор қақшаб қолишди. Ё синфдошлари Қўлдошни ким ўлади, деб ўйларди. Доимо ҳирсдай бўлиб, икки бети қип-қизариб юарди. Тагида янги машина, оғзи тўлла тилла тиш. Раҳматлининг юраги оғриркан. Унинг ранги заъфарон хотинини ҳар сафар кўрганида юраги эзилиб кетади.

– Туроб бува-а, ҳой-й, Туроб бува-а-а!

Ойсулув хушёр тортди. «Ким экан каллаи сахарлаб қайнотасини чақираётган. Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да». У усти очилиб қолган Жаҳонгирнинг кўрпасини тортиб қўйди. Осмонга қаради, юлдузлар кўринмай қолган, тонг оқара бошлаганди.

– Туроб бува-а, о-о, Туроб бува-а-а-а! – овоз яна баландлади.

* * *

Вилоят касалхонасининг торгина хонаси. Ўн кундирки, бу ерда Қораёнтоқ қишлоғидан келтирилган йигит беҳуш ётибди. Унинг ўриндиғи ёнидаги курсида миқти жуссали, қорамтир юзли аёл йигитга тикилганича тош қотган. Аёлнинг бутун қиёфасидан чуқур ҳасрат, қайғуга чўмганлиги сезилиб турибди. «У ғирт етим қиз эди. Отаси урушдан қайтиб келмаган. Онасини эса эслолмайди. На акаси, на укаси, на бирон опа-синглиси бор. Бировларнинг эшигида юриб катта бўлган. Энди ўн олтига тўлган йилнинг кўкламида раҳматли қайнотаси Раҳим чавандоз отга мингаштириб олиб келган ва аскарликдаги катта ўғлига унаштириб қўйганди. Кун кўриш оғир йиллар эди. Бечора аммаси бир “оғиз”дан қутулганига хурсанд бўлиб қолаверган. Худога минг қатла шукрки, бугун уйи болага тўла. Манави тўнғичи. Ҳамсояси Ойбуви момо “Келин, шу ўғлингизнинг юзида фариштаси борми-ей, одам ҳайиқади” дегувчи эди, кўз тегдимикин? Тузалиб чиқса, бир элга худойи берамиз-да. Э, худо, менинг ёшимдан олиб бўлса-да, унга умр бергин. Ҳали бу дунёнинг хузурини кўргани йўқ, болагинам».

Хонага ҳамшира кирди. У дераза рахидаги гулларга сув қуяркан:

– Опа, мен ўтириб тураман, сиз чой-пой ичиб олинг, – деди аёлга. Аёл индамади. Бир пасдан сўнг секин чиқиб кетди.

Кўшни хонада эса тепа сочлари тўкилган, эллик-эллик беш ёшлардаги тўладан келган, оқсариқ юзли дўхтир нималарнидир ёзар, унинг қаршисида ўтирган ўрта бўй, оқдан кўра сариққа мойилроқ соқоли ўсган, устидаги пахта камзул-шимида, қўлларида мой доғлари бор киши дўхтирга қараб гапирарди:

– Дўхтир ака, майли, нима десангиз мен рози, ўғлимни тузатиб беринг. Илоё, болаларингизнинг ҳузурини кўринг.

Дўхтир ёзишдан тўхтаб, бошини кўтарди:

– Сизнинг аҳволингизни тушуниб турибман. Ўғлингизни сақлаб қолиш учун қўлимиздан келган ҳамма чорани кўрамиз. Ҳозирча бир нарса дейолмайман. Бош мияси қаттиқ шикастланган. Лекин менинг фикримча, у ҳушига келиши керак. Чунки бошқа барча анализлари яхши чиқаяпти.

Шу пайт хона эшиги зарб билан очилиб, ҳамширанинг боши кўринди.

– У кўзини очди!

– Ким?

– Бемор Туропов Муҳаммад ҳушига келди!

– Ана айтмадимми, амаки, ўғлингиз энди яшайди! – дўхтир севинганидан ўрнидан туриб кетди. Ҳамширага тайинлади: – Ёнидан жилмай турунг, мен ҳозир...

* * *

Муҳаммад дастлаб оппоқ шифтни кўрди. Бир оз тикилиб тургач, яна кўзини юмди. “Қаердаман?” дея ўйлади у.

...Бир ҳафтадирки, Муҳаммаднинг кўнглига чироқ ёқса ёришмасди. Ҳаммасига бир ҳамкасбининг беихтиёр айтиб юборган гапи сабаб бўлди. Уч-тўрт тенгқур ўқитувчилар ўзаро гурунглашиб, озроқ “ғийбат” қилиб ўтиришганди.

– Хужжатларга қўл қўйдирай деб шундоқ кирсам, лаборант қиз “катта”нинг тиззасида...

Муҳаммад музлаб кетди. Гўё кимдир устидан

бир челак совуқ сув куйиб юборгандай бўлди. “Нима-а? Наҳотки? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!”. У ўзига келгач, бутун нафратини кўзига жамлаб, ҳамкасбига ғазаб билан тикилди.

– Фариштадек бир беғубор қизнинг номини булғашга қандай тилингиз борди?

Ҳамкасби унинг кўзига тик қаролмай, нигоҳини олиб қочаркан:

– Мен ҳам уни қизларимизнинг ичида энг тозаси, деб юрардим. Нима қилай, кўрганимни айтдим-да, – деди.

Шу кундан буён Муҳаммаднинг ичини ит тирнайди. “Наҳотки, шайтон йўлдан оздирган бўлса?”. Эшитган гапини ақл тарозисида тортиб кўриб, сира қабул қилолмайди. “...Не-не ёш йигитлар бор-ку! Ё бир аёлнинг макри юз эшакка юк бўлади, деганлари ростмикин. Муҳаммаднинг олдида ўзини гулдай бокира тутиши маккорликмикин?”. Йигитнинг юрагини шубҳа азоблайди, ўртайди. Кечалари уйқуси қочиб, тўлғанади. “Ёлғон! Меҳринисо билан яқинлигимни билгани учун атайлаб айтди у” деб ўйлайди. Барибир кўнгли ором топмайди.

Ўша маъшум гапни эшитган куннинг эртасига Муҳаммад лаборатория эшигини зарб билан очиб кириб борди. Қиз ёлғиз ўтирган экан. Одатдагидек мулоим жилмайиб:

– Келинг, Муҳаммад ака, – деди.

Йигит бўсағада қизга тикилганча карахт аҳволда турарди.

– Киринг. Сизга нима бўлди, бунча хомушсиз? – қиз бир зум нигоҳини йигитга қадади. – Ўтиринг, чой қўйганман.

Унинг қоп-қора, чарос кўзлари, сутдек оппоқ, бир оз маъюс, аммо тип-тиниқ чехраси йигитни бўшаштирди. Дарҳол ўзини қўлга олиб, қизга яқинлашди ва унинг кўзларига қаттиқ тикилиб қолди. Бу гал қиз нигоҳини олиб қочмади. Йигитнинг кўзидаги ўт қизни довдиратар, лекин у

бу қараш замиридаги маънони уқиш мақсадида тикилиб тураверди. Ва ниҳоят, қиз йигитнинг кўзлари тубида йилтиллаган нарсани кўриб, нигоҳини четга олди. Шошиб сўради.

– Сизга нима бўлди, Муҳаммад ака?

– Меҳринисо... Сиздан бир нарсани сўрасам майлими? – йигитнинг овози титраб чиқди.

– Майли, сўранг, – қиз бутунлай жиддийлашди ва йигитнинг кўзларига синчков тикилди.

Бу гал йигит қизнинг жиддий ҳамда масъум нигоҳига бардош беролмади.

– Ҳай майли, бошқа сафар сўрарман, – деди мажбуран илжайиб. – Қани, чойингиз қайнагандир?

– Қизиқ одатларингиз бор-а? Нима бўлибди, дебман? – қиз хотиржам тортди.

Шубҳа кўланкаси Муҳаммаднинг кўнглидан бир оз узоқлашган бўлса-да, барибир юрагининг ғашлиги кетмади. Ўша кайфиятда қишлоққа қайтди. Тўғриси, кўнглининг чигилини ёзиш, Меҳринисони хаёлидан узоқлаштириш ниятида шундай қилганди. Аммо тўйда келин-куёвни табрикларкан, яна Меҳринисо эсига тушди. Дўстлари унинг кўпроқ ичаётганини сезишди. Сезишди-ю, танбеҳ беришга журъат қилишолмади.

Тўй давраси тарқагач, “президиум”да ўтирганларни яна ичкарига олиб киришди. Муҳаммадни ҳам қўйишмади. Совхоз катталари, туманда, вилоятда ишлайдиган шу элнинг обрўли кишилари алоҳида тузалган меҳмонхонага ўтишди. Совхоз директори “Бу йигитлар келгусида қишлоғимизнинг фахри бўлади” деб биринчи сўзни Муҳаммадга берса бўладими?! У даврада ҳам сўз айтганди, ўша гапларни сал ўзгартириброк такрорлади. “Энди гап исботи билан бўлсин” дейишиб, ароқ тўла пиёлага ишора қилишди. Унинг кайфи ошаётганди, бу энди ортиқчалик қиларди. Шундай бўлса-да, кимсан, казо-казолар кўз тикиб

турганда паст кетгиси келмади, пиёлани охирига қадар сипқорди. Гурунг қизиб, ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолгач, секин ташқарига чиқди.

– Ошналарингиз сизни кута-кута кетишди, – деди хизмат қилиб юрган йигитлардан бири.

– Унда биз қандай кетамиз энди? – Муҳаммад йигитни таниб, унга синовчан тикилди.

– Домла, тўйчиликни ўзингиз биласиз, ҳозир ҳамма ичган, кимга айтсангиз ҳам малол келади. У бир пас ўйланиб қолди. Кейин деди: – Яхшиси, бундай қилсак, домла. Мен сизга мотоцик-лимнинг калитини бераман. Ҳайдай оласизми?

– Албатта, бир вақтлар ҳайдаганмиз, – Муҳаммад обрўни қўлдан бергиси келмади.

– Унда яхши. Мен эртага вақт топиб, мотоциклни ўзим олиб қайтаман.

У Усмон магазинчининг уйи ёнидан бурилиб, катта йўлга тушганини яхши эслайди. Чунки ўша бурилишда итлар чопганди. Уларни ортда қолдириб кетиш учун газ берди. Кейин-чи? Кейин...

* * *

У шошиб кўзини очди. Очди-ю тепасида ўзига тикилиб турган бир неча кишини кўрди.

– Э, йигит, бормисиз, одамни роса кўрқит-дингиз-ку?! – деди бошида турган оқ халат кий-ганлардан бири.

– Улим, эсонмисан, – пиқиллади аёл...

“Ким бўлди бу? Энам-ми?” У бошини кўтар-моқчи бўлди. Лекин калласи зил-замбилдай оғир эди.

– Қимирламанг. Сизга қимирлаш мумкин эмас. – Бояги биринчи овоз яна гапирди.

– Бўлди, ҳамма ташқарига чиқсин. Амаки сиз ҳам, опа сиз ҳам. Кейин кирасизлар.

Муҳаммад боши лўқиллаб оғриётганини ҳис қилди. Оппоқ шифт, оқ халатли киши, ҳаммаси

гир-гир айланиб, кўзи тиниб борарди. У яна киприкларини юмди.

– Мана шу уколларни олгач, – дўхтир кўлидаги қоғозни ҳамширага узатди, – эрталабгача ҳеч ким тинчини бузмасин. Олдига ҳеч кимни қўйманг.

Эрталаб Муҳаммад худди кеча кечкурун ўринга киргану ҳозир тураётгандек ўзини енгил ҳис қилиб уйғонди. Кўзини очиб, яна ўша оппоқ шифтни кўрди. Калласида ҳам оғриқ йўқолиб, анча енгиллашиб қолибди. У боши, қўллари, тиззалари қаттиқ қисиб боғланганини ҳис этди.

– Мен қаердаман, ўзи? – деди овозини чиқариб.

Ҳозиргина хонага кириб, деразадан ташқарига тикилиб турган ҳамшира шошиб ўгирилди.

– Тинчланинг, сиз касалхонадасиз.

– Сиз кимсиз?

– Мен ҳамшираман.

– Қачондан буён бу ердаман?

– Бугун ўн биринчи кун.

“Ўн биринчи кун”. Муҳаммаднинг юраги орқага тортиб кетди. “Демак, ўн кундан буён хушсиз эканман-да”.

– Ҳамшира, менга нима бўлган? – секин сўради у.

– Сизгами?.. – ҳамшира тараддудланди. – Сиз енгил шикастлангансиз. Ҳозир анча тузук бўп қолдингиз.

– Кечирасиз, сизда ойна топиладими?

– Нимайди? Топилади. Мана, – ҳамшира халатининг чўнтагидан думалоқ ойнача олди.

– Юзимни кўрмоқчийдим.

– Ҳа-я. Мен ўзим кўрсата қоламан. – Ҳамшира йигитнинг устига энгашиб, ойнани тутди. Хушбўй атир иси Муҳаммаднинг димоғига урилди. У хушёр тортиб, кўзгуга тикилди. Ҳеч нарса кўринмади. Ҳаммаёқ оппоқ эди. Ҳа, ана! У оқлик ичра милтиллаб турган бир жуфт кўзни кўрди. Юзи-чи? Кўзларини бир дақиқа юмиб очди. Ва равшан кўрдик, боши, юзи оппоқ дока билан чирмаб

боғланган эди. Юрагини ваҳима босди. “Менга нима бўлган ўзи?” Боши лўқиллаб оғрий бошлади. Кўзига ёш келди. “Наҳот, ўлсам?”

Ҳамшира унинг аҳволини тушунди.

– Ҳафа бўлманг, – деди юмшоқлик билан таскин берувчи оҳангда, – оёқ-қўлларингиз бир оз шилинган, юзларингиз ҳам, энг муҳими, энди сиз яшайсиз!

“Нима? Нима деди? Энди яшайсиз, дедими? Нимага мен яшамаслигим керак? Демак, ўлиб кетишим мумкин экан-да! Унда илмий ишим нима бўларди. Орзуларим-чи? Э, дарвоқе, энам, Ойсулув, болалар қаердайкин? Мен Тошкентга кетишим керак эди-ку!” У хаёлини жамлади: “... Ўша куни тўйдан чиққач, мотоциклдан йиқилганман ва мени бу ерга олиб келишган”.

Шу пайт хонага дўхтир кириб келди. У Муҳаммаднинг каравотига курсини яқинлаштираркан, беморнинг шифтга тикилиб ётганини кўрди.

– Саломалайкум, йигит.

Муҳаммад бошини бурди. Чакка сочлари оқариб кетган, нуроний қиёфали дўхтирнинг кўзларига кўзи тушиб “Ассалому алайкум” деди ва ўрнидан кўзгалмоқчи бўлди.

– Қимирламанг, – деди дўхтир ва ўтирди. – Келинг, танишиб қўяйлик. Мен шу бўлимнинг бошлиғи Ҳамро Муродов бўламан. – У қўлидаги асбоби билан Муҳаммаднинг қон босимини ўлчаб, юрагини эшитиб кўрди.

– Қон босимингиз, юрак уришингиз яхши. Ўзингизни қандай ҳис қилаяпсиз?

– Билмадим, тузукка ўхшайди, – синиқ товушда жавоб берди Муҳаммад.

Ҳамро Муродов беморнинг кайфиятини ҳис қилди:

– Руҳингизни туширманг, ука. Аҳволингиз, умуман олганда, ёмон эмас. Хавфли босқич ўтди. Энди мана бу ташқи жароҳатларингиз битса бўлди. Кейин уйга жавоб берамиз. Қолгани ўзингизга

боғлиқ. Фақат илтимос, кўп ўйламанг, сиқилманг. Яна ўн кунча қимирламай ётиб турасиз, сўнг туришингиз, ташқарига чиқишингиз мумкин. Яна такрорлайман, кўп ўйламанг, иложи борица кўпроқ ухлашга ҳаракат қилинг. Миянгиз дам олиши керак.

– Дўхтир, – Муҳаммаднинг овози титраб чиқди, – аҳволим жуда оғирмасми?

– Мен нималар дедим сизга, ука. Ҳали сиз кўп яшайсиз. У ўрнидан тураркан ҳамширага ўгирилди: – Кўз-қулоқ бўлиб тулинг, ҳеч ким бу кишининг тинчини бузмасин.

Ҳамро Муродов чиқиб кетгач, Муҳаммад унинг гапларини мулоҳаза қила бошлади. “Қизиқ гапларни гапиради бу дўхтирлар ҳам. Ўйламанг, дейдими? Айниқса, шунақа пайтда. Мия бир механизм бўлса эканки, мурватини бураб, ўчириб қўйсанг. Ҳа, энди булар ҳам тасалли беради-да. Аҳволим оғирлиги аниқ. Наҳот, ўлиб кетсам-а? Ҳа, нима бўпти. Машхур олим ё шоир бўлмасанг. Сенинг ўлимнинг бу кўҳна дунёда бирор нарсани ўзгартирармиди? Не-не одамлар кетиб бораётибди-ку! Ойсулув билан болаларга, ота-онангга қийин бўлади-да. Энаси бечора, касалманд юраги билан буни кўтаролмайди. Отаси-чи? Муҳаммад ҳар гал қишлоққа борганида уст-бошига мой теккан, соқоллари ўсиқ, доимо ярим кечада ишдан қайтадиган, умрида меҳнатдан бошқа нарсани билмайдиган отасига раҳми келарди. Ўғлининг ўлими меҳнат адои тамом қилган бу одамни яна чўктириб қўяди. Ойсулув кейин турмуш қураармикин? Ҳали ёш-ку! Муҳаммад хотинини ўзга эркак қучоғида тасаввур этиб баданлари жунжикиб кетди. У оташин илк муҳаббатини бағишлаган бу аёлни яхши кўрарди. Хотини билан ўтказган энг ширин, такрорланмас онларни ҳамиша орзиқиб эслайди...

...Муҳаммад билан Ойсулув бир синфда ўқишди. Ҳалигача Муҳаммад бу қизни нима учун ёқтириб

қолганини билмайди. Тўғри, Ойсулув кўзга яқин қизча эди. Ўзига ярашадиган кийимлар кийиб юрар, яхши ўқирди. Синфда уни кўп болалар ёқтиришарди. Улардан қизғанибми, саккизинчига ўтишганда Муҳаммад қизга хат ёзди. Ўшанда дил изҳорига ўн икки варақли ўқувчилар дафтари тўлиб кетганди. Хатни катта танаффусда ҳеч кимга билдирмай Ойсулувнинг сумкасига солиб қўйди. Кейин қўрқув ва ҳаяжон билан жавоб кутишлар, дуч келиб қолганда дув қизариб, гап тополмай қолишлар... Ўнинчи синфни битиргунга қадар ёзишмалар давом этди, сўнг пинҳона учрашувлар бошланди. Биринчи марта Ойсулувдан бўса олишга қандай журъат этганлиги Муҳаммаднинг сира эсидан чиқмайди. Ўша дақиқаларни эсласа, ҳамон баданлари жимирлаб кетади.

...Ўша куни математикадан оғзаки имтиҳон бўлиши керак эди. Ўқишлар тугаган, мактаб ҳувиллаб ётар, фақат битирувчи синф ўқувчилари давлат имтиҳонларини топширишарди. Севишганлар тонг оқариши билан мактабга ошиқшар, улар келганларида ҳали ҳеч ким бўлмасди. Муҳаммад бир неча учрашувдан буён Ойсулувдан ўпич олиш тўғрисида ўйлар, аммо ҳар гал қизариб-бўзариб гапини йўқотиб қўярди. Одатда, уларнинг суҳбатлари жўн гаплардан иборат бўларди. Кўпроқ имтиҳонлар, келажак орзулари ҳақида гаплашишади. Бу гал Муҳаммад қиздан бўса олишга қатъий аҳд қилди. У салом-аликдан сўнг қизни чеккадаги синфхоналардан бирига бошлади. Сал у ёқ-бу ёқдан гаплашган бўлишди. Бирдан Муҳаммад қалтираган қўллари билан қизнинг билагидан ушлади. Қизнинг қўллари ҳам ҳаяжондан титрарди. Оғзига келгани шу бўлди: "Ойсулув, мен сени яхши кўраман!" Қиз дув қизарди. Шунда йигит беихтиёр уни ўзига тортиб, қайноқ лабларини қизнинг ғунчадек олов дудоқларига босди. Кейин яноқлари, бўйниларидан ўпа бошлади. Нозиккина вужуди йигит

кучоғида типирчиларкан, бир пайт ўзларига келиб қарашса, юз-пешоналаридан тер қуйилар, кўйлаклари жиққа ҳўл бўлган, қизнинг яшил гулли нафис кўйлагининг ранги йигитнинг оқ нейлон кўйлагига уриб қолганди. Муҳаммад бу кунларни ҳар эслаганида қонлари гупуриб кетади.

Муҳаммад хотинини рўзғорбоплиги, оддийлиги, саранжом-саришталиги учун ҳурмат қиларди. У Муҳаммадга бир-биридан ширин тўрт фарзанд ато қилди. Бутун рўзғор ташвишлари унинг зиммасида. Шу ёшга кирибдики, Муҳаммад уйга меҳмондай келиб-кетади. Шунга қарамасдан Ойсулунинг бирон маҳал қовоғи уйилганини кўрмаган. Кўпроқ ичадими, кеч борадими, мудом очиқ чехра билан кутиб олган. Шунинг учун ҳам Муҳаммад хотинининг олдида ўзини қарздордай ҳис этади. Фақат кўнглига бир нарса таскин беради: кейинги йилларда ҳаётида юз берган баъзи воқеаларни ҳисобга олмаганда, у хотинига хиёнат қилмай яшади.

* * *

...Талабалик йилларида бўлиб ўтган бир воқеа унга жуда қаттиқ таъсир қилган. Ўшлик Соҳиба исмли қиз билан анча қалин эдилар. Ётоқхонада туришар, кутубхоналарга бирга боришар, дам олиш кунлари аҳён-аҳёнда кинога тушишар, хиёбонларда сайр қилишарди. Баъзида Муҳаммаднинг хонасида ярим тунга қадар суҳбатлашиб ўтиришарди. Бутун гуруҳ уларнинг қалинлигини билар, Муҳаммад қизга нисбатан ўзини дўстдай тутарди. Қиз йигит гоҳида қишлоқдош талабаларнинг олдига ёки бошқа бирон жойга кетиб ётоқхонага кеч қайтса, эшикбон ёнида соатлаб кутиб ўтирарди. Муҳаммад талабалик даврининг иккинчи йилиёқ уйланган бўлиб, Соҳибага Ойсулун ҳақида кўп гапирарди. Шундай пайтларда Соҳиба хомуш тортиб қолар,

Йўқ, буни тан олмас ошиқ юрагим,
Муҳаббат йўқ, дея қилманг дий-диё.
Муҳаббат қуёшим, ёритар йўлим,
Муҳаббатсиз умр зулмат зим-зиё.

Шу тариқа улар узоқ суҳбатлашиб ўтирдилар. Бир пайт Соҳиба шиддат билан ўрнидан турди. “Йигитмисиз ўзи?!” деди. Муҳаммад унга ялт этиб қаради. Қизнинг тим қора кўзларида ёш кўринди. У нима бўлганлигини англаб етмасдан, қиз чопиб чиқиб кетди.

Муҳаммад қизнинг сўзлари маъносига етгач, йигитлик орияти қўзғалиб, уятдан юзлари оловланди. Тун эди, хонада ёлғиз эди, аммо йигит қип-қизариб ёниб борарди. Туни билан тўлғаниб, ўйлаб чиқди. У шу пайтга қадар Ойсулувдан бошқа бирор қизнинг қўлини ҳам ушламаган, бегона қизни ўпиш, қучоқлашни жуфти ҳалоллига нисбатан мисли кўрилмаган хиёнат деб ҳисоблар ва шунинг учун ҳам бундай қилишни тасаввурига сиғдира олмасди. Орадан йиллар ўтиб, курсдошлар учрашувига борганида ресторандаги зиёфатдан чиқишгач, Соҳиба билан хилват йўлакда суҳбатлашиб боришаркан унга хушомад қилди:

– Соҳибахон, йиллар сизнинг ҳуснингизга яна ҳусн қўшибди, – дедию қизнинг қўлларида дадил ушлади.

– Қўйинг, Муҳаммад ака. Ўша пайтда сиз учун ҳамма нарсага тайёр эдим, энди қўйинг, – нозли табассум билан қўлини секин тортиб олди Соҳиба.

Шунга ўхшаш яна бир воқеа унинг хотирасида муҳрланиб қолган.

Учинчи курсда ўқирди, чоғи. Дам олиш кунларидан бирида Муҳаммад зерикди, ҳамқишлоқ болаларни кўриб келиш учун Юнусободга йўл олди. Кечқурун кириб борганида бир хонали ижара уйда турадиган уч-тўрт талаба йигит эндигина дастурхон атрофига жам бўлган, ош

сузилган эди. Давранинг тўрида устидаги атлас кўйлаги ялт-ялт ёниб, бир семиз аёл ястаниб ўтирар, йигитлар унинг оппоқ сонларидан кўз узишолмасди. Ош ейилиб, чой ичилгач, аёл учун айвонга алоҳида жой солишди. Ажабланиб, ҳеч нарсага тушунмай турган Муҳаммад:

– Бу ким? – деб сўради ёнидаги Болта полвондан.

– Саттор ака билан поездда бирга келибди. Эртага қайсидир санаторияга олиб бориб қўярмиш. Ҳалигидақа хотинлардан бўлса керак-да, – бошини маъноли ирғади Болта полвон.

Саттор Муҳаммаддан тўрт-беш ёш катта бўлиб, заводда ишлаб, институтнинг кечки бўлимида ўқир, баланд бўйли, озғин йигит эди.

Ҳамма қаторасига ўрин солиб ётгач, Саттор айвонга – аёлнинг ёнига ўтиб кетди...

Бир пайт Саттор айвондан ичкари уйга ўтиб:

– Муҳаммад, опа сени сўраяпти, – деди.

– Нега? Мени нима қиларкин? – унинг жавобидан ҳамма кулиб юборди.

– Билмасам, ёқиб қолибсан, шекилли, ўша йигит келсин, деяпти. Йигитмисан ўзи?

“Йўғ-е, – ўйлади Муҳаммад, – Ойсулунинг олдида нима деган одам бўлади? Кейин унинг кўзларига қандай қарайди? Бутун умр виждони қийналиб яшайдими? Йўқ, Асло!”

Болалар эса уни бўшангликда айблар, аёлнинг ёнига боришга ундарди. Йигитнинг қонлари жунбишга келганидан чакка томирлари лўқиллаб урар, юраги “дук”иллар, “бирова кўриб ўтирибдими?” деб ўйларди. Лекин вафо-садоқат ҳақида китобларда ўқиган эзгу тушунчалари яна бир бор асқатди. У бутун иродасини йиғиб, ўзини зўрға ушлаб қолди. Эътиқодига, севимли Ойсулувиға хиёнат қилмади.

Орадан йиллар ўтиб, талабалик йилларини хотирларкан, “Нима бўлгандаям ўша кунлар беғубор даврлар экан” деб ўйлайди. Инсон ёши

кейин бирдан чехраси ёришиб “Янгамни қачон Тошкентга олиб келасиз, қачон мени таништириб қўясиз” дерди кулиб.

Шундай кунларнинг бирида Муҳаммаднинг хонасида алламаҳалгача ўтириб қолдилар. Ётоқхонада деярли ҳамма ухлаган. Соҳиба икки бети лов-лов ёниб, тинмай гапирар, жуда хушчақчақ эди. Улар адабиёт, келажак орзулари, севги-муҳаббат ҳақида баҳслашишарди.

– Ҳеч севганмисиз Соҳиба? – сўради дабдурустдан Муҳаммад.

– Йўқ. Қани энди, севиб қолсам? Севги йўқ, дейишади-ку! – кулиб жавоб берди қиз.

– Сиз ҳам шундай деб ўйлайсизми?

– Менимча, йигит-қиз бир-бирини ҳурмат қилса, тушунса, шунинг ўзи етади, ўлдим-куйдим деб юрган ошиқ-маъшуқларга кўпам ишонмайман.

Муҳаммад шеър ўқиди:

Мен унга ачинаман,
Сенинг бўлажак қайлиғингга.
У сенинг мана шу қаро
кўзларингга кирмоқчи бўлиб,
Ва бу кўзлар қаърида бир умрга
мангу қолмоқчи бўлиб,
Термулган маҳал.
У сенинг мана шу сочларинг
бўйига тўймоқчи бўлиб,
Ғунча лабларингга қонмоқчи бўлиб,
Талпинган маҳал.
У сенинг мана шу оппоқ кўксингга
Юрак уришингни тингламоқ бўлиб,
Бош қўйган маҳал.
Қайси виждон билан, қайси тил билан,
Мен бокираман, тозаман дейсан,
Ва айтилиб, айтилавериб сийқаси чиққан,
Ўша маъшум сўзни айтасан яна
“Севаман...”
Мен сенга ачинаман...

- Кимники бу?
- Бугун биттасига қараб туриб тўқидим.
- Яхши шеърларингиз бору, ҳеч кимга кўрсатмайсиз.
- Шоирлик даво қилиш... О, бизларга йўл бўлсин...
- Билмадим, шеърларингиз менга ёқади.
- Соҳиба, севиб қолсангизу, йигит узоқ вилоятдан бўлса, у билан кетармидингиз?
- Масалан, қаердан? – кулди Соҳиба.
- Масалан... Қашқадарёдан, – Муҳаммад ҳам муғомбирона жилмайди.
- Ҳалику, Қашқадарё экан, тупканнинг тагига бўлса ҳам кетардим, – сочларини қўллари билан ўйнаб ўтираркан, қатъий жавоб берди қиз.
- Нега унда муҳаббат йўқ дейсиз?
- Қачон йўқ дедим. Мен фақат бошқачароқ тушунаман, шекилли.
- Мана, энди бир битимга келдик. – Иккалалари ҳам кулиб юборишди.

Муҳаммад яна шеър ўқиди:

Наҳот йўқ оламда севги-муҳаббат?!
 Ёниш-ўртанишлар ўткинчи, ёлғон?!
 Навоий шеърлари сохтадир наҳот?!
 Наҳот шу чоққача алданар инсон?!
 Йўқ, бундан тан олмас ошиқ юрагим,
 Муқаддас туйғуга келтирамангиз шак.
 Зулфия севгисин инкор этар ким?!
 Гар Қайс муҳаббати афсона десак.
 Ширин садоқати этмаса насиб,
 Алдаган қалбингдир, гуноҳкор ўзинг.
 Ишқингга бўлмаса ёринг муносиб,
 Алданган севгимас, шу икки кўзинг.
 Муҳаббат йўқ эрса, бўлмасди кўклам,
 Лоласиз баҳорга не ҳожат ахир?!
 Ҳаёт ҳам бўлмасди бу қадар кўркем,
 Бўлмасди гўзаллик, бўлмасди шоир.

улғайган сари гуноҳлари кўпайиб, эътиқоди ўзгариб, болалик мусаффолигидан узоқлашиб, таъбир жоиз бўлса, тубанлашиб, худбинлашиб боравараркан. Буни Муҳаммад ўз ҳаёти мисолида кўриб турибди. У ёлғиз қолган пайтлари ўзига ўзи холисона баҳо бериб, ўша талабалик даврларидаги беғубор, инсон зотиға, дунёдаги барча нарсаға умид ва ишонч билан боқувчи бокира йигит билан ҳозирги Муҳаммад ўртасида анча тафовут борлигини сезади. Сезади-ю, виждони азобланади. У болалик бокираллигини, эзгу туйғуларини асраб қололмади, худбинлашди, айрим гуноҳ ишлар қилишға улгурди. Ўз эътиқодидан чекинди.

* * *

– Сезиб юрибман, сўнгги вақтларда руҳингиз тушкун. Ҳамма нарсаға эътиборсиз ва лоқайдсиз, – деди кейинги бор учрашганларида дўсти Озод.

– Чунки биз ишониб юрган нарсаларнинг ҳаммаси ёлғон экан. – Муҳаммад дўстиға кўнглини ёргиси, ўзини қийнаб юрган масалаларда фикрини билгиси келди. – Сиз билан биз ҳаётни бўяб-бежаб, нотўғри акс эттирган китоблар таъсирида тарбияландик. Бизнинг онгимизға мурғакликдан коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексини сингдиришди. Бу жамиятда эса коммунистик ахлоқ нормаларига риоя этиб яшаб бўлмаскан. Оқибатда мана ёшимиз ўттизға кириб, сиз ишчилар умумий ётоғининг товук катагидек бир хонасига эға бўлдингиз, менда эса шул ҳам йўқ.

– Ҳар ҳолда ҳалол яшаяпмиз-ку! Кўнгилни чўктирманг, дўстим. Ҳали ҳаммаси олдинда.

– Ҳавойи гапларни қўйсангиз-чи. Инсон умри ўлчоғлик. Ўттизға қадар ақалли ўз уйи бўлмаган кишининг эртаси туманли. Бизнинг тенгқурларимиз данғиллама уй-жойлар қуришаяпти, машина миниб юришибди, хотинларини эргаштириб сўлим жойларда дам олишаяпти, хорижға саёҳатға чиқишаяпти. Э, ўшалар тўғри

қилади. Ўтадиган беш кунлик дунёда ҳаётнинг ҳузур-ҳаловатини тотиб, завқланиб яшаш ҳам керак-да. Биз-чи? Кўнглингизга оғир ботмасин-у эртадан кечгача гўнг титган товукқа ўхшаб тиним билмаймиз. Кўрганимиз идора-ю ётоқхона. Ҳукумат берадиган маош овқатга етмайди. Энди болаларни ҳам ўйлашимиз керак, улар улғайишаяпти, эрта-индин ўқийман, уйланаман, дейишади. Ҳар гал мактабдаги адабиёт ўқитувчимиз Мурод Одиловнинг уйига борганимда кўнглим эзилиб кетади. Ўттиз йилдан буён бир том, бир даҳлизли, полсиз-паталоксиз пахса уйда яшайди, бечора. Ҳали элликка тўлмаган бўлса-да, касалманд чолга ўхшайди. Олдида уйланмаган, турмушга чиқмаган фарзандлари қатор турибди. Бечора дунёга келиб нима ҳузур-ҳаловат кўрди. У ҳалол, тўғри бўлганлиги учун айбдорми? Хоҳлайсизми, йўқми, Мурод Одилов бизнинг эртамиз. Шу ёшга кириб ҳалол, тўғри одамнинг роҳат-фароғатда яшаганини кўрмадим.

– Ҳўш, нима қиламан, дейсиз?

– Билмадим, биз адашган, алданган авлоднинг вакилларимиз. Бизни бойликдан ҳазар қилиш руҳида тарбияладилар. Ҳолбуки, бойлик куч-қудрат, имкониятдир. Инсоният пайдо бўлгандан буён бойликка интилиб, шунинг учун курашиб яшайди.

– Нега кўзингизни олиб қочаяпсиз? Ё бирон-тасидан пора-мора олдингизми?

– Ҳа, шундай бўлиб қолди...

– Уни нима қилдингиз?

– Турибди. Идорадаги темир сандиқда. Бир неча марта рўзғорга ишлатмоқчи бўлиб қўлимга олдим, кўнглим бўлмади. Худди ҳаром луқмани ютаётгандай туюлаверди. Шундан буён оромим йўқ. Виждоним азобда.

– Сиз билан бизга бундай пул сингмайди, юқмайди, дўстим. Гуноҳ иш қилибсиз.

– Унда йўл кўрсатинг...

– Бирон савоб иш қилиб, бу гуноҳингизни ювинг.
– Бу дунёда ҳеч кимга ишониб бўлмай қолди.
Сизни қаттиқ ҳурмат қилсам-да, гоҳида ишона олмайман.

– Нега? Асосингиз борми?

– Кечагина коммунистик партия аъзоси эдингиз. Унинг ғояларини амалга ошириш учун ғайрат билан курашдингиз. Эсингиздами, бир гал менга “Пора берсангиз ҳам партияга ўтинг, истиқболимиз ёмон бўлмайди” дегандингиз. Энди эса партиядан чиқиб, номоз ўқиб юрибсиз.

– Бу партияга ишонмай қўйдим ва ундан чиқдим. Номоз ўқишимнинг боиси эса, мен бирон нарсага эътиқод қўймасдан яшолмайман.

– Эътиқод деганингиз наҳотки шундай тез ўзгарса?

– Яхшиси, сиз ҳам номоз ўқинг. Руҳингиз шундай хотиржам бўлиб, ўзингизни қушдай енгил ҳис этасиз... Бизнинг алғов-далғов асримизда руҳий осойишталикка не етсин?!

– Мен эса эътиқоду эътиқодсизлик ўртасида қарахт турибман. Олдин ишонганларим ҳаммаси ёлғон бўлиб чиқди. Янги ғояни эса кўрмаяпман.

* * *

Муҳаммад касалхона ҳаётига анча кўникиб қолди. Ёқимтой ҳамшира ҳар куни тонг отиши билан унинг хонасига кириб келади, “Нима керак бўлса, тортинмай айтаверинг” дейди меҳрибонлик билан. Худди ўз яқин кишисини парвариш қилгандай Муҳаммадга меҳр билан қарайди. Ҳамро Муродов эса очиққина одам экан. У Муҳаммад билан узоқ-узоқ суҳбатлашиб ўтиради. Тиббиётнинг муаммолари, она еримиз, сув ва ҳавомиз заҳарланиб, мусаффо табиатимиз бузилиб бораётганлига тўғрисида куйиниб гапиради. У касалликлар кўпайиб кетаётганлигининг бош сабаби шунда деб билади. Умуман, дўхтир Муҳаммадда яхши таассурот қолдирди. Тиббиёт илмини

яхши биладиган, халқ табобатидан хабардор, куйинчак одам экан. Неча-неча оғир аҳволда келтирилган кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолибди. Муҳаммад ҳам бахти чоғиб шу одамнинг шифобахш қўллари туфайли ҳаётга қайтди. Бирон чаламулла дўхтирнинг қўлига тушганда ким билади омон қолармиди?

Инсоннинг феъли қизиқ. Соғ-саломат юрғанида, ишлари авж пайтда ўзини бу дунёда абадий яшайдигандек ҳис қилади. Бошига ғам тушганда, касалланганда, бирон фалокат юз берганда, умрнинг ҳар дақиқаси ғанимат, ота болага, дўст дўстга, ака укага, эр хотинга, қўйингки, бу фоний дунёда ҳамма нарса омонат эканлигини, инсон ҳаёти кўз очиб юмгунча ҳар сонияда ниҳоя топиши мумкинлигини тушунади. Муҳаммад ҳам ҳозир худди шундай ҳолатда эди. Унинг шу ёшга қадар ҳатто бирон туки оғримаган, ўзини катта олар, катта гапирар, дунёдаги ҳамма нарсага ишонч ва умид билан қарар, кўз ўнгида юз бераётган ноҳақликларни ҳечам қабул қилолмас, кўпроқ китоблар таъсирида пайдо бўлган ўз хаёллари оламида яшарди.

У болаликдан бадий китоблар таъсирида улғайди. Нимагадир, албатта, мен буюк одам бўламан, деб ўйларди. Талабалик йиллари “буюк”-ликка тайёрлана бошлади. Кутубхоналардан буюк шоир ва ёзувчилар, олимлар, давлат арбоблари ҳаёти ва фаолиятига оид китобларни топиб ўқир, буюклар ҳаёти билан ўзиникини таққосларди. Ўқишни битиргач, уни ўзи ўқиган мактабга оддий ўқитувчиликка ҳам олишмади, “ўрин йўқ” дейишди. Амакисининг ёрдами билан зўрға бош пионервожатийликка илашди. Иш жараёнида қўлтиғидаги “тарвуз”лар зўрлаб шиширилган пуфакдек ёрилди-кетди. Ҳақиқий ҳаёт уни гангитиб қўйди. Хаёлий орзулари, ўйлаб юрган нарсалари амалга ошмагач, руҳи тушиб, паришон бўлиб қолди. Кейин хаёлида яна китобларда

ўқиган романтик ҳаёт гавдалана бошлади. Яхши турмуш учун курашиш керак, деб ўйлади. Бу ерда эса курашадиган “душман”нинг ўзи йўқ эди. Ҳамкасблари тирикчилик ташвишлари билан овора, кун бўйи мол семиртириш “сир”лари, томорқадан қандай қилиб кўп даромад олиш, бозор, нарх-наво, тўйлар ҳақида гурунг бўларди.

У бунақа ҳаётдан зерикди. Ўқувчилар билан бўлган пайтлардагина ҳамма нарсани унутар, завқланарди. Янги йил арча байрамини шундай қизиқарли ташкил этишдики, бутун мактаб жамоаси, ота-оналар “бу ёш пионервожатийнинг иши” дейишди. Кун ўтган сайин у болаларга ўрганиб қола бошлади. Лекин Муҳаммад сира-сира оддий муаллим бўлиб қолишни истамас, ҳамон буюкликка даъвогар эди. Унинг руҳини туширган ва қаттиқ таъсир қилган нарса шу эдики, муаллимлар қишлоқда энг қадрсиз табақага айланиб қолганди. Муаллимни ўрни келса оддий бригадир ҳам ҳақорат қилиши ёки магазинчи жеркиб ташлаши мумкин эди. Айниқса, тўйларда кассир, омборчи каби амалдор ва пулдорларга иззат-икром кўрсатилиб, улар давра тўрига ўтказилар, ўқитувчига эса биров бурилиб қарамасди.

Шундай кунларнинг бирида вилоят газетасида чўлда янги туман ташкил этилгани ҳақидаги хабарни ўқиб, ўйланиб қолди. Сўнг «курашиб» яшаш учун чўлга отланди. Бориб кўрсаки, чўлда ишлашнинг ҳеч бир романтикаси йўқ, турган-битгани азоб, на овқатнинг тайини бор, на турар жойнинг. Бироқ Муҳаммад чўлда ўтказган уч йилга яқин умрига сира ачинмайди. Шу ерда одам таниди, кўзи очилди, “буюклик” даъвосидан воз кечди. Одамлар кун кечириш, ризқ топиш учун ўзларини не куйларга солаётганини кўрди. Қаллобни, ўғрини ҳам, порахўр, лаганбардор, бузуқни ҳам, ўзига ўхшаб “коммунизмнинг муҳташам биносига бир ғишт қўйиш” учун келган

“бола”ларни ҳам бу ерда кўп учратди. Бу дунёда яшашнинг ўзи машаққат эканлигини илк бор ҳис этди. Лекин у энди буюк бўлолмаслигига кўзи етган бўлса-да, ҳаётида қандайдир мўъжиза юз бериши ва турмуши яхшиланиб кетишига ишониб яшарди. Йиллар ўтса ҳамки, у кутган мўъжиза содир бўлмас, кунлар бир-биридан фарқ қилмас, ўзини туманда адашиб қолган йўловчидек ҳис этар, яқин атрофда на бир шуъла, на йилт этган ёруғ кўринар, ҳаммаёқ – тўрт тараф туман, фақат тумандан иборат эди. Мана шунда фалокат содир бўлди – у мотоциклдан йиқилди. Муҳаммад билдики, у кутаётган мўъжиза ўлим кўринишида ҳам келиши мумкин экан. Агар ўлиб қолганида нима бўларди?! Бунини ўйласа даҳшатга тушиб кетади: “Эй худо, нима гуноҳларим эвазига менга бундай жазо юбординг?!”

Гуноҳ ва савоб. Муҳаммад бу ҳақда кўп бор ўйлайди. Дунёнинг қандайдир бир яширин қонунияти борлигини, бу ёруғ оламда ҳамма нарса ҳисоб-китобли эканини сезади. Кимки бирон гуноҳ қилса, эртами-кечми бунинг учун жазо олиши тайинлигини, эзгу ишга қўл урса, бировга фойдаси тегса, савоб бўлишини билади. Касалхонага тушгандан буён бу фикрлар уни кўпроқ безовта қила бошлади. “Мана, Ҳамро Муродовни олиб қарайлик, – мушоҳада юритади у. – Дўхтир ҳар куни қанча дардмандларни даволайди, уларга шифо бағишлайди. Умри давомида қанча-қанча хасталарни ўлим чангалидан асраб қолган. Демак, у ҳар лаҳза одамларга яхшилик қилади, бутун умри савоб билан ўтаяпти. Сен-чи? Ўттизга кириб кимга яхшилик қилдинг. Сен туфайли кимнинг оғири енгиллашди? Кимнинг ташвишига шерик бўлдинг, оғир кунида ярадинг?!”

Бу саволлар унга азоб беради. Дунё шул экан, ўтган кун ўтаверсин-чи, яхши кунлар ҳам келиб қолар, деб юраверибди. Бугун ўйлаб қараса, на ўзига, на оиласига ҳузур-ҳаловат бағишлабди, на

Ўзгага нафи тегибди. Аканг олим бўлмоқчи, аканг ҳали зўр одам бўлади, деб тонгни кеч, тунни тонг қилаверибди. Мабодо, Худо кўрсатмасин, яна ўттиз йилни шундай ҳавойи орзулар йўлида ғафлатда ўтказиб юборганида нима бўларди. Умр ниҳоясида ниҳоят бунни тушунар ва қалби тўла армон билан ўтарди. Ҳалиям бу ҳақда ўйлаб кўрмай, гуноҳ ва савобнинг фарқига бормаё тараллабедод қилиб юрган дўстлари озми? Бугун у бундайларга қарата: “Ҳой оғайнилар, кўзларингизни очинг. Умр ўтиб кетяпти! ” дегиси келади. Дегиси келади-ю ўзининг гуноҳлари эсига тушади...

* * *

...Ўтган йили ёзда институт қабул комиссиясида абитуриентлардан ҳужжат қабул қилди. Кунлардан бир кун шовқин-сурондан боши оғриб, институт хиёбонида чекиб ўтирганди. Енги узун атлас кўйлак, атлас лозим кийган, нозиккина, ранглари оппоқ қиз олдига келиб ийманибгина салом берди.

– Сиз Муҳаммад акамисиз? – деди қиз кўзларини пирпиратиб.

– Ҳа, келинг, – таажжубланди Муҳаммад.

– Мен Кўктерақдан, сизларга қўшни қишлоқданман. Бугун келувдим...

– Қишлоқлар тинчми? Кимнинг қизи бўласиз?

– Мирза буванинг.

– Қайси Мирза буванинг? – Муҳаммад қизнинг отасини эслолмади. – Акаларингиз борми?

– Акаларим йўқ. Мен каттасиман.

– Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

– Ўқишга келувдим. Икки йилдан бери йиқилаяпман.

– Қайси бўлимга ҳужжат топширдинг?

– Ўзи бугун эрталаб поезддан тушдим. Ўтган йили турган квартирамизга боргандим, одам қўйибди. Яна бир-икки уйдан жой сўраб топол-

мадим, сизнинг ишлаётганингизни эшитувдим. Сўрасам, шу ёқни кўрсатишди.

– Энди нима қилмоқчисан? – Муҳаммад қизга бошдан-оёқ яна бир сидра кўз югуртириб чиқди. Йигитнинг нигоҳидан қиз ўнғайсизлана бошлади.

– Билмадим, – у оёғи билан ер чизди. – Бу шаҳарда сиздан бошқа ҳеч кимни танимайман. Бир кечага жой топиб берсангиз... Эртага яна квартира қидириб кўрардим.

“Буни қаерга жойлаштирсам” ўйлади Муҳаммад. “Ўзи турадиган ётоқхонанинг эшикбони Зуля опага айтсам бир кечага бирон бўш хонанинг калитини берар...”

– Хўп, – деди қизга қараб. – Сен шу ерда кутиб тур. Мен ҳозир ишларимни тамомлайин, кун ҳам кеч бўп қолди. Бир кечага бўлса, амаллармиз.

Муҳаммад бирпасдан сўнг Муҳаррам исмли бу қизни етаклаб ётоқхонага борди. Эшикдан кираверишда кирган-чиққанни кузатиб ўтирган қора зулфинли, қошлари гажакдор, ёши қирқдан ошиб қолган бўлса-да, кўзлари ўйнаб турадиган аёл Муҳаммадга ажабсиниб қаради.

– Зуля опа, мана бу синглимиз узоқдан келган экан, кўчада қолибди. Бир кечага жой топиб беринг, – илтимос қилди Муҳаммад.

Аёл қизга синчковлик билан тикилди. Оёғидан бошига қадар кўз югуртириб чиқди. Қизнинг кун иссиғига қарамай бошига рўмол ўраб олганлиги, лозими, оддий қишлоқи чехраси уни қаноатлантирди, шекилли:

– Майлику-я, фақат бу ўғил болалар ётоғи бўлса, қаерга қўяман, – деди елка қисиб.

– Бирон бўш хонанинг калитини беринг.

– Бир хона бўш турганди, ҳозир декан келиб иккита болани қўйиб кетди. Ўғил бола бўлганида бир иложини қилардим.

Муҳаммад ўйланиб қолди. Буни кўриб эшикбон:

– Ўзингизнинг хонангизга олиб чиқа қолинг, – деди. – Шеригингиз қишлоғига кетди, шекилли.

Муҳаммад самарқандлик бир ўқитувчи билан кичикроқ хонада турар, шериги меҳнат таътилига чиққанди.

– Нокулай опа, – Муҳаммад аёлга бир иложини қилинг, дегандай қаради.

– Ҳозир бу қизни хонангизга олиб чиқаверинг. Кечроқ тушсангиз, ўзингизга бирон жой топармиз, – савол-жавобга якун ясади эшикбон.

Муҳаммад иккинчи қаватдаги ўзи турадиган хона эшигини очиши билан димиққан ҳаво димоғига урилди. Ичкари ивирсиб ётарди. Торгина хонага иккита диван-каравот қўйилган бўлиб, ўртада стол, иккита курси, дераза рахида атир, тиш чўткаси ва яна алламбало нарсалар кўринади.

– Энди айбга буюрмайсиз, – деди Муҳаммад қизни курсилардан бирига таклиф қиларкан, – бўйдоқчилик деганларидай...

– Шу ерда турасизми? – қиз ажабланганини яширолмади. “Ахир, кимсан қишлоқда ҳамма оғзидан бол томиб гапирадиган Туроб тракторчининг институтдаги домулла ўғли...” – Чечам қаердалар.

– Янгангиз қишлоқни яхши кўради. Уй-жой олайлик, кейинроқ келади-да. Хўш... – Муҳаммад бир зум тараддуланиб қолди. – Сиз бемалол ўтириб туринг, мен пастга қарай-чи.

Муҳаммад ётоқхона буфетидан нон, колбаса, қанд олиб чиқиб, чой кўйди. Чойгумни кўтариб келаётса, хизматчилар хонасида турадиган кутубхоначи қиз унга маъноли қараб, салом берди. Кейин:

– Меҳмон борми дейман, Муҳаммад ака, – дея мийиғида кулиб кўйди.

– Ҳа, қишлоқдан синглимиз келган экан, – ғудранди Муҳаммад ва ичида ўйлади: “Қиз тушмагурей, ҳеч ким кўрмаганди-ку?”

Хонага кириб, нимадир ўзгарганини сездди. Стол устида қатти-қутти нон бўлаклари билан турган дастурхон тозаланиб, ёзиб қўйилибди.

Дераза рахидаги нарсалар ҳам кўринмай қолибди. Мухаррам оёқ тагидаги ранги униқиб кетган шолчани супиришга ҳам улгурибди.

Чой ичиб бўлишгач, Муҳаммад қизга:

– Сиз шу хонада ётасиз. Мен яна биро здан сўнг болаларнинг олдига чиқаман, – деди ва ўзининг каравотига чўзилди. – Жуда чарчаганман. – Кейин кўшиб қўйди. – Бир ўзингиз кўрқмайсизми?

Қиз йигитни овора қилгиси келмади, чоғи, секингина “Сиз ҳам ётаверинг”, деди.

– Менми? “Дарвоқе ётаверса нима бўпти. Синглиси қатори қиз бўлса. Алоҳида каравот. Ўртада стол ҳам бор”. – Кўрқмайсизми? – лоп этиб яна оғзидан шу савол чиқди.

– Одам одамдан кўрқадими? Нима, мени еб кўярмидингиз? – Мухаррам кулди.

“Э, бу қанақаси бўлди!” Қизнинг жавобидан ажабланди Муҳаммад. “Қандай қиз ўзи бу?” Бошини кўтариб унга қаради. “Гўдак-ку ҳали”. Яна бошини ёстиққа қўйди.

Муҳаммад уззукун ҳужжатлар қабул қилиб, абитуриентларнинг ғала-ғовури, иссиқ таъсирида қаттиқ чарчаган, уни уйқу босарди. У ўрнидан туриб чироқни ўчирди, калитни столнинг устига қўйди.

– Ётишдан олдин эшикни қулфлаб қўярсиз. Мен жуда чарчаганман. – Ечиниб, ўринга кирди.

– Сизга шеър ўқиб берайми? – дабдурустан гап қотди қиз.

“Бу қиз соққа ўхшамайди”, – ўйлади йигит. – Майли, ўқинг, – деди эснаркан.

Мухаррам муҳаббат ҳақида шеър ўқиди. Унинг овози ёқимли экан.

– Биронтасини севиб қолибсиз-да? – шунчаки гапирди Муҳаммад.

– Севган эдим, бошқаси билан кетиб қолди.

– Қаёққа кетиб қолди?

– Ўқишга.

– Сизнинг севишингизни билармиди?

– Йўқ, айтишга улгурмадим.

– Ўзингиз ҳам шеърлар ёзасизми?

– Ҳа, адабиётга жуда қизиқаман. Ўқишга киролмасам, отам турмушга бериб юборади. Шунинг учун бу йил нима бўлгандаям киришим керак.

– Яхши тайёрлансанг, кирасан. – Муҳаммад қизни гоҳ сенлар, гоҳ сизлар, Муҳаррам эса бунга сира эътибор қилмасди.

– Ҳамма шундай дейди. Аммо мен киролмаяпман-ку?! Мактабда яхши ўқиганман. Адабиётдан нукул “беш” олардим.

“Э, содда қиз-а”, ўйлади Муҳаммад. “Бу ердаги ўйинларни билсанг эди. Мен ҳам илгари билмасдим. Биз ўқиган пайтлар илмли болалар ўқишга кирарди, домлалар ҳам инсофлироқ, адолатлироқ эди, чоғи. Бўлмаса мендай оддий тракторчининг ўғли мактабни битирган йили ўқишга кирармиди?”

– Муҳаммад ака, севиб уйланганмисиз?

Муҳаммаднинг энди кўзи илинган экан, чўчиб “А-а?” деди.

– Хотинингизни яхши кўрасизми, деяпман?

“Ўлай агар, бу қиз жинни-пинни бўлган”, – энсаси қотди йигитнинг. – Нима уйқунг келмаяптими?

– ...

– Зерикаяпсанми?

– Ҳа.

– Унда ёнингга ўтайми? – Муҳаммад илкис шундай деб юборди.

Қиз жимиб қолди. Йигитнинг бутунлай уйқуси қочиб кетди. Сукут ризоликдай туюлди. Эсига талабалик даврида курсдоши Соҳибанинг “Йигитмисиз ўзи?” дегани келди. “Балким, бу ўзи “анақа” қизлардан бўлса... Эртага устидан кулиб юрмасин. Ҳозир синаб кўрамиз-да”.

– Нега жимиб қолдинг. Бирга ётардик суҳбатлашиб. Боя кўрганимдаёқ ёқиб қолгандинг.

– Ана шунақа-да. Сиз ҳам бошқалардан фарқ

қилмас экансиз. Бирдан нотўғри тушундингиз. – Қизнинг товушида на титроқ, на ҳаяжон сезилди.

Муҳаррамнинг гаплари Муҳаммадга ноздай туюлди. “Кўпни кўрганга ўхшайди бу”. Шартта ўрнидан турди-ю, қизнинг ёнига ўтди. Уни қучоқлаб, бағрига босди ва эҳтирос билан ўпа бошлади.

Қиз типирчилар, аммо йигитнинг бақувват қўллари, иссиқ қучоғидан чиқиб кетолмасди.

Бир пайт у: “Муҳаммад ака, қўйворинг, кўнглим айнияти” деди шивирлаб ялинган ва таслим бўлган овозда. Йигит қулоғига гап кирадиган ҳолатда эмасди.

Қиз бўшашиб, бутунлай ихтиёрини йигитга берди. Муҳаммад қизнинг титраб турган дуркун танаси қучоғида бўшашганини сезиб, унинг юзига қаради. Кўча чироғининг деразадан тушиб турган шуъласида аниқ кўрди: қизнинг ранги оқариб кетган, кўзлари юмуқ эди. “Нима қиялпсан, Муҳаммад! Бу бутунлай пок, бокира қиздир. Ўзингни қўлга ол. Болаларингни, обрўйингни ўйла!”

Калласига келган фикрдан қўрқиб кетиб, қизни дарҳол қучоғидан бўшатди. Муҳаррамнинг боши шилқ этиб ёстиққа тушди. У ҳушсиз эди. Муҳаммад шошиб ўрнидан турди, чироқни ёқиб, қизнинг юзига сув сепди.

– Туринг, Муҳаррам, сизга нима бўлди?

Қиз кўзини очди. Ўрнидан туриб ўтирди.

– Нимагадир бошим айланиб кетди...

Муҳаммад жойига ўтиб ётди. Бирпасдан сўнг қиз пиқиллаб йиғлай бошлади. Йиғи аралаш гапирарди:

– Мен сизни ҳамқишлоғим деб орқа қилиб келгандим, сизга сингил бўламан девдим. Сиз бўлсангиз...

Муҳаммад ғалати туйғулар оғушида қолди. Виждони жунбишга келди. “Бир маъсума қиз сенга ишониб, ака ўрнида кўриб, умид билан ёрдамнингга муҳтож бўлиб келса-ю, сен нафсингни

қондирмоқни ўйладинг, номардлик қилдинг. Сенга ўхшаган ҳар бир зиёли, ўқимишли одам қишлоқдан шаҳарга эзгу ният билан отланган маъсума қизларга кўз олайтираверса, унда бу эл қачон камол топади, қачон хотин-қизлар ўртасидан яхши дўхтирлар, ўқитувчилар етишиб чиқади? Ахир, бутун қораёнтоқликлар сенга кўз тикиб ўтиришибди-ку! Туроб тракторчининг ўғли эрта бир кун олим бўлади, қишлоғимизнинг номи-ни шон-шуҳратга буркайди деб”.

У алламаҳалгача ухлолмай, тўлғаниб ётди. Тонгга яқин кўзи илинибди. Уйғонса, Муҳаррам йўқ, стол устида бир варақ қоғоз ётибди. Қоғозни олиб ундаги ёзувни ўқиди:

“Муҳаммад ака, эрталаб тонг ёруғида сизнинг кўзларингизга қарашга уялдим. Қишлоғимизнинг не-не йигитлари менинг ақалли қўлимдан ушлашга ҳам журъат қилишолмаганди. Сиз бўлсангиз... Кечаги тунни умр бўйи лаънат билан эслайман. Тўғри, бунда менинг ҳам айбим бор. Бу сизга ортиқ даражада ишонганим, сиз тоифа одамларни фаришта деб ўйлаганимдан бўлса керак. Сиз менинг одамларга бўлган ишончимни, эзгу туйғуларимни қўлларингиз билан худди баданимни эзғилагандек эзғиладингиз. Энди мен одам зотига ишонмайман. Қораёнтоқда сиз ҳақингизда шундай ажойиб гаплар эшитгандимки... Агар сиздек тушунган, зукко киши-лар шу қадар ифлос (мени кечиринг, бошқа сўз тополмадим) бўлса, ўқимаганим бўлсин. Ҳайф сиздек олимга!

Муҳаррам”.

Бу сўзлар Муҳаммаднинг кўксига ханжардек санчилди. Бир неча кун ўзидан кўнгли қолиб юрди. Ҳамонки, аҳён-аҳёнда Муҳаррамнинг маъ-сум чехраси ёдига тушса, қилмишидан уялиб ке-тади. Ўзига ўзи энг тубан, энг худбин кимса бўлиб кўринади. Бу гуноҳим учун, албатта, жазо юбор, худойим, деб бир неча бор кўкка илтижо қилган.

Муҳаммад ўрнидан туриб ўтирадиган, оз-моз юрадиган бўлиб қолди. Юзидаги яраларининг қўтирлари тушиб, одамбашара қиёфага кирди. Фақат боши ҳар замон қаттиқ лўқиллаб оғрирдик, шунда дунё кўзига қоронғу кўриниб кетарди. Дўхтирнинг айтишича, оғриқ аста-секинлик билан йўқоларкан. Уйдан кунора кимдир келиб турибди. Эрталаб онаси билан хотини келишди.

– Худонинг ўзи бир асрабди-да, болам, – дейди онаизор кўзига ёш олиб, – энди буёғига эҳтиёт бўлгин.

Муҳаммаднинг ҳам кўнгли эзилди:

– Кўйинг, йиғламанг эна, мана омонман-ку! Ҳаммаси ўтиб кетади.

Ойсулув эса ҳар галгидек камгап. “Жаҳонгир дадам қачон келади, деб кўп сўраяпти.” дейди. Муҳаммад тушунади. “Соғинибди”. Хотини ҳамиша кўнглидагини ўғлининг номидан гапиради. Узоқроқ вақт қишлоққа келмай кўйса, “Жаҳонгир кечалари сизни сўраб, ухлолмай чиқаяпти” дерди. Муҳаммад унинг сўзларини эшитиб, ичида севиниб кўярди: “Қандай одобли ва андишали хотини бор-а!”

Ойсулув эрига бир-икки китоб-журналлар келтирибди. Олдинги келганида айтиб юборувди. Тушдан кейин хонага кирган дўхтир Ҳамро Муродовнинг кўзлари шу китоб-журналларга тушди.

– Э, мулла Муҳаммад, – деди одатдагидек мулойим кулиб, – ҳозир сизга ўқиш мумкин эмас.

– Ўқиш мумкин бўлмаса, ўйлаш мумкин бўлмаса, унда яшашнинг нима кераги бор? – хафа бўлиб кетди Муҳаммад.

– Жаҳлингиз чиқмасин, ука, – жиддий тортди дўхтир, – Ҳали ёшсиз. Бу бош сизга кўп керак бўлади. Бирон асорат қолмасин, дейман-да.

– Ҳадеб ётавериб зерикиб кетдим-да, – муроса оҳангида гапирди йигит.

– Зерикаётган бўлсангиз, демак тузалаяпсиз. Майли, ташқарига чиқишингизга рухсат бераман. Фақат кўп эмас, бир айланиб тоза ҳаво оласизу қайтасиз. Ўзингизни толиқтириб қўйманг. Ёш бола эмассиз.

– Раҳмат, дўхтир, тузалиб чиқсам сиз ҳақингизда бирон нарса ёзиб бераман газетага.

– Нима ёзасиз?

– Ўзингиз, иш фаолиятингиз ҳақида. Сиздек дўхтирлар кам, деб ўйлайман.

– Аксинча, яхши шифокорлар кўп. Сиз олдин касалхонага тушмаганингиз учун уларни билмайсиз.

– Мана шу фалокат юз бермаганда дунёда сиздак ажойиб одам, билимдон, энг муҳими, фидойи дўхтир борлигини билмасмидим.

– Менга қолса, билмаганингиз маъқул эди.

– Ҳамро ака, сиздан бир нарса сўрасам майлими?

– Бемалол сўрайверинг. – Ҳамро Муродов ўрнидан турди.

– Сиз ҳеч пора олганмисиз?

– Нима-а? – Ҳамро Муродов бунақа саволни кутмагани. Ўрнига қайтиб ўтирди. Қиёфаси жиддийлашди.

– Мен тушунтиролмадим, шекилли. Яъни, бировдан, масалан, касалдан пул-мул, совға дегандек... – минғирлади Муҳаммад.

– Бу мақола учун керакми? – кулимсиради дўхтир.

– Йўқ, шунчаки, ўзим... Қайси куни негадир хаёлимга келувди.

– Сизга нима десам экан? – Ҳамро Муродов чап қўлини пешонасига қўйди. – Олмайман, десам ишонмайсиз. Сабаби ҳовлим, машинам бор. Бизнинг давлатда маош билан бу нарсаларга эришиб бўлмайди. Оламан, десам сизнинг назарингизда муттаҳамга ўхшаб кўринишим мумкин.

Қисқаси, қийин савол бердингиз. Мен кимдан, қандай оламан? Мен пул қутуртириб ётган бойваччадан оламан. Шунда ҳам кўнгилдан чиқариб беришса... Лекин шу пайтга қадар бирон беморимдан тама қилмаганман. Уларнинг ҳаммасига бирдек муносабатда бўламан. Камбағалми, бойваччами тузалиши учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Яқинда қизиқ воқеа рўй берди. Чўл туманларининг биридан оёғи синган йигитни келтиришди. Нотўғри даволашгани туфайли суяклари жойига тушмаган ва йигитнинг оёғи йиринглаб, у ўрnidан қўзғалолмасди. Менинг отам Мурод бува синган-чиққанларни даволайдиган табиб ўтган. Мен отамдан мана шу ҳунарни озми-кўпми ўрганганман. Баъзи касалларимда қўллаб тураман. Хуллас, йигит бир ҳафтада ўрnidан туриб, ташқарига чиқди. Унинг бир отаси бор экан. Кабинетимга кириб, пул узатаётибди.

– Бува, нечта болангиз бор? – деб сўрадим.

– Ўн битта, – деди.

– Ўзингиз нима иш қиласиз?

– Пахтага сув тарайман.

– Қанча ойлик оласиз?

– Нон-сувга етиб турибди.

– Унда мен сиздан бу пулни олсам, менга, болаларимга татийдими? Сиз ўн бир болангизнинг ризқидан қийиб олиб келган пулингизни рўзғоримга ишлатсам кўр бўламан-ку! Бу эскичага ҳам, янгичага ҳам тўғри келмайди, отахон.

– Йўқ, мен кўнгилдан чиқариб бераяпман, дўхтиржон, олмасангиз хафа бўламан.

– Мен икки дунёда ҳам бунақа пулни ололмайман. Бозорга тушиб, шу пулга мева-чева олинг, болаларингиз бир хурсанд бўлади, – дедим. Шунда отахон кўзларига ёш олди. “Раҳмат ука. Умрингиздан барака топинг. Мендан қайтмаса, худодан қайтсин” дея туманда қанчадан-қанча дўхтирларга пул берганини, шундай бўлса-да ўғли

тузалмаганини гапириб берди. – Энди ўзингиз ўйланг. Ноинсофлик ҳам эви билан-да. Афсуски, ҳатто ўлаётган бемордан ҳам тама қиладиган ҳамкасбларимиз бор. Шуларнинг касрига ким ёмон – дўхтирлар ёмон. Халқимизда яхши гап бор: “Ўғрининг пулини олсанг ҳам ҳалоллаб ол!” Бу эгасини рози қил, олдин хизматингни кўрсат, деганидир.

Ҳамро Муродов жимиб қолди. Кейин асабий овозда давом этди:

– Агар маош билан кун ўтказиб, тирикчилик қилиб бўлганида эди, мен пора олмаган, қариган чоғимда виждоним қийналиб юрмаган бўлардим. Мана, сиз домла экансиз. Институтга кириш фалон пуллигини билсангиз керак. Лекин сиз ҳамон ётоқхонада яшайсиз. Сиз жамиятга керакли, иқтидорли одамсиз. Бизда талантли одамлар, малакали мутахассислар кун кечириш илинжида ўзини минг куйга солишга мажбур, оқибатда уни турмуш ташвишлари эзиб ташлайди ёки бизга ўхшаб мослашишга, пора олиб, умр бўйи виждон азобида яшашга маҳкум.

– Ноўрин савол бериб, дардларингизни қўзғаб қўйдим, чоғи, – хижолатомуз гапирди Муҳаммад.

– Булар ҳаммамизнинг дардимиз, ука.

– Ҳамро ака, сиз яхши дўхтирсиз, – Муҳаммад унинг оппоқ оқариб кетган чакка сочларига, тобора мункайиб, чўкиб бораётган елкаларига қараб туриб, таскин бергиси келди. – Мен қўлингизда даволанаётган кишиларнинг миннатдорчиликларини ҳар дақиқада уларнинг нигоҳларида кўраман. Сизга шунинг ўзи етарли эмасми?! Бошқа гапларни қўйинг. Сиз бахтли одамсиз. Менинг сизга ҳавасим келаяпти!

– Дўхтирлик ҳавас қиладиган касб эмас. Сиз пенсияга чиқиб, қарилик гаштини суриб юрган бирон дўхтирни биласизми? Йўқ, дўхтирлар пенсиягача етмайди. Ҳозир вилоят дўхтирлари ичи-

да тенгқурларим санокли қолишган. Мен ҳам инфаркт бўлганман. Юрагим тез-тез оғриб туради. Қўлимда жон бераётган ҳар бир касал ўзи билан мени гўр томон етаклаётганини ҳис қиламан. Ахир, тепасида қараб туриб қўлингдан бирон ёрдам келмаса, эзилиб кетасан. Сиз ўлаётган одамнинг кўзларини кўрганмисиз? Мен эса кўп кўраман. Кишига шундай умид, илтижо билан тикиладики... Бу кўзлар кечалари тушларимга кириб чиқади, туну кун хаёлимдан кетмайди. Энди ўзингиз айтинг, мендек ҳар куни ўлим билан юзма-юз турган киши учун сизнинг пора ҳақидаги сўзларингиз майда гаплар эмасми? Хоҳлайсизми, йўқми, бизнинг ризқимиз эл устига сочилган. Қадимда ҳам ҳакимлар эл оралаб, дардмандларнинг дардига шифо бағишлаб, ризқ-насибасини териб юришган.

Муҳаммад дўхтирга савол берганига минг пушаймон еди. Бунча гап эшитаман, Ҳамро Муродовнинг қалб торларига тегиб кетаман, деб ўйламаганди.

– Сизни толиқтириб қўйдим, ука. – Ҳамро Муродов эшикка йўналди. – Омон бўлсангиз, ҳаммасини кўраверасиз. Ҳаёт шунақа мураккаб. Яхши дам олинг.

Муҳаммад унинг орқасидан қараб қоларкан, бу фидойи ва хокисор одамнинг кўнгли эзилганини сизди. Эшикдан чиқаётганда елкалари олдингидан-да чўккан, гавдаси кичрайиб қолгандай туюлди. “Бечоранинг кўнгли озор топди. Қаерданам ўша савол эсимга келиб қолди. Бундай одамларни асраш керак” деб ўйлади.

Муҳаммад касалхонага тушгандан буён қизиқ ҳолатни бошидан кечираяпти. Бўлар-бўлмас нарсалар ҳақида ўйлайверади, бирон воқеа баҳона узоқ-узоқ хаёллар суради. Бунга балки бошидаги жароҳат сабабдир. Кеча Москвадан – дўсти Озоддан хат олди. У мактубида касалхонага тушганини

эшитиб, жуда изтироб чеккани, афсуски, ниҳоятда бандлиги туфайли боролмаслигини айтиб, узр сўраган, Муҳаммадга сабр-бардош, ирода тилаган, тезроқ соғайиб кетишини ният қилганди. Хатнинг охирида шундай жумлалар бор эди: “Дўстим, Муҳаммад! Табиат менга сиздек ажойиб, бағрикенг, дилбар ва самимий дўст ато этганлиги учун ундан миннатдор яшайман. Тасаввуримдаги бу торгина дунё сизсиз анча ғариб ва рангсиз, кемтик бўлур эди. Ошналар бахтига ҳамиша омон бўлинг. Сизни соғиниб ва қучиб Озод”.

Озоднинг бу мактуби унинг хаёлини узоқларга олиб қочди. Озод билан бир синфда ўқишган. Мактабда Муҳаммад ўзини Озодга нисбатан билимлироқ ҳамда қобилиятлироқ чоғларди. Мактабни битиришган йили у институтга кирди. Озод эса биринчи синовдан қайтди. Кейин кечки бўлимга ҳужжат топширди. Бир йилдан сўнг ўқишини Москвага ўтказди. Озод серғайрат, тиниб-тинчимайдиган, қизиққон ва таваккалчи бўлса, Муҳаммад унинг акси – сермулоҳаза, эҳтиёткор, оғир “карвон” ва дангасароқ эди.

Муҳаммад дўстига ҳозир ҳавас қилади. Озод дорилфунунни тугатиб, Москвада қолди. Уч йилдаёқ фан номзоди бўлди. Москвадаги илмий муҳит, устозлари уни тез улғайтди. Шу кунларда унинг ҳар бир илмий мақоласи шов-шув билан кутиб олинапти, бу иқтидорли ёш олимнинг ёрқин келажаги ҳақида башорат қилишяпти. Муҳаммад эса бир-икки йил муаллимлик, уч-тўрт йил мухбирлик қилди. Икки йилдан бери эса олимлик илинжида юрибди. Дўстлар учрашиб қолишганда Муҳаммад Озоднинг илм бобида ўзидан анча илгарилаб кетганини ҳис қилади. Фақат уларнинг моддий аҳволи бир-биридан унча фарқ қилмайди. Озод ишчилар ётоғининг бир хонасида болалари билан туради, Муҳаммаднинг эса оиласи қишлоқда, ўзи Тошкентда. Лекин бошқалар, ҳамқишлоқлари бу икки дўстга ҳавас

қилишларини Муҳаммад сезади. Улар бир-бирларига нисбатан болалик чоғларидаги самимийлиги, садоқатини сақлаб қолишган. Муҳаммад неча бор Москвага йўли тушса, Озод кутиб олиб, кузатиб қўяди. Муҳим масалаларда улар, албатта, бир-бирининг маслаҳатини олади. Муҳаммаднинг газетачиликни ташлаб, илмий ишга қўл уришига ҳам Озод сабабчи бўлди.

– Бировни мақтаб, бировни танқид қилиш юмуши жонингизги тегиб кетмадими, дўстим, – деди бир борганида. – Бу дунё шундай норасо қурилган, уни мухбир қалами билан тузатиб бўлмайди. Бир колхоз раисини танқид қилиш ё илғор муаллимни мақташ билан дунё ўзгарармиди? Тарихда қолдиган ишлар билан шуғулланинг. Илмга ўтинг. Бу бебақо дунёда фақат илм-фан, адабиёт ва санъат абадийдир. Қолган ҳаммаси – тирикчилик деб ҳаёт сўқмоқларида елиб-югуришлару ёлғон-рост гапларимиз, ишқ оташида куйиб-ёнишлар – бари ўткинчи.

Муҳаммад ишидан кўнгли тўлмай, ўйланиб юрганди. Дўстининг бу гаплари унга журъат бағишлади.

* * *

– Муҳаммад ака, сизни бир чиройли қиз сўраяпти, – ҳамширанинг овози йигитнинг хаёлларини тумтарақай қилиб юборди. Кўзини очса, тепасида ҳамшира кулимсираб турибди. – Ташқарида, скамейкада кутаяпти.

«Ким экан? Синглиси келдимикан? Нега тўғри кириб келавермабди?» У ташқарига чиқди. Қуюқ дарахтлар соясидаги ўриндикда оппоқ қўйлак кийган бир қиз тескари қараб ўтирарди. Муҳаммаднинг юраги «шиғ-ғ» этиб кетди. «Наҳотки, Меҳринисо бўлса?» Қайтиб ичкарига кирди. Касалхона йўлагидagi кўзгуга қаради. Кўзлари киртайган, пешонасида, яноғида яра ўрин-

лари шундоқ билиниб турибди. Юқори лабининг шиши ҳали қайтмаган. Сал-пал у ёқ-бу ёғини тартибга келтирган бўлди.

Йигит ўриндиққа яқинлашаркан, юраги тез-тез ура бошлади. Қиз йигитни кўриб, чаққон ўрнидан турди.

– Салом Муҳаммад ака, тузук бўп қолдингизми? – Унинг ҳинд қизлариникига ўхшаган қоп-қора чарос кўзлари ўйнаб турарди. Қиз беқиёс даражада гўзал эди. Сутда чайилгандек оппоқ чўзинчоқ юз, тим қора соч, бурнининг устидаги нўхатдек қора ҳол. Ўрта бўй, озғин ҳам, тўла ҳам эмас.

– Салом, Меҳринисо! Яхши келдингизми? – Муҳаммад қизнинг юмшоқ, нозик бармоқларини кафтига оларкан, худди илк бор чимилдиққа кираётган куёвдек ҳаяжонланарди. Ҳар гал шундай бўлади. Ҳар гал Меҳринисо билан учрашганида исмсиз туйғулар оғушида қолади. Гапини йўқотиб қўяди.

Йигит билан қиз бир лаҳза бир-бирига тикилиб қолди.

– Вой-бў, мунча чиройли бўп кетибсиз, – жилмайди Меҳринисо йигитнинг юзидаги яра изларига қараркан.

– Ҳалиям тузук бўп қолганим бу. Ўтиринг.

– Ишхонангизга телефон қилсам, «Кими бўласиз?» дейишди. «Курсдошиман» дедим. Касалхонага тушганингизни эшитиб, роса кўрқиб кетдим.

– Бир ўлимдан қолдим, Меҳринисо. Худонинг ўзи бир асради-да. Шунча йўлдан овора бўп келганингизни қаранг.

– Қанча кутганларингиз, кузатиб қўйганларингизни бир қайтарайин, дедим-да, – Меҳринисо кулди.

Улар узоқ суҳбатлашиб ўтирдилар. Муҳаммад Тошкентдан атайлаб уни кўриш учун келган бу қизга қандай миннатдорчилик билдиришни билмас, унинг нозик қўлларини кафтига олиб, астагина сиқиб қўярди. Меҳринисо Муҳаммаднинг

кайфиятини кўтариш учун атайин фақат қувноқ гаплардан гапирар, кайфияти жуда яхши эди.

– Қаршига борсангиз, хотиним билан таништириб қўяман, дегандингиз, – қув қараш қилди қиз.

– Бир оз кутсангиз, кечга келади, – ҳазилга ҳазил билан жавоб берди Муҳаммад.

– Ростдан ҳозир кеп қолса-я, – жиддий тортди Меҳринисо.

– Бунча қўрқмасангиз...

– Қўрқмай бўларканми, бировнинг кишисини куппа кундуз куни... – иккови ҳам кулиб юборди.

Муҳаммад Меҳринисони касалхона ҳовлиси дарвозасигача кузатиб қўйди. Хайрлашаркан: «Энди тезроқ тузалиб кетсам керак» деди. Қиз одатига кўра яна шўх кулди:

– Нима, касалхонада қизлар йўқмикин?

– Кўп экан-у, сизга ўхшаганлари учрамаяпти.

Қиз мамнун жилмайди.

* * *

Муҳаммад хонасига кирдию, каравотга ўзини отди. «О, Меҳринисо, нақадар яхши қиз-а?!» Қалбининг аллақаерида нимадир узилиб кетгандек бўлди: «Сенга етар кун ҳам бормикан?!» Шифтга тикилиб ўйчан ётаркан, ёстиғининг тагидан қалингина ён дафтарини олди. Овоз чиқариб, ўқий бошлади:

«Меҳринисо! Сиз кириб келганингизда гўё хонам ёришиб кетгандай бўлади. Ҳар гал мен сизни қанчалик интиқ бўлиб кутишимни билсангиз эди...

Биласизми, мен сизнинг тимсолингизда мусаффолик ва бокираликнинг бир намунасини кўргандай бўламан. Бир қиз бўлса, шунчалик бўлар-да, дейман. Ва ҳар гал сизнинг қирмизи лабларингизга кўзим тушаркан, бу лаблардан ҳеч ким ўпмаган, деб ўйлайман. (Менга шундай туюлади).

Меҳринисо! Мен ўзимни енгил тоифа йигитлар қаторига қўшмайман. Ва, аксинча, ўзимга гуноҳсиз дейиш фикридан ҳам йироқман. Лекин сизни кўрганам заҳоти бор дунёни унутаман. Сизнинг суҳбатларингиз менга шундай бир завқ бағишлайдики... Сизга тикилиб ўтиришнинг ўзи бир гаштли... Шундай пайтларда Худодан фақат бир нарсани илтижо қиламан: севиб қолмайин! Мабодо, севиб қолсам-чи? Бу менинг ёшим ва ҳолатимда кўргилик-ку! Шундай ҳам умримнинг энг бебаҳо дамларини беҳуда ҳою ҳаваслар йўлида сарф қилдим.

Сиз эса бир ёниқ муҳаббатга муштоқсизки, мен бунини нигоҳларингиздан сезаман. Сезаману кўлимдан ҳеч бир кўмак келмаслигини билиб, кичрайиб кетаман, инсоннинг кўп нарсага ожиз эканлигини англайман.

Меҳринисо! Ҳаётимда у ёки бу маънода қизлар билан дўст, таниш бўлганман. Бироқ сиз менинг қалбимни секинлик билан бўлса-да забт этаяпсиз, ҳадемай бу кўрғонда рақибнинг ўзи қолмайди. Сиз менинг ташқи қиёфамдаги хотиржамлик, осойишталикка, тундликка ишонманг. Одатда, сокин дарёларнинг тубидаги тўлқинлар хавфли бўлади. Худди шундай мен ҳам ички ҳолатим ва ўйларимни кўпинча яширишга, ниқоблашга, сездириб қўймасликка ҳаракат қиламан.

Севиш, ёқтириб қолиш ҳеч бир замонда гуноҳ ҳисобланмаган.

Меҳринисо! Дунёда шундай бир қизлар, аёллар борки, уларни ҳеч ким севмаган, улар ҳеч кимнинг назарига тушмаган, сиз эса бу жиҳатдан омадлисиз. Мен сизга ҳавас билан боққанларини кўп бор кўрганман.

Бу гаплар билан сизнинг кўнглингизни кўтармоқчи эмасман. Сиз чиройлисиз ва бошқа чиройли қизлардан устун томонингиз (ва мен қадрлайдигани) сиз поксиз. Бу поклик, бокиралик чеҳрангиздан шундоқ билиниб туради. Мен баъзида

сизнинг тимсолингиздаги мана шу софлик, самимийлик ва маънавий гўзаллик қаршисида тиз чўкким келади. «Э худо, мени кечир, ожиз бандангни кечир» десаму сизга ўзимни ташласам... Кейин-чи? Хонамга ҳар куни ўз оёғи билан кириб турадиган гўзаллик ва покликдан бенасиб бўламанми? Сизнинг завқли суҳбатларингиз-чи? Йўқ. Асло. Бунга журъатим етмасов, деб ўйлайман.

Меҳринисо! Мен сизни кейинги пайтлар бот-бот ўйлайдиган бўлиб қолдим. Йўқ, атайлаб ўйламайман, эсимга тушиб кетаверасиз. Кўчада, уйда... Ажабланманг, уйда ҳам кўп бор эсимга тушасиз. Ҳозир Ойсулувнинг ўрнида Меҳринисо бўлганда қандай йўл тутарди, нима дерди, деб ўйлайман. (Ношукр банда-я).

Инсон дунёси мураккаб экан. Севимли хотининг, болаларинг, завқли ишинг бўлатуриб, кўнгил яна нималарнидир тусайди. Йўқ, мен кўнгил кўчасига кириб ҳаётини издан чиқарган одамларни доимо қоралаб келганман. Лекин бутун дунёни, атрофдаги бор ҳамма нарсани унутиб, севиб қолиш ҳам мумкин-ку! Бундай муҳаббат ҳар қанча завқли ва ширин бўлмасин, албатта, фожиа билан тугайди.

Меҳринисо! Мен сиздан фақат бир нарсани – ҳар куни хонамга кириб туришингизни ва рухсорингизга термулиб завқ олишимга имкон беришингизни истайман, холос. Фақир одамларга мана шу илтифотнинг ўзи ҳам кифоя.

Бу сатрларни ўқиб кулманг. Айтадиларки, дардманднинг ҳолини бошидан ўтган билади, деб.

Қолгани кейин... Омон бўлсак кўраверамизда...

199... йил 16 март».

* * *

«Меҳринисо! Сиз ёзган «мактуб» неча кундирки, менга тинчлик бермайди. Ёлғон, бу бир ҳазил-да дейману, яна ишонгим келади. Ахир, ҳар

қандай ҳазилнинг замирида зили, озгина рости ҳам бўлади-ку! Уни дугонангизгаки кўрсатишга уялибсизми, демак рост. Агар шундай бўлса, мен сизни бошимга кўтарардим.

Ўттиз ёшимда, бир неча фарзандга ота бўлганимда ақлдан озаман, севиб қоламан, деб сира ўйламагандим. Ростдан ҳам севиб қолдимми? Билмадим. Нима бўлаётганини ўзим ҳам идрок қилолмаяпман. Қалбим ақлимга бўйсунмай қўйганига анча бўлди. Бўлмаса, мендай ақлли, оғир-вазмин, одобли йигит сизга қўшилиб, бола-чақани ҳам унутиб, тоғларда тентирармиди. Ҳар кеч ишдан сўнг соатлаб кутганларим-чи? Бу юришлар одобга тўғри келмаслигини биламан. Лекин кўнглим менга, ўз эгасига бўйсунмаётган бўлса, не қилай? Баъзан ўзимни танимай қоляпман. Наҳотки, шу ишқида садоқатли, ёрига вафодор менман?

Сиз менинг осойишта, тинч ҳаётимни бузиб юбордингиз, бир маромда оқаётган қалб денгизимга тўлқин бўлиб кирдингиз. Анчадан буён хаёлларим жойида эмас. Тонгга яқин уйқум қочиб кетади. Ўйлайман, нима бўлаяпти ўзи? Бу ишлар менга бир дунё ташвиш олиб келишини, охири бахайр бўлмаслигини ҳам биламан. Аммо барибир сиз менга завқ бағишлайсиз. Энг гуллаган ёшлик йилларимни, биринчи муҳаббатимни эсга соласиз. Сиз ҳаётимга, ҳаёлимга кириб келганингиздан буён кайфиятим жуда яхши. Фақат қўлим ишга бормайди. Ишлайман, деб қаттиқ аҳд қиламану, ҳаёлимга яна сиз келаверасиз. Бу не кўргилик?!

Кейинги пайтларда дўстларим, ўртоқларим ҳам менга ажабланиб қарашаяпти, ўзгараётганимни айтишаяпти.

Сиз билан менинг ўй-фикрларимиз, дунёқарашларимизда катта тафовутлар бўлса-да, кейинги пайтларда суҳбатларимиз узоқ-узоқ чўзилаётганини, сизни интиқлик билан кутаётганимни сезаяпсизми? Биз бир-биримизга ўрганиб қолаяпмиз, чоғи. Энди танишган пайтларимизда эса гап

тополмай қолардим, гурунгимиз қовушмасди. Шунинг учун ҳам дугонангиз бунча гапларинг адо бўлмайди, нималарни гаплашасизлар-а, деганида минг карра ҳақ эди.

Меҳринисо! Бу ўткинчи дунёда ҳамма меҳрга зор. Қанча обрў, пул топиб, меҳр топмаган, ақалли бир кишининг меҳрини қозона олмаган одамларни биламан. Бунақа умр азоб, ғурбатку! Нима бўлгандаям мен сиздан миннатдорман. Сизни кўрсам қувонаман, кайфиятим кўтарилади. Биласизми, айтишга ҳам уялади, киши. Кейинги пайтларда сизни рашк қила бошляпман. Гарчи бунга ҳаққим бўлмаса-да. Ахир, ўзингиз айтдингизку, сизга нима, мен сизга кимман, деб. Лекин тоғда бир нарсадан хурсанд бўлгандим: мен сизга қанча қаттиқ гапирмайин, танбеҳ бермайин, кулиб қўяқолгансиз, ҳеч нарса демагансиз. Ваҳоланки, сиз ўта мағрур, бировнинг бир оғиз гапини кўтармайдиган қизлардан ҳисобланасиз (Ўзиям, тоғда роса куйдиргансиз-да).

Биласизми, сизни ақллилингиз, қувлигингиз, шўх-шаддодлигингиз учун яхши кўраман. Балки ҳамма гапларингиз муносабатингиз ёлғондир, маккорликдир. Майли, шу маккорлик қурбони бўлишни истайман.

199...йил 15 май.»

* * *

«Меҳринисо! Товуқ каталагидек тор хонамда ёлғиз ҳар кун сизни ўйлайман. Баъзан овозимни чиқариб сиз билан ғойибона суҳбатлашаман. Сизни суйиб-суйиб эркалайман, «жоним» дейман. Не қилай, кучим шунга етади, холос.

Меҳринисо! Сиз менинг ташқи қиёфамдаги хотиржамликка ишонманг. Ич-ичимдан тутаб, куйиб кетаяпман. Сабр-бардошимнинг сўнгги кучлари билан ўзимни зўрға сақлаб турибман. Хаёлимда яқин орада чидолмасдан ёниб кетадиганга ўхшайман.

Сизнинг қоп-қора, тийрон кўзларингизга тикилганимдагина дардим бир оз енгиллашади. Мен сизнинг кўзларингизда хайрихоҳликни, қандайдир, ҳали маъносига етиб улгурмаганим талпинишни, меҳрни кўраман. Сиз мени яхши кўришингизни мана шу кўзларингиз фош этиб қўяди баъзан. Тўғри, унда бир оз қувлик ҳам бўлади. Лекин барибир гоҳо мен сизнинг кўзларингизда энг самимий, тил билан айтиб бўлмайдиган розларингизни англагандай бўламан. Мана шу нарса менга озгина бўлса-да ором беради, қалбим қаноат ҳосил қилади.

Меҳринисо! Ўзингизни ҳам, мени ҳам қийнаб нима қиласиз. Мен сизни шунақа оташин муҳаббат билан севаманки, сиз бундай муҳаббатни кўрмагансиз, кўрмайсиз ҳам. Сиз менинг муҳаббатимнинг тўлиқ ҳароратини ҳали татиб кўргангиз йўқ. Агар сиз менинг ишқимга ишқ билан жавоб берсангиз, мен сизни шундай меҳр билан ардоқлайинки, менинг муҳаббатим, соф туйғуларим олдида Фарҳод ва Мажнун севгиси оддий ошиқлик холос.

Сизга дугоналарингиз бир оз ҳавас, бир оз ҳасад билан қарашларини сезасизми? Чунки сиз уларнинг фикрича, дуппа-дуруст бир одобли йигитни ўтир деса ўтиртириб, тур деса турдириб, гапингизга кирдириб юрибсиз-да. Илгари уларнинг бу гапларини эшитсам, ўзимни бироз нокулай сезардим. Энди эса бундай гаплар менга таъсир қилмай қўйди. Мен сиз учун ҳамма нарсага тайёрман.

Энди танишган пайтларимизда, тўғриси, сизга кўпам ишонмасдим. Ҳазил-ҳазил билан сизга бу қадар ўрганиб қоламан, сизсиз туролмайдиган ҳолга келаман деб сира ўйламагандим. Бугун ҳам сафардан кейин тўғри уйга қайтсам бўларди, лекин бугуннинг ҳисобидан сизни бир бор кўрмасдан кўнглим тинчимаслиги, туним азоб билан ўтишини билиб, кеч бўлса-да институтга

бордим. Сиз ҳам менинг кўнглимни тушундингиз ва олдимга кирдингиз. Сизга бир бор тўйиб тикилдим у кўнглим жойига тушди. Ҳазил гап қилдим-ку: “Сизга бир бор тўйиб тикилсам, икки кун кўнглим тўқ юради”» деб.

Мен сизнинг софлигингизга ишонаман, Меҳринисо! Сизнинг ишқингиз мени тўғрилиққа, софлиққа ундайди. Санаториядаги йигирма тўрт кун ўзимга қойил қолдим. Кўз олдимдан институт йўлагидagi кулиб турган чехрангиз сира кетмади. Меҳринисо! Мен сизга ҳеч кимга айтмаган гапларни айтганман. Бу гапларни ҳеч бир қиз менинг оғзимдан эшитмаган. Ўйлайманки, ҳеч ким сизга мен каби куйиб-ёниб кўнгил изҳор этмаган. Ёдингиздадир, тиз чўкиб ёлворганим...

Биламан, мабодо бу ёзувларга кўзингиз тушиб қолса, сиз куласиз ва ўзингизни мендан олиб қоча бошлайсиз. Атайин куйдириш учун. Доим шунақа. Мен сизга талпинганим сайин сиз қочасиз. Ахир, беш кунлик ўтар дунёда нима қиласиз мени бунча қийнаб. Келинг, менинг энг азиз кишим, ҳаётимда йўлдошим, сирдошим бўлиб қолинг. Менинг сиздан ягона ўтинчим шу!

199...йил 7 август».

* * *

«Меҳринисо! Кеча мен учун оғир кун бўлди. Ўзинг яхши кўрган одамни бировга тавсия этиш азоби кун бўйи мени қийнади. Мен сизни негадир ҳеч кимга раво кўрмайман. Сиз шу ҳолингизча гўзалсиз. Бу гўзалликни кимнингдир қўли пайҳон қилишини тасаввур этиш азоб. Лекин яна табиат қонунида, барибир, кимгадир турмушга чиқиши керак-ку, деб ўзимга таскин бераман.

Меҳринисо! Кеча уззукун ҳаёлимдан сизнинг қиёфангиз кетмади. Худди биров сизни мендан тортиб олиб кетадигандек туюлаверди. Биласиз,

мен сизнинг дугоналарингиз билан ҳам яхши муносабатдаман. Лекин улардан кўра сиз менга маънавий жиҳатдан яқинроқсиз. Сизни дўстларим қаторида қадрлайман.

Инсон руҳияти қизиқ. Гоҳида сизни олиб узоқ-узоқларга кетгим келади. (Қаранг, қанчалик худбинман-а). Эҳ, бунча чигал бўлмаса бу дунёнинг ишлари?! Яхши кўрган одамнинг қаршингда ўтирса, журъат қилиб ақалли кўлини ушлолмасанг. Чунки жамиятнинг ҳамма ахлоқ қонунлари бунга қарши. Кўнгил-чи? Э, кўнгил курсин.

Хаётимдан нолимайман. Иншоолло, бундан кейин ҳам ёмон бўлмас. Бироқ ҳар бир кишининг маънавий жиҳатдан бир яқини, сирдоши бўлгани маъқул. Сиз менинг кўз қарашимданоқ нима демоқчи эканлигимни дарров тушунасиз. Кўнглингидани, нимани истаётганингни айтмасингдан тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Баъзан энг яқин деб билган дўстларинг, оиланг ҳам сени тушунмаганда сиқилиб кетасан, киши. Афсуски, сизга етишишнинг ҳамма йўллари мен учун берк. Гоҳида ўзимнинг хаёлларимдан даҳшатга тушиб кетаман.

Олдин кўлингизга бир ҳазил шеър тутқазганимда “Ҳозир бу усул урфдан қолган” дегандингиз кулиб. Не қилай, ушбу гапларни кўзингизга тик қараб айтишга журъатим етмаса.

Фақат кулманг, ўз кўнглига қарши боролмаётган мендай ожиз одамнинг устидан кулмаслигингизни илтимос қиламан.

199...йил 8 январь».

* * *

«Мени кечаги қилмишим учун кечиринг. Наҳот, бутун умр излаб топганим – сизни бир онда йўқотиб қўйсам. Сиз чиқиб кетгач, карахт аҳволда

ўтириб қолдим. Миям ишламас, чакка томирларим лўқиллаб урар, юрагим ўз қафасидан чиқиб кетгудай типирчиларди. Йиллар давомида сизда уйғотган ишончимдан наҳот бир дақиқада маҳрум бўлдим?

Сизнинг телефондаги “хайр” деган сўзингизни эшитиб юрагим орқага тортиб кетди. Нега энди “хайр”. Наҳот, энди ҳаммаси тугади?!

Мана ўшандан буён икки кун ўтди. Сизнинг беозор жилмайиб туришларингиз сира кўз ўнгимдан кетмаяпти. Маънили-маънисиз гапларимга зукколик билан топиб айтган жавобларингиз менга завқ бағишларди: “Сиз мени адои тамом қилдингиз?” “Ҳеч бало қилгани йўқ, мана дуппа-дуруст ўтирибсиз-ку!”

Сизнинг ҳуркак нигоҳларингиз хаёлимга муҳрланиб қолган. Худди оҳу мисол чўчиб қочишларингиз қонларимни гупиртириб юборди. Ўзимни тутолмай қолдим.

Мени кечира оласизми? Нима қилай, кўнглим сизни истаса. Айтинг, мен нима қилай? Икки ўт орасида қолдим... Бундан буёғига нима бўлишини Худо билади...

199...йил 29 март».

* * *

Муҳаммад ён дафтарига турли вақтларда ёзиб қўйган бу сатрларни ёлғиз қолган пайтлари ўқиб, ўзи билан ўзи овунади, юраги ором топади. Меҳринисо... У бу қиз ҳақида ўйлаганида, нафақат ўйлаганида, балки исмини эшитган заҳотиёқ юраги орзиқиб кетади. Унинг олдида худди ўн саккиз яшар йигитдек ўзини босолмай, ҳаяжонланади. Ўзидаги бу ҳолатга йигит ҳайрон. “Нима бўлаяпти ўзи?” Тўғри, бир пайтлар у Ойсулунни китоблар таъсирида болалик қизиқиши билан куйиб-ёниб яхши кўрган, бироқ

йиллар ўтиб оқ-қорани таниганида, бир неча фарзандга ота бўлганида яна севиб қоламан, деб сира ўйламаганди. У мухбирлик қилиб юрган йилларида хотини, бола-чақасини ташлаб, ёш қизга уйланиб кетган эркаклар, обрўли одамлар ҳақида одоб-ахлоқ мавзуида қатор мақолалар ёзган, уларни бевафоликда, худбинликда, меҳроқибатсизликда айблаган. Энди эса ўзининг бошида бу ташвиш. Ҳозир газета ва журналларда чиқаётган одоб-ахлоқ мавзуидаги мақолаларни ўқиб қолса, энсаси қотади. Ёш-ёш қизлар, турмуш нималигини билмаган йигитчалар отаси тенги одамларга ақл ўргатиб, сафсата сотадилар. Турмуш шундай мураккабки, бошингга тушмагунча билмас экансан.

Институт лабораториясида ишлайдиган бу қизни Муҳаммад ҳар куни кўрар, иш юзасидан озмоз гаплашиб туришарди. Қиз ниҳоятда одобли, ўзини жуда яхши тутар ва доимо ҳаммага яхши муомила қиларди. Бир куни у билан кўпроқ суҳбатлашиб қолди. Қиз очиққина экан. Унинг кўнглига келган фикрни ҳеч тортинмасдан эркин айтиши ва тўғрисиўлиги Муҳаммадга ёқди.

Шундай кўхлик ва кўзга яқин, ақлли қизнинг шу ёшга қадар (у Муҳаммаддан уч ёш кичик эди) турмушга чиқмаётганлиги ажаблантирарди. Эшитишча, унга жуда кўп йигитлар совчи қўйишган ва ҳозир ҳам эшикларидан совчиларнинг қадами узилмасмиш. “Ажабо, – деб ўйлади Муҳаммад, – йигитларнинг бозори чаққон бизнинг кунларимизда ноз-фироққа бало бор эканми?”

Бир гал ишдан қайтишаётганда секингина сўради:

– Нега турмушга чиқмаяпсиз, Меҳринисо?

Қиз кулди: – Сиз ҳам минглаб одамлар берган саволни бераяпсиз?

Муҳаммад ноқулай вазиятда қолди. Қизнинг жавоби унга “Сиз ҳам бошқалардан фарқ қилмас экансиз” дегандай эшитилди.

– Кечирасиз...

– Меҳринисо маъюс тортди. Кейин секин гапира бошлади:

– Билмадим, ғалати феълим бор менинг. Мана, ҳозир сиз билан суҳбатлашиб боряпмиз. Истаган мавзунгизда, ҳоҳлаганча гаплашишим мумкин. Бироқ сиз мабодо “Сизга уйланмоқчиман” десангиз, бирдан ёмон кўриб қоламан. Кўп йигитлар билан танишиб кўрдим. Ҳеч қайси ёқмади.

– Айбсиз дўст қидирган дўстсиз қолади, деган гап ҳам бор.

– Биламан, дунёда яхши йигитлар кўп. Аммо яхши кўрмаган одам билан бир кун яшашни ҳам тасаввур қилолмайман. Ундан кўра шундай юраверганим маъқул эмасми? Ўзинг хон – кўланканг майдон. Бировга оғирлигим тушмаса. Ёлғизликка ўрганиб қолдим, шекилли.

Қизнинг бирдан суҳбатга киришиб кетиши, эркин гапириши Мухаммадни дадиллантирди.

– Дунёда кўнгилдан ташқари масъулият деган нарсалар ҳам бор. Ахир, ҳар бир қиз она бўлишни истади-ку. Ҳатто қушлар ҳам жуфтига талпинади. Ҳаёт шуниси билан гўзал, ширин-да.

- Гапларингиз тўғри. Ёшим ўтиб бормоқда. Мен тенгилар аллақачон бир неча фарзандли бўлишди. Энди мени бўйдоқ йигит олмаслигини ҳам биламан...

– Севганмисиз?

– Ҳа, талабалигимда бир йигитни ёқтириб қолганман. Билмадим, севгимиди у?

– У-чи?

– Йигитми? У мутлақо мени танимасди. Ҳозир ҳам танимайди.

– Қизик-кү?!

- Сиз йигитларга осон. Бировни ёқтирсангиз, кўнгил изҳор қилиш имконияти бор.

- Агар, хўп десангиз, бир дўстим бор, таништириб қўяман.

– Нима бўлган унга? – қиз ажабланди.

– Турмуши бузилган.

– Бировнинг тавсияси билан танишишни ёқтирмайман. Сунъийга ўхшайди. Тасодифан учрашиб қолсанг бошқа гап.

– Унда тасодифан учраштириб қўяман, – кулди Муҳаммад.

– Яқинда бир дугонамнинг тавсиясига қўра биттаси билан танишдим. Яхши йигит. Қўриқишлари ҳам, оиласи ҳам, касби ҳам дуруст. Аммо тегмадим.

– Нега? – Муҳаммад таажжубини яширолмади.

– Ўзимни қўзим қиймади, – кулди Меҳринисо. – Ахир йигирма етти йилдан буён ўзимни гард юқтирмай асраб юрсам-у, у киши бирдан эгалик қилиб олсалар.

– Унда сизни мажбурлаб эрга бериш керак экан. Мен сизнинг отангиз бўлганимда, қўл-оёғингизни боғлардим-у қопга солиб, даштгами, тоққами биронтасига бериб юборардим, – ҳазиллашди йигит.

– Онам ҳам шундай дейди. Ўзинг топсанг топ, бўлмаса шартта биронтасига “хўп” девораман, шунча йил кўнглингга қараганимиз етар, дейдилар. Ўзи яна бир кун кўринмасам, ҳовлига сиғмай қоладилар. Менга ўрганиб қолган, бечора.

– Кузатиб қўйсам майлими? – Муҳаммад жуъръатсизлик билан қизга қаради.

– Катта йўлдан муюлишгача майли. Нарёғига мумкин эмас. – Меҳринисо маъноли жилмайди. Кейин қўшиб қўйди: – Қўшнилар кўриб қолса, гап кўпаяди.

– Муюлишга етгач, қиз секинлади.

– Хўп, сизга раҳмат. Яхши дам олинг.

– Суҳбат учун сизга-да раҳмат. Яхши тушлар кўриб чиқинг.

Ўша куни Муҳаммаднинг алламаҳалгача уйқуси келмай ётди. Меҳринисо ҳақида ўйлади. “Қандай ақлли, чиройли қиз-а? Гапларини айтмайсизми?

Ҳар бир гапи кишига завқ бағишлайди. Бир қиз бўлса шунчалик бўлар-да”.

Эртасига иш тугаши олдидан лабораторияга кирди. Меҳринисо ёлғиз ўтирган экан.

– Шунча ишлаганимиз етар энди. Юринг, кетдик.

Меҳринисо йигитга қараб жилмайиб қўйди.

– Майли, сиз тушаверинг, мен ҳозир.

Меҳринисо бир пасда чиқиб келди. Ундан хушбўй атир ҳиди анқир, сал-пал бўянишга ҳам улгурибди. Кинотеатрнинг олдидан ўтаётганда Муҳаммад қизнинг эътиборини афишаларга тортди.

– Кинога тушмаймиз-ми?

– Йигитнинг томдан тараша тушгандай даб-дурустан берган бу саволига қиз ажабланиб, унга ялт этиб қаради.

– Йўқ, уйдагилар хавотир олишади.

Муҳаммад ўзининг нотўғри гап қилганлигини сезди:

– Иш кўплигидан кино-пинога тушишга ҳам қўл тегмайди. Шундай қилиб умр ўтаверарканда-а?!

Йигит йўлни хиёбон ичидан бошлади. Қуюқ дарахтлар тагига қўйилган ўриндиқларда ошиқ-маъшуқлар бир-бирининг пинжига тикилиб ўтиришарди.

– Шуларни кўрсам негадир ғашим келади, – деди Меҳринисо. – Муҳаббат – муқаддас туйғу. Уни кўчада намоиш қилиш менга ғалати туюлади.

Суҳбат асносида улар катта кўча муюлишига бориб қолишганини сезишмади.

Шу тариқа ҳар кун ишдан бирга қайтишадиган бўлишди. Бирон ҳафтадан сўнг Муҳаммад яна кинога таклиф қилди. Қиз бу гал йигитнинг раъйини қайтаргиси келмади.

Муҳаммад ётоқхонада ёлғиз зерикади. Шу сабаб ҳар ҳафта бирон нарсга ўйлаб топади. Гоҳ музейга боришади, гоҳ театрға, ҳеч бўлмаганда рассомлар

кўргазмасига таклиф қилади. Кунлар ўтган сайин Муҳаммад қизга ўрганиб қолаётганини, бирон кун кўрмаса қўмсаётганини сезди. Узоқ кечалар уни ўйлар, қизиқ-қизиқ гапларини эслаб, кулиб кўярди. Меҳринисо ҳам негадир Муҳаммаднинг кўнглига қарар, йигитни ранжитгиси келмасди.

Касалхонага тушишдан сал олдин хиёбонда сайр қилиб юришганида йигитнинг тоқати тоқ бўлиб, қизнинг қўлларидан ушлаб ўзига тортди. Меҳринисо ток ургандек сесканиб, чўчиб тушди. Қизнинг хуркаклиги йигитни жўштирди. Уни маҳкам бағрига босиб, ҳароратли лабларидан ўпди. Қиз маъюс тортиб қолди. Йигитнинг қучоғидан сирғаниб чиқаркан “Бўлди, кетинг, энди менга гапирманг” деди.

– Мени сизни севиб қолдим, Меҳринисо!

– Кўйинг, сизнинг мақсадингиз шул экан. Бу ёлғон гапларингизни бошқа қизларга айтинг. Сиз ҳали мени мутлақо билмайсиз-ку. Бизнинг алғов-далғов, бевафо замонда оддий, тўғри, ҳалол одам бўлиб яшашнинг ўзи катта бахт. Мен шундай ўйлайман.

– Сиз учун ҳамма нарсага тайёрман. Майли, мени нима, ким деб атасангиз, ўзингиз биласиз. Сизни кўриб, ақлли гапларингизни эшитиб турсам бўлди.

– Йўқ, энди мени кутманг ҳам, борманг ҳам, хайр. – Қиз тез-тез юриб ундан узоқлашди.

Муҳаммад тун бўйи ўзи билан ўзи олишиб чиқди. Орадан ўтган бир ҳафтада у энди Меҳринисосиз яшай олмаслигини аниқ ҳис қилди. Қизни сўроқлаб борди. Қиз хомуш “келинг” деди, холос.

– Меҳринисо, мен сизсиз ўтган етти кунда жуда кўп нарсаларни ўйладим. Энг аввало, кўполлигим учун мени кечиринг.

– Сиздан хафа эмасман. Ўзимдан ўтди. Мен сизга имкон яратиб бердим.

Муҳаммад бу жавобни кутмаган эди. Севиниб кетди.

- Меҳринисо, мен сизга совчи юбораман.
- Жинни-пинни бўлганмисиз? Болаларингизнинг уволига қолайинми?
- Сизнинг ишқингиз мени жинни қилди. Болалар ҳам улғайишгач, ошиқ отасини тушунар.
- Эсингизни еб қўйибсиз. Бир яхши гапга, бир ёмон гапга фаришталар омин деркан. Гапингизни қайтариб олинг.
- Қарорим қатъий. Эртага онангизга айтинг, уйда бўп турсин.
- Бекорларни айтибсиз, мен сизга тегмайман.
- Қани тегмаганингизни кўрайин-чи?
- Муҳаммад эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди.

* * *

Дам олиш куни Муҳаммад куёвлардай ясанди. Ўзи яхши кўрадиган оқ кўйлагини, йўл-йўл қора камзул-шимини кийди. Таксига ўтириб, эски шаҳарга жўнади.

Меҳринисо онаси билан турадиган пастқам, эски типдаги пахса ҳовли дарвозасини қоққанида куёш тиккага келганди. Муҳаммаднинг юраги “дук”иллаб ура бошлади.

– Ҳозир, – ичкаридан аёл кишининг овози ва “шип”иллаган қадам товуши эштилди.

Муҳаммад Меҳринисони кўп бор кузатиб келган бўлса-да, ҳар сафар муюлишдан қайтарди. Дарвозанинг эшиги очилиб, қорачадан келган озғин кампирнинг юзи кўринди.

- Саломалайкум...
- Ваалайкум, келинг ўғлим...
- Меҳринисоларнинг уйи шуми?
- Шу, ўғлим, – кампир тараддудланди. – Келинг.

Муҳаммад ҳовлига кирди. “Келаверинг” дея кампир зипиллаб уйга кириб кетди. Муҳаммад ҳовлига кўз югуртирди. Торгина ҳовли. Уй олдида бир туп ўрик. Ҳовли чиннидай қилиб супириб-сидирилган.

– Меҳринисо бозорга чикувди. Ҳозир кеп қо-
лади. Қани, уйга кининг-чи, ўғлим, – кампир
ичкаридан чиқиб таклиф қилди.

Тор даҳлиз ва икки хонадан иборат уйнинг
пойгакдагисида ўтиришди.

– Уй ичиларингиз тинчми? Яхши ўтирибсиз-
ларми?

– Ўзингиз яхшимисиз? Қаричилик билан эсон-
омон ўтирибсизми?

– Худога шукур, болам.

– Уй ичи қадимги иморатларга ўхшатиб қу-
рилган. Деворда кўрпа-ёстик йиғадиган тахмон,
токча ўрни қолдирилган. Ўртада хонтахта. Шоҳи,
беқасам кўрпачалар. Нимагадир Муҳаммаднинг
эсига “Ўткан кунлар” фильмидаги Кумушбибининг
уйи тушди. “Кумушбибидан қаери кам” дея ўйлади.
Деворда Меҳринисонинг онаси билан тушган
катта сурати осифлиқ. Суратда қизнинг ёшроқ
пайти, шекилли, нигоҳлари оловдай. “Ҳозир эса
ўйчанроқ”.

Кампир дастурхон ёзиб, нон, қанд-курс, майиз
қўйди. Чой дамлаб келди.

– Олиб ўтиринг, ўғлим.

Чой қуйиб, йигитга узатаркан “Сизни тани-
майроқ турибман” деди.

– Мен Меҳринисо билан бирга ишлайман. Отим
Муҳаммад.

– Ҳа-а, шундай денг... – кампир маъноли қаради.

– Энди, момо, айбга буюрмайсиз, бир юмуш
билан келувдим. – Муҳаммад дув қизариб гап бош-
лади.

Кампир қулоғини динг қилди: “Ишқилиб яхши-
ликка бўлсин-да”.

– Қизингизга совчи бўлиб келдим... – шундай
деди-ю, дастурхон попугини ўйнай бошлади.

– Кимдан, айланай?

– Нима десам экан, – каловланди Муҳаммад. –
Меҳринисо билан бирга ишлаймиз. У дабдуруст-
дан хаёлига келган фикрдан хурсанд бўлиб кетди.

– Бир дўстим бор...

Кампир елка учирди. – Нима уйланмаганми?

– Уйланга-а-н-н, – тутилиб дудуқланди йигит.

– Ажрашганми?

– Йў-ў-қ, оиласи қишлоқда туради.

– Болалари борми?

– Бор.

– Нечта?

– Тўртта, икки ўғил, икки қиз.

– Э-э, болам, унда нега?..

– Қизингизни яхши кўрармиш...

Кампир бир зум жим бўлиб қолди. Кейин аста бошини кўтарди.

– Бегуноҳ болаларнинг уволига қоламиз. Ҳа, қиз ўлгир, ҳали шунақа денг. Унга айттим-а, тег, тег, биронтасига тег деб. Бу не шармандалик. Оилали одам уйланаман, деб ўтирса-я, – кампир жаврай кетди.

– Момажон, қизингиз кўнмаяпти. Унга тушунтиринг, шаҳардан уй оламиз... – йигит беихтиёр лабини тишлаб қолди.

– Овозингизни ел учирсин, ўғлим. Кўринишингиздан эсли-хушли йигитга ўхшайсиз. Қизим кўнганда ҳам мен розимасман. Тўрт боланинг уволидан кўрқинг-а!

– Унда нима қиламиз моможон. Менга ёрдам беринг. Сизни бошимга кўтарай, моможон!

– Э, бечора йигит, бу мушкул савдо. Ҳали келсин, мендан кўради, жувонмарк. Қанча-қанча бўйдоқ, не-не суқсурдай йигитлардан совчи келганида кўнмай, энди тўрт болали одамнинг бошини айлантириб юрибдими, ўлгир.

– Моможон, илтимос, ўтиниб сўрайман, қизингизни кўндиринг. Бўлмаса, дўстим адои тамом бўлади, – йигит астойдил ёлвора бошлади.

– Ҳа, ўғлим-а, – кампир “уф” тортди, – кошки менинг қурбим етса-я. Етмиш йилки, бу дунёнинг ишларига тушунмайман.

Йигит сувга тушган мушукдек шалвираб-суд-
ралиб ташқарига чиқди.

* * *

Касалхонадаги ҳар бир кун азоб билан ўтар-
ди. Муҳаммад анча соғайиб қолган бўлса-да,
сиқилар, вақт ўтиши қийин эди. У тонг саҳарда,
ҳали беморлар уйқудан турмасдан тоза ҳавода
шифохонанинг кенг ҳовлисини бир айланиб
чиқар, бирон чеккароқдаги ўриндикда ўтириб
дўхтирлар ва ҳамшираларнинг ишга келишини
кузатарди. Сўнг кун бўйи узала тушиб, шифтга
тикилиб ётарди. Кечки овқатдан кейин салқинда
яна бир ҳовлини кезар, шу билан тонгга қадар
хонадан чиқмасди. У деярли ҳеч ким билан
гаплашмас, ҳеч кимга қўшилмасди. Бошқа
беморлар кўриниши зиёлинома, рангида қон
йўқ бу йигитга ётсираб қарашар, у дўхтирлар
ва ҳамшираларнинг алоҳида эътиборида тур-
ганини сезишарди. Муҳаммад уларнинг ёнидан
ўтаётганда ўзи ҳақидаги шивир-шивир гапларни
эшитарди. Бири “олиммиш”, “катта домудла
эмиш” деса, бошқа бири “ёзувчи экан, китоблари
чиққанмиш” дерди. Учинчиси эса бошини сарак-
сарак қилиб ҳаммасидан ошиб тушарди:

– Ишқилиб, оддий одаммас, рангини қара,
умрида қуёш кўрганга ўхшамайди. Кўп ўқиса
керак-да.

Муҳаммад бу гапларни эшитиб, мийиғида
кулиб қўярди. “Олиммиш, ёзувчимиш. Ора йўлда
қолган одам, десалар тўғрироқ бўлармиди? Бир
ҳисобдан шуларга маза: қорни тўйса, ғам йўқ.
Қайсидир бир китобда ўқиганди. Аслида ҳаёт-
нинг таъмини, завқини оддий одамлар кўпроқ
тотаркан”. Касалхонага тушгандан буён бу фикр
унинг миясидан кетмайди. Инсон учун соғлом
бўлишнинг ўзи энг олий бахт экан. Шундай
тунларни ўтказдики, мириқиб, қониб ухлаш орзуси

эди. Кўлига қошиқ тутолмаган, ҳожат учун ўрнидан туролмаган пайтлари кўзига ёш олди: “Эй худо, бу не кўргилик?!” Ҳолбуки, ер юзида минглаб майиб-мажруҳлар, ўрнидан кўзғалолмайдиган хасталар бор. Ҳар куни турли фалокат ва касалликлардан қанча одам ўлиб кетяпти. Шундай экан, ота-онанг, дўсту душманларинг, бола-чақанг олдида соғ-саломат юришнинг ўзи катта давлат, Худонинг сенга инояти. Шон-шуҳрат изидан қувиш, мансаб, мол-дунё, обрў талашишлар бу дунёнинг ўткинчи ҳою-ҳавасларидир, деб ўйлайди. Муҳаммад мухбир сифатида шикоят хатлар сабаб вилоятнинг шаҳар, қишлоқларини кезганида бир қарич ер учун бир-бирига қўл кўтарган оға-иниларни, ошна-сининг жуфти ҳалолига, ҳатто ўз синглисига кўз олайтирган бедаволарни, пул учун ҳар қандай ифлос ишга қўл урадиган қабих кимсаларни, танфурушларни, “ўз қўрғоним обод бўлса бўлди, дунёга ўт кетмайдими” қабилида иш тутадиган манфаатпараст, худбинларни кўрди. Шунча ёмон одамларни кўтариб айланаётган ернинг ўз ўқидан чиқиб кетмаганлигига шукур қиласан баъзан. Оллоҳнинг тоқатига, сабр-бардошига балли-е!

Муҳаммад кечки салқинда айланиб юриб, касалхона ҳовлисида ташқарига чикди. Шифохона шаҳар чеккасида жойлашган бўлиб, шундоқ биқинидан лўлилар маҳалласи бошланиб кетарди. Пастқам уйлар, тор кўчалар... Касалхона деворига туташ уй олдида бир йигит билан жувон таппи қилишяпти экан. Муҳаммад беихтиёр уларни кузатиб турди. Йигит қўлида белкурак, гунг уюмига сув сепиб ивитади-да, катта тунука тоғорага солади. Кейин жун босган, бақувват йирик оёқлари билан тоғора устига чиқиб, гунг шилтасини тепа бошлайди. У липасини тиззасигача тириб олган. Кўйлагининг олд тугмалари ечилиб кетган. Куёш тиғида унинг ёлли, чўяндай қоп-қора кўкраклари, билаклари ялтирайди. Лўли

йигит тоғорадаги гунгни обдон қотиргач, 10-11 ёшлардаги ялангоёқ, ялангбош болага имлайди. Бола тоғора қулоғига илмак симни илдирадида “тақ”иллатиб судраб кетади. Сал нарида текис жойда турган толхивичдай озғин, қотма жувон бола олиб борган тоғорани ерга ағдараяпти. Жувон узун кўйлак кийиб, пешонабоғ танғиган, оёғида калиш. Улар ишга шунчалик берилиб кетганларидан атрофга қиё боқишмасди.

Муҳаммад лўлиларни анча кузатиб турди. “Бизда бунақасини лаган таппи дейишади” дея хаёлидан ўтказди. Унинг негадир ботаётган қуёш нурида жикқа терга ботиб ишлаётган ярим яланғоч мана бу йигитга, унинг хотинига ҳаваси келди. Ўзини ва Меҳринисони бу бахтиёр жуфт ўрнига қўйиб кўрди. Меҳринисони таппи қўяётган ҳолда тасаввур қилдию, мийиғида жилмайди. “Нон ёпишни билмайди-ю, таппи қўярмиди?”. У ўқишни битириб, мактабда иш бошлаган йили Ойсулув билан ҳовлиларининг чеккасида кичикроқ бир ошхона қуриш учун ғишт қўйишган. Муҳаммад кечқурун лой тайёрлаб, устини шиббалаб қўярди. Сахармардондан туриб ишлашарди. Ойсулув лойни думалоқлаб, ғўлангир тайёрлар, Муҳаммад ғўлангирларни қолипга солиб, муштларди. То дарсга боргунча юз-юз йигирмата ғишт қуйишарди. Кейин ювиниб, тараниб ишга кетар, кун бўйи ўзини қушдек енгил ҳис қилиб юрарди. Ўшанда у ҳақиқий жисмоний меҳнат завқини туйган. Айниқса, кўпроқ ишлаб толиққан кунлари оёқлари, бутун бадани чаннаб, тўшакда ётолмас, унинг олов кучоғидан Ойсулув зўрға қочиб қутуларди. Наҳотки, ўша кунлар қайтмас бўлиб кетган бўлса... У беш-олти йилдирки, ўшанақа меҳнат завқини туймайди. Эртаю кеч қоғозга тикилгани тикилган.

Муҳаммад лўлиларга яна бир қараб олдию, орқасига қайтди.

Хонасига кириб, ўрнига чўзилган эди ҳамки, йўлакда бир неча қадам товуши эшитилди. Эшик зарб билан очилиб, ҳамшира кўринди. Муҳаммад бошини кўтарди.

– Ёнингизга одам қўймоқчимиз, – деди ҳамшира ташвишли қиёфада. Кейин қўшиб қўйди. – Бошқа ҳамма хоналар банд экан.

Муҳаммад ётган торгина хонага икки каравот қўйилган бўлиб, бири у касалхонага тушгандан буён бўш эди. Бир йигитни кўтариб олиб келишиб, эҳтиётлик билан каравотга ўтказишди. Йигитнинг уст-бошини алмаштиришга ҳам улгуришмаган, у нукул инграрди. Муҳаммад йигитга қарадию, қотиб қолди. Салдан кейин ўзига келиб:

– Холбозорми? – деди зўрға.

Ҳамшира унга ўгирилди.

– Танишингизми?

– Унга нима бўлибди? – саволга савол билан жавоб берди Муҳаммад.

– Авария. Машинасини уриб олибди.

– Аҳволи қандай?

– Билмадим. Ҳозир врачлар келишсин-чи...

Йигит ўқчий бошлади. Ҳамшира тоғора келтириб, унинг бошини ушлаб турди. У сув қусди. Сув кип-қизил эди.

– Ичим куйиб кетяпти, сув... – у ҳансираб зўрға гапирди.

– Ҳамшира унга сув тутди. Йигит ҳўплади-да, Муҳаммад томонга бир қараб қўйди, кейин бошини ёстиққа ташлаб, яна инграй бошлади.

Ҳамро Муродов ва яна икки оқ халатли киши кирди. Улар беморни кўришгач, Ҳамро Муродов ҳамширага тайинлади:

– Тезда барча анализларини олдириб, операцияга тайёрланг.

Ҳамшира худди бошлиғининг буйруғини тинглаётган аскардай тик қотиб:

– Хўп бўлади! – деди.

Сал фурсат ўтмай Холбозорни олиб кетишди.

Муҳаммад бу йигит билан чўлда бирга ишлаганди. Холбозор туман комсомол қўмитасида котиб эди. Яқинда Муҳаммад унинг туман ижройи қўмитасига бўлим мудир вазифасига ўтганлигини эшитганди. Холбозор кенг феъл, ташкилотчи, энг муҳими, одамлар кўнглига йўл топа оладиган хушмуомала, ўсадиган кадрлардан эди. Муҳаммад у билан жуда қалин дўст бўлмаса-да, ҳар ҳолда бир-бирларининг иззат-ҳурматини жойига қўйишарди.

Муҳаммадни эрта тонгда аёл кишининг овози уйғотди. Кимдир айтиб йиғларди.

– Вой-й, бечора болам-м-м, мени кимларга ташлаб кетдинг-а, болам-м...

Муҳаммад ётган бўлимнинг ёнидаги кўрим-сизгина уйча – ўликхона эди. Бу ерда аҳён-аҳёнда мана шундай йиғи овози эшитилиб қолар, лекин бу гал аёл чинқириб, астойдил додлардики, юраги эзилиб кетди. “Ким бўлдийкин, бечора?” У дарҳол кийиниб, ташқарига чиқди. Ўликхона томон юраккан ҳамширага дуч кеп қолди.

Ҳамшира Муҳаммаднинг нигоҳидаги саволни уқди.

– Кечаги йигит.., – изтироб билан деди у.

– Нима-а? Нега энди?!

– Операциядан чиқмади.

Бу хабарни эшитиб, унинг ранги оқариб кетди, юрагида жимирлаган оғриқ сезди. “Нега энди?! Нега у ўлиши керак? Кимлар яшамаяпти бу дунёда? Жуда ажойиб йигит эди-ку! Ҳали у катта одам, элига фидойи инсон бўлармиди? Нима гуноҳи бор эди бечоранинг. Эй худо, нега сўрамай-нетмай оласан-а?”

Муҳаммад дарахт соясидаги ўриндиққа беҳол чўкди. Холбозор отасининг ёлғиз ўғли эди. Муҳаммад уларнинг уйида икки-уч бор бўлган, бир-биридан ширин уч фарзанди борлигини

билар, қорачадан келган хушрўйгина, истараси иссиқ хотинини, шофёр отасини танирди. Оғир-босиқ, доимо эътибор билан кийиниб юрадиган, юмшоқ табиатли бу йигит унда жуда яхши таассурот қолдирганди.

У кун бўйи касалхона ҳовлисида айланиб юрди. Ичкарига киргиси келмас, бирон жойда ўтира олмасди. Кечагина бор одам бугун йўқ, ўйларди у, хаёт эса гуё ҳеч нарса бўлмагандай ўз измида давом этаяпти. Демак, ҳамма, жумладан, мен ҳам кутилмаган пайтда ўлиб кетишим мумкин экан-да. Бу қанақа адолатсизлик?

Кечга яқин хонасига кирди. Уззукун оёқ-да юриб, толиққан бўлишига қарамасдан ухлолмасди. Кўзини юмди дегунча Холбозор кўринар, ёнидаги каравот ғижирлагандай туюлиб, шошиб ўрнидан туриб чироқни ёқар, каравот эса бўм-бўш бўлар, палапонини йўқотган кушдай типирчилаётган онанинг қиёфаси сира хаёлидан кетмасди.

Бир пайт кўзи илинибди, шекилли, хонага қандайдир шарпа кирганини сезиб, даст ўрнидан турди. Не кўз билан кўрсинки, қаршисидаги ўриндикда оппоқ узун кўйлак, оқ қалпоқ кийган кимса ўтирарди. Муҳаммад кўрқувдан бутун вужуди дағиллаб:

– К-и-и-м-с-и-и-з-з? – дея олди зўрға.

Кимса бошини кўтарди. Муҳаммадни даҳшат қоплади. Деразадан тушиб турган кўча чироғининг ғира-шира ёруғида кўрди: ўтирган Холбозор эди...

У жуда секин гапирди. Овози олис-олислардан келгандай туюлди:

– Кеча мен сизни таниган эдим. Бироқ сиз билан гаплашгани мажолим бўлмади.

Муҳаммад қилт этмас, ҳатто нафас олмас, бақрайиб қотиб қолганди.

– Қўрқманг, – деди у, – мен ҳозир кетаман. – Сўнг ўзига ўзи сўзлаётгандай гапира бошлади:

– Сизлар мени сувдай тоза, виждонли одам деб ўйлайсизлар. Аммо мен бир дўстимга хиёнат қилганман. Бу гуноҳни умр бўйи елкамда кўтариб келдим ва сир сақладим. У (дўстининг исмини айтди) мендан ҳеч ҳам шубҳаланмаган. Шунинг жазосини олдим...

У овозсиз секин юриб, ташқарига чиқиб кетди. Муҳаммад ҳатто эшикнинг очилиб-ёпилганини ҳам кўрди.

Орадан қанча вақт ўтганини билмайди. Муҳаммад барибир ухлолмаслигини сезиб, ташқарига чиқди. Эшикнинг олдидаги ўриндикда ҳамшира ёлғиз ўтирарди. У йигитни кўриб:

– Ҳа, Муҳаммад ака, нега ухламай юрибсиз? – деди.

– Уйқум келмаяпти. Кўзимни юмдим, кечаги йигит кўринади.

– Унда менинг хонамга кириб ётақолинг.

– Ўзингиз-чи?

– Мен барибир ухлолмайман. Ухлагани қўйишмайди.

– Йўғе, ҳечқиси йўқ, ўзимнинг хонамда ётавераман.

У қизнинг ёнига бориб ўтирди. Хаёлини чалғитиш учун ҳамшира билан гурунглашгиси келди.

– Ойжамол, сиздан бир нарса сўрасам, майлими?

– Майли, агар қўлимдан келса...

– Сиз нега ҳамиша хомуш, ўйчан юрасиз?

Қиз шўх кулди. – Ўзингизчи? Кун бўйи нималарнидир ўйлаб ётасиз. Хонангизга шунча кираман, бир оғиз гап отмайсизам...

– Менми? – Муҳаммад бир оз қизариб давом этди. – Ҳаётни, одамларни, сизни ўйлайман, – деди қизнинг кўнглини кўтаргиси келиб.

– Мени? Ҳечам-да. Қайси куни келган чиройли қизни ўйласангиз керак-да, – шарақлаб кулди у.

– Ҳа, майли, менинг саволимга жавоб берингчи?

– Ўйчанлигим боисими? – жиддийлашди Ойжамол. – Ёш бўлсам-да, кўп азобларни бошимдан ўтказдим. Майли, сизга айтиб берсам, айтиб бера қолай... – У бир муддат жим бўлиб қолди. Кейин секин, паст овозда сўзлай бошлади.

– Ҳамшира бўлиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Ўнинчини битиргач, отам эрга бериб юборди. Турмуш ўртоғим онам томондан узоқ қариндош бўлиб, аввалига яхши яшадик. Икки фарзанд кўрдик. У киши яхшигина пул топарди. Шаҳардан кооператив уй олиб, кўчиб келдик. Қишлоқда ҳам уй-жойимиз, мол-ҳолимиз бор эди. Бироқ эрим қишлоқда яшашни истамади.

Бир байрамда болаларим билан қишлоққа бориб, ота-онамни кўриб, қайтиб келсам, эрим уйда бегона аёл билан ўтирибди. Индамадим. Икки боламни ўйлаб, дардим ичимда юравердим. Хаёлим жойида эмаслиги сабаб бўлдим, бир куни тўсатдан зинадан йиқилиб тушдим. Тўрт ой тўшакка михланиб, қимирламай ётдим. Эрим мени ташлаб, ўша аёл билан кетиб қолди. Бирон марта касалхонага келиб, ҳолимдан хабар олмади. Дўхтир Ҳамро Муродов бўлмаганида мен ҳаёт билан видолашардим. Ўзим ҳам ўлимимга рози бўлгандим. Аммо мана шу одам, унга миннатдорчилигимни қандай изҳор этишни билмайман, мени ҳаётга қайтарди. Бутун тажрибасини ишга солиб, мени омон сақлаб қолди. Аста-секин тузала бошладим. Касалхонадан чиқаётганимда Ҳамро ака менга “Энди қизим, бизда ишлайсиз” дедилар. Бу одамнинг гапини қайтаролмадим. Қишлоққа қайтиб боришга юзим чидамади. Аввал хоналарни ювиб, супириб юрдим. Кейин тиббиёт билим юртининг кечки бўлимига ўқишга кирдим. Мана икки йилдирки, ҳамшираман. Ҳамро аканинг менга қилган яхшилигини бошқа одамларга – касалларимга қайтаролсам, ўзимни бахтиёр ҳис қилардим. Фарзандларим улғайишяпти. Энди уларни ўйлаш ҳам керак.

– Бир кам дунё, дейдилар, – Ойжамолга таскин берди Муҳаммад. – Ҳар кимнинг бошида бир ташвиш, бир армон. Энг муҳими, соғ-саломатсиз, болаларингиз ёнингизда. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ.

– Ҳай, майли, ўтган кун ўтаверсин-чи. – Ойжамол ўрнидан турди. – Кеч бўп қолди. Энди кириб дам олинг. Мен бир касалларимдан хабар олай.

Муҳаммаднинг алламаҳалга қадар уйқуси келмай ётди. Тонгга яқин кўзи илинибди.

* * *

У тушида момосини кўрибди. Момоси оппоқ кийимда, оқ рўмол ўраб олганмиш. Унинг бошини силаб “Ҳа, ўғлим, нега кўп безовта бўлаяпсан?” дермиш.

Муҳаммад раҳматли момосини яхши кўрарди. У тўнғич ўғил бўлгани учун момоси ва бува-сининг қўлида ўсган. Момоси бошқалардан яшириб қанд, новвот берарди. Раҳматли жуда покиза, саранжом-сариштали, уқувли аёл эди. Уй ичининг бутун рўзғор юмушларини батартиб юритарди. Муҳаммадни, укаларини чақалоқлигидан келинига ишонмасдан ўзи парвариш қиларди.

Муҳаммад ўқишга кирган йили таътилга келганида момоси унга юрагини очиб қолди.

– Энанг етим қиз. Ҳеч кими йўқ бечоранинг. Бировларнинг қўлида ўсгани учунми рўзғор ишларига уқувсизроқ. Билмадим, мен ўлсам ҳолларинг нима кечади. Шунинг учун сенга тагли-тугли оиладан келин қилсам, деб орзу қилардим. Сен бўлсанг сўрамай-нетмай бир қиз билан хат ёзишиб юрганмишсан.

– Кимдан эшитдингиз?

– Қишлоқда гап ётармиди? Ҳамма гапираяпти. Қайси куни бир баҳона билан уйларига бориб, қизни кўриб келдим. Сал кичикроқ демаса, ёмон қизга ўхшамайди. Кўзим очиқлигида сени уйлантириб, рўзғорингни кўрсам дегандим.

– Э-э, мен ҳали уйланмайман, – сапчиб тушди Муҳаммад.

– Нега уйланмайсан?

– Ҳеч бўлмаса ўқишим битсин.

– Сенинг ўқишинг битгунича бўй қиз қараб ўтирадими? Биронтасига бериб юборади-да.

– Э, берса бериб юборар, – жаҳли чикди Муҳаммаднинг.

– Нима, бир бечоранинг қизини ёмонотлиқ қилиб ташлаб кетаверасанми?! Уйланмаганингни кўрай-чи?

Муҳаммад Тошкентга қайтгач, бирон ҳафтадан сўнг ҳамқишлоқ болалардан эшитди: Муҳаммад билан Ойсулувни нон ушатиб, унаштириб қўйишибди. Момоси айтганини қилибди. Уйдагиларга жаҳл қилиб олти ой қишлоққа бормагани ўшанда. Энди эса ўша кунларни эсларкан, “Мабодо момом шу ишни қилмаганида тақдирим бутунлай бошқача бўлиб кетиши мумкин эди” деб ўйлайди. Чунки курсдош қизлар ичида чиройлию ақллилари кўп эди. “О, Ойсулув, тўрт фарзандимиз, бахтиёр кечган кунларимиз ҳаққи-ҳурмати биз мушфиқ моможонимиздан миннатдор бўлишимиз керак!”

Момоси сўнгги марта касалхонага тушганида Муҳаммад чўлда ишларди. Дам олиш куни момосини кўргани борди. Момоси кўзига ёш олиб:

– Дўхтирлар “Набирангизга айтинг, сизни яхши курортларга олиб борсин, тузалиб кетасиз” дейишяпти, – деди.

Муҳаммаднинг ҳам негадир кўнгли тўлиқди. Овози зўрға чикди.

– Майли, момо, албатта, олиб бораман. Ҳозир қиш, совқотиб қоласиз. Баҳор келсин.

Бу ҳафта телефон симлари шум хабар элтди: “Момонгиз...”

Муҳаммад машинадан тушиб уйлари олдида тўпланиб турган оломонни кўрдию, ҳўнграб йиғлаб юборди:

– Моможон!!! Мо-о-мо-жо-о-н-н!

У ўша куни тўйиб-тўйиб йиғлади. Улғайиб, йигит бўлганидан буён ҳеч маҳал бундай йиғламаганди. Ўзини босишга қанча уринмасин кўнгли тўлиб, кўзидан ёш оқиб кела бошлади.

Мана орадан йиллар ўтиб кетди. “Эй ўғил, сен бирон марта момонгнинг қабрини зиёрат қилдингми?” Кўнглига келган бу саволдан Муҳаммад чўчиб тушди. Осмонга қўлларини чўзиб, кўзида ёш билан илтижо қила бошлади.

– Эй парвардигори олам, мени кечир, гуноҳкор бандангнинг узрини қабул қил. Касалхонадан чиққач, биринчи қиладиган ишим зиёрат бўлсин. Моможон, мени, бебош ўғлингизни кечиринг. Мен сизни ҳам, бувамни ҳам ҳамон яхши кўраман. Сизлар менинг қалбимдасиз.

Моможон! Сиздан кейин бувам узоқ яшамадилар. Касалланиб, кўп азоб чекди. Бир йилдан сўнг – ўша сиз қазо қилган кун – қутлуғ рамазоннинг учинчи жума оқшомида ҳаёт билан видолашди. Кўҳна дунёнинг сир-синоатига ҳамон ақлим етмайди, моможон! Ўша кун, ўша соат... Наҳот бир-бирингизни шунча яхши кўрардингиз...

Шу пайт эшик очилиб, хонага Ҳамро Муродов ва ҳамшира кирди. Дўхтир Муҳаммаднинг рангрўйига ва ҳолатига қараб, тез юриб унинг олдига борди. Пешонасига қўлини қўйди.

– Нима бўлди сизга?!

– Ҳеч нарсаси, ўзим...

Дўхтир унинг қон босимини, юрак уришини текшириб кўргач, деди:

– Сиз қаттиқ кўрқибсиз. Кечаги воқеа таъсир қилибди, чоғи. Сизга муддатидан олдин жавоб бераман. Руҳий ҳолатингиз шуни тақозо этаяпти. – У ҳамширага бурилди. – Бу кишининг барча ҳужжатларини эртагача тайёрланг. Хоналарни қараб чиқинг, имкон бўлса, бугун бошқа жойда тунасин. – Кейин зўрма-зўраки илжайиб “Э, сизни қаранг-у,

жуда таъсирчан одам экансиз-ку?! Майли, яхши дам олинг. Қолган гапларни эртага гаплашамиз” деди ва хонадан жадал чиқиб кетди.

* * *

Муҳаммад барвақт ўрнидан туриб, яхшилаб ювинди, соқолини олди. Уйга кетаётганлиги учунми кайфияти хуш, ўзини қушдай енгил ҳис қиларди. Ўрнини тартибга келтиргач, ҳар кунги одатини бугун ҳам канда қилгиси келмади. Ҳовлини бир айланиб чиқди. Кеча ёмғир ёққанми, ё шудринг тушганми, йўлаклар нам эди. Йўлаклар четидаги ариқчаларда хазонлар ёқимли шитирлайди.

Муҳаммад кузни яхши кўради. Ўйчан ва тўкин-сочин фасл бу! Кишини маҳзун хаёлларга толдиради. Лекин бу тонг унинг маҳзун ўйлар суришга сира тоқати йўқ эди. У қишлоқдаги мўъжазгина уйини, болаларини, ота-онасини, дўстларини, ишини соғинди. Ҳазилми, ўттиз кун бир жойда қамалиб ётиш. Қўйингки, ҳаммани, ҳаётни соғинди. Бугун унинг кўзига ҳамма нарса – хиёбондаги мана бу гуллару дарахтлардан тортиб, дарвоза ёнидаги курсида ўтирган анаву қоровул чолгача бошқача кўринар, ўзини дунёга қайта келгандек, узоқ йиллик уйқудан уйғонгандек ҳис этар, атрофга, одамларга меҳр билан боқарди. “Ҳаёт ширин, – деб ўйлади у, – яшаш барибир яхши!”.

Хонасига қайтса, ҳамшира кийимларини келтириб қўйибди. У уст-бошини алмаштирди. “Қизи тушмагур, дазмоллашга ҳам улгурибди, – хаёлидан ўтказди у. – Ажойиб қиз экан. Худди ўз акасига қарагандай парвариш қилди, бечора. Бирор марта малол келганини сездирмади. Тўғриси, гоҳо хотининг атрофингда шунчалик парвона бўлмайди-ёв. Шуларнинг олгани ҳалол-е!”

Шу пайт эшикда Ойжамол кўринди.

– Мен сизни хайр-хушни насия қилиб кетиб қолдингиз, деб ўйлабман, – кулди қиз.

Муҳаммаднинг унга меҳри ийиб кетди.

– Сизга қандай миннатдорчилик билдирсам экан...

– Нима учун?

– Ҳамма-ҳаммаси учун Ойжамол. Ахир, сизнинг мана бу шифобахш қўлларингиз бўлмаганда, – йигит яқинлашиб қизнинг қўлларида ушлади, – мен бунчалик тез тузалмасдим. – У эгилиб қизнинг дори ҳиди анқиб турган қўлларида ўпди. Ойжамол қип-қизариб кетди.

– Нима қияпсиз, Муҳаммад ака? – у қўлларини секин тортди.

– Сизнинг қадрингизга етмаган йигит кўр бўлади. – Муҳаммад қизнинг шаънига икки оғиз илиқ сўз айтгиси, унинг кўнглини кўтаргиси келди. – Сиз мулойим, меҳрибон, оқила, чиройли аёлсиз. Сизга жуда катта раҳмат, синглим!

Бу мақтовлардан Ойжамолнинг икки бети ловиллаб, ерга қаради.

– Қўйинг, Муҳаммад ака, ошириб юбордингиз. Сиз ўзингиз жуда бошқачасиз...

У бошини кўтарди. Юзига табассум ёйилди. – Хўп, майли, яхши боринг, янгамларга салом айтинг, – дедию зипиллаб чиқиб кетди.

У Ойжамолнинг орқасидан маҳзун тикилиб қолди. “Яхши қиз. Бир йигитнинг бахти”. Кейин нарсаларини йиғиштирди. Кетиш олдидан Ҳамро Муродовнинг хонасига кирди.

Ҳамро Муродов нималарнидир ёзиб ўтирарди. Эшик очилганини сезиб, бошини кўтарди.

– Э, келинг Муҳаммаджон, – унинг чеҳраси очилди. – Мана хужжатларингиз ҳам тахт бўлди. Тошкентга боргач, поликлиникага бир кўриниб кўярсиз, – у қоғозларни йигитга узатди. – Қани келинг, бундай ўтиринг-чи, аҳволингиз тузукми энди?

– Жуда яхшиман. Раҳмат сизга, Ҳамро ака!

– Қайсидир китобда ўқигандим, ўттиз ёшлар

атрофида йигит кишининг бошига бир мушкулот тушаркан, фалокатми ё бир ғам-ташвиш... Агар у мана шу "синов"дан эсон-омон ўтса, кейин иши юришиб кетаркан, узоқ яшаркан. Мана, сиз ҳам бир синовдан ўтдингиз. Энди кўзингизга қараб юринг, ука. Инсон дунёга бир марта келади. Шундай экан, ҳаётнинг маъносига етиб, яхши-ёмонни фарқлаб, турмушдан завқ олиб яшаш керак.

– Сиздан беҳад миннатдорман, Ҳамро ака. Илойим, мендек дардмандлар бахтига ҳамиша омон бўлинг.

Ҳамро Муродовнинг кўзлари йилтиллади. Ўрнидан туриб,

Муҳаммадга қўлини узатди.

– Қаршига тушганингизда келиб туринг. Соғлиқда кўришайлик.

Йигит дўхтирнинг қўлини қисиб:

– Албатта, Ҳамро ака, сизни унутиб бўларканми? – деди.

Муҳаммад касалхона ҳовлисидан ташқарига чиқаркан, негадир кўнгли ҳувиллаб қолганини сезди. Орқасига бир қараб олди. Сал ўтмай у сершовқин шаҳар кўчаларида шошиб бораётган одамлар оқимига қўшилиб кетди.

* * *

Туроб тракторчи ўғлим эсон-омон соғайиб чиқса, жонлиғ сўйиб қон чиқараман, деган ниятда Муҳаммад касалхонага тушган куни бир этлироқ тўқлини сурувдан ажратиб ем бера бошлаганди. Ўғлининг ўз оёғи билан уйга кириб келганини кўриб, суюниб кетди, хотинига боқиб ётган тўқлини ушлашни буюрди. Қўйни сўйиб, тўлатўкис қозонга солдиргач, кичик ўғлига қўни-қўшнилари, қариндош-уруғларни айттирди. Уйи узоқроғини тракторига миниб ўзи айтиб келди. Ҳатми Қуръон ўқиш учун қўшни қишлоқдан мулла

Хушвақтни, Муҳаммаднинг илтимосига кўра дала шийпони қоровули Ҳасан бувани ҳам олиб келишди.

Ҳатми Қуръон ўқилиб, дастурхондаги таомлар ейилгач, мулла бува дуога қўл очди. Бирпас эшитилар-эшитилмас пичирлаб турди-да, овозини чиқариб деди:

– Омин, хайр-садақаларини ўзи даргоҳида қабул қилсин! Шу йигитни, ҳаммамизни парвардигор паноҳида асрасин!

Ҳамма мулла Хушвақтга қўшилиб, қўлларини юзига тортди. Муҳаммад ўрнидан туриб, мулланинг олдига пул қўйди. Ҳасан буванинг елкасига онаси бўҳчадан олиб берган кўк тўнни ёпди.

Одамлар ўринларидан қўзғалишгач, Муҳаммад Ҳасан бувани кузатиб ташқарига чиқди.

– Раҳмат, бува, – деди йигит чолнинг куриқшиган, озғин қўлларини кафтига оларкан, – ўшатун сиз бўлмаганингизда...

– Э, болам, менинг қўлимдан нима келарди. Худонинг ўзи раҳм қилган-да.

– Ўла-ўлгунимча сиздан миннатдорман.

– Мени иззат қилсанг, сени Худо иззатласин. Умрингдан барака топ, болам.

Чолни эшагига миндириб жўнатгач, Муҳаммад отасига “Энди момом ва бувамнинг мозорларини бир зиёрат қилсак, раҳматлиларнинг руҳлари шод бўларди-да” деди. Ота ўғлига ажабсиниб қаради, кейин чўнтак соатига кўз югуртиргач, “ҳали борсак бўларкан” деди.

Ота-бола тракторнинг тор кабинасига сиқилишиб, қишлоқдан беш-олти чақирим наридаги тепаликда жойлашган қабристон томон жўнадилар.

Тракторни сойликда қолдириб, тепаликка яёв чиқиб боришди. Мозорларни оралаб ўтишаркан Муҳаммад билдики, отаси келмаганида момобувасининг гўрларини тополмаскан. “Э худо, бу

не кўргиликки, ўғил ўз момоси, бобоси қабрини билмаса? Ахир, отангни ҳам бу дунёга боғлаб қўйган эмас-ку! Болаларинг эрта бир кун сўраб қолса нима дердинг?! ”

Ёз охирлаб, куз фасли бошланаётган бўлса-да, мозорлар усти юпқа кўк ўтлар билан қопланган, майсалар майин шабадада оҳиста силкиниб турарди. Кўйиндида дабдабали қабрлар йўқ. Ҳафсала қилган кишиларгина қариндошлари, яқин кишилари мазорини панжара ё сим тўр билан ўраб, оқ мрамарга отларини ёздириб қўйишган. Аксарият қабрларда эса мрамартош ҳам, панжара ҳам йўқ эди. Дўппайиб турган гўрларни оралаб, эҳтиётлик билан қадам ташлаб бораркан Муҳаммад ўйларди: “Мана шу дўнгликлар тагида одамлар бор. Бир вақтлар улар ҳам сендек тирик бўлишган. Бугун эса дунё ғавғоларига бефарқ, балки устимиздан кулиб ётишгандир. Биз эса қуллармиз. Нафс қули, ишқ қули, шухрат қули...” У ўликларга-да ҳасад ҳам ҳавас қилаётганини сезиб, юзларини чимчилади. “Жинни бўляпман, шекилли”.

Ота қабристоннинг кун чиқиш тарафидаги кўримсизгина икки гўр ёнида тўхтади.

– Мана, белги қўйганман, – у гўр тепасидаги ялпоқ-ясси тошларга ишора қилди.

Муҳаммад ёғингарчиликлар туфайли сал чўккан мазорларга қараркан, беихтиёр чўккалади. Отаси ҳам ўғлининг ёнига тиззаси билан ўтириб, фотиҳа сурасини ўқиди. Муҳаммад отасига қўшилиб, панжаларини юзига сирпаркан ичидан, қалбининг тубидан бир ҳайқириқ отилиб келарди: “Моможон, буважон! Гуноҳкор ўғлингизни кечиринг. Мен ўткинчи дунё ҳою ҳаваслари билан овора бўлиб, сизларнинг ҳолингиздан хабар ололмабман...” У ўрнидан туриб, мазор устидаги ўтларни юла бошлади.

Ота ўғлининг кайфиятини тушунди, шекилли, унинг елкасига қўлини қўйди.

– Кўявер, бугун юлганинг билан эртага яна ўсиб чиқади. Устага панжара “заказ” қилганман. Шуни биргалашиб ўрнатишимиз керак.

– Мен шаҳардан мрамартошга ёздириб келаман.

Муҳаммад қаддини ростлаб атрофга қаради. Қабрларнинг ёнида тўққиз-ўн қадамча жой бўш эди. “Шу ерни банд қилиб қўйиш керак экан”. У калласига келган бу фикрни отасига айтмоқчи бўлиб бурилди ва бирдан бу гапнинг замиридаги маънони англаб, яна юзини чимчилай бошлади. “Менга нима бўлаяпти, ўзи? Одамзод қанчалик худбин-а?!”

– Юр, қайтамиз энди, кун ҳам кеч бўп қолди.

Муҳаммад оғир қадамлар ташлаб отасининг изидан эргашди...

1991 й





ПУБЛИЦИСТИКА

ФОНОГРАММА ҲАҚИҚИЙ САНЪАТНИНГ КУШАНДАСИМИ?

Халқимиз азалдан санъатсевар. Таъбир жоиз бўлса, фарзандларимиз гўдаклигиданоқ она алласининг сеҳридан маст бўлиб, мурғак онгига мусиқа оҳанги сингиб улғаяди. Балки шундандир қўшиқ айтишга иштиёқманд ёшларимиз, санъаткорларимиз кўп ва халқимизнинг санъат аҳлига меҳри бўлакча. Энг яхши кунларини, байрамларини, тўйларини куй-қўшиқсиз ўтказмайди.

Ўзбек халқи миллий ва мумтоз қўшиқчилиги, мусиқа санъатининг жаҳон миқёсида нуфузи баланд. Дунё ҳавас қилса арзигулик санъатимиз, истеъдодли ижрочиларимиз бор. Албатта, замонавий техника воситалари ёш ижрочиларга жуда катта имкониятлар яратиб бермоқда. Бироқ бугунги кунда қўшиқчилик соҳасидаги ютуқларимиз билан бирга, айрим камчиликларимиз ҳам кўзга ташланиб қолмоқда.

Санъатнинг бошқа соҳалардан фарқи шундаки, инсон ўқиб-ўрганиб, балки олим, яхши мутахассис бўлиши мумкиндир, аммо қўшиқчи, мусиқачи, шоир, ёзувчи ё мусаввир бўлиш учун инсонда ноёб истеъдод, туғма қобилият бўлиши керак. Аммо ҳозир-чи? Мутахассисларнинг фикрича, замонавий техника воситаларининг кўмагида қобилиятсиз, ўртамиёна ҳаваскордан яхшигина таниқли қўшиқчи «яшаш» мумкин экан.

Бундан кўп йиллар илгари гувоҳи бўлганим бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Қашқадарёнинг чўл туманларидан бирига дала меҳнаткашларининг маданий дам олишларига кўмаклашиш мақсадида Тошкентдан бир гуруҳ санъаткорлар ташриф буюриб, қишлоқ «Маданият уйи»да концерт қўйишаётган эди. Саҳнада республикада анчагина таниқли артист аёл кў-

шиқ ижро этаётганди. Тўсатдан электр токи ўчиб қолди. Қўшиқчи аёл бўйин томирлари кўкариб кетиб бақирар, аммо овози чиқмас, унча катта бўлмаган залнинг олдинги қаторларида ўтирганлар уни зўрға эшитарди, холос. Залда бесаранжомлик, шовқин-сурон бошланди. Шунда бирдан залга маҳаллий ёш санъаткор Ўлмас Саиджонов чиқиб, қўшиқ куйлай бошлади. Зал бир зумда сув сепгандек жим бўлди. Ёш ҳофизнинг жарангдор, ширали овози овоз кучайтиргичсиз ҳам ҳаммага етиб борар, деворларга урилиб акс-садо берарди. Одамлар унинг беш-олтита қўшиғини мириқиб тинглашди. Бир оздан сўнг электр токи келди ва яна бошқа қўшиқчиларга навбат берилди.

Шунда ҳаётимда илк бор ҳақиқий овоз, ноёб истеъдоднинг нималарга қодирлигини кўрдим ва санъатда зўрма-зўракилик хонандани кулгили ҳолатга солиб қўйиши мумкинлигига иқрор бўлдим.

...Қўшнимиз келин тушираётганди. Даврага келин-куёв энди кириб келишаётган, «Ёр-ёр» жаранглаб, етти маҳаллага эшитилиб турганди. Шунда бирдан чироқ ўчди-қолди. Ёш қўшиқчи йигит шунча чираниб бақирса-да, овози сира эшитилмасди. У ҳатто ўзи айтаётган қўшиқ матнини ҳам ёддан билмас экан. Ўртада жуда ноқулай вазият юзага келди. Шунда бунақа тўй-базмларни ўтказавериб пишиб кетган она-хонлардан бири доирани «вадаванг» қилиб, «Ёр-ёр»ни бошлаб юборди, денг. Ўйнаган ҳам ўйнади, ўйнамаган ҳам. Бир ажойиб, ўзига хос тўй бўлди. Чироқ ёниб, яна фонограмма қўйилганда, бояги шахду завқдан асар ҳам қолмаганди.

Хуллас, бугунги мавзуимиз тўйлару, саҳналарни забт қилиб, ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган фонограмма ёки қўшиқчиларнинг овозини қимирлатиб, овоз чиқармай «куйлаш маҳорати» ҳақида. Биз бу масалага айрим юртдошларимизнинг муносабати билан қизиқдик.

Ўлмас САИДЖОНОВ, Ўзбекистон халқ ҳофизи:

– Фонограммага мутлақо қаршиман. Албатта, Наврўз, Мустақиллик байрамларига бағишланган катта концерт томошаларида фонограмманинг ўрни бор. Аммо ҳар бир хонанда, яккахон қўшиқчи бир кун концерт берадими, ўн кун концерт берадими, жонли овоз билан қўшиқ айтиши керак. Тасаввур қилинг, мухлисингиз кассе-тангиз ёки дискингизни сотиб олиб, уйда эшитса ҳам бўларди. Аммо у чипта олиб, вақт ажратиб, концертингизга тушади ёки тўйга боради. У сизнинг қўшиқларингизни юзма-юз эшитиб, мириқиб дам олмоқчи, завқланмоқчи. Сиз эса тайёр дискни қўйиб, оғизни очиб-ёпиб турсангиз, бу санъатингиз ихлосмандига нисбатан беҳурматлик эмасми? Қолаверса, бизнинг мухлисларимиз ҳам ўз ҳақ-хуқуқини талаб қилиши керак. Пулини тўлаб концертга кирганингиздан кейин ёки хизмат ҳақини бериб тўйга таклиф қилганингиздан сўнг ҳурматли санъаткорларимиз марҳамат қилиб, жонли ижро этишсин-да!

Агар фонограмма чекланса, жуда кўп енгил-елпи йўллар билан бу соҳада ўралашиб юрган «санъаткорлар» га ўрин бўлмасди. Ҳақиқий овоз эгалари, истеъдодли қўшиқчилар сараланиб қоларди. Бир мисол: тўрт-беш йил бурун Қашқадарёнинг Жейнов қишлоғида бир тўйга бордик. Ажойиб саҳна қилишган экан. Чироқ ўчиб қолса, денг. Тўй эгаси йиғламоқдан бери бўляпти. Ишонасизми, ой ёруғида Тожиддин Муродов (раҳматли) иккимиз икки соат қўшиқ айтдик. Икки мингга яқин одам қимирламай бизни тинглади. Бундай санъатни севадиган, тушунадиган, санъаткорларни қадрлайдиган халқни фонограмма билан алдаш гуноҳ эмасми?

Маъмуржон ТЎХТАСИНОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

– Сиз мендан «Жонли овозда неча кун концерт беришингиз мумкин?», деб сўрасангиз «Икки кун, жуда нари борса уч кун» деб жавоб бераман. 1992 йил Тошкентдаги «Истиқлол» санъат саройида икки кун ашула айтиб, чарчаб қолганман. Мабодо «Фонограммада-чи?» деб сўрасангиз, «Юз кун, юз эллик кун» дея жавоб берсам, ажабланманг. Чунки, кассетани қўйиб, оғизни очиб-ёпиб туришдан ҳам одам чарчайдими? Шунинг учун мен бугун 20–30 кунлаб концерт бераётган, гулларга кўмилиб саҳнада ўтирган кўшиқчиларга кўпам ишонмайман. Бугунги замонавий овоз техникалари ҳар қандай ёмон овозни ҳам тўғрилайди, озгина ҳаваси бор одамдан кўшиқчи «яратади». Аммо бу вақтинча. Кўлига соз олиб кўшиқ айтмаган инсонни мен санъаткор ҳисобламайман.

Энг ёмони, санъат ҳам тижоратга айланиб кетди. Бундан ҳам ёмони, ўсиб келаётган ёш авлод кўшиқчилик санъати шу экан-да, деб тушунмаса бўлгани.

Клипларни-ку кўриб бўлмайди. Қизларимиз хобхонасида ётиб олиб, ярим яланғоч ҳолда ашула айтишяпти. Фарзандлар, набиралар билан телевизор кўриб бўлмай қолди. Кўшиқ тарбия воситаси ҳам эканлигини гоҳида эсдан чиқариб қўяпмиз, чоғи.

Устозлардан бири «Истеъдодлиларга ёрдам беринглар. Истеъдодсизлар йўлини қилиб, ўзлари чиқаверишади», деган эди. Шундай экан, ҳақиқий овози бор ёшларни қўллаб-қувватлайлик, уларни халқимизга таништирайлик. Барибир, сохта, ясама кўшиқчилар асл санъаткорларга ўрин бўшатиб беради.

Бўри ЭЛБОЕВ, Амир РЎЗИЕВ, мухлислар
(Чироқчи тумани):

– Бизнинг касбимиз қурувчи. Қурилаётган иморатларнинг аввало, пойдевори мустаҳкам бўлиши керак. Ана шунда бино узоқ йиллар мустаҳкам туради: ёрилмайди, эгилмайди. Қурувчи ишни сифатсиз, малакасиз бажарса, бир кун у қурган иморат айбини ошкор қилади. Қурувчи қилган хатоси учун юз йилдан сўнг ҳам жавоб беради.

Биз санъатдан узоқроқ одамлармиз. Аммо шуни биламизки, ишдан чарчаб, толиқиб, муаммолардан асабларинг таранглашиб келганингда яхши кўшиқ эшитсанг, тананг ором олиб, асабларинг жойига тушади. Хурсанд бўлганингда ашула эшитсанг, кайфиятинг янада кўтарилиб, ғайратингга ғайрат кўшилади. Бизнинг авлод мумтоз кўшиқчилигимизнинг энг яхши намояндалари ашулаларини тинглаб вояга етгани учунми, шовқинсурондан иборат ҳозирги клипларни эшитолмаймиз. Балки бу ёшларга маъқулдир.

Фонограмма масаласига келганда, ҳурматли хонандаларимизга шуни айтмоқчимиз: курашда билагини зўр енгади, кўшиқчиликда овозини зўр тан олинади. Пул топиш ҳамма касбларда ҳам мушкул иш. Дехқон ё ишчига осонми? Биз истеъмолчимиз. Халқда бир гап бор: «Пулини тўлаган мусиқани буюради». Элнинг пули эвазига бойвачча бўлиб, халқ назарида юрибсиз экан, айтасиз-да укажон, сингилжон. Айтганда ҳам чин юракдан, ўз овозингиз билан, ўтирганларни сел қилиб, эзиб айтасиз. Шунда одамлар сизни бошига кўтаради.

Истагимиз санъаткорларимиз меҳнаткаш халқимизга муносиб бўлсин!

* * *

Биз юқорида шу кунларда кўпчилигимизни ўйлантираётган, ташвишлантираётган муаммо-

лардан бири ҳақида баҳоли қудрат фикр юритдик. Элимизнинг ардоқли ҳофизлари Ўлмас Саиджонов, Маъмуржон Тўхтасинов ва бошқа юртдошларимизнинг куюнчаклик ҳамда ўзбек кўшиқчилигининг эртаси учун қайғуриб айтган мулоҳазалари билан танишдингиз. Фонограмма ҳақида ҳар бир кишидан фикр сўрасангиз ҳам юқоридагиларга яқин гап айтади ёки уларни маъқуллайди.

Бугун ўзбек ёшлари илм-фан, спорт ва санъат соҳасида эришаётган ютуқлар билан дунёни лол қолдирмоқда. Масалан, операчиларимизни жаҳон эътироф этди. Мумтоз кўшиқчилигимиз ҳам ўзининг чуқур илдизларига эга. Аммо замонавий кўшиқчилигимизнинг бугунги аҳволи кўпчиликни ташвишлантирмоқда.

Мамлакатимизда истиқлолга эришганимиздан сўнг санъатга, хусусан, мусиқа ва кўшиқчиликка эътибор кучайди. Истеъдодларни топиш, тарбиялаш, уларнинг етук санъаткор бўлиб етишишлари учун барча имконият яратилди. 2008 йилнинг 8 июнь куни Президентимиз томонидан қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарор гапимизга исбот бўлади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ҳар йили кўплаб кўшиқ ва мусиқа фестиваллари, кўриктанловлар ўтказилиб келинмоқда. Ҳар икки йилда Самарқандда бўлиб ўтаётган «Шарқ тароналари» халқаро танлови эса нафақат Шарқ, балки дунё кўшиқчиларининг энг йирик тадбирига айланиб қолди. Бу фестиваль ва танловларни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам жаҳон кўшиқ санъати юлдузларини юртимизга таклиф этиш, шу йўл билан мумтоз кўшиқчилигимизни янада ривожлантиришдир.

Биз мазкур мақолани тайёрлаш жараёнида дунёдаги бир неча мамлакатларда фонограмма мутлақо ёки қисман тақиқланганидан хабардор бўлдик. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бизнинг қонунчилигимизда фонограммадан фойдаланиш тақиқланмаган. Ҳатто хонанда концертда неча фоиз қўшиқни жонли, неча фоизини фонограммада айтиши лозимлиги ҳақида ҳам ҳеч қандай йўриқнома йўқ. Шу боис бўлса керак, кўплаб хонандаларимиз концерти рекламасида «Фонограммадан фойдаланилади» деб кўрсатилади. Кейин эса неча кун концерт беришидан қатъи назар, бемалол юз фоиз фойдаланишади. Унга ҳеч ким эътироз билдира олмайди. Чунки рекламада фонограммадан фойдаланиши айтилган.

Балки хонанданинг бу ҳаракати тўғридир. Аммо у истеъморчи, яъни тингловчи ҳуқуқини поймол қилмаяптими? Мухлис концертга пул тўлаб кирган. Шундай экан, юқорида қайта-қайта таъкидланганидек, жонли қўшиқ тинглашга ҳақли. Тингловчини бу ҳуқуқдан маҳрум этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Хўш, фонограмма керакми? Купчилик унга қарши. Уларнинг фикрича, фонограмма ҳақиқий санъатнинг кушандаси. Аммо айтишимиз зарурки, фонограммадан оммавий байрам ва сайлларда фойдаланиш мумкин. Шундай экан, балки Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ёки бошқа қўшиқчилигимизга масъул идоралар томонидан концертларда неча фоиз фонограммадан фойдаланиш мумкинлигини белгилаб қўйиш лозимдир.

2012 й.

ЎЗЛИГИНИ ЙЎҚОТМАГАН ЭЛИМ

Халқимизнинг ҳеч бир бошқа миллатларникига ўхшамайдиган урф-одатлари, анъаналари ва удумлари, ўзига хос турмуш тарзи, қадриятлари борки, булар билан ҳар қанча ғурурлансак, фахрлансак, ўзгаларга ибрат қилиб кўрсатсак арзийди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Самарқандда журналистларнинг халқаро семинарида иштирок этгандим. Шунда қардош республикалардан бир гуруҳ журналистлар ташиф буюришган. Меҳмонхонада бир қозоқ журналисти билан бирга турдик. Бўш пайтимизда унга Самарқандни томоша қилдирдим. Кечқурун миллатлар, миллий ўзига хосликлар ҳақида гурунглашдик.

– Сизларда яхши экан, ўзлигингизни анча сақлаб қолибсиз, – деганди ўшанда у. – Буни мен бугун Самарқандда яна бир бор кўрдим. Бизнинг катта қисм аҳолимиз эса ўрислашиб бўлди. Мана мен ўз она тилимда гапиролмайман. – Унинг кўзларида афсусланиш аломатлари зоҳир эди.

Буни мен бугун нима учун эслаяпман. Қадриятлар миллатнинг қиёфасини белгилайди. Тарихдан маълумки, халқимизнинг бошига не-не қора кунлар тушмади. Биргина 1991 йилга қадар бўлган истибдодни эсланг. Мустамлакачилар халқимизнинг ўзига хос бўлган миллий анъаналари, қадриятларини йўқ қилиш учун қанча уринди. Аммо олтин зангламас, деганларидек, халқимиз ўзлигини, ўз миллий қадриятларини сақлаб қололди.

...Бундан кўп йиллар олдин Қашқадарёнинг олис қишлоқларидан бирида яшайдиган институтда бирга ўқиган дўстимни сўраб бордик. Дўстим бизни кўриб ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди. Дарров кўрасидан бир қўйни етаклаб чиқиб, оёғимиз тагига сўйди. Катта дастурхон тузади.

Бир зумда биз ўтирган уй – меҳмонхона қўни-қўшнилари, дўстимнинг қадрдонлари би-

лан тўлди. Мезбондан секин «Булар ким? Бирон тадбирингизнинг устига келмадикми?» дея сўрадим. У: «Меҳмон келганини эшитиб, қўни-қўшни, яқин биродарлар чиқишган. Бир-иккитасини ўзим айттирганман. Одатимиз шу. Мен ҳам уларникига меҳмон келганида чиққанман. Сизларни сўппайиб, бир ўзим кузатмайман-ку?» деди жилмайиб.

Гурунгимиз ярим тунгача давом этди. Айниқса, қишлоқ одамларининг тўйлардаги кураш-у кўп-карилар, номдор полвонлар-у чавандозлар ҳақидаги суҳбатлари мароқли эди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, мезбонлардан бири: «Энди меҳмонлар, бугун йўл юриб, ҳориб келгансизлар, яхши дам олингизлар. Эртага эрталаб бизнинг уйдан бир пиёла чой ичасизлар, пешинга Эшпўлатникига ўтамиз, кечқурун Тошпўлат муаллимникига борамиз», деди ҳеч бир эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда. Менга ҳамроҳ бўлиб борган дўстларим бир-бирига ажабланиб қарашди.

Тўғри, шаҳардан олис баъзи қишлоқларимизда шунақа одатларимиз борлигини билардик, эшитгандик. Вақтимиз тиғизлигини айтиб, узр сўрадик. «Йўқ, – дейишди мезбонлар қатъий. – Шунча йўлдан оғайнимизни сўроқлаб келасизлар-у бир уйдан қайтсанглар, уят бўлади. Эшитган қулоққа яхшимас. Бу бизнинг шаънимизга тўғри келмайди».

Хуллас, ўша қишлоқда икки-уч кун қолиб кетдик. Кимдир қўзи ё улоқ, кимдир товуқ, хўроз сўйиб бизни меҳмон қилди. Ва ҳануз ўша қишлоқнинг самимий ва дилкаш одамларини, уларнинг қизиқарли гурунгларини соғиниб эслаймиз.

Бу халқимиз меҳмондўстлигининг ота-боболаримиздан бизгача сақланиб келаётган кўри-нишларидан биридир. Меҳмондўстлик одатимиз замирида элимизнинг ибратли фазилатлари му-жассамлашган. Меҳмондўстлик туфайли яқин

биродарлар, кўни-кўшнилар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари янада мустаҳкамланади.

Турмуш тарзимиздаги яна бир жиҳатга бошқа халқлар ҳавас қилса арзийди. Бу бир хонадонда бува, момо, ота-она, фарзандларнинг бирга яшашидир. Ёш оила – келин-куёв йигитнинг ота-онаси билан бирга яшайди. Бунинг яхши томонлари: ёшлар то ўзи мустақил уй-жой қилгунларича ота-она назоратида, маълум бир маънода қарамоғида ҳам бўлади. Келинчакка уй-рўзғор юмушларида, бола тарбиясида қайнонаси кўмаклашади. Ёш оила фарзандлари 5-6 ёшга етиб, алоҳида турар жой қилиб, ота-онасидан мустақил яшашга изн сўраганида, энди уларнинг ўзлари ҳам анча улғайиб қолишади. Ёшлар ота-оналари билан бирга яшаганида турмушдаги қийинчиликлар, рўзғор ташвишларини нисбатан енгил ўтказишади. Бундай оилада ўсган фарзандлар ота-онага, бува-момога нисбатан меҳр-оқибатли бўлиб вояга етади.

Андишалилик – халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, айтиш мумкинки, қадрият даражасига кўтарилган миллий фазилатларимиздан. Андишалиликнинг қирраларидан бири ёши катта инсонларнинг, ота-оналарнинг райъини қайтармаслик, уларни қадрлаш, фикр-мулоҳазаларини босиқлик билан тинглашдир. Масалан, отага нисбатан андишани олиб қарайлик. Ҳар бир оиланинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари, муаммолари бор. Рўзғорда етишмовчилик, камчиликлар бўлиши табиий ҳол. Ўзбек хонадонида отанинг ҳурмати ўзгача – фарзанд вояга етиб, кўлидан иш келадиган, топармон-тутармон бўлганида ҳам ота-онасининг измидан чиқмайди.

Турмушдаги андишалилик, якдиллик ва ҳамжиҳатликнинг ижобий томонлари ҳам кўп. Масалан, бир масалада жамоада турли хил фикр бор. Аммо жамоа якдиллик билан раҳбар фикрини қўллаб-қувватлайди. Чунки, иноқ, аҳил жамоа мақсад-

га тезроқ эришади. Амалий иш натижалари кўпроқ бўлади. Ҳамжиҳатликни, андишани сақлайдиган оилада эса муаммолар тез ва соз ҳал этилади. Бу мисолларни янада кенгроқ олиб қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда эришилаётган муваффақиятларнинг бош омили ҳам халқимизнинг меҳнаткашлиги, бағрикенглиги, ҳамжиҳатлиги ва андишалигидир. Шу туфайли халқимиз не-не қийинчиликлар, мушкулотларни осонлик билан енгиб ўтаяпти.

Ўзбекларга хос фазилатлардан яна бири бағрикенглик, саховатлиликдир, десак янглишмаймиз.

Мамлакатимизда бошқа миллатлар ва элатлар вакилларининг ўзбеклар билан бирга эркин ва тенг, фаровон яшаши учун барча шарт-шароит, имкониятларнинг яратилгани ҳам халқимизнинг нақадар бағрикенглигидан далолатдир. Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек халқи кўрсатган олийжаноблик, бағрикенгликни бутун дунё биледи. Ўзбек кино ижодкорлари томонидан яратилган «Тошкент – нон шаҳри», «Сен етим эмассан» каби бадиий фильмларда Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги халқимизнинг бағрикенглиги анча жонли тасвирланган.

Бағрикенглик замирида одамларимизнинг саховатлилиги ётибди. Бизда ҳамиша бева-бечораларга, етим-есирларга, болаларга, ногиронларга, қарияларга раҳм-шафқат кўзи билан қаралган, ёрдам берилган. Уйда тансиқроқ таом пиширган хонадон соҳиби доимо яқин қўшниси ё маҳалладаги беморга илинган.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг бу фазилатлари ривожланди, такомиллашди. Бугунги кунда элимизнинг ишбилармон, тадбиркор инсонлари, хайрия жамғармалари ва бошқа ташкилотлар томонидан беғараз ўтказилаётган хайр-саховат тадбирларининг саноғи йўқ. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қара-

тилган сиёсат замирида ҳам саховатга йўғрилган инсонпарварлик бор. Миллий ғоя ва маънавиятимиз асосларида, муқаддас динимиз фалсафасида саховатлилик инсоннинг энг эзгу фазилатларидан бири сифатида улуғланади.

Бизнинг халқимизгагина хос бўлган меҳмондўстлик, меҳр-оқибатлилик, андишалилик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, саховатлилик каби қадриятларимиз келажагимиз пойдевори мустаҳкамлиги, юртимиз истиқболи порлоқлигининг нишонасидир.

2012 й.

ТИЛ – МИЛЛАТ РУҲИ

21 октябрь жонажон Ватанимизда она тилимиз – ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида нишонланади. Мактаблар, лицейлар, коллежлар ҳамда олий ўқув юртларида тил байрамлари, адабий-бадий кечалар, илмий анжуманлар ўтказилади.

Мана, Давлат тили ҳақида қонун қабул қилинганига ҳам роппа-роса 22 йил бўлибди. Бугунги ёш авлод, мустақиллик фарзандлари ҳамма жойда ўзбек тили амалда-ку, бу қонунни қабул қилишга қандай зарурат пайдо бўлган экан, дея ажабланиши ҳам мумкин. Шунинг учун гоҳида яқин ўтмишимизда юз берган айрим ҳолатларни эслаб туриш, ёшларимизни огоҳликка чорлаб, дориломон кунларимизнинг қадрига етишга ундаш фойдали бўлур эди, деб ўйлаймиз.

Ўтган асрнинг 80–90-йилларида темир йўл вокзаллари, аэропорт кассалари олдида кассага яқинлашолмасдан турган отахону онахонларни, қишлоқдан келган аёлларни кўп бора кўрганмиз. Чунки кассада ўтирган қиз ўзбек тилини тушунмас, йўловчилар эса рус тилини билмасди. Вилоятлар, туманлар миқёсида бўладиган катта-катта йиғинларда маърузалар рус тилида ўқилар,

деҳқонлар, чорвадорлар, қишлоқ меҳнаткашлари эса нотиқни тушунмагани сабабли жимгина ер чизиб ўтирарди. Одамлар кўнглидаги ўй-фикр, ҳаёт ва ишдаги муаммоларни ўзга тилда ифода қилолмагани учун айтмас, чунки йиғилишни олиб бораётган «катта раҳбар» ўз она тилини тушунмасди. У она тилини тушунмаган ҳолда деҳқонга деҳқончиликни, чорвадорга чорвачиликни, боғбонга боғдорчиликни ўргатишга уринарди. Рус тилини билмаган яхши ўзбек мутахассислари республика ташкилотларига ишга олинмасди. Раҳбарлар, кўпчилик зиёилилар фарзандларини ўзбек мактабларидан олиб, рус мактабларига қўя бошлаганди. Қисқаси, ўзбек тили таназзул ёқасига келиб қолганди. Бу оғир кўргулик эди, миллатнинг фожиаси эди.

Ана шундай бир пайтда ҳақиқий халқпарвар, миллатпарвар, ватанпарвар ўзбек зиёилари, раҳбарларининг фаоллиги, фидойилиги, бемалол айтишимиз мумкинки, жасорати туфайли ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиб, қонун қабул қилинди. Бу ҳали комфирқа рус империяси тепасида турган бир пайтда чинакам қаҳрамонлик эди.

Орадан йигирма икки йил ўтди. Келинг, Давлат тили ҳақидаги қонунга қандай амал қилинаётганига жиндай таҳлилий, танқидий кўз билан қараб, айрим мулоҳазаларимизни билдирайлик.

Тўғри, 1989 йилдаги вазият билан бугуннинг осмон ила ерча фарқи бор. Янги алифбо қабул қилдик. Бу имлода саводини чиқарган болалар бугун олий ўқув юртларини ҳам тугатиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида мутахассис сифатида иш бошлаганига ҳам бир-икки йил бўлиб қолди. Деярли барча корхона, муассаса ва ташкилотларда иш юритиш ўзбек тилида амалга ошириляпти. Бироқ лотин имлосида савод чиқарган ёш мутахассис кириллчада ёзишга анча қийналяпти.

Имломизда ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бор. Афсуски, имло қоидаларимизга риоя қилмаётганларнинг биринчи сафида оммавий ахборот воситалари турибди. Битта сўзни ёки тиниш белгини икки газета икки хил қўллаётган ҳолатлар учрайди. Шундай экан, тилимизнинг тозалиги, имло қоидаларимизга риоя қилинишини назорат қилиш ҳам долзарб масалалардан бўлиб турибди.

Тил – миллатнинг руҳи. Одамлар кўнглига унинг тили орқали йўл топилади. Мустабид тузум даврида вилоятлар, туманларни бошқарган айрим раҳбарлар пахтакор ё ғаллакорнинг олдига бориб «Ҳорманг энди», «Чарчаманг», «Хирмонингизга барака» деган сўзларни айтолмасди. Шунинг учун ҳам улар элимизга эл бўлолмади, қўшилолмади, халқимизнинг дардини ўз ташвиши сифатида қабул қилолмади. Тарих, ҳаёт бундай тоифа раҳбарларга ўз баҳосини берди.

Истиқлол туфайли халқимиз тараққиётга юз тутди. Она тилимизнинг ривожланиши учун барча шароит муҳайё этилди. Ҳукуматимиз нафақат ўзбек тили, балки барча тилларнинг эркин ривожланиши учун ғамхўрлик қилмоқда. Айни пайтда вокзал, аэропортларда бўлсангиз, чиптахоналарда ишлаётган гўзал ўзбек жувонлари, қизларининг ўзбек, рус, инглиз ва бошқа тилларда бирдек равон, бурро гапираётганини кўриб, кўнглингизда бир дунё фахр туясиз. Мумкин экан-ку, дейсиз беихтиёр. Бу ҳам мустақиллик берган имконият ва иноятлардан биридир.

Ўзбек тили дунёдаги энг гўзал, сержило ва пурмаъно, ифода имкониятлари кенг лисонлардан бири. Буни улуғ шоир боболаримиз, момоларимиз амалда исботлашган. Тилимизнинг софлиги ва дилбарлигини сақлайлик, унинг ривожланиши учун ҳаммамиз биргаликда қайғурайлик. Шунда келгуси авлодларимиз биздан рози бўлади.

2011 й.

СПОРТ БОЛА ХАРАКТЕРИНИ ШАКЛЛАНТИРАДИ

Мустақиллик йилларида Ватанимиз сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда нечоғли улкан муваффақиятларга эришаётган бўлса, мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида қилинган ишлар салмоғи туфайли ҳам Ўзбекистонни дунё яна бир бор танимоқда.

Бугун республикамизнинг қайси бир вилояти ёки тумани, олис шаҳарчасига борманг, болалар учун қурилган спорт мажмуаларини кўриб, кўзингиз қувнайди. Айтишимиз мумкинки, ўтган йиллар мобайнида юртимизда спортни ривожлантириш учун мустаҳкам асос, пойдевор яратилди. Яратилган тизим ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади. Бунини Ватанимиз спортчилари жаҳон ареналарида қўлга кири таётган улкан натижалар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Бу ғалабалар замирида Юртбошимиз ташаббуслари билан спортни равнақ топтириш мақсадида қилинаётган катта саъй-ҳаракатлар ётганини спортсевар халқимиз яхши билади.

Халқимизни спортсевар дедик. Бунга бир мисол. Кўп йиллар олдин Чироқчига бир мактабдош дўстимизникига тўйга бордик. Чироқчининг тўйлари ажойиб бўлади. Қурби етган одам, албатта, тўйда кўпқари ва кураш томошасини ташкил этади. Узоқ-яқин қишлоқлару, туманлардан, ҳатто Бухоро, Самарқанд, Сурхондарёдан полвонлару чавандозларни чорлайди. Чироқчиликлар халқимизнинг ана шундай бобомерос қадим анъаналарию ўйинлари, одатларини авайлаб сақлаб келишаётгани таҳсинга лойиқ.

Хуллас, Чироқчига ўзига хос курашу кўпқарини томоша қилиб, бир яйраб келиш мақсадида боргандик. Тўй ошини еб, ўрнимиздан тураётганимизда баковуллардан бири бизга энди мактаб

стадионига боришимизни ва у ерда футбол ўйини бўлишини, голиб жамоага тўй эгасининг алоҳида соврини борлигини айтди.

Бу гапдан ҳаммамиз ҳайратландик. Энсаси қотганлар ҳам бўлди: тўйда футбол мусобақаси?! Чироқчи азалдан полвонлар, чавандозлар юрти бўлган. Уни бахшилар, ижодкорлар юрти ҳам дейиш мумкиндир. Аммо кейинги йилларда мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида қилинаётган катта ғамхўрликлар боис, ота-бобоси футбол тўпи нималигини билмаган чироқчиликлар маҳоратли футболчи ҳам бўлишди, десам ишонаверинг.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий олимпия терма жамоасининг ҳужумчиси Кенжа Тўраев Тошкентда Австралия олимпия термаси билан бўлган мусобақада рақиб дарвозасига тўп киритганида беихтиёр бундан кўп йиллар муқаддам Чироқчидаги тўйда футбол томоша қилганим эсимга тушди. Мутахассислар ўйинларини, қобилятини яхши баҳолаётган иқтидорли ёш футболчи Кенжа Тўраев ўша қишлоқдан, адашмасам тўйида футбол мусобақасини ташкил қилган биродаримизнинг қариндоши бўлади. Бундан ташқари, мен билган бир неча чироқчилик йигитлар айни пайтда «Насаф», «Машъал», «Шўртан» каби мамлакатимизнинг забардаст футбол жамоаларида тўп суришмоқда.

Энди гапнинг индаллосига келсак, Мустақиллик халқимизнинг яшириниб ётган имконияти, қобиляти, куч-қудрати тўла намоён бўлиши учун қулай шароит яратди. Буни юртимизда спорт, жумладан, болалар спортининг жадал ривожланаётгани мисолида ҳам кўриб турибмиз. Насиб қилса, юртимиз ёшлари ўз ақли, билими, маҳоратини куч-қуввати, салоҳияти билан дунёни кўп бора забт этгай ва аҳли жаҳон ҳали бизга кўп марта ҳайрат кўзи ила боққай.

2012 й.

СЕНИ СОҒИНДИК, БАҲОР!

Бу йил қиш қаттиқ келди. Ёғингарчилик, қорли-қировли кунлар кўп бўлди. Ҳаётда кўпни кўрган, ёши улуғ боболаримизнинг айтишича, қиш қаттиқ келган йили, албатта, ҳосил мўл бўлади. Раҳматли бобом қор ёға бошласа, «Барака ёғаяпти, ўғлим, ризқ-насиба ёғаяпти» дегувчи эди. Дарвоқе, бу йил она заминимиз сувга тўйинди, «мазза» қилиб дам олди. Сув омборларимиз оби ҳаётга тўлди, тоғларимизда қор «захираси» етарли миқдорда жамғарилди. Демак, насиб этса, бу йил деҳқонлар учун қулай йил бўлиши – далаларимизда, боғ-роғларимизда ҳосил мўл бўлиши тайин. Шундай экан, мабодо деҳқон қишнинг совуқ тунларида ўтини тугаб қолиб бир оз совқотган, чорвадор емиши етмай кўй-қўзисини қишдан талафотсиз олиб чиқаман, дея сал толиққан бўлса, сира ўксинмасин. Зеро, табиат ўзи келтирган ташвишлару етказган «озор»ларининг ҳиссасини бу йил бир неча баравар қилиб «чиқаради». Яъни деҳқону чорвадор, соҳибкору миришкор – қишлоқ меҳнаткашларини роса сийлайди, деб ишонамиз.

Ҳамма нарса меъёрида, ўз вақтида бўлгани яхши. Ҳали совуқ, ёғин-сочинли кунлар тўлиқ ортда қолмаган эса-да, деҳқон даласини, замин ўз соҳибини соғиниб қолгани рост. Чунки экиш мавсуми кечикаяпти. Ҳавода илиқлик сезилиб, кўклам насимлари эса бошлади. Ҳа, сени соғиниб қолдик, интиқлик билан кутдик, баҳор!

Бугун биринчи март, баҳорнинг илк куни. Ишга отланарканман, хонамга жажжи набирам Мадина кирди. «Ойим айтдилар, бугун баҳор келибди. Янги баҳорингиз муборак бўлсин, бобо!» «Сенга ҳам қутлуғ бўлсин, қизим!» дейману иш, турмуш ташвишлари билан бўлиб баҳор келганини ҳам сезмай қолганимни ҳис қиламан.

Набирамнинг гапи хаёлларимни тўзғитиб, олис болаликка олиб қочади. Шаҳарликлар хафа бўлмасин-у, кўклам биринчи бўлиб қишлоққа келади. Кўм-кўк, ям-яшил, қип-қизил қиру адирлар, унда чопқиллаб ўйнаб юрган қўй-қўзилар... Ўт-ўланлар устида югуриб, варрак учираётган, «чиллак», «зув-зув», «қувлашмачоқ» ўйнаётган болакайларнинг завқи... Эҳе-е, бу оламнинг гўзаллиги-ю, ҳаётнинг маъноси шу қирлару тепаликларда жам бўлгандек гўё.

Бирдан қадрдон қишлоғимни, ота-онамни, яқинларим, биродарларимни соғинганимни ҳис қилдим. Қишлоққа сим қоқдим:

«Бу йил қиш чўзилди. Совуқ кунлар кўп бўлди» дейди ёши саксондан ошган отам. – Лекин мен шамолламадим, касал ҳам бўлмадим, Худога шукур». «Илигингиз бутун-да, ота! Меҳнатда чиниққансиз» дейман отамга пишанг бериб. «Ҳа, энди боболарим бақувват, бадавлат бўлган, полвон ўтган-да» дейди отам чинакамига ғурурланиб.

Пойтахт кўчаларидан секин одимлаб, ишхонамга, ҳамкасблар ҳузурига ошиқарканман, йўлимда дуч келган ёш дарахтларга, йигит-қизларга назар соламан. Баҳорнинг келганини мен табиатнинг икки мўъжизаси – дарахтлару аёлларга қараб илғайман. Ниҳоллар билинар-билинамас ниш уриб қолибди. Қизлар эса баҳорнинг илк шаббодасиданоқ уст-бошини енгилроғига алмаштиришади. Ажойиб ўхшашлик-а?!

Юртимизга яна баҳор келди. Кўнгилда янги орзулар, умидлар куртак ёза бошлади...

2012 й.

УЙДА ТИНЧИ БЎЛСИН ЙИГИТНИНГ...

Оила нима? Таъбир жоиз бўлса, у кичик бир давлат. Бу «давлат»нинг ўз қонунлари, тартиб-қоидалари, анъаналари, қадриятлари ва ўзига хос турмуш тарзи бўлади. Инсонлар бир-бирига ўхшамаганидек, бир оила иккинчи оиладан фарқланади, ранг-баранг турмуш тарзига, феъл-атворга эга минглаб-миллионлаб мана шундай «давлат»лар бирлашиб, бир бутунликда катта бир мамлакатни ташкил қилади. Мамлакатда бахтиёр ва фаровон оилалар қанча кўп бўлса, бундай давлат бой ва қудратлидир. Шунинг учун ҳам оила мустақкам бўлса, жамият, давлат мустақкам бўлади, деймиз.

Халқимиз азалдан оилани муқаддас деб билган. Оилада маънавий соғлом муҳитни сақлашга, унинг фаровонлигини таъминлашга, фарзандлар тарбиясига ҳамиша эътибор билан қараган.

Мени журналист сифатида бир муаммо мудом ўйлантиради. Нега ҳамма нарсаси етарли, бадавлат, тўкин яшаётган баъзи оилаларнинг фарзандлари ноқобил, мунофиқ ва фақат ўзини ўйлайдиган бўлиб улғаяди. Бунга ким айбдор: ота-онами, таълим-тарбия муассасаларими, жамиятми?

Мен бир ака-укани биламан. Меҳнаткаш, оддий одамларнинг фарзандлари. Ака мансаб пиллапояларидан тез кўтарилди. Олдин агроном, бош агроном, кейин хўжаликка раис бўлди. Қобилиятли, ўз ишини яхши биладиган мутахассис эди у. Кўпларга яхшилик қилди, балки кимларгадир ёмонлик ҳам қилгандир. Унинг лавозими яна ошиши мумкин эди. Чунки у бошқараётган хўжалик туманда илғорлардан эди. Аммо катта ўғли ноқобил чиқди. Институтни ташлаб, қандайдир диний гуруҳларга қўшилибди. Унинг кирдикорлари фош бўлиб, тез орада қамалди. Ўғлининг касофати туфайли отасининг ҳам иши орқага кетди. Гоҳида

кўришиб қолсак, «Қаерда, қачон хато қилдим, нега бундай бўлди, жўра?» деб сўрайди.

Менимча, у иш билан овора бўлиб, оиланинг муқаддаслигини унутган, фарзанд тарбиясига етарлича эътибор қаратмаган. Балки иши билан сўзи, дили билан юзи бир бўлмагандир, ҳаётига ёлғон, мунофиқлик аралашгандир.

Ука эса оддий муаллим. Серфарзанд. Албатта, муаллимнинг маоши билан катта оиланинг тўкин-сочинлигини таъминлаш қийин. У ишдан бўш вақтларида устачилик қилади. Ўғилларини ёнига олиб, кимнингдир томини ёпади, бошқа бировнинг уйини сувайди, безак беради. Хотини тикувчи. Кўни-қўшни, маҳаллада яшайдиган хотин-қизларнинг кийимларини тикади. Қишлоқчилик, ҳовлида беш-ўнта қўй-қўзи, сигир-бузоқ, товуқ боқишади.

Ҳаётни кўриб, меҳнат билан ўсдими, уканинг ўғил-қизлари бари ўз кучи билан ўқиди, маълумот олди. Ҳозир яхши жойларда ишлашаяпти, уйланган, турмушга чиққан, ўзларидан тинчишган.

Қисқаси, бола тарбияси жуда нозик масала, улуғ алломамиз Абдулла Авлониё тили билан айтганда, ҳаёт-мамот масаласидир. Ҳаётий тажрибамдан биламанки, улғаяётган фарзанд учун дунё бу оиладир, у сизнинг, ота-онанинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан иқтибос олади, унга тақлид қилади. Ёлғонингиздан ёлғонни, худбинлигингиздан худбинликни, меҳр-оқибатингиздан меҳр-оқибатни ўрганади. Мурғак онг, вужуд бутун ташқи оламни оиласига, сизга таққослаб таҳлил қилади. Демак, азалий ҳикмат: нима эксангиз, шуни ўрасиз, биродар!

Ўзбеклар оилапарвар, болажон халқ. Бизда емайди, ичмайди, аммо фарзандлари учун тўкин ҳаёт яратишга интилади. Бу балки тўғридир, балки баҳсли ўринлари ҳам бордир. Охир-оқибат инсон кексайганда унинг фаолиятига фарзандларининг жамиятда тутган мавқеига

қараб баҳо берилади. Бу эса, менимча, одилона хулосадир.

Мамлакатимизда Мустақилликнинг илк йиллариданоқ оилани мустаҳкамлашга, инсон омилига жиддий эътибор билан қараб келинмоқда. Ривожланган Европада, Америкада инсоннинг ёлғизлашуви кучаяётган, ёлғизлик жиддий фожиавий оқибатларга олиб келаётган, оилага путур етаётган бир пайтда бизнинг Ватанимизда оилани мустаҳкамлаш, унинг маънавий, руҳий ва жисмоний соғломлиги, ёш авлод камолоти тўғрисида ғамхўрлик қилинаётгани таҳсинга лойиқдир. Эртасини, истиқболини ўйлайдиган давлат, ҳукуматгина ана шундай йўл тутади.

Юртбошимиз Ўзбекистон – келажаги буюк давлат, дейди. Бу буюк давлатни эса бахтиёр ва фаровон оилаларда камол топаётган бугунги комил авлод барпо этади.

Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал,
Сўнгра бутун бўлсин дўстнинг имони.
Инсон юрагини тилкалар азал
Шу икки нарсанинг буюк армони

деб ёзади атоқли шоиримиз Абдулла Орипов.

Дарвоқе, мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик, фаровонлик, тараққиётнинг асоси, негизи жонажон Ватанимиздаги минглаб-миллионлаб оилаларнинг мустаҳкамлиги, осойишталигидадир.

Доимо уйингизда тинчлик бўлсин, азиз юртдошлар!

ОЙДАН-ДА ГЎЗАЛСИЗ, КУНДАН-ДА ГЎЗАЛ

Баҳор ва аёл тушунчалари эгизак. Менинг назаримда, Яратгувчи аёлни айни кўклам фаслида яратган. Шу боис ҳам аёллар кўп жиҳатдан: гўзаллиги, яратувчанлиги, турли хил инжа феъл-атвори билан худди баҳорга ўхшайди. Мана, бугун эрталаб қуёш чарақлаб турганди, кейин совуқ

шамол турди, тушга яқин ёмғир ёғди, кечга яқин хаво яна очилиб кетди.

Бу хилқат қошида жаҳонни забт этган не-не ҳукмдорлару шоҳлар бош эгган, қанча алп паҳлавонлару мард йигитлар аёл дея жонидан, салтанату давлатидан воз кечган. Дунёнинг буюк шоирлари аёл мадҳига ташбеҳ излаб неча тунларни бедор ўтказган. Қалам аҳли йўқки, салоҳияти етадими, йўқми, бу зот васфида бирон сатр ёзмоққа уриниб кўрмаган бўлса...

Аёлни табиатнинг бир мўъжизаси, дедик. Бу шундай қудратли ва сирли мўъжизаки, мабодо у истаса, сизни осмонларга кўтаради, хоҳласа ёндиради, куйдиради... ва яна истаса, лойингиздан хуштак ясаб чалади. У она замин каби сокин ва бағри кенг, дарё каби жўшқин, қуёш каби ҳароратли, меҳрли. Шоира ёзганидек, “Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин, Дунёни олиши мумкин жилмайиб”.

Хона эшиги секин чертилиб, ҳамкасб аёллардан бири қўлида қоғоз кўтариб киради. Хушбўй атир ҳиди димоғимга урилиб, ёзишдан тўхтаб, бошимни кўтараман. Байрам арафасида кийган янги либоси ўзига ярашган истарали хоним жилмайиб секин салом берди. Хаёлларим тўзғиб кетди. Беихтиёр аёл ҳурматига ўрнимдан туриб, унга мулозамат қилдим: “Кўйлак сизга ярашибди, янаям очилиб, чиройли бўлиб кетибсиз!” Шунда кўз ўнгимда мўъжиза рўй берди: қаршимда кулиб турган хушчеҳра аёлнинг юзи янада гўзаллашиб, офтобдай чарақлаб кетди! “Байрамингиз билан...!” дея олдим зўрға тилим тутилиб.

Демоқчиманки, дунёдаги энг гўзал жувон – бу кулиб турган, тақдиридан, турмушидан мамнун, бахтиёр аёлдир. Дунёда ундан ортиқ мўъжиза йўқ, десам ишонаверинг, биродар.

Биз аёллар ҳақида ёзганимизда, гап айтганимизда, аввало, уларнинг онамиз, опа-сингилларимиз, рафиқамиз, қизларимиз эканини мудом

ёдда тутишимиз лозим. Ҳар йили хотин-қизлар байрами арафасида яқинлар, қадрдонларни имкон топиб, жилла қурса телефонда бўлса-да, айём билан қутлашга ҳаракат қиламиз ва озгина эътибор, бир оғиз яхши гапдан уларнинг бошлари осмонга етганини сезамиз. Шунда вақт топиб, бирров жигарларимиз ҳолидан хабар олмаганимизга афсусланамиз.

Биз, эркаклар, аёлларимиз олдида масъул эканимизни доимо ҳис қилиб яшашимиз зарур. Улар сизнинг наслингиз давомчиси, оила қўрғонингизнинг бекаларидир. Эркаклари кучли, бақувват, аёллари оқила ва соғлом бўлган халқ қудратли, истиқболи ёрқин бўлишини доимо ёдда тутайлик. Аъолимиз шунга мувофиқ бўлсин.

Жонажон Ватанимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини, фаоллигини ошириш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, аёллар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасида жуда кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, жамоат ташкилотлари, тадбиркорлик фаолияти, қўйингки, бошқа соҳаларда ҳам аёллар эркаклар билан тенгма-тенг, балки кўпроқ, фаолроқ меҳнат қилишмоқда, десак ҳеч бир муболаға бўлмайди.

Халқаро хотин-қизлар куни билан юртимизнинг барча дилбар аёлларини қутлаб, уларга ҳамиша яхши кайфият тилаймиз!

ПРЕЗИДЕНТ УЙЛАРИ — ОБОД ЮРТ ТАЯНЧИ

Ўтган ҳафта кекса ота-онамдан хабар олиш учун Қашқадарёга бориб келдим. Тошкентдан Қаршигача анча йўл. Аммо эрта тонгда йўлга чиққанимиз, ҳаво яхшилиги туфайли йўл азоби билинмади. Атрофга кўклам ўз сепини ёйган. Кўм-кўк либос кийган қир-адирлар, лов-лов ёнаётган олов мисоли қип-қизил қизғалдоқлар кўзни яш-

натиб, дилингга завқ бағишлайди. Юртимиз баҳори нақадар гўзал-а!

Йўл-йўлакай кишини хурсанд қиладиган, кўзга хуш ёқадиган яна бир манзара эътиборимни тортди. Бу Юртбошимиз ташаббуси билан қишлоқларимизда замонавий лойиҳалар асосида қурилаётган янги уй-жойлар.

Халқимиз уларни оддийгина қилиб “Президент уйлари” деб атапти. Бундай уйларни биз йўл бўйлаб Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида кўрдик. Улар кўм-кўк баҳор манзарасида гўё денгиз узра сузиб бораётган мўъжаз кемачалардай чайқалиб, ярақлаб турибди.

– Бу уйлар ҳақиқатда жоннинг роҳати экан, – дейди Шаҳрисабз туманида қурилган шундай уйлардан бирига яқиндагина кўчиб келган “Ипотекабанк” Шаҳрисабз филиалининг ёш мутахассиси Азамат Яхшимуродов. – Унда барча шарт-шароитлар муҳайё. Электр, газ, сув, йўллар – барчаси бор. Бундай уйни кўпдан буён орзу қилардим. Дарвоқе, айти пайтда бутун дунёда, жаҳоннинг барча давлатларида уй-жой аҳолининг энг долзарб, ўткир муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Аксарият давлатларнинг тарихий тажрибаси шуни кўрсатадики, уй-жой қурилиши ва инфратузилма соҳасини тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида белгилаш миллий иқтисодиётни қайта тиклашнинг ҳал қилувчи воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида бошланган бунёдкорлик ишлари йил сайин жадаллашмоқда. Миллий анъаналаримиз ва замонавий талабларни ўзида мужассам қилган намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган янги уйлар кўҳна қишлоқларимиз қиё-

фасини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Ўтган вақт мобайнида 23,6 мингдан зиёд оила ана шундай қулай ва кўркем уй-жойларга кўчиб ўтди. Биргина 2012 йили мамлакатимизнинг 272 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 8510 та уй-жой қурилди. Янги массивларда ўнта мактаб, ўттизга яқин қишлоқ врачлик пункти, етмишдан зиёд маҳалла гузари, юздан ортиқ савдо мажмуаси, ўттизга яқин мини-банк, ўттиз бешта деҳқон бозори, бир юз йигирмадан ортиқ ишлаб чиқариш цехи ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилди. Жорий йилда эса қишлоқ ва туманларимиздаги 353 массивда 10 мингта якка тартибдаги янги уй-жойлар қуриш ва бу мақсадлар учун 1,4 триллион сўм маблағ йўналтириш мўлжалланмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда юртимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизи, яъни 15 миллион нафарга яқин одам қишлоқ жойларида истиқомат қилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу соҳада ҳал қилишимиз лозим бўлган мураккаб вазифаларнинг кўлами ва миқёсини тасаввур этиш қийин эмас.

Бу борада шуни инобатга олиш керакки, Ўзбекистонда қишлоқ жойларда ҳар йили 150 мингдан ортиқ янги оила вужудга келмоқда, мустақиллик йилларида эса қишлоқларимизда 2 миллион 600 мингдан зиёд ёш оила пайдо бўлди ва улар ўз уйига эга бўлишга эҳтиёж сезмоқда.

Айни пайтда юртимизда амалга оширилаётган Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурининг ўзига хос муҳим хусусиятлари бор. Аввало, қишлоқ аҳолисига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бир оилага 6 сотих ҳисобида умрбод мерос қилиб олиш ҳуқуқи билан бепул ажратилаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Бу

бизнинг ер ресурсларимиз чекланган шароитда ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Бу уй-жойлар муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари билан биргаликда барпо этилаётир. Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан автомобиль йўллари, ички коммуникация тармоқларини қуриш, сув, газ ва электр энергия таъминотини йўлга қўйиш амалга оширилади. Янги уй-жой массивларида яшайдиган аҳоли сони инобатга олиниб, мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктлари, савдо шохобчалари ва спорт иншоотлари ҳам намунавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда.

Замонавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйларни олувчиларга ҳукуматимиз томонидан бир қатор имтиёзлар яратилган. Масалан, уй олувчи дастлабки бадал сифатида уй қийматининг 25 фоизи миқдоридаги ўз маблағини тўлайди. Унга қулай шартлар асосида узоқ муддатга – 15 йилга имтиёзли фоиз ставкаси бўйича – биринчи йили белгиланган фоизни тўламаслик шарти билан 7 фоиз миқдорида ипотека кредити берилади. Бу Марказий банкнинг йиллик қайта молиялаш ставкасидан анча пастдир. Ёки “Қишлоқ қурилиш банк” кредитлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қураётган қишлоқ аҳолиси ипотека кредитларини қайтариш ва уларнинг устама фоизларини қоплашга йўналтириладиган даромад солиқларини тўлашдан озод этилган. Бундан ташқари, улар сотиб олган уй-жойдаги мулк учун ипотека кредитини тўлиқ тўлагунга қадар солиқ тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, қишлоқ жойларида уй-жой қуришда иштирок этаётган “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси, пудратчи ташкилотлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар барча турдаги солиқлар ҳамда мақсадли давлат фонд-

ларига мажбурий ажратмалар, олиб келинаётган қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилган. Бу эса қишлоқ аҳолиси учун қурилаётган уй-жойлар қийматини сезиларли равишда камайтириш имконини бермоқда.

Умуман, 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 650 та янги қишлоқ уй-жой массиви барпо этилди, 23,6 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй-жой қурилди.

...Қишлоғимиз одамларининг гурунглари марокли. Кўкдалаликлар сўзни бежаб-безамасдан, очикчасига, жайдари тилда гапиришади. Умр бўйи хўжаликда машина ҳайдаган, ҳозир ёши саксондан ошган отам билан мириқиб суҳбатлашаман.

– Илгари одамлар пишиқ ғиштдан уй қургани кўрқижарди. Қишлоқда мактаб, касалхона ва хўжаликнинг идораси оқланарди, холос. Тежамкор, инсофли, ҳалол бир донгдор раисимиз бўларди. Узоқ-яқиндан келиб кетувчи меҳмонлардан уялди, шекилли, пастқам эски уйини буздириб, ўрнига пойдеворини ва томини баландроқ қилиб, пахсадан олдингисидан кўркамроқ бир уй қурдирди. Деворини семон сувоқ қилдириб, оқлатди. Шуни қишлоғимизнинг “ёзғувчи”лари ёзишибди денг. Облаstdан келган текширувчиларни машинага миндириб раиснинг уйига олиб бордим. Улар уйнинг тўрт-беш жойидан семон сувоқни ўпириб, текшириб кўришувди... Ўша пайтлари бир-икки сўм жамғармаси бор одамлар ҳам на машина сотиб олишар, на дурустроқ уй қуришарди.

Камбағаллик фахр эди-да, ўғлим. Бугун-чи? Юртбошимизнинг ўзи чиройли уйлар қурунглари, яхши яшанглари, қишлоқларимиз обод бўлсин, деб турибди. Ўзи бош бўлиб, қишлоқларимизда

замонавий уйлар курдираяпти. Қайси куни телевизорда кўрдим. Манаман деган чет давлатлардан келган одамлар бизнинг янги уйларимизни мақташаяпти, уларнинг бизга ҳаваси келаяпти.

– Бизнинг қишлоғимиз ҳеч бир шаҳардан ками йўқ, – дейди кўкдалалик ўқитувчи Юсуф Зиёдов. – Газимиз, сувимиз бўлса, электр деярли ўчмайди. Ўзимизнинг коллежимиз, мактабимиз, шифохонамиз бор. Буларнинг ҳаммасининг бош омили, манбаи мустақилликдир.

Илоҳим, юртимизга кўз тегмасин. Қашқадарёдан қайтар эканман, хаёлимдан шундай фикрлар кечди: халқимизни боқаётган, кийинтираётган, дастурхонини тўкин қилаётган қишлоқларимиз обод бўлиши, деҳқонларимиз янада яхши ва фаровон яшаши керак. Бунга уларнинг минг бора ҳақлари бор. Гоҳида шаҳар шовқини, турмуш ташвишларидан сиқилганингизда, ишхонангиздаги “югур-югур”лардан толиққанингизда, ҳамкасбларингизнинг майда “ғийбат”ларидан феълингиз тор бўлиб, асабингиз чарчганида қишлоққа боринг, далаларимизни айланинг, деҳқонлар билан суҳбат қуринг. Шунда қишлоқлардаги соғлом меҳнат муҳити, тоза ҳаво, тоза сув, тоза таомлар, энг муҳими, одамларнинг озга қаноат, камга шукр қилиб яшаётгани, ютуқларимизни кўриб севинаётгани, орзу ҳаваслари гўзаллигини кўриб, кўнглингиз ўсади, кайфиятингиз чоғ бўлади. Қалбингизда она-Ватанимизни обод қилиш истаги янада кўпроқ жўш уради.

2013 й.

СУТ СОТАЁТГАН АЁЛ

Ривоят қилишларича, буюк ҳаким Абу Али ибн Сино жон таслим қилаётганида унинг қўлида шифо топган одамлар аюҳаннос солиб, «Биз энди нима қиламиз?» дейишибди. Шунда улуғ табиб бошини болишдан кўтариб: «Мен сизларга сигирни қолдираяпман. Узоқ умр кўрай, соғ-саломат юрай десангиз сут-қатиқ ичиб туринглар», деган экан. Шундан буён одамзод бу ҳикматли васиятга амал қилади.

* * *

Бир куни кечқурун «Кўйлиқ» бозори ёнидан ўтиб кетаётгандим. Урта ёшлардаги аёл йўлимдан чиқди. Кўлида бир банка қатиқми, сутми кўтариб олган.

– Ўғлим, – деди ёнимга келиб. – Бозорга беш банка қаймоқ олиб келувдим. Тўрт банкасини сотдим. Кечроқ қолувдим, бир банкаси қолиб кетди. Арзонга бераман, олиб кетинг. Болаларингиз мазза қилиб ейди.

Тўғриси, ҳечам қаймоқ харид қилмагандим. Шу боис ўйланиб қолдим. Ҳолатимни кўрган аёл гапида давом этди.

– Ўғлим, ҳечам хавотирланманг. Бунни уйда тайёрлаганман. Тоза қаймоқ. Бир банкасини 8 минг сўмдан сотдим. Шунини уйимга қайтариб олиб кетмай, майли сиз 5 минг сўм бера қолинг.

– Қаймоғингиз қатиқ эмасми ишқилиб? – дедим аёлга.

– Вой нима деяпсиз, шу ёшим билан оққа хиёнат қиламанми? Мана, еб кўринг, – у банка оғзини очмоқчи бўлди.

Ғапимдан ўзим уялиб кетдим.

– Йўқ очиб ўтирманг, майли оламан.

Аёл раҳмат айтиб кетди. Мен уйга келдим. Турмуш ўртоғим қаймоқни очиб кўрар экан: «Нима

бало, таги қатикми?» деди. Сўнг қошиқни тиқиб еб кўрди. Банкадаги маҳсулотнинг устида озгина қаймоқ қолгани қатик экан.

Ажабтовур кийинган, кўринишидан иймонли, виждонлига ўхшаб кўринган бу аёлнинг ёлғонидан ҳали ҳам ҳайратдаман. Сутга сув қўшиб сотилиши ҳақида эшитгандим, лекин қатикни қаймоқ деб сотганига биринчи бор дуч келишим.

Оққа хиёнат қилиш оғир гуноҳ эканлиги ҳақида кўп гапирамиз. Лекин айрим одамларнинг пул, бойлик учун бундай гуноҳга бемалол қўл ураётгани мени ҳайрон қолдиряпти.

Юнус ҒАЙБУЛЛАЕВ

* * *

Мен Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Гулистон мавзесида яшайман. Ҳовлимизга ҳар куни янгийўллик бир аёл сут, қатик, қаймоқ олиб келиб сотади. Илгари мен ҳам ўша аёлдан сут олиб турардим.

Яқинда хонадонимиздаги сув қувури тиқилиб қолди. Сув йўлини очиш учун қандайдир кимёвий кислота оқизиш керак экан. Турмуш ўртоғим дўкондан ўша кислотани топиб келди. У бир литрлик бакалашкада экан. Кислотани сувга оқизгач, бакалашкани уй ёнига қўйдим. Эртаси куни эрталаб ўша бакалашкани сут сотувчи аёл олиб кетаётганини кўриб қолдим.

Ишончим комилки, аёл бу бакалашкага сут солади. Қишлоқда эса уни тозалаш имкони йўқ. Ўша воқеадан сўнг аёлдан сут олмай қўйдим. Чунки, аёлнинг сут олиб келадиган идишлари тозалигига ишонмайман.

Б. АБДУКАРИМОВА

* * *

Дарвоқе, сигир сутининг инсон организмига фойдали жиҳатлари кўп. Айниқса, у ёш, ўсаётган

организм учун зарур бўлган витаминлар ва оксилга бой. Сут маҳсулотлари ҳазм органлари фаолиятини яхшилади. Айниқса, ошқозон-ичак, жигар, буйрак учун ниҳоятда фойдалидир. Шундай экан, ҳар бир хонадонда сут-қатиқ дастурхондан аримагани маъқул.

Икки-уч ойда қишлоққа кекса ота-онамни кўргани бориб тураман. Отам ҳовлимизда йил-ўн икки ой сигир сақлайди ва ҳамиша уйда янги сут-қатиқ бўлади. Бошқалар бир – ярим коса қатиқ ичса, мен икки коса ичаман. Шунда танамда бир енгиллик, ҳузур-ҳаловатни ҳис қиламан, қатиқ ичимга мойдай ёққанини сезаман. Аммо шаҳарда уйлар оралаб сут, қатиқ сотиб юрадиган аёллардан гоҳида бу маҳсулотларни олганимда ўша қишлоқда туйганим – таъмни сезмайман, беҳузур бўламан.

– Ҳар тонг «Су-у-у-т-т, қа-а-а-ти-и-и-қ» деган овоздан уйғонамиз, – дейди Тошкент шаҳри Юнусобод тумани 8-мавзесида яшовчи Улуғой опа Очилова. – Набираларим учун сут сотиб оламиз. Назаримда, сутга сув қўшилади-ёв, ниҳоятда суюқ ва ёғсиз. Қатиқ ҳам чўзинчоқ, гўё бирон нарса аралаштирилгандай. Ошқозонни дамлатади. Тавба қилдим, мусулмончиликда сутга сув қўшиш оғир гуноҳ ҳисобланади. Одамлар кўрқмай қўйишди.

Азонда сут-қатиқ сотиб юрган аёллардан бирини суҳбатга тортдим.

– Бу сут-қатиқларингизнинг сифатига ким кафолат беради, опа?

– Энди бизники ҳам тирикчилик, ака. Қўлдан «оптом» оламиз. Бир-икки сўм нон пули чиқадими, деб юрибмизда. Инсофни ҳар кимнинг ўзига берсин.

Ўзини Шарофат деб таништирган бу аёлнинг усти кир-чир, сут-қатиқ солинган идишларини чанг босган, кўтариб юрган тўрва-халтаси кишининг таъбини бузади.

– Менга доимо таниш аёл сут олиб келиб беради, – дейди қўшнимиз Умидахон. – У болалари

билан шаҳар биқинидаги қишлоқда яшайди. Ҳовлисида сигир сақлайди. Ўзларидан ортганини шаҳарга олиб чиқиб сотишади. Маҳсулотининг сифатига эътирозимиз йўқ. Инсофли, иймонли аёл. Барака топсин.

МУТАХАССИС ИЗОҲИ

Биз мавзуни тўлиқроқ ёритиш мақсадида Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлими мудир, олий тоифали шифокор Шухрат Юсуповни суҳбатга тортдик.

– Тошкент шаҳри аҳолисининг сут ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан Тошкент вилоятида жойлашган бир неча сут комбинатлари ҳисобидан қондирилади. Бу сут комбинатлари фермер хўжаликларидан сутни шартнома асосида қабул қилиб олади ва шаҳардаги турғун савдо дўконлари ҳамда умумий овқатланиш корхоналарига етказиб беради. Ҳар бир туманда сутнинг сифатини, тозалигини аниқлайдиган ветеринария лабораториялари ишлаб турибди.

– Бозорларда, кўчаларда, кўп қаватли уйларни оралаб сотилаётган сут ва сут маҳсулотларининг сифатига ким кафолат беради?

– Шаҳримиз бозорлари кейинги йилларда анча тартибга тушиб, обод бўлиб қолди. Катта бозорларда сут маҳсулотлари учун алоҳида расталар қилинган, сотувчилар учун қулай шароитлар яратилган. Бозорда сотувга чиқарилган сут маҳсулотлари ҳар бир бозор қошида фаолият кўрсатаётган ветеринария-санитария экспертиза лабораторияларида текширувдан ўтказилади.

Кўчаларда, ҳовли ва кўп қаватли уйларни оралаб сут маҳсулотлари сотилишини тартибга солиш эса анча мушкул иш. Буни асосан карантин

милицияси назорат қилади. Биз, шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари ҳам вақти-вақти билан махсус рейд текширувлари ўтказиб турамиз. Шундай рейдлар чоғида ўтган йили 10 тоннадан зиёд, бу йилнинг январь-февраль ойларида эса 756 литр сут маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз деб топилиб, ваколатимиз доирасида тегишли чора-тадбирлар белгиладик. Бундай ҳолат кўпроқ шаҳримизнинг Бектемир, Ҳамза, Чилонзор, Мирзо Улуғбек, Сирғали, Учтепа туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, агар соғилаётган сигир касал бўлса, ундаги касаллик истеъмол қилинган сут орқали инсонга ҳам юқиши мумкин. Масалан, бурцелёз, туберкулёз, яшир ва бошқа касалликларнинг сут воситасида одам организмига ўтиши кузатилган. Оддий поли-тилен идишларга сут солиш тиббий-гигиеник талабларга зиддир. Бу ҳақда назорат марказимиз ходимлари бозорлардаги радиоузеллар, газеталар, телевидение ва радио орқали мунтазам равишда чиқишлар қилиб, тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

* * *

Мутахассис шифокорнинг мулоҳазаларидан кўринаяптики, шаҳардаги турғун савдо тармоқлари, умумий овқатланиш корхоналари ҳамда бозорларда сотилаётган сут ва сут маҳсулотларининг сифати назорат қилиб турилади ва айтиш мумкинки, кафолатланади.

Сифати бузилган, истеъмолга яроқсиз сут ва сут маҳсулотларидан аҳолини ҳимоя қилишнинг энг тўғри ҳамда самарали воситаси одамларнинг тиббий-гигиеник маданиятини оширишдир. Харидор бозор ёки дўкондан маҳсулот сотиб оларкан, албатта, сутнинг сифати текширилгани ҳақидаги ҳужжат-маълумотни талаб қилиши керак. Аввало, бу маҳсулотларни турғун савдо шохобчаларидан харид қилган маъқул, деб ўйлаймиз.

Тиббий-гигиеник маданият ёки истеъмол маданияти деган тушунчалар жуда кенг қамровли ва катта мазмунга эга. Бу инсонда бир кунда ё бирданига пайдо бўлмайди. У йиллар давомида оила муҳотида қарор топади, шаклланади. Тозаликка, озодаликка эътибор қилган, ҳар бир нарсада меъёрга амал қилган организм доимо соғлом, бақувват бўлади. Жисми соғлом, ақлли инсонлар эса катта яратувчанлик ишларини амалга оширишга қодир.

2011 й.

ОТА КАБИ УЛУҒ, ОНАДЕК АЗИЗ, МУКАРРАМ...

Инсонга уч нарсани танлаш имконияти берилмаган. Булар – ота, она, Ватан. Шунинг учун ҳам она Ватан, ота макон, она замин деймиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон деган ном билан дунё аҳли эътирофига сазовор бўлаётган шу жаннатмонанд юрт бизнинг ягона Ватанимиздир!

Боболарингиз ким?

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманига йўлингиз тушиб қолса, кўпни кўрган отахонлар салом-аликдан сўнг аввало қайси ҳудуддан, қайси уруғдан эканингизни, боболарингиз кимлигини сўрайди. Агар уруғингизни билмасангиз, улар зимдан бир-бирига қараб, маъноли бош ирғаб қўйишади. Кейин суҳбат кўп ҳам қовушмайди. Қайси уруғдан эканингизни айтсангиз, чоллар яйраб кетишади. Юртингиздан чиққан полвону чавандозлар, таниқли одамлар ҳақида билганларини сўзлашиб, мириқиб гурунглашади. Э, биродар, бизга қариндош экансиз, боболарингиз бизга амаки бўлишган, дея сизни уйига таклиф қилишади. Агар «уруғимиз ўзбек-да, отахон» дея қувлик қилсангиз, бир оз уялиб қолишингиз ҳам тайин. Ҳаммамиз ўзбекмиз, дейишади улар. Ўзбек катта миллат, катта эл. Унинг бўғинлари, уруғлари

бор. Масалан, Амир Темур барлос уруғидан, Алпомишнинг уруғи қўнғирот, биз биргалашиб бир миллат номи билан аталамиз. Унинг тўқсон икки уруғи бор. Бу чолларни энди гапдан тўхтатиб бўлмайди: фарзандда отанинг ҳақи кўпми, она-ники? Ўғил бола кимга кўпроқ ўхшайди? Мавзу кўп.

Халқимиз бекорга «Ўғил бола етти бобосини билиши керак» демайди. Бунинг замирида катта ҳикмат бор. Тарихни билиш келажак учун зарур. Ҳўш, биз киммиз? Боболаримиз ким бўлган? Улар бизга нималарни мерос қилиб қолдирган?

Тарихий китобларни варақласангиз, ҳозир сизу биз умргузаронлик қилаётган ҳудуд – икки дарё оралиғидан дунёга донғи кетган буюк алломалар, шавкатли инсонлар кўп етишиб чиққанини биласиз. Улар дунё илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшишган. Президентимиз яқинда Самарқандда бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида бу ҳақда атрофлича тўхталди.

Олимларнинг фикрича, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX–XII ва XIV–XV асрларда жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ уйғониш даври – Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган. Шу билан бирга, агар Европа Уйғониш даврининг натижалари сифатида адабиёт ва санъат асарлари, архитектура дурдоналари, тиббиёт ва инсонни англаш борасида янги кашфиётлар юзага келган бўлса, Шарқ Уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти аввало математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди.

Ўрта асрларнинг илк даврида замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Муҳаммад Хоразмий алгебра фанига асос солди. У ўнлик позицион ҳисоблаш тизимини, ноль белгиси ва қутблар координаталарини биринчилардан бўлиб асослаб берди ва амалиётга татбиқ этди. Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари «алгоритм» ва «алгебра» каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди.

Аҳмад Фарғоний томонидан IX асрда яратилган “Астрономия асослари” фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусида далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа олий таълим даргоҳларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган. Аҳмад Фарғонийнинг ютуқларидан бири унинг ўрта асрлардаги астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиққани, шунингдек, Нил дарёсида “ниломер” деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратгани бўлди.

Абу Райҳон Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди. Колумбдан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди.

Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида ғурур ва эҳтиром туйғуларини уйғотади. Илмий тадқиқотларини 16

ёшида бошлаган улуғ зот 450 дан ортиқ асар яратди. Уларнинг аксарияти тиббиёт ва фалсафа, шунингдек, мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, мусиқа, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишланган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фрэнсис Бэкон ва бошқа кўплаб олимлар унинг асарларини ўқиб, ҳайратга тушган.

Тиббиёт тарихида энг машҳур “Тиб қонунлари” фундаментал асари билан Ибн Сино кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усуллари асос солди. Бежиз эмаски, бу Европада XV асрда чоп этилган дастлабки китоблардан бири бўлган ва Европанинг етакчи университетларида қарийб 500 йил давомида тиббиёт илми айна шу асар асосида ўқитиб келинган.

X асрнинг қомусий алломаси Абу Наср Форобийни замондошлари, универсал билимларга эга бўлгани боис, “Шарқ Аристотели” деб аташган. У кўплаб фанларни илмий кашфиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий қарашларини ривожлантирди ва 160 дан ортиқ асар ёзди. Форобий асарларининг асосий қисми кўплаб Европа ва шарқ тилларига таржима қилинган.

Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг бутун бир авлоди ҳақида сўз юритар эканмиз, Амир Темур ва Темурийлар даври ҳақида эсламасдан ўтолмаймиз.

Амир Темурнинг набираси, Самарқандда 40 йил ҳукмдорлик қилган Мирзо Улуғбек астрономия соҳасидаги буюк аллома сифатида шуҳрат қозонган ва унинг номи ҳақли равишда Коперник, Жордано Бруно, Галилей ва бошқа улуғ илм-фан даҳолари қаторида тилга олинади. Мирзо Улуғбекнинг XV асрда тузган астрономия

жадвалида 1018 юлдузнинг жойлашуви баён қилинган бўлиб, бу асар астрономик ўлчовлар бўйича 16 аср давомида яратилган биринчи янги каталог эди.

Абу Абдуллоҳ Рудакий, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб буюк мутафаккирларнинг илмий-иждоий меросида донишмандлик ва борлиқ олами гуманистик англашнинг жуда улкан, битмас-туганмас хазинаси баён қилинган. Бу мерос ҳақиқатан ҳам жаҳон аҳамиятига молик бебаҳо бойлик ҳисобланади.

Биз юртимиздан илм-фан соҳасида етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтдик, холос. Бу рўйхат анча узун...

Шу ўринда тарихда йирик марказлашган давлат тузган, илм-фан, санъат ва адабиёт ривожига ҳомийлик қилган буюк давлат арбоби ва донишманд, мард ва шижоатли инсон Амир Темур бобомизнинг тарихий хизматлари ҳақида алоҳида ғурур билан таъкидлашни истардик.

Амир Темур икки дарё оралиғида яшовчи ва қўшни халқларни Чингизхон зулмидан озод қилиб, йирик марказлашган империя барпо этди. Темурийлар даврида илм-фан, санъат ва маданият ғурураб ривожланди.

Жуда катта ва кенг миқёсда ободончилик ҳамда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўл осойишта ва фаровон яшади. Бу даврни бежиз Повароуннахрнинг «олтин даври» дейишмайди.

Аммо Амир Темурдан сўнг бу ҳудудда парокандалик, тахт учун курашлар бошланиб кетди... Айниқса, XX аср бошларидаги Туркистон ҳудудидаги уч хонлик даврида мавжуд вазиятга кўра баҳо берилмади, хонлар ўз шахсий зур-ҳаловати, манфаатларини ўйлаб, халқни қулаштиролмади. Натижада улуғ ва қудратли юртимиз мустамлакага айланиб қолди...

Кечаги кун

Бугун ёши қирқдан ошган авлод истибдод нима эканини яхши билади. Ягона ҳукмрон мафкура тазйиқлари, пахта яккаҳокимлиги, она тилимиз, динимизнинг аҳволи, миллий қадриятларимизга муносабат, камситиш ва таҳқирлашлар ҳали халқимизнинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Улуғ алломаларимиз – Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Бобур ҳақида нималарни билардик? Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби улуғ шоир ва ёзувчиларимизни ўқимасдан вояга етди, бу авлод? Миллий байрамимиз – Наврўзни қандай нишонлардик?

– Мактаб ўқувчилари сентябрнинг илк кунлариданоқ пахта йиғим-теримига оммавий жалб қилинарди. Баъзи йиллари декабрнинг охири, Янги йил байрамига қадар далада қолиб кетган пайтларимиз бўлган. Кўклам бошланиши билан болалар яна дала ишларига чиқариларди, – дейди чироқчилик фахрий ўқитувчи Дўстмурод Ҳайдаров. – Дарсликлар ҳукмрон мафкура манфаатидан келиб чиқиб ёзилар, ўқувчиларнинг атоқли ёзувчи, шоирларимизнинг таржимаи ҳолига оид саволларига жавоб беролмай қийналардик. Ўша даврларда ёзилган бадий асарларга қўйилган талаблар-ку ҳеч бир қуюшқонга тўғри келмасди.

Биргина собиқ тузум давридаги она тилимизга муносабатни олиб қарайлик. Республика, вилоят миқёсидаги катта-катта йиғилишлар «улуғ оға» тилида олиб борилар, расмий ҳужжатлар, давлат идораларида ёзишмалар шу тилда юритиларди. Ўша йиллари аэропорт, темир йўл кассалари олдида билет ололмай, тўғрироғи, фикрини тушунтиролмай турган ёши улуғ отахону онахонларни кўп кўрганмиз. Марказдан келган вакиллар маҳаллий халқ тилини тушунмаса-да,

мажлисларда ота-бобоси миришкор ўтган инсонларга деҳқончилик, чорвачиликдан «сабоқ» берарди. Улар бир оғиз ўзбекча гапиролмаса-да, йиллар давомида раҳбарлик лавозимларида ишлашган.

Ёки миллий қадриятларимиз, диний маросимларга муносабатни эсланг. Наврўздек сеvimли ва ардоқли байрамимиз тақиқланганини айтмайсизми? Эгаллаб турган лавозимидан қўрқиб, қариндошларининг жанозасига қатнашмаган, миллий байрамларга эскилик сарқити сифатида қараган қанчадан-қанча инсонларни биламиз. Ўша пайтларда ҳужжатларда чиройли гаплар ёзилган бўлса-да, амалда инсоннинг виждон, эътиқод эркинлиги тақиқланган эди.

– Наврўз байрамини одамларимиз қўрқа-писа, яширинча нишонларди. Диний маросимлар, байрамларга, яқинларимизнинг маъракаларига юрак ҳовучлаб бориб-келардик, – дейди Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Садин Сафаров. – Ҳажга бориш, ҳаж зиёрати, ҳатто тушимизга ҳам кирмасди.

Миллий кадрларга, қобилиятли ёшларга муносабатда беписандлик, камситиш устувор эди. Айниқса, спорт, санъат, илм-фан, ҳарбий, қўйинги, барча соҳада бу нарса яққол кўзга ташланарди. Ўзбек йигитлари фақат қурилиш батальонларига ҳарбий хизматга олинарди...

Бахтиёр авлод

Чойхонадаги «гап»дан чиқиб, таксига ўтирдик. Ҳамроҳ ҳамкасбим машинага чиқиши билан 20-25 ёшлардаги ҳайдовчи йигитга гап ташлади:

– Тошкентни яхши биласанми, ука?

– Ҳа, дарсдан кейин ишлайман. Ҳарҳолда кунлик харажатим чиқиб турибди.

– Киров парки қаерда? – деди ҳамроҳим менга бир кўзини қисиб қўйиб.

Йигит жимиб қолди. Бир оздан сўнг хижолатнома илжайиб:

– Қаранг, шуни билмас эканман, – деди.

– Карл Маркс хиёбонини-чи?

Ҳайдовчидан садо чиқмади.

– Бутун шаҳарни биламан, дейсан-а? – ҳам-касбим ғолибона кулимсиради.

– Қўйинг, йигитни хиёлат чектирманг. Амакинг ҳазиллашяпти, – суҳбатга аралашдим мен. – Тошкентда бунақа манзиллар йўқ.

Ҳайдовчининг чиройи очилди. Ундан ёшини сўрадим.

Исмим Озод, 23 ёшдаман. 1991 йил 1 сентябрь куни туғилганман! – унинг овозида ўзгача ғурур бор эди.

Бу нимани билдиради? Бугунги ёшлар – бахтли авлод. Улар мустақилликнинг эркин насимидан баҳраманд бўлиб улғаймоқда. Улар бировга тобелик, мутелик нималигини тасаввур ҳам қилишолмайди. Бу авлоднинг қалби тоза, эзгу туйғуларга лиммо-лим, кўнгли яратувчилик, бунёдкорлик иштиёқи билан тўла. Бу ёшларни асраб-авайлашимиз, уларнинг эркин, мустақил фикрли инсонлар бўлиб улғайиши учун барча шароитни яратишимиз керак.

Бу йил халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлайди. Бугун қайси ҳудуд, шаҳар ёки қишлоққа борманг, улуғ айёмга қизғин тайёргарлик кўрилаётганининг устидан чиқасиз. Ўтган 23 йилда амалга оширилган ишлар кўлами шу қадар кенгки, уни икки-уч жумлада ифодалаб бўлмайди. Иқтисодий-ижтимоий, сиёсий соҳаларда қўлга киритилган ютуқларимиз жуда ҳам улкан. Ғалла, ёқилғи-энергетика мустақиллиги, автомобилсозлик саноати, таълим, тиббиёт, илм-фан, спорт ва санъатнинг ривожланиши, халқ турмуш шароитини яхшилаш борасида қилинаётган залворли ишлар... Буларнинг бари ҳар биримизда ғурур-ифтихор уйғотади.

Ислоҳотлар бераётган моддий натижалар масаланинг бир томони бўлса, унинг маънавий

самаралари иккинчи томонидир. Бунинглаш учун бугунги ёшлар – истиқлол фарзандлари билан бир дилдан суҳбатлашиб кўринг. Уларнинг дунёқараши, ўйлаётган ўйлари, ўзини ҳеч кимдан кам билмай, бағри бутун бўлиб ўсаётгани кўнглингизни ўстиради. Бундай ўз эътиқоди, дунёқараши, соғлом турмуш тарзига эга, комил инсон бўлиб улғаяётган йигит-қизлар Ватанимиз порлоқ келажагининг яратувчилари. Уларни асло енгиб, чалғитиб бўлмайди.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида Ватанга муҳаббат туйғуси ҳақида шундай ёзади:

«Албатта, жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улўф туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим.

Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин».

Ер юзида давлатлар, халқлару эл-элатлар кўп. Ҳар бирининг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари, қадриятлари мавжуд. Аслида дунё шу ранг-баранглиги билан гўзалдир.

Яқинда хорижий мамлакатлардан бирига хизмат сафарига бориб келган ҳамкасбим таассуротларини гапириб беради: «Албатта, улар биздан тараққиёт нуқтаи назаридан анча илгарилаб кетган. Компьютер технологиялари, ишлаб чиқариш юксак даражада дейиш мумкин. Аммо у давлатнинг пойтахтидаги энг шинам меҳмонхоналаридан бирида икки ҳафта яшаб, кун санаб ўтказдим. Таомларини ейолмадим. Шаҳарда

туманнинг қалинлигидан ҳаво етишмайди, осмон кўринмайди. Ўйладим: бу миллатнинг болалари қуёшни кўрмай вояга етишаркан-да. Одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳисоб-китобга асосланган. Меҳр-оқибат йўқ. Муҳаббат йўқ. Ишонасизми, менинг кўрганларимга таққосласак, биз жаннатда яшаётган эканмиз. Ҳар куни тушимга мевазор ҳовлимиз, шарқираб оқаётган зилол сувлар, меҳрли, самимий чехрали одамларимиз, ширин таомларимиз кириб чиқади денг».

Ҳамкасбимнинг кайфияти менга ҳам кўчади. Тилимга беихтиёр машҳур қўшиқдаги мисралар келади:

*Агар жаннат ерда бўлса,
устидадир Ўзбекистон!
Агар жаннат кўкда бўлса,
остидадир Ўзбекистон!*

2014 й.

КАРВОНИМИЗ ЁРУҒ МАНЗИЛЛАРНИ КЎЗЛАГАН

Эрталаб автобусга чиққанимда йўловчилар кўп эмас эди. Кейинги бекатларда салон гавжумлашди. Автобус «Шимолий вокзал» бекатига яқинлашганда, салон ўртарағида турганлардан бири русчалаб: «Автобусни тўхтатиб юборинг, бу ерда бир қизнинг мазаси қочиб қолди» деди баланд овозда. Автобус тўхтаб, ўрта эшик очилди. Баланд бўйли, ўрта ёшлардаги рус киши ёши 17-18 ёшлардаги ўзбек қизнинг қўлтиғидан ушлаб, пастга олиб тушди. Қиз ўзини билмасди. Олдинги эшикдан тушган чипта сотувчи аёл дарров югуриб бориб, эркакка ёрдамлашди. Қизнинг юзига сув сепди. Қиз бир ўзига келдию, оёғини босди. Автобусдаги яна бир-икки аёл чиптачига ёрдамлашиб, қизни олдинги эшикдан

олиб чиқишди. Мен ўрнимдан туриб, унга жой бўшатдим. Аммо қиз ўриндиққа ўтиролмади, яна ҳушидан кетди. Чиптачи аёл шофёрга: «Эшикни ёпмасдан юринг» деди. Ҳайдовчи машинани секин ҳайдаб, олдинги эшикни ёпмасдан бир бекат юрди. Ҳамма бу қизни нима қилиш, қандай ёрдам бериш ҳақида ўйларди. Кимдир «валидол» узатди. Кимдир «Яна юзига сув сепинг, сув ичиринг», дея маслаҳат берди.

– Сумкасидан телефонини олиб, ота-онасига телефон қилиш керак, – деди биров. Аёллардан бири қизнинг сумкасидан телефонини олиб, телефон хотирасидаги «дадам» деган рақамга қўнғироқ қилди.

– Йўлимизда поликлиника бор. Ўша ерга ташлаб кетиш керак, – деди йўловчилардан бири.

– Унгача ҳали анча бор. Мен эшикни ёпмасдан юролмайман. Йўлда ДАН назоратчиси турибди, – деди шофёр.

– Майли. эшикни ёпақолинг, биз қизни ушлаб турамиз, – деди аёллардан бири.

Уч-тўрт бекатдан сўнг автобус поликлиника рўпарасига тўхтади. Чипта сотувчи аёл югуриб шифохонага кириб кетди ва ҳамшира қизларни бошлаб келди. Ҳамширалар қизни суяб олиб кетишди. Қизнинг дадасининг рақамини ёзиб олган йигит ўз телефонида яна унга телефон қилди.

– Қизингизни 37-автобуснинг йўлидаги поликлиникада қолдирдик. Тез хабар олинг.

Автобус ўрнимдан жилди. Ҳамма енгил нафас олди: «Бечора қиз, балки юраги оғрир, балки иссиққа шунчаки лоҳас бўлгандир».

Ўз бекатимда автобусдан тушарканман, чиптачи аёлга миннатдорчилик нигоҳи билан боқиб, «Сизга раҳмат» дедим ва унинг исми-шарифини сўрадим. У ажабланди ва кейин жилмайиб «Юля», деди. Бу аёлнинг автобусга чиқиб, чипта олаётганимда саломлашгани, ҳар бир кишига ши-

рин муомала қилгани менга ёққан ва ўз ишини сидқидилдан бажараркан, дея ўйлагандим. Кейин нотаниш қизнинг мазаси қочиб қолганда қанчалик жон куйдиргани, ташвишлангани фикримни тасдиқлади. У ўз ишини яхши кўрадиган, кўнгли очик, самимий, куюнчак ватандошларимиздан бири эди.

Бу оддийгина воқеадан қаттиқ таъсирландим. Эътибор қилсангиз: автобусдаги ҳар бир йўловчи оддий инсонийлик туйғуси билан қизга ёрдамга шошилди. У ерда ҳеч ким бу ўзбек, бу рус, бу татар, бу бошқа миллат вакили деб ўйламади. «Бир қиз тоби қочиб, ҳушидан кетибди. Унга ёрдам бериш керак». Ҳамманинг кўнглидан кечгани шу ўй эди. Бу эса оддий инсоний туйғу, инсоний ҳолат эди.

Ҳаяжонимнинг яна бир боиси, ижтимоий тармоқларда кейинги пайтларда кўпайиб қолган фиску фасод гаплар, замирида миллатларни бир-бирига гиж-гижлашга ундаш ётган чорловлар кишини ўйга толдиради, асабингни кўзғайди.

Булар ғирт туҳмат, халқларимиз ўртасидаги неча йиллик ўзаро дўстлик алоқаларига раҳна солувчи бузғунчи фикр, фитнадан бошқа нарса эмас. Тўғри, Ўзбекистонда муаммолар, балки камчиликлар ҳам бордир. Аммо ўзбек халқига миллатчи деб ҳеч ким айб қўёлмайди.

Мен Тошкентда ўқиганман ва айна пайтда шу азим шаҳарда яшайпман. Бу ерда бошқа миллат вакилларига нисбатан биронта нотўғри ҳаракат, ғаламисликни ҳаётимда бирон марта сезмаганман, кўрмаганман. Аксинча, уларга бизнинг меҳримиз, ҳурматимиз бўлакча. Даврада бир киши рус тилида гапирса, ҳаммамиз «тутилиб» бўлса-да, шу тилда гапиришга ҳаракат қиламиз.

Юқорида ҳикоя қилганим – автобусдаги воқеа эса Ўзбекистондаги турли миллат вакиллари аҳилиноқ, тинч-тотув, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаётганининг бир намунаси.

Ўзбекларда бир ажойиб мақол бор: «Ит ҳурар,

карвон ўтар». Ижтимоий тармоқлардаги фаол айрим «дўст»ларга бу нақлни яна бир эслатгим келди ва унга шундай қўшимча қилишни истадим: Бизнинг карвонимиз ёруғ манзилларни кўзлаган. Насиб қилса, мақсад-муддаомизга, албатта, етамиз. Яхшиси, сиз бизга халақит берманг!

КИТОБ – МЎЪЖИЗА

(Очерк)

Эски дўст

Уч-тўрт йил бурун айрим сабабларга кўра, бир неча кун кайфиятим бузилди. Қон босимим кўтарилиб, тунда яхши ухлолмайдиган бўлдим. Вужудимни тушкунлик қоплади. Ўзимни чалғитиш учун улфатлар давраларига бордим. Кўнгилга яқин кишилар билан суҳбатлар қурдим. Бу нарсалар вақтинча хушнудлик бахш этиб, бир оз таскин берса-да, бироқ умумий тушкун кайфиятдан холос қилмади.

Шунда тасодифан кўлимга бир китоб тушиб қолди. Вақт ўтказиш, тушкун кайфиятдан қутулиш учун китобни ўқий бошладим. Бир неча саҳифадан сўнг асардаги қаҳрамонлар ҳаётига, тақдирига қизиқиб, уни қандай тугатганимни билмай қолибман. Кейин бошқасини ўқишга тушдим. Уйқум ҳам, қон босимим ҳам меъёрига келди. Энг муҳими, кайфиятим яхшиланди. Бадиий асарнинг инсон руҳий дунёсига берадиган беқиёс ҳузурини яна бир бор ҳис қилдим. Кўп вақтдан буён бадиий китоб ўқимай қўйганим, бу эски дўстимни унутганимга иқрор бўлдим. Ўзимдан-ўзим ранжидим.

Шундан сўнг тез-тез китоб дўконларини айланадиган бўлдим. Кутубхонага бордим. Ёшликда ўқиган китобларимдан уч-тўрттасини «мазза қилиб» қайта ўқидим.

...Ўқувчилик давримизда қишлоғимизнинг бир

чеккасидаги кўримсиз, эски бинода мўъжазгина кутубхона бўларди. Биз мактабдан чиққач, энг кўп борадиган манзилимиз шу жой эди. Кутубхонадаги барча китобларни ўқиб чиққан бўлсак-да, яна қайтадан мутолаа қилишдан эринмасдик. Албатта, бадий китоблар етишмасди. Янги келган китоблар кўлдан-кўлга ўтиб ўқиларди. Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти, жаҳон ёзувчилари ижоди билан биз қишлоғимизнинг шу кичик кутубхонасида танишганмиз. Қишлоғимиз туман марказидан анча узоқда. Гоҳ-гоҳ марказга борганимизда, биринчи навбатда, китоб дўконларига кирар ва, албатта, беш-ўнта китоб олиб қайтардик.

Китоб ўқимайдиган мутахассис

Бир куни ҳамкасблар кейинги пайтларда одамларнинг китоб ўқимай қўйганлиги, маза-матрасиз кинолар кўпайиб кетаётганлиги ҳақида суҳбатлашиб қолдик. Қўшни таҳририятга яқинда ишга келган ёш журналист йигит бизнинг суҳбатимиздан зерикди, шекилли:

– Ҳозир китоб ўқиш шарт эмас! – деди беписанд оҳангда.

– Нега? – бараварига ажабланиб сўрадик.

– Масалан, мана мен умримда иккита китоб ўқиганман, холос. Аммо тенгқурларимнинг ҳаммасидан зўрман: машинам бор, уйим бор, Тошкентда ишга қолдим.

– Қанақа китоблар ўқигансиз? – кинояли сўради даврадагилардан бири.

– «Сариқ девни миниб»... – муаллифини эслолмади у.

– Иккинчиси? – ёш ҳамкасбимиз бошини қашлади. Бир оздан сўнг:

– Ёдимга тушмади, – деди пинагини ҳам бузмай.

Устимдан кимдир бир пақир совуқ сув қуйиб юборгандай музлаб кетдим. Юрагимда оғриқ сездим.

Шу суҳбатдан сўнг баъзи бир ёш ҳамкасбларимнинг қуруқ, ҳиссиз, расмий ҳисобот тарзидаги «услуг»лари сирини англагандай бўлдим. Бадий китоб ўқимайдиган бундай мутахассисларнинг аҳволига ачинаман.

Ўқиш ва ёзиш завқи

Инсон ҳавосиз, сувсиз, нонсиз яшай олмаганидек, китобсиз ҳам умр кечиролмайди. Бадий адабиётнинг инсон маънавий дунёсига таъсири бениҳоя катта. Адабиёт қалбни тарбиялайди. Адабиётга ошно инсоннинг дили меҳр-муҳаббатга тўлиқ бўлади. Адабиёт инсонни курашга, юксак мақсадлар билан яшашга, халқпарвар, ватанпарвар бўлишга ундайди, бунёдкорлик, яратувчиликка даъват этади. Гоҳо давраларда бугунги ёшлар ҳақида гап кетиб, улардан нолиш бошланганда, мен ёшларнинг биздан устун жиҳатларига эътиборни қаратаман. Улар компьютерни яхши билади, хорижий тилларни ўзлаштирган... Спорт ва санъат, илм-фан соҳасида фарзандларимиз эришаётган муваффақиятлардан ғурурланамиз. Бироқ, назаримда, бадий асар ўқиш, китобхонлик масаласи сал камайгандай туюлади.

Бунинг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Шулардан бири кино, телевидение, компьютернинг ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаганидир. Қўлимиз бўш бўлди дегунча, телевизор мурватини бураймиз. Уйқудан тургач, то ишга кетгунча, ишдан қайтиб, то уйқуга ётгунча эрмагимиз телеэкран. Ишхонада эса уззукун тикилганимиз компьютер. Ёш болаларни айтмасизми, мактабдан келибоқ компьютер олдиға ўтиради. На овқат ейди, на сув ичади, билгани компьютер ўйинлари.

Тўғри, телевидение, компьютер инсоният яратган энг катта мўъжизалардан бири. Аммо бу воситаларнинг ижобий томонлари билан бирга

салбий жиҳатлари ҳам борлигини асло ёддан чиқармайлик. Гоҳида хизмат юзасидан турли идораларга кирганимизда пўрим кийинган, тили бийрон йигит-қизларнинг она тилида икки жумлани бир-бирига қўшолмай, ярим варақ хатни ёза олмай терга ботиб ўтирганини кўрамиз. Шунда бадий асар ўқимайдиган мутахассиснинг фожиаси негизини англагандай бўламан. Китоб ўқувчига беқиёс маънавий завқ бериш билан бирга, унда ёзма нутқ кўникмасини шакллантиради. Ёзиш инсонга берадиган ҳузур эса китоб ўқилганда туйилган маънавий ҳузурдан бир неча баробар ортиқдир. Сўзнинг маъносини, товланишларини, оҳангини, рангини, қудратини ҳис қилган одам нафақат билимли, саводли, балки жамиятга керакли кишидир. У Ватан равнақига жуда катта ҳисса қўшиши мумкин ва бундай инсоннинг элга нафи кўпроқ тегади.

Кутубхона қурган муаллим

Ўз маблағи ҳисобига кутубхона қурган отахон ҳақида эшитганимда, кўпчилик қатори мени ҳам бир оз ажабланиш, бир оз ҳайратланиш туйғулари қамраб олди. Бу одам билан танишиш, кутубхонасини кўриш истаги пайдо бўлди. Суриштирсам, у кишини нафақат Қашқадарёда, балки бутун мамлакатимизда кўпчилик зиёлилар яхши билишар, бу маънавият жонкуяри ҳақида қатор оммавий ахборот воситаларида мақолалар ҳам чоп этилган экан.

Бугун шаҳару қишлоқларимизда ҳар қадамда қад ростлаб турган бири биридан кўркам тўйхонаю чойхоналар, савдо дўконларию аҳолига турли хил хизмат кўрсатиш шохобчаларини кўриб кўзингиз қувнайди. Булар мустақиллик берган шароит ва имкониятлар туфайли халқимизнинг турмуши кун сайин фаровонлашиб бораётганидан бир нишонадир. Хўш, оддий қишлоқ муаллими Холбой Хонкулов нега ҳар куни фойда келиб

турадиган савдо дўкони, тўйхона ёки ошхона эмас, айнан кутубхона қурди?

– Болалигимдан китобга меҳр қўйдим. Шу меҳр, ҳавас туфайли Тошкентда ўқиб, олий маълумот олдим. Бутун умр мактабда ўзбек тили ва адабиётидан ёшларга сабоқ бердим. Уларда китобга, илм-фанга меҳр уйғотишга ҳаракат қилдим. Ўқувчиларимни яхши инсон, малакали мутахассис бўлиб эл-юртимизга хизмат қилишга даъват этдим, – дейди отахон. – Нафақага чиққач, бундай қарасам, уйимда бир дунё китоб йиғилиб қолибди. Ўзим йиллар давомида сотиб олганман, фарзандлар олиб келишган. Булардан одамлар баҳраманд бўлсин, дедим. Ўғил-қизларимни йиғиб, уларга маслаҳат солдим. Фарзандларим ниятимни маъқуллашди. Касби тумани ҳокимлиги раҳбарлари оиламиз ташаббусини қўллаб-қувватлаб, кутубхона қуриш учун ер ажратиб беришди. Баъзилар ўзи бир оддий муаллим бўлсангиз, пулни қаердан олдингиз, дея сўрашади мендан. Томорқамиз кенг-мўлгина. Каттагина боғимиз, чорвамиз бор. Шуларнинг даромадидан жамғариб қўйган пулим бор эди. Камига банкдан кредит олдик. Фарзандларим, ҳамқишлоқлар ҳам қараб туришмади...

Қатағон қишлоғида ўн мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Иккита умумтаълим мактаби, иккита қишлоқ врачлик пункти бор. Холбой отанинг кутубхонаси ҳамиша мактаб, коллеж ўқувчилари, китобхонлар билан гавжум. Мўъжазгина кутубхона 20 мингдан зиёд китоб фондига эга. Бу ерда ижтимоий-сиёсий адабиётлар, илм-фанга оид ўқув қўлланмалари, бадий адабиётлар ва болалар учун китоблар тартиб билан жавонларга териб қўйилган. Ўқув зали замонавий мебеллар, иситиш ва совутиш ускуналари билан жиҳозланган. Уч дона компьютер ўқувчилар ихтиёрида. Баъзи китобларнинг электрон шакллари ҳам мавжуд.

Кутубхона фонди йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Чунки ўқитувчилар, журналистлар, нашриётлар бу мўъжаз маърифат масканига тез-тез китоблар совға қилишади. Ёзувчи ва шоирлар янги чоп этилган асарларидан намуналар жўнатиб туришади.

Бир куни вилоят марказидан бир одам келди. Кутубхонадаги китобларни санаб, бугунги баҳода нархлаб, ҳисоб-китоб қилиб чиқди. Сўнгра Холбой отага таклиф қилди: фалон миллион сўм бераман, китобларингизни менга сотинг, бойиб кетасиз, отахон, деди. Балки у бир олибсотардир, балки муаллимнинг ўзига ўхшаган китоб “жинни”сидир. Аммо Холбой ота кўп ўйлаб ўтирмай, уни зиё масканидан ҳайдаб чиқарди.

“Ўзингиз ўйланг, Президентимиз маънавият, маърифатга қандай юксак даражада эътибор бераяптилар. Шундай пайтда биз – ўқитувчилар, зиёлилар у кишига камарбаста бўлиб, баҳолу қудрат қўлимиздан келгунча ёрдамлашсак, юртимиз янада обод бўлиб, халқимиз фаровон яшайди-ку! Ахир, бугун озод Ватанимиз эришаётган муваффақиятлар замирида илм-фан, маънавият ва маърифат турибди-ку!” дейди Х.Хонкулов.

– Кутубхонага тез-тез кириб тураман, – дейди Қатағон қишлоқ врачлик пункти шифокори Нурали Очилов. – Бу ерда Президентимизнинг асарлари, Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг барча жилдлари, марказий газеталар тахламлари, илм-фан, тарихимизга, замонавий тиббиётга оид китобларни ҳам топиш мумкин. Биз шундай фидойи, жонкуяр, китобсевар ҳамқишлоғимиз борлиги билан фахрланамиз!

Кутубхона 2010 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Холбой ота Хонкуловнинг эзгу ниятлари кўп. Ўзи бош бўлиб қураётган икки қаватли “Ёшлар маркази” биноси ишга тушгач, бу ерда ёшлар учун ҳар хил тўғараклар фаолиятини йўлга қўйишни мўлжаллаган.

Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида шундай ёзади: “Халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуғ туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади”.

Қашқадарёнинг олис бир қишлоғида бутун умр йиққан-терганига кутубхона қуриб, одамларга зиё, маърифат тарқатаётган оддий муаллим, жонкуяр инсоннинг маънавий жасорати ана шу фикрларнинг амалий исботи бўлиб кўринади бизга.

2014 й

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

*ёки хусусий мулкнинг афзалликлари
ҳақида*

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирларида Қарши шаҳрида биринчилардан бўлиб тадбиркорлик фаолиятини бошлаган раҳматли Назира Шодмонова Эски шаҳар ҳудудида замонавий дўкон очганида кўпчилик ҳайратга тушганди. Чунки ўша йиллари давлатга қарашли бўлмаган, бир жисмоний шахсга тегишли хусусий дўконнинг бўлишини одамлар тасаввурига сиғдиролмасди. Зеро, ҳамма нарса давлатники бўлиб, хусусий мулк ҳақидаги тушунчалар энди шаклланаётган, хусусийлаштириш бўйича дастлабки қадамлар қўйилаётган эди.

Назира опанинг “Саодат” деб номланган бир қаватли, ойнаванд дўконида рўзғор учун керакли ҳамма нарса – гугурт, ҳар хил совунлар, тиш чўткаси ва пастаси, кийим-бошлар, матолар, атир-упалар, қўйингки, инсоннинг эҳтиёжига зарур барча буюмлар муҳайё бўлиб, бозорларда,

давлатга қарашли дўконларда эса бу нарсаларни топиш мушкулроқ, тақчил эди. Қишлоқлардан одамлар “Саодат” дўконини томоша қилиш, нарса олмаса-да, бир кўзини тўйдириш, қувнатиш учун шаҳарга тушганларини биламан.

Доимо, ҳамма даврларда биринчиларга қийин бўлган. Назира опа Шодмонова ҳам маҳаллий амалдорлар билан талашиб-тортишиб, ҳатто судлашиб юрганларини кўп бор кўрганман.

Истиқлол туфайли мамлакатимизда кенг миқёсда ислохотлар бошлангач, Назира Шодмонованинг ишлари ҳам юришиб кетди. Меҳмонхона, ресторан, тўйхона ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларидан иборат йирик савдо мажмуи барпо этди. Бугун онасининг ишини фарзандлари, келинлари давом эттиришмоқда. Айни пайтда ҳам “Меҳриёна” савдо мажмуи Қарши шаҳрининг ҳуснига кўрк бериб турган ҳашаматли иморатлардан ҳисобланади.

Ҳа, бир тадбиркор, ишбилармон инсон аёл боши билан фарзандлари, набиралари, авлодлари учун моддий бир замин, имконият яратиб кетди. Энди бу мулк унинг бутун авлодига хизмат қилади. Эплаб ишлатса, уларга кўп йиллар давомида ризқ-насиба беради.

Менинг катта бувам қишлоғимизнинг бой одамларидан бири бўлган. Отамнинг айтишларича, у киши ёшлигида бир бойникида мол боқиб, меҳнат ҳақиға олган уч-тўртта қўй-эчкини кўпайтириб, бойиб кетган экан. Советлар колхозлаштириш даврида бувамини қулоқ қилиб, мингдан зиёд қўй-эчкисини тортиб олган. Унинг фарзандлари узоқ йиллар таъқибу камситиш, тазйиқларга дучор бўлишган. Чунки ўша даврда ҳокимият, давлат большевиклар бошлиқ бир гуруҳ пролетариатлар, яъни ҳеч қандай мулки йўқ, ҳеч нарсадан кўрқмайдиган ялангоёқлар қўлига ўтган эди.

Собиқ коммунистик мафкура йиллар даво-

мида бизни бойликдан ҳазар қилиш руҳида тарбиялади. Ҳатто совет даври эртакларида ҳам бой одам салбий образ, камбағал ижобий қаҳрамон сифатида талқин қилинарди. Мулки бор одамлар қатағон қилинди, таъқибга учради. Ахир ҳар бир инсон дунёга бир марта келади ва унинг яхши яшашга интилиши мутлақо табиий туйғу-ку! Замонанинг эврилишини қаранг: агар ҳозир бувам ҳаёт бўлганида, давримизнинг энг яхши тадбиркор, ишбилармон одамларидан бири сифатида қадрланар, ҳурмат топарди.

Мустақиллик туфайли халқимизнинг онги ва тафаккурида беқиёс ўзгаришлар содир бўлди. Бугун одамларимиз яхши яшашга, мулкдор бўлишга интилаяпти. Мамлакатимизда янги табақа – мулкдорлар синфи шаклланди, тадбиркорлар, ишбилармонлар – ҳақиқий бойлар пайдо бўлди. Юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларини кезсангиз, бўлаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишларидан кўнглингиз ўсади, кўзингиз қувонади. Албатта, коллежлар, мактаблар, шифохоналар ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари қурилишига давлатимиз катта маблағ ажратаяпти. Аммо тадбиркорларимизнинг маблағи ҳисобига барпо этилаётган аҳолига хизмат кўрсатиш биноларини айтмайсизми? Улар шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўркидир.

Келинг, мулкдорлик ҳисси, мулк, бойликнинг инсон руҳиятига таъсири, афзалликлари ҳақида бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Бир дўстимнинг уйи, машинаси, дала ҳовлиси, дўкони, еру чорбоғи бор. Буларнинг ҳаммасига ўзининг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги эвазига эришган. У билан гоҳ-гоҳ кўришиб турамиз. Суҳбатидан яйрайсиз: ниҳоятда сезгир, кўнглингизга, кайфиятингизга қараб муомала қилади. Тилидан “шукроналик” тушмайди. Астойдил, қаттиқ ишлайди ва яхши топади. Муҳими, дам олишни ҳам

билади. Орзулари, ниятлари бисёр. Бизнесини ривожлантириб, йирик меҳмонхона ва ресторан қурмоқчи. Унинг бўш вақти йўқ. Тиним билмайди. Доимо йўлда ёки ишда бўлади. “Қулдай ишла, бекдай яша” деган иборани такрорлашни яхши кўради.

Яна бир синфдошим бор. Мактабни битиргандан буён бирон жойда ёлчитиб ишламади. Тиббиёт институтига ўқишга кирувди. Қийин экан, деб ташлаб кетди. Кейин икки-уч идорада қисқа муддат ишлади. Бировини маошини ўз вақтида бермас экан, бошқа бировини иши кўп экан, деб ташлади. Хорижга ишга бориб келди. Бўлмади. Яқин ўн йиллардан буён ишламайди. Қишлоққа борсам йўл четида бекорчилар билан қарта ўйнаб ўтирганини кўраман. Бир неча боласи бор. Ночор яшайди, хотини ва болаларининг нафақасига кун кўради. Гаплашсангиз, ҳаммадан, атрофдагилардан, жамиятдан, тақдиридан нолийди. Кўнглида ҳаётда ўз йўлини топиб кетган омадли инсонлар, мулкдорларга нисбатан ҳасад яширинган.

Юқоридаги икки инсон ҳаёти мисолидан ҳам кўриниб турибдики, жамият аъзоларининг озми-кўпми мулкдор бўлиши ўша жамият учун ҳам, инсоннинг ўзи, оиласи учун ҳам ижобий ҳолдир. Аҳолиси, халқи бой давлат, жамият қудратлидир ва бундай юртда тинчлик-барқарорликни хоҳловчилар кўп бўлади ва яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари янада кўпроқ амалга оширилади.

Мамлакатимиз мустақил бўлгач, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, давлат мулки хусусийлаштирилиб, хусусий қўлларга топширилди. Бу ўзининг ижобий самараларини бераётганлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Биргина қишлоқ хўжалиги соҳасини олайлик. Илгариги колхоз, совхозлар ўрнига фермер хўжаликлари ташкил этилди. Колхоз, совхоз жамоа ёки давлат мулки

ҳисобланар, бу мулкнинг талон-тарож қилиниши ёки камайишига кўпчилик эътиборсиз қарар, лоқайдлик ҳукмрон эди. Фермер хўжаликлари эса мутлақо хусусий мулкдир ва уни асраб-авайлаб сақлаш, кўпайтиришдан фермер манфаатдордир.

Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида яшайдиган фермер опа Майна Қурбоновани кўп йиллардан буён танийман. Майна опа совхозда бригадир, бўлим бошлиғи, раис ўринбосари каби турли лавозимларда ишлаган. Адолатпарварлиги, тўғрисиўзлиги туфайли доимо раҳбарлар билан тортишиб, баҳслашиб юрарди. Опани ниҳоятда ранжиган, асабий ҳолларда кўп кўрганман. Касбим тақозосига кўра, у кишини ҳимоя қилиб, мақолалар ёзганман.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бошлангач, Майна опа биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этди. Бугун Майна опа Қурбонова тумандаги энг бой-бадавлат фермерлардан бири. Ҳамма нарсаси – данғиллама уйи, машинаси, халқона айтганда тўрт-беш сўм жамғармаси бор. Ҳукуматимиз у кишининг кўп йиллик меҳнатларини ҳисобга олиб, “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирлаган.

Биргина Майна опа Қурбонованинг ҳаёти, тақдири мисолида ҳам хусусий мулкнинг афзалликлари, мулкдор бўлишнинг яхши томонларини кўриш мумкин.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг бир бўлаги сифатида тараққиётнинг ўзимизга хос ва мос модели асосида ривожланган давлатлар йўлидан бормоқда. Бу йўл – тараққиёт, фаровонлик йўлидир. Шунинг учун ҳам республикаимизда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилди, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилмоқда. Зеро, мамлакатда мулкдорлар синфи кўпайиши керак. Халқи бой ва

бадавлат, обод ва фаровон юрт кудратли бўлади. Бундай давлатда яшаётган фуқаролар ҳам шакшубҳасиз бахтиёр бўлади. Шундай экан, келинг, бой бўлишга, мулкдор бўлишга ҳаракат қилайлик! Чунки, бойлик куч-қудрат ва имкониятдир.

2012 й.

НАВҚИРОН ЙИГИТДЕК БАҚУВВАТ, ОҚИЛА ҚИЗ КАБИ ГЎЗАЛ...

Йигирма икки йил! Тарих учун бу жуда қисқа муддат. Инсон ҳаётида эса бу катта давр. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида туғилганлар бугун навқирон йигит-қизлар бўлиб етишди. Хўш, йигирма икки ёшли навқирон инсоннинг кўнглини нима ўй-хаёллар банд қилади? Албатта, аввало, бир дунё орзу-ҳавас – ўқиш, ишлаш, етук мутахассис бўлиб, жамиятда ўз ўрнини эгаллаш, яратувчанлик иштиёқи!

Бизнинг жонажон Ватанимиз бу йил 22 ёшга тўлаяпти. Юртимиз ҳам худди йигирма икки ёшли йигит каби бақувват, кучга тўлган, шу ёшдаги қиз каби гўзал, тароватлидир. Болажон халқимиз яхши билади: инсон боласининг вояга етиши жуда мураккаб жараён. Гўдакнинг тетапоя бўлиб юриши, тили чиқиши, ота-онасини, бува-момосини, атроф-муҳитни таниши, ўқишни, ёзишни ўрганиши, мактабга бориши – хуллас, ақлли, билимли, одобли – жисмонан соғлом ва маънан комил инсон бўлиб камолга етиши учун қанча меҳнат, эътибор, ғамхўрлик, ота-онасидан, тарбиячию устозларидан қанча заҳмат, матонат, сабр-тоқат талаб қилинади. Бир парча эт навқирон, кўркем йигит ёки қизга айланиши учун неча марталаб суринади, йиқилади – бош-кўзи, қош-қабоғи ғурра бўлади. Бироқ улғайгач, ҳаммаси унутилади, гўё у бир юмалаб катта одам бўлиб қолгандай.

Менинг назаримда, давлат ҳам худди шундай. Бугун мамлакатимизни дунё тан олди. Халқ таълими, илм-фан, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқларимизни жаҳон эътироф этмоқда, тан бермоқда. Бироқ кимларнингдир назарида биз ривожланиш, тараққиётнинг бугунги даражасига жуда осонлик билан эришганга ўхшаймиз.

Келинг, ортга, яқин ўтмишимизга бир боқиб, ёш давлатимиз не-не мураккаб ҳолатларни бошидан кечирганлигини ёдга олайлик. Одатда инсон яхши кунларида, байрамларда қийинчиликда ўтган даврларини эслаб қўйса, асло зиён қилмайди.

Бундан йигирма йиллар олдин одамларнинг дўконларда нон, ёғ, шакар каби инсон эҳтиёжи учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини навбатда туриб, рўйхат асосида олганини бир эсланг. Ёки серфарзанд ўзбек хонадонларининг уч-тўрт сотихли ҳовлида тўрт-беш оила қисилиб, ноқулай шароитларда яшаганини ҳали халқимиз унутгани йўқ.

Ўша йиллари Юртбошимизнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимизда 2,5 миллион оилага 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани, айтиш мумкинки, ижтимоий муаммолар гирдобиди, жар ёқасида турган мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда дадил қадам бўлди. Одамлар дунёда адолат ва ҳақиқат борлигига ишонди, Ўзбекистоннинг янги раҳбари изидан эргашди. Кўп ўтмай давлатимиз ўз ғалла мустақиллигини таъминлади. Кейин нефть-газ, электр энергияси, автомобиль соҳаларида мустақиллик қўлга киритилди. Қўйингки, бугун мамлакатимиз дунё ичра ўз ўрнига эга, тенглар ичра тенг. Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!

Истиқлол йилларида миллий қадриятларимизни тиклашга жиддий эътибор қаратил-

ди. Биз давр сиёсатидан кўрқиб, ўз отасининг жанозасида қатнашмаган айрим раҳбарлар ҳақида яхши биламиз. Наврўздеқ элимизнинг суюкли ва ардоқли айёми, миллий байрамимизга отилган таънаю тошларни зиёлиларимиз ҳамон унутишгани йўқ. Агар истиқлол қўлга кири-тилмаганида халқимизнинг миллий қадриятлари, муқаддас динимизга, урф-одатларимизга муносабат қай аҳволда бўларди, буни ҳатто тасаввур этиш ҳам қийин.

Босиб ўтилган йигирма икки йил мобайнида энг муҳими, одамларнинг дунёқараши, руҳий дунёси – маънавиятида катта ўзгаришлар юз берди. Буни билмоқчи, англамоқчи бўлсангиз, ёшлар билан суҳбат қуринг, шунда уларнинг фикрлаш тарзидаги эркинлик, ҳурликни кўриб, орзу-ўйларини тинглаб ҳайратланасиз. Улар ривожланган дунёга – озод ва эркин ҳаётга интилаяптилар. Ҳа, биз ривожланган жаҳон ҳамжамиятига ўзимизга хос ва мос йўл – ўз миллий қадриятларимизни сақлаб, ривожлантирган, шарқона одоб-ахлоқ, бой маданий меросимизни ардоқлаган, бойитган ҳолда гўзал маънавият ила кириб бораяпмиз. Бугун жаҳон янги – мустақил Ўзбекистонни таниб, билиб, кўриб турибди!

Бугун юртимизнинг қайси бурчагига борманг, ажойиб бунёдкорлик, яратувчанлик, ободончилик ишларини кўриб, кўзингиз қувнайди, дилингиз яйрайди.

Мен тез-тез кекса ота-онамни кўргани олис Қашқадарёнинг Кўкдаласига бориб тураман. Болалигим, ўсмирлик йилларим шу қишлоқда ўтган. Ота-бобоси қиру адирликларда от чоптириб, кураш тушган, чорвадор ўтган бу элнинг фарзандлари илгари уйи олдига бир туп кўчат экишга ҳам ҳафсала қилишмаган. Бугун Кўкдалага бир боринг. У Ўзбекистоннинг энг гўзал, обод ва сўлим қишлоқларидан бирига айланган.

Истиқлол туфайли кўкдалаликлар деҳқончиликда республикамизнинг кўп минтақаларини ортида қолдириб кетишгани рост. Улар плёнка остига тарвуз ва бодринг кўчатларини экиб, эртаги маҳсулот етиштиришнинг сир-асрорини пухта эгаллашди. Айни кунларда Тошкент ва бошқа катта шаҳарлардаги бозорларда сотилаётган тарвуз ва бодринг маҳсулотлари айни Чироқчида етиштирилган, десам, ишонаверинг. Бу ҳам истиқлол берган имконият, қулайлик, эркинликнинг бир мисоли эмасми, биродар?!

Ўтган ҳафта республикамиз оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Ушбу қарор асосида юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида энг улуғ, энг азиз байрамимизга тараддуд юмушлари бошланиб кетди. Одатда катта тўй олдидан ҳовли-жой, кўча-кўй ободонлаштирилиб, янгиланади. Зеро, обод уйга тўйлар ярашади, фаровон юртга байрамлар муносиб!

Халқимизнинг бу катта тўйи – Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига энг ажойиб тўёна – бу шу азиз Ватанга фидойи фарзанд бўлиш, меҳнаткаш ва меҳмондўст халқимизга садоқат-ла хизмат қилиш. Бу муқаддас туйғулар Сизни асло тарк этмасин, азиз юртдошлар!

2013 й.

ЧИРОҚЧИНИНГ ЧИРОҚЛИ ЙИГИТИ

Кулман билан бир қишлоқда туғилганмиз. Болалигимиз бирга ўтди. Бир мактабда олдин-ма-кетин ўқидик. Қишлоғимизнинг Дўстмурод Ҳайдаров, Рустам Усанов каби фидойи муаллимлари кўнглимизда адабиётга меҳр уйғотди. Мактабимиз ва қишлоғимиз кутубхоналаридаги бадий китобларни алмашиб, талашиб-тортишиб ўқидик. Ёзган иншоларимизни, қизларга хатларимизни дастлаб бир-биримизга кўрсатдик. Мактаб деворий газетасига, туман, сўнг вилоят газеталарига баслашиб мақолалар ёздик. Биринчи машқларимиз матбуотга чиққанида илк ҳаяжонларимизни баҳам кўрдик.

Яна қайси бирини айтай?!

Ошнамиз 1974 йили Чироқчи туманининг Кўкдала қишлоғидаги ўрта мактабни битириб, Тошкент давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетига ҳужжат топширди. Биринчи йили омади чопмади. Қишлоққа қайтиб боришга юзи чидамай, Тошкентда қолиб, қурилишда ишлади. Бетон қўйди, ғишт терди... Кейинги йили кечки бўлимга ўқишга кирди. Кундузи ишлаб, кечқурун ўқиди. Ҳарбий хизматга ҳам бориб келди.

Унинг журналистикадаги фаолияти «Бир сафда» журналидан бошланган. Кейин «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасига ўтди. Ёшлар газетасида бош муҳаррир ўринбосари бўлди. «Муштум» журналида ишлади. «Оила ва жамият» газетасини ташкил этди.

Кулман Очилов қарийб қирқ йил умрини матбуотимиз ривожига бағишлади. Ёниб-куйиб ишлади. Бутун меҳрини бериб мақолалар ёзди.

Унинг ўша йилларда эълон қилинган қатор очерклари, халқимизнинг Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Саид Аҳмад, Эркин Аъзам каби атоқли зиёлилари билан суҳбатларини бугун ўқисангиз ҳам худди ҳозир ёзилгандек таассурот уйғотади. Фикрлар, гаплар эскирмаган. Бунинг сабаби маҳоратда, сатрларга синган қалб ҳароратию самимиятда, деб ўйлайман.

Республика ёшлар газетасининг устоз Жаббор ака Раззоқов ва унинг ўринбосари Қулман Очилов раҳбарлик қилган йиллардаги нуфузини биз тенги газетхонлар яхши эслайди. Катта журъат ва эл-юрт тақдирига куйинчаклик билан берилган мақолалар туфайли газетани киоскалардан топиб бўлмасди. Ёки «Оила ва жамият» газетасининг Қулман Очилов бош муҳаррирлик қилган йиллардаги сонларини бир варақлаб кўрсангиз, унинг сочидан тирноғига қадар профессионал газетачи эканига тан берасиз.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Қулман Очилов йигирма икки йил Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида бош директор ўринбосари лавозимида ишлади. Дўстимизнинг ЎзАда қандай ишлаганини тушунишингиз учун битта факт келтираман: у йигирма икки йил меҳнат таътилига чиқмаган. Йигирма икки йил ярим тунда уйига қайтиб, тонгдан ишга келди. Унинг ўзи бу ҳақда «Йигирма икки йил йигирма икки соатдай ўтиб кетибди-я, жўра?!» дейди.

Бу фидокорона меҳнат, Ватанга хизмат ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвонига сазовор бўлди.

Қулман – меҳнаткаш, ғайратли, ташаббускор, тиниб-тинчимайдиган ва айни пайтда таъби нозик, бир оз инжиқ одам. Буни кейинги йилларда унинг мамлакатимиздаги турли журнал ва газеталарда кетма-кет чоп этилаётган ҳикоялари, қиссаларидан ҳам билиш мумкин. Томчи кунлар

ўтиб тошни тешганидек, Қулманнинг бу бадий изланишлари ёрқин натижалар бераётир.

Дўстим Қулманни ҳаёт кўп бор синовдан ўтказди, ҳамон синаяпти. Аслида тирикликнинг ўзи бир синов экан-ку, биродар. Унинг фарзандлари, набиралари шундай отаси, бобоси, маслаҳатгўйи, ғамхўри борлигидан фахрланса арзийди.

Қулман Очиловнинг омади, бахти шундаки, ҳаётда кўп яхши одамларга дуч келди. Унга Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Неъмат Аминов, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Иброҳим Ғафуров, Маматқул Ҳазратқулов, Маҳмуд Саъдий каби ўзбек адабиёти ва журналистикасининг дарғалари билан бирга ишлаш насиб этди. ЎЗА маҳорат мактабида тарбияланиб, Қулман Очилов сабоқларидан баҳраманд бўлиб, журналист сифатида шаклланган ёшларнинг бутун бир авлоди камолга етди ва улар бугун ўзбек матбуотини тебратиб турибди.

Қутлуғ ёшга тўлган Қулман дўстимга мустаҳкам соғлик, ҳамиша яхши кайфият тилайман. Сизни сира ғайрат-шижоат, жўшқин илҳом тарк этмасин. Газета-журналлар, интернет сайтлари ёзганларингизни бериб улгуролмай, шогирдларингизга, оғайниларингизга доимо ибрат бўлиб юринг, ошна!

2017 й.

ЁРУҒ ХОТИРАЛАР

Ислом Каримов Қашқадарё обкомининг биринчи секретари сифатида ишга юборилган 1986 йилда мен область партия комитетининг нашри – «Қашқадарё ҳақиқати» вилоят газетасида ишлардим.

Янги вилоят раҳбарига ўтмишдан оғир мерос қолганди. «Пахта иши» туфайли Москвадан келган махсус тергов гуруҳи раҳбарлари – Гдлян ва Ивановнинг зуғумига чидолмаган вилоят партия қўмитасининг йигирма беш йиллик биринчи котиби, Шароф Рашидовнинг сафдоши, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Рўзмет Ғоипов ўз жонига қасд қилган, ундан кейин бир йилгина ишлаган сурхондарёлик Нормўмин Туропов ишдан бўшатилиб, устидан жиноий иш қўзғатилганди.

Мана шундай оғир бир шароитда Республика давлат план қўмитасининг раиси, молия вазири бўлиб ишлаган Ислом Каримов вилоятни қабул қилиб олди. Бу ўз фикрига эга, қатъиятли кадр учун ўша йиллардаги республиканинг «қўғирчоқ» ҳукумати томонидан ўйлаб топилган бир «сурғун» – мақсад Ислом Каримовни йўқ қилиш эди.

Ислом Каримов ишни вилоят билан танишишдан бошлади. Бир ўзи кузатувчиларсиз обкомнинг унча янги бўлмаган «Газ – 24» «Волга» машинасида вилоятнинг тоғ ва чўл зонасидаги энг олис қишлоқларигача бориб чиқди. Одамлар билан танишди, шароитларни ўрганди, муаммолар билан қизикди. Қама-қамалар, адолатсизликлардан аҳоли чарчаган, турмуш оғирлашган, каттаю кичик раҳбарлар кўрқиб қолган, ҳамманинг боши эгик эди.

Мен туғилиб ўсган Чироқчи туманидаги Кўкдала қишлоқ советининг раиси бўлиб ишлаган раҳматли Шодмон бува Жумаев шундай ҳикоя қиларди: «Бир куни эрталаб идорамизнинг олдида тургандим. Оппоқ «Волга» келиб тўхтади ва ундан ранги тоза, одми кийинган, ўрта бўйли

киши тушиб, мен билан саломлашди ва ёнимиздаги «Сельхозтехника» машина-трактор парки томон юрди. Область ва райондаги аксар каттаю кичик раҳбарларни танирдим. Бу одамни эса эслолмадим. Шунинг учун уни кузатиб турдим. У машина-трактор паркининг очик турган дарвозасидан ичкарига кириб, ҳовлида турган техника воситаларини бирма-бир кўздан кечирди, қоровулдан нималарнидир сўради ва қайтиб чиқди. Корхона раҳбари ҳали ишга келмаганди. У яна менинг ёнимга келди. Қишлоқда қанча аҳоли яшаши, нечта мактаб ва боғча борлиги, касалхона ва бошқа шароитларни сўрай бошлади. Мен сергак тортдим. «Кечирасиз, мен сизни танимайроқ турибман» дедим. У киши жавоб берди: «Каримовман». «Қайси Каримовлардансиз?». Шунда у киши мийиғида кулди ва ўзини таништирди. «Мен обкомнинг янги биринчи секретари Ислон Абдуғаниевич Каримов бўламан» деди. Ҳаяжонланиб, ҳовлиқиб қолибман, шекилли.» Ассалому алайкум, Ислон ака, унда бошқатдан бир кўришайлик» деб икки кўллаб кўлини сиқдим. Ислон Абдуғаниевич жилмайиб қўйди ва мен билан хайрлашиб, машинага ўтирди. Кейин ҳам қишлоғимизга бир неча бор келди».

Бир куни бош муҳарриримиз ҳаммани обкомнинг янги биринчи секретари чақираётганини айтди. Вилоятнинг барча журналистлари йиғилгач, Ислон Абдуғаниевич уларга қарата: «Мен вилоятда янги одамман. Сизлар менга ёрдам беринглар. Вилоятдаги шароитни, муаммоларни айтинглар!» деди ва у кишининг таклифи билан биз туманларга бириктирилиб, одамларни дала ишларига жалб қилиш мақсадида тарғибот-ташвиқот юмушларини олиб бордик. Масалан, мен ўша пайтдаги Усмон Юсупов номидаги туман (ҳозир Миришкор)га бориб, бригадаларда деворий газеталар чиқарганмиз.

Бу ишлар қандай натижалар берганини билмадим. Аммо шундан сўнг Ислон Каримов ҳар ойда биз билан учрашадиган бўлди. Саволларимизга

жавоб берар, инжиқроқ ҳамкасбларимиз билан баҳслашишдан эринмасди. Ёки ҳар душанба куни бўладиган таҳририят «планировка»ларида кўққисдан бош муҳарриримизга кўнғироқ қилиб қолар, газетада берилаётган мақолалар ҳақида фикр билдирар, кўрсатмалар берарди.

Умуман, Ислом Абдуғаниевич журналистларга нисбатан эътиборли эди. Кейинроқ у киши республикага биринчи раҳбар бўлиб кетгач, ЎзАнинг вилоятдаги мухбири сифатида кўп бор Қашқадарёга қилган сафарларида ҳамроҳ бўлганман, ўтказган йиғилишларида иштирок этганман. Тошкентга қайтар экан, аэропортда, албатта, журналистлар билан бирма-бир қўл бериб кўришар ва сафар ҳақидаги фикрини, саволлари бўлса беришини сўрарди. Журналистлар билан кўпроқ гаплашишга интиларди.

У кишининг Қашқадарёга меҳри бўлакча эди. Бу воҳани иккинчи она юртим, деб атарди. Ва бир гапни кўп бора такрор-такрор айтганини эшитганман:» Менинг Тошкентда кабинетларда ўтган 27 йиллик умрим Қашқадарёда ишлаган уч йиллик иш фаолиятим билан тенг тош босади» дерди. Имкони бўлса, бир йилда икки бор, ҳеч бўлмаса, албатта, бир бор бу воҳага сафар қилар, кўпинча ёз ойларида ёки пахта йиғим-терими мавсумида борарди. Биз у киши ҳаётининг энг қизғин йиллари ўтган жойларни кўриб, бирга ишлаган одамлар билан учрашиб, меҳнатларининг самарасини сезиб, завқ, куч-қувват олишини ҳис қилардик. Қашқадарёликлар ҳам бу кишини яхши кўради. Оғир дамларда воҳа аҳлини қўллаб-қувватлагани, вилоят шаҳар ва қишлоқларини обод ва кўркем қилишга қўшган ҳиссасини сира унутмасди.

Бу дунёда ҳеч ким боқий эмас. Ислом Каримов «ўтган»ида бутун Ўзбекистон йиғлаганининг гувоҳи бўлдик. Бугун Ислом Абдуғаниевич орамизда йўқ. Аммо у киши амалга оширган эзгу ишлар ҳамиша барҳаёт. Эккан дарахтлари яшнаб турибди. Шогирдлари мамлакатни бошқармоқда.

Шу ўринда Ислом Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан донишмандона иш тутилганига бутун дунё тан бермоқда. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, у киши туғилиб ўсган юрт Самарқандда, катта сиёсатга учирма бўлган Қашқадарё вилоятининг маркази – Қарши шаҳрида Биринчи Президентимизнинг ҳайкаллари қад ростлаб турибди. Ишлаган, асосий умри ўтган Оқсарой қароргоҳида илмий-маърифий ёдгорлик мажмуи ташкил этилган. Халқаро аэропортга, у киши ўқиган техника университетига, қатор кўчаларга Ислом Каримовнинг номи берилган ва ҳоказо.

Қайтар дунё деганлари рост экан. Бир вақтлари у кишининг ўзи элимизнинг атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовга нисбатан тарихий адолатни тиклаган эди. Ўзбекистон ҳукумати бу масала – ўтмишга муносабатда кўплаб олис ва яқин давлатларга ибрат бўлмоқда, дейишимиз мумкин.

Таъкидлашим керакки, ижтимоий тармоқларда баъзи бир хориждаги ҳамкасбларимизнинг Биринчи Президентимиз шаънига билдираётган танқидий фикрларини мен сира қабул қилолмайман. Уларга айтадиган гапим: шу одамнинг ўрнида сиз бўлганингизда нима қилардингиз? Ислом Абдуғаниевич ўзбек халқи учун қилган хизматларининг юздан бирини ҳам қилмаган ҳолда унга «тош отиш», «ғийбат, бўҳтон» ишлар билан шуғулланиш гумроҳлик. Беайб парвардигордир.

Бугун айтилаётган муаммолар ҳамма замонларда бўлган. Ва бундан кейин ҳам камайиб қолмайди. Халқимиз эркин ва фаровон яшашга ҳақли. Шунинг учун ҳам одамлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватламоқда.

Энг муҳими, тинчлик ва мустақилликни асрашдир. Халқимиз, авлодларимиз Биринчи Президентимизнинг номини ҳали кўп йиллар миннатдор бўлиб ёд этгай.

2020 йил 30 январь

МУНДАРИЖА

Ҳикоялар

Улғайиш.....	4
Жиян.....	11
Хўрозқанд.....	16
Ўғил.....	21
Истеъфодаги полковник.....	30
Йўлда.....	34
Полвон.....	36
Алам.....	44
Чойхонада.....	51
Чоллар.....	57
Бозорда.....	60
Имтиҳон.....	64
Ҳоким.....	67
Муддат беринг.....	75
«Пуф-ф – пуф-ф ишламаяпти».....	76
Туғилган кун.....	77

Қисса

Тазарру.....	82
--------------	----

Публицистика

Фонограмма ҳақиқий санъатнинг кушандасими?.....	156
Ўзлигини йўқотмаган элим.....	163
Тил – миллат руҳи.....	167
Спорт бола характеришни шакллантиради.....	170
Сени соғиндик, баҳор.....	172
Уйда тинчи бўлсин йигитнинг.....	174
Ойдан-да гўзалсиз, кундан-да гўзал.....	176
Президент уйлари – обод юрт таянчи.....	178
Сут сотаётган аёл.....	184
Мутахассис изоҳи.....	187
Ота каби улуғ, онадек азиз, мукаррам... ..	189
Карвонимиз ёруғ манзилларни кўзлаган.....	198
Китоб – мўъжиза.....	201
Истиқлол берган имконият.....	207
Навқирон йигитдек бақувват, оқила қиздек гўзал... ..	212
Чироқчининг чироқли йигити.....	216
Ёруғ хотиралар	219

АБДУЖАЛОЛ ТАЙПАТОВ

ЎҒИЛ


**“Sharq” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2020**

**Муҳаррир Рустам Бойтўра
Бадий муҳаррир Баҳром Бобожонов
Техник муҳаррир Диёра Ўтқурбекова
Саҳифаловчи Шаҳло Буриева
Мусахҳих Шарофат Хуррамова**

Нашр лицензияси AI № 201, 28.08.2011 йил.

Теришга берилди 05.03.2020. Босишга рухсат этилди
26.06.2020. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. “Cambria” гарнитураси
Офсет босма. Шартли босма тобоғи 7.0. Нашриёт-ҳисоб
босма тобоғи 5.5. Адади 1000. Буюртма № 1010.

**“Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.**





Абдужалол ТАЙПАТОВ
1958 йилнинг 16 мартда
Чироқчи туманидаги
Кўкдала қишлоғида туғилган.
1979 йили Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика
институтининг ўзбек тили
ва адабиёти бўлимини
тамомлаган. Дастлаб мактабда
ўқитувчилик қилди, кейин туман,
вилоят, республика оммавий
ахборот воситаларида ишлади.
Қашқадарё вилояти матбуот
ва ахборот бошқармасида,
«Насаф» нашриётида раҳбар
бўлган. Айни пайтда
ЎзАда бош муҳаррир.
«Шўҳрат» медали (2002й)
билан тақдирланган.

«Тазарру» (1992й) номли
қисса ва ҳикоялар тўплами,
қатор жамоа тўпламларида
асарлари чоп этилган.



12+

ISBN 978-9943-5994-9-9



9 789943 599499